



Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий



ТУЛА АСАРЛАР ТУПЛАМИ

Беш томлик

Таҳрир ҳайъати:

Найм ҚАРИМОВ, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
Ғаффор МУМИНОВ, Бахтиёр НАЗАРОВ, Юсуф СУЛТОНОВ,
Тошпулат ТУРСУНОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Лазиз ҚАЮМОВ,
Комил ЯШИН

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти
Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институти

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий



ТУЛА АСАРЛАР ТУПЛАМИ

Бешинчи том

**ХАТЛАР, АДАБИЙ-ТАРИХИЙ ЛАВҲАЛАР,
ҲАМЗАНИНГ ИЖОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ
ФАОЛИЯТИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР**

Тошкент — 1989

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий «Тўла асарлар тўплами»нинг ушбу, сўнги томига адибнинг ҳаёт ва ижод йўлини мукамал тасаввур этишга хизмат қилувчи хат, ариза, адабий-тарихий лавҳа ва қайдлари, шунингдек шоир ижодига оид бошқа материаллар киритилди.

Ушбу нашр ўзбек совет адабиёти тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларга мўлжалланган.

Нашрга тайёрловчилар:

*Раъно ИБРОҲИМОВА,
Тўхтамурод ЗУФАРОВ,
Шарофиддин ЭШОНХУЖАЕВ,
Саидбек ҲАСАНОВ*

Масъул муҳаррир:

Наим ҚАРИМОВ

X $\frac{4702620204 - 4275}{M 355 (04) - 89}$ 222 - 89
ISBN 5-648-00450-8 (т. 5)
ISBN 5-648-00187-8

© Ўзбекистон ССР
«Фан» нашриёти, 1989 й.

Ҳурматли китобхонлар эътиборига ҳавола этилган ушбу куллийёт ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан нашр этилди. Бу нашр ўзининг кўп жиҳатлари билан Ҳамза асарларининг аввалги барча нашрларидан кескин фарқ қилади. Шубҳасиз мамлакатимизда кенг қулоч ёзиб бораётган қайта куриш ва ошкоралик даврининг шарт-шароитларисиз бу нашрнинг амалга ошиши мумкин эмас эди.

Бугунги кунда Ҳамза қаламига мансуб бўлган ва унинг серқирра фаолиятининг турли соҳаларига алоқадор материалларнинг аксари давлат фондларида кўз қорачигидек сақланиб келмоқда. Аммо кенг китобхонлар ихтиёрига берилган кутубхоналарда сақланган инқилоб арафаси ва инқилобдан кейинги даврларга оид газета ва журналлар тўғрисида бундай деб бўлмайди. Бундай давлат муассасаларидаги айрим газета ва журнал тахламлари умуман нобуд этилган бўлса, мавжуд тахламлардаги аксар адабий-танқидий асарлар нодон кишилар томонидан қирқиб олинган. Шунинг учун ҳам Ҳамза сингари XX асрнинг биринчи ярмида яшаган ўзбек адабиёти намоёндаларининг вақтли матбуотда эълон қилинган асарларини тўла равишда қўлга киритиш мумкин эмас. Бундан ташқари, Ҳамзанинг давлат фондларида, хусусан Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида сақланаётган барча асарлари, хатлари, қайдлари ҳам ҳали, тўла ўрганиб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам келажакда Ҳамзанинг ушбу нашрга жалб этилмай қолган асарларининг топилиши табиийдир. Ана шундай асарларнинг бир кичик қисми ҳозирнинг ўзидаёқ топилиб, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1989 йил 1-сониде эълон қилинди.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ушбу нашрни тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институти, Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг маъмурияти ва мутасадди олимларига самимий ташаккур билдиради.

Институт Ҳамза қўлёмаларининг яхши сақланмай, айрим жойлари йиртилиб, айрим ёзувлари ўчиб кетганлиги ва бошқа турли объектив ҳамда субъектив ҳолатлар туфайли адиб асарлари матнини тайёрлашда йўл қўйилган нуқсонлар учун китобхонлардан узр сўрайди.

Институт Ҳамза асарларининг ушбу илмий нашрни тайёрлашда қўлга киритилган тажриба ўзбек ёзувчилари куллийетининг бошқа илмий нашрларини амалга оширишда янги самаралар беради, деб умид қилади.



**Хатлар,
аризалар
Ва мурожаат-
номалар**



ХАТЛАР

1906

[Асомиддин Ҳожи ўғлига]

Хувал ҳай.

Дуойи салом била ниҳоя аз жониби каминаи киромий ал қадри ба жаноб ҳурматлу ва иззатлу ақоф қиёматимизга етуб, андоғ маълум ва равшан ўлғайким, каминаи камтаринлари Хўқанд музофотида сиҳат ва саломатлик даражасида юрубдурмиз ва сиз киромийларни ҳам сиҳат ва саломатликларини шабу рўз вожиб ул атоёдин тилаб турубмиз. Илоҳи, саломат бўлунглар. Яқин фурсатда дийдори шарифларига мушарраф бўлмоқни насибу рўзи қилғай, омин ва раббул оламин. Баъд аз таблиғ калом шулки, камина ўшал куни хизматларидан чиқиб, ўн беш кун дегонда Хўқанд кирдук, яна эртаси Аввалга чиқиб кетдук, бир оз пахта бор эрди, ани саранжом қилгунча 8 кун ўткандин келдук. Аммо... волидамиз бетоб экан. Икки-уч кун ўтуб эрди, эрта пайшанба кеч шак деб тургон куни, чоршанба кечаси дорил фанодин дорил бақога раҳмат қилди. Пайшанба куни чой вақтида жойинга қўйдук. Эртаси фотиҳахонлар бирлан овора бўлиб... хуллас калом шулки, бу ташвишлар бирлан хат қилишга фурсат танглик қилди. Маъзур тутарлар, албатта. Гоҳ-гоҳ бирор парча қоғозни дариг тутмасдин сиҳат ва саломатликни маълум қилиб турсалар, деб илтимос қилдим ва яна сўз шулки, ўшалда отни Иброҳимга сотдим, ҳаммаси буларга сарф бўлди. Ҳеч бирор чин деган гап йўқ. Илтимос қиламанки, падари бузруквор ҳаммамизга маълум қилиб бирор 10 сўм олиб бир тайин одамдан юборсалар, деб арз қилғувчи фақир

Мулла Ҳамза.

Албатта, ҳамма ёр-биродарларга кўпдан-кўп дуои салом. Боқий че гўям ассалому алайкум.

31 шаъбан 1906 (1324) йил.

[Исроил қорига]

Дуои салом била ниҳоя аз жониби каминаи камтарин, қалилул хидмат ва касирул эътиқоди, сиз ҳурматлуларга маълум қиламанки, биз каминалар сиҳат ва саломатликларингизни шабу рўз вожиб ул атоёдин тилаб турурмиз. Илоҳи, яқин фурсатда дийдори шарифларига мушарраф бўлмоқни насибу рўзи қилғай, омин. Баъда сўз шулки, падари бузруквор марҳамат қилурларким, бул Қашғар кўп шўх шаҳар экан. Сен бу ерда ўқий олмайсан. Ваҳм қиламанки, ҳам ўқушдан қоласан ва ҳам забонларига тушунмассан ва ҳам бузулиб кетасан. Яхши илож шулдурки, эмди Хўқанд бориб, оқангиз олдида... «Шерикларинг бирлан ўқуб, ул баҳор келсанг, бирга кетурмиз», дерлар, «То ул баҳорғача мен сени кутуб турурман», дерлар.

Сизга илтимос қиламанки, шуни Ғанихон ҳазрат бирлан ва яна ҳазрат домла ва мулло Зонджон бирлан ва волида бирлан маслаҳат қилиб, шул сўзни тадбирини ва арзини қилиб юборсалар. Агар илож бўлса, телеграф бирлан ё бир хат бирлан маълум қилсалар. Хат борган кун тараддуд... тоинки, жўнамаслук, боқий че гўям.

Ҳамза.

Ассалому алайкум, хатни Абдуллажон Аслиддинбой ўғлига, деб ёзурсиз, албатта. Ҳаммага дуоини салом...

1906 (1324) йил.

1909

[Мулла Миржалол афандига]

Дуои фаровон ва таҳийёти бепоён адосидин сўнгра етиб андоғ маълум ўлсунки, бизлар мунда сиҳату саломатдурмиз ва сизларни ҳам олло таоло саломат қилуб, яқин фурсатда дийдор кўришмакни насибу рўзи қилсин, баъда арз шулки, мазкур конвертдағи хатни очмасдин ё волидамиза, ё ҳамширамиза бериб, жавобини ёзиб берса, юборурсиз, бўлак одамга берманг. Агар хатни Намангонда мулла Абдуллажон Абдулҳалил ҳожи ўғлига тегиб, баъда мулла Ҳамза десангиз, кифоя қилур. Албатта, жавобиға мунтазирбиз. Боқий сўраганларга дуои салом.

Ассалому алайкум, дойи мулла

Ҳамза.

1909 йил.

[Мулла Миржалол ва бошқа биродарларга]

Хувал ҳай.

Жаноб мулла Миржалол почча Охунд ва мулла Абдуллажон поччам ва мулла Мелибой ва мулла Юсуфжон ва ёру дўсту биродарлар. Саъдулло фиддорайн зайдан умраҳу иқболаху ило явмул-қиёма. Дуои фаровон ва таҳийёт адосидин сўнгра етиб андоғ маълум ва равшан ўлсинким, каминалари Намангон музофотида саломатликда барқарор ўлуб турубдурмиз ва сизларни ҳам олло таоло саломат қилиб, яқин фурсатда дийдори шарифларига восил бўлмоқни насиб қилсун ва рўзи омин. Баъда сўз шулки, умид қиламиз бирор дона саломатликларидан хат қилса, то анга таскина дил бўлса, яъни таъбир шулки, бу хат билан бир дона хат солдим. Ҳамшираға берурсиз, волидаға ўқиб бериб, жавобини олиб берур, бизға ёзурсиз ва яна окомға билдуриб юрманг, албатта. Хат етгон за-

мон жавобиға хат қилиб, агар аробахона борсангиз ва Бойхон деган аробакашға бериб, «Мадрасаи Сардобада тургучи хўқандлик мулла Ҳамза деган муллабаччаға», деб тайин қилсалар, бизға тегур. Жума эрта билан берсангиз, олиб жўнар, бўлмаса қолур. Агар фучта (почта) билан берсангиз, конверт теппасиға бу тартибда ёзурсиз. Албаттаки, ушбу хат Намангонда Нўғай кўчасида турғувчи Абдулла махсум Гузабуллаефға баъда мулла Ҳамза хўқандликға тегсун, десалар, бизға тегур, албатта.

Кўз интизор бўлмасун, жон почча, илоҳи, саломат бўлинг. 1327 (1909) йил 5-робиял сонийни панжшанба куни ёзилди, жумъадин хат қолмасун. Зероки, шанба куни мен мулла Бозор охундға такрор ҳуллага чиқиб кетарман, албатта.

Ассалом.

Мулла Ҳамзахон.

1909 (1327) йил.

[Исроил қорига]

Салом хат

Жаноб мулла Исроил қори, саллама оллоҳу таъоло фиддорайн зайидан умракум доқибан ила явмил-қиёма дуои фаровон ва таҳийёти бепоён адосидан сўнгра етиб андоғ маълум бўлсунки, камина даражаи саломатликда барқарордурмен ва сизларни ҳам худойи таборак ва нақди сар сиҳат ва саломат қилиб, жамъи балоҳои самовий ва оразидан ўз ҳифз-ҳимоятда асраб, яқин фурсатда дийдори шарифларини каминаға мушарраф қилсун, омин. Баъда шулки, юборган ёдномалари келиб тегди, кўп-кўп хурсанд бўлдук, илоҳи, худойи таборак ва таоло ахбори азим берсун баъда шулда ўтгон хатимда билет деб айдим, умид қиларким, иложи бўлса, билет ё гувоҳнома олиб келсаларким, баъзи саёҳатга боргонда, даркор бўлар экан. Албатта ва баъзи шулки, ҳазрат Домлабой мирзо афанди, Валихон тўра борганларида, қиблагоҳға

15 сўм пул берган эканлар, ҳисоби мавжуд деб, хабари бўлмади. «Мен, Валихон тўра, кўп ҳижолат бўлдум, деб хатга айтинг», деб айдилар. Албатта, бул ҳафтадан қолмасун. Агар ўзлари келсалар, билет бирлан олиб келсалар ё бўлмаса арабакашдин юборинг, албатта. Бошқа че гўям, ассалому алайкум. Доъи мулла Иброҳим ҳожидан ва мулла Абдулҳакимдан ва мулла Исҳоқдан ва бошқалардан кўпдан-кўп дуои салом.

Мулла Ҳамза.

Ва яна шулки, иложи бўлса, қиблагоҳга бир дона кавиш ё маҳси биздин айтурлар, чероки икковини олиш[га] қувват етмас экан, албатта.

1909 йил.

1914

[Мирзоҳид афандига]

Муҳтарам Мирзоҳид афанди!

Бугун жума куни кеч соат ...да Мактаби дорул ай-
том хусуси учун Абдураззоқбойвачча маҳалласинда
Султон мирза ҳовлиларина ташриф буюрмоқларини
ўтинам.

Ҳ. Ҳ. Н.

1914 йил.

1915

[Мулла Аҳмадали қорига]

Ассалому алайкум, жаноби муҳтарам мулла Аҳмадали қори!

Эрта жумъа кун 13 нуёбрда Хўқандда тиётру қўюлур экан. Умид мактуби етгач, соат 4 даги «скорий»да етуб келсангиз, тўғри ҳовлига келурсиз.

Адрес: Хўқанд, Масжиди Тароқчи, Ҳакимча ҳовлиси ёхуд поездда келишда Ополлода янада тўхтасангизда бўлур, ортиқ даражада таъйин келурсиз. Ассалом.

Ҳамза Ҳакимзода.

1915 йил.

[Ф. К.га]

Садрул миллат Ф. К. ҳазратларина.

Чўқ-чўқ саломлар баъдинда тубанда ёзилажак масалалар тўғрисида Сизнинг каби маънавий раҳбар отамизга ҳар доим муҳтожлиғимиз қуёш каби аъмо қошинда-да зиёсининг таъсироти маълум бир ишдир. Демак, зўр-зўр имон ила умиддадирмизки, 29 август орқали бу руқъамиза 2 сентябрларғача юборуғингиз жавоби шамималар кунли ва жузъи матлубларимизи ҳосил ва авоми ваҳшияларимизи маҳв этажакдур, иншоолло!

Мо фил мақсад:

1. Ибтидоий мактаб учун 4 мойда Искобил инспектурига берилган ариза (4 синфга борганда русча учитель киритмоқ шарти била) ва 26 августда ижозатномалари олинган. Мазкур ижозатнинг Зайд бин Бакирни исмигагина махсус бўлиб, муаллимни ва мактабхонани исми тушмаган. Аммо мазкур жой мактабхона ва муаллим исмлари аризада сўроғ ва 2-маротаба бўлиб ўтган хати муаллимни ҳам 1-маротаба кўрган. Эмди Валид бин Холид (муаллим)ни ҳозирда

ёхуд кейинча маъзул қилмоқға, яъни бошқа муаллим қўймоқчи бўлган. Зайд бин Бакир 2 инспектурға ариза била маълум қилмоқға (сўнгги муаллимни кўрсатурға) мажбурми? Йўқ!

2. Зайд бин Бакир ўз ихтиёрича муаллимни олиштируви била айблануб закун била мактаби ёпиладурми? Йўқ!

3. (То исфотдан баён ҳожат эмас.) Зайд бин Бакирни қўлида инспектурдан берилган ижозатномаси бўлгон ҳолда сипоҳпўшлар фирқосини мактабни ёпмоқға ҳуқуқлари борми? Йўқ! Агар Зайд бин Бакир ё муаллимлардан бирини чоқиртириб ёхуд ўзлари келгондин келуб, «Мактабингни ёп!..» десалар, биз на жавоб ила мудофаа эта олажакмиз? Ҳарна бўлиб ёпилди эса биз кимға мурожаат этамиз?

4. Мазкур Ваъид бин Сайидни сиёҳпўшлардин хавф этув эҳтимоли бўлиб, ҳовлисини нёода этган вақтда Зайд бин Бакир бошқа жойга кўчмагини инспектурға маълум қиладурми?

1. Зайд бин Бакир (мактабга рухсат олувчи).

2. Волид бин Холид (муаллим).

3. Ваъид бин Сайид (ҳовлисини мактабга берувчи).

4. Сиёҳпўшлар (мутаассиб уламо ва бойлар).

5. Ҳомид (инспектурға кўрсатилган муаллим).

Яъни аризага Ваъид бин Сайидни мактабни бўладургон ҳовлисини Зайд бин Бакир ўзимники деб берган бўлса керак, мунчалик била бошқа ахтор йўқми?

Муҳтарам маънавий қиблагоҳим Ф. Қ... ҳазратларина. Камина ходим ал-худдомлари Хўқандий Ҳамза Ҳакимзода бу масала ўзисина саёҳат тариқагина дугул бори бу мактуби мақравалмосинагина умидланиб турдигим учун бори бу саволлари жаноби олийларидин сўрмакға маслаҳат кўриб, мақсуднигина ёздук: аммо ғазиталарина дарж ўламаздур. Демак, масала бир хил ўлуб, мактаб давом эдарса, сўнгра мадхали таржимаи ҳолин «Вақт» саҳифаларина тақдим этажакмиз.

Ҳамза Ҳакимзода.

1915 йил.

1916

[Номаълум шахсга]

1916 санаи милодийдан 18 сентябрда биринчи жузв «Адабиёт рисоласи»ни икки минг адад нашр қилмоқ ҳуқуқини қалам ҳақисин олуб, «Ғайрат» китобхона-сина бердим. Иккинчи табъ ҳуқуқининг ихтиёри ўзум-дадур, деб

Ҳамза Ҳакимзода ўғли.

1917

[Саидносир афандига]

Биродарим Саидносир афанди!

Ортуқ кутган бир вақтда мактубингизи олдим, бик мамнун ва хотиржам бўлдим. Олло ғайрат ва ҳимматларингизга мустадом ўлсун. Хатингиз сўнгида 4 бор хат юбордим. Сўрагон пурмадаги ёзувнида кўндургон эдим. Хатларингиз 3-Мирҳомид афандига, 4-бир нуғайдан, бошқаси Петроградга эди. Шояд шимди тегар. Шулай бўлса-да, бир пурма ёзуб юбордум. Афандим, дўкон очдиқ, лекин савдо кутарлик тугил. Шулай бўлса-да, кундуз бешар соат очула, ўзум 2, 3 соат боруб турам. Халқ эски (мадраса дарсиялари) китоблари сўрилар. Бу тўғрида бир нарса десангиз, сўнгра суйлашуб кўрармиз. Матбаани сўрайсиз, завут юргонда Мирзараҳим акам ишчиларга уя ясагон эдилар, ҳозирда қоровуллар тутотуб ёта. Ҳарфларнинг ҳолина қараб-да бўлми. Бир, икки бор сўзлаб, шакар олуб едик. Зулфия тўғрисида сўрайсиз. Мен ўқуб турган учительница айта: «Мен бошда Миржалил ўғлига айтган эдим, бирор муаллимада бу йил тайёрлаб, яна йилдан учительницага беринг ёки муаллима-да ўқутуб турсун, мактабда-да ўқусун», деб. Мана ҳозир кўб қийнолуб борамен. Муаллимаси бўлгонга муаллимлари менга таъна вералар. Сиз ёзинг... Мен бу сўзни эшутгач, ўзидан сўрадим, ўзи-да шулай дейди. Сўнгин мен арабча ва шеърларин тўхтатдим. Ёлғуз музикагина уйрануб тура. Энг қийин дарслари жуғрофия, тарих бўлгонга мен уч-тўрт кундан бери жуғрофиянинг мусулмончасиндан тавли арз каби муҳим ерлариндан ёрдам беруб турубман. Лекин аҳамиятсиз, афандим. Бу ҳолда икки савол хотирима бундаги қудрати идрокиянинг озлиғи мувалладдандир. Албатта, Сизга маълум бўлса керак. Агар шундан, бунга (маъсума!) демакдан бошқа жавоб йўқ. Агар шимди ўлуб дарс оғурлидами?! деган саволга (ибтидоий миллий мактабда тарбиянинг тамаййуз ва муаллимнинг ишда

мусоидасигина сабабдир) деган жавоб кифоя эди. Буни чораси надур? Ҳалигидек хусусий яна бир муаллима олуб ёрдам этмакдир. Мен бўлди бўлгач, мусиқани-да тўхтатаймукин, деб ўйлаган эдим, лекин кўнгли ранжийми?! «Мени лаёқатим йўқ экан...», деб ўйлийми? Чамамда, банимча, мусиқани онга зарали бўлмаса керак. Сиз не ўйлайсиз эди? Афандим! Баъзи қавмсиз сўзлар: газетадаги турли қоралар бурчи, энди, туркийси таваррудимиз уй хўжасин соатиндан бизи миллий иш ичиндан сувдуруб келувингиза таклиф этувга виждон йўл вермийдир. Рухсат версангиз, ўзумгина бир боруб, кўзум ила кўруб кела эдим. Қайфингиз нечук? Афандим! Сизга шул, Туркистонда уй ичингиздан бошқа бирор оқибатсиз сиддиқ бир киши борми?! Тажрибамча жавоб сукутдир.

Тамзови жавҳарий қўлунга инсоннинг табиатида ўлан рашк... Онинг мукофоти ўлароқ душманлиғ ортар. Ҳатто дугил, лекин жаҳолат аҳли надир. Илова этароқ дейдиларамки, инсон ўзини яхшилик даражасини ортуқлигин душман — таъдидиндан билса бўлур. «Хайр ул-инсон минал-лисон». Афандим, мендан кўб иш ва натижа (тижорат хусусинда ҳамда бошқа тўғриларди) кутгонсиз. Лекинда мен оз ишлаб ерина... еткурдан ожиз қолмоқдайим. Нимадин ҳануз қонтура асбобларина учун жой тайёр эмас. Кимга айтувумни билмим... Савдо оз, ғазета сотадирган дуруст бир бола топа олмим, тиралуб ёта. Бурнашурға ойтсам... Савдо эллик сўмға етгон йўқ, болани ойлиги бўлуб қолди. Ўзумни эса олуб келган оқчаларни (ҳисоби тугул) ўйласам, ваҳм ола. Бу тарбия ва умидларингиз эвазина мукофот ўлароқ берилгани на қилдингиз?! деган саволға «Сукутман», жавоб ўладур. Энди бурчландим. Ўзум ҳайф бўлганга виждонимда оғур тугил, хусус сиздан...ни ёзган хатидан мазмун сўрагон эдим, сукут этдингиз. Маълум ўлаки, келдингиз-да фаранжи ёпинубгина кўришурға тўғри кела. Эл сўзича, али мен нахсдан қутулғоним йўқ экан. Кўп узун ёзувға вақтингизи мусоидасин ўйлаб тамом эдим.

Ҳ. Ҳакимзода.

Хўқандда... бўлса, юборув учун «Ғайрат» китобхонасина ишора этсангиз вақт бўлурми?

Аввалги хатларда аҳволдан хабарсиз баъзи ортуқча сўз ёзгонман, афв эдарсиз.

1917 йил.

[Саидносир афандига]

Муҳтарам муаллими биродарим! Саидносир афанди!

Ортуқ кутган бир вақтда шул мактубингизни олдим. Бик мамнун бўлдим, хуш!

Мен мундан илк хотингизи сўнггинда 4 мактуб кўндурдим. Учиси нумр Петроградга, бириси бир тотар кўлиндан ҳозир ёзув хусусиндада ёзган эдим. Билмим, нима учун тиймагандир? Ғайрат ва ҳимматларингиз сабот ва матонат тилаган сўнггинда саволларингизга жавоб ёзам. Дўконни очмаган биз, лекин савдо маъноси йўқ болага овқати ўзидан ўлароқ, чамамда, 50 сўмларга ризо бўлажак. Афандим, жуда одатдан тиш совуқ. Халқ совуқга исиқ маданияти била овора, китоб ўқисиди келми дейим. Унинчи январда очган эдик, ҳозирда-да соат 8 дан 4 ларгача очилуб тура. Узумда боруб турдим, ўзимда 27 январларгача чидаб турдим. Бўлмагач, ярим сажен ўтун олдируб, катта фечнигина ёқдум. Шулай бўлса-да, совуқ енгуб борадир. Яна ҳасратга тойилдимми?! Афв!

Матбаадан эса зовут юргонда Мирзараҳим олган ишчиларга уя ясагонлар. Ҳозир шароити хизматчилар тутотуб ёта. Ҳарфларин ҳолина қараб бўлми. Бир-икки сўзлаб қанд олуб едук. Сўнгра Зулфиянгиши муסיқадан бошқа сабоқларин тўхтатдим. (Ёзгонда эдим.) Сабаблари бор. Қисқача айтганда, ман боруб турган учительница айта: «Ман Миржалиловга айтгон бу йил хусусий бир муаллимада ўқитуб, яна йилдан висчий (высший) училишага беринг!» Мана ҳозир дарслари оғур, муҳофаза қила олмай, қийналуб борадур. Ҳафтада ўн кун без обед (озоддан қолув). Энди икки йўл бор, ё аввалгича бутун олуб, хусусий ўқитув ёки кеч-

ми?! Бирор муаллима олуб, уйда-да ўқитуб ёрдам эти- лув. Мен ўқитгон мактабдаги муаллим ва муаллима- лар манга таъна вералар. «Сиз Миржалиловга ёзинг!..» деган эди. Мен шунинг учун Сизга ёзмасам- да, менда ўқуб тургон сабоқларини тўхтатган эдим. Мактабида энг муҳим дарс ҳисоб ила жуғрофия (тав- ли даражаи арз...) бўлгонга мен қўлимдан келган қа- дар она тилиндаги жуғрофиялар била-да ёрдам беруб тура эдим. Ҳозир ўзининг сўзичада, мени ёрдамимни аҳамияти оз, «қийналувум орта бора», дий. Энди хо- тирга бир савол кела, бу қийналувига зотан ўзидаги фитрати идрокияни озлигимми?! Агар шундай бўлса, ун- дан Сизга-да маълум бўлса керак. Бу тўғрида ўзида маъсумадир. Бунинг кўброқ ибтидои мактаб муалли- мининг тарбиясизлиги ўқитувда масоҳаласидир. Бу мани...* энди мусиқасинда тўхтатайинми, деб ўйлаб тура эдим. Сиздан бу хатни олдим. Менга яхши бўл- ди. Нетарга? Ўзингиз бир маслаҳат берурсиз. Аммо сабоқларига мусиқасин ҳалали бўлмас, деб билам, ё тўхтатайинми? Ўзидан вердигим саволлара олдиғ жавоблара кўра мактабида тартибсиз, муаллим, му- аллималари пулга сотулган хулиганлар (вақтдан истей- фодачи)ларга ўхший. Шогирдларин тафтиш исмат та- рафин муҳокама, ахлоқ тарафин муҳофаза каби... де- бочаси ўлан сарлавҳалари йўқ ўхшийдир. Не тонг!

Асарлар бир оз яхши бора, дидингиз бир оз қувон- дирди. Сўнгги хайрли ўлсун! Нуғайдан юборилган хат- да ёзилган сўз, саволлар бор. Шояд тегса, вақтингизи мусондасинда жавоб ёзурсиз.

Туркистонда эса беш-тўртта бойлар (Абдулла оқ- соқол тўпи) ҳар кун фақирларга ош қилуб беруб ту- рубдурлар. Самиятларина давомат ўлсу-да қозон-чў- мичлари ибрат қилмайди.

Афандим! Маломингиз ўлмаса, Сизга бир мундари- жа ёзуб ўтдим. Сизга Туркистонда, уй ичингиздан бошқа бирор рақобатсиз, сиддиқ киши борми?! Эшита бу саволга маиним тажрибамча сукунатдан бошқа бир жавоб йўқдир. Моша оллоҳ, Сиз на ёпдингиз бу эллар- га?! Балли! Танатов ҳазратнинг қулича, «Инсоннинг

табиатинда ўлан энг ҳар бир нарсадан иқдисиндан нақадар яхшиликдур эса, душманлик айта ничук! Сенда на борисин у ўзи қилурга ё ожиз, ё ёлқов, ҳар иккисида олий бурчлидур...» Мақовали ҳикматсиз дегил каминангизда бўлма тажрибая етуртишдир. Банда анча илова ўлароқ дея биларамки, инсон ўзининг яхшилик даражасини душманнинг тадорикидан билса бўлур.

Афандим, ман яна ҳар ишга ҳайронман. Наздимда. Худоёрхонни лаванди каби тарбиянгиз аъфина қилган ишми (Зарифангизда ўлан умидимдан бошқа) таъйини йўқ. Дўконда қизув савдо йўқ. Эшак беш танга, тўқуми қирқ танга, деганидек болани ойлиғи бўлуб қолди. Мени бир жоним учун берилган икки-уч маҳал авқот фанор фийолам шаробда, дегандек ташвиш. Буни устига бир қанча оқча-да бўйнимга тушуб тура. Сизга бир кун мукофот бадалина сукутми?!

Айтуб турам! Бу хаёл мени энди ҳайронға қуйуб бора. «Хайр, уч-тўрт олий ходимлар қатори...», дейманда, қалб била раҳмат ўқуб, дуоингиздан кун кечирам.

Инна оллоҳа ла йузиъу ажра-л-муҳсинина!

Ҳамза.

1917 йил 12 ноябрь.

1919

[Ҳомидхон афандига]

Салом, биродарим Ҳомидхон афанди. Жанобингиздаги мени адабиётим («Кўнгул боғчаси»)ни биродаримиз муаллим афанди мулла Маҳкам Ҳакимия ҳазратларина билотаваққуф топширувингиз камина тарафиндин оқтуқ илтимосдир.

Дуоён Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1919 йил 21 март.

Эски Тошканд ижрония кўмитасига

Ўтунчи!

Гарчи бизим бу улуг санчоғимиз остида иштирок этувчилар, маданият ва маорифнинг тўлдийи насиминдан машоми баҳрасизроқ, инқилобнинг буюк тўлқинларина қулочи қисқароқ, лекин (умид! тобинг нишонасина ҳадоф)лиғи бадиҳий ўлдиғи учун марказдоғи қалб кўзи била ҳар бир амалнинг нечаки ерларини макони фуқаропарварларнинг назаринча, иншоолло, ҳар бир кичик бора-бора буюк ўлажакдур. Демак, ўзи ёш ўлса-да, миллатнинг буюк хизматларини устуна олароқ қаҳрамон вазифасини адосина чолишмиш. Шу бечора меҳнаткаш ходимларингизи замон иқтисосинча қийматчилик, дўст кўтоҳликлари манзара тутиб, алларингизда ўлан яди маоданат ила таҳийёжлари сайимоқ, роияларин дариг тутмайдурсиз, деб аминдурсиз. Алал-хусус, шул замонларда хизматда чолишонларнинг емак сарватин пўшларининг таҳаррик ва тарадду сизнинг кабик олий хидомларнинг ғайрат ва ёрдамина боғлуғлиғи мутаҳаққиқ амаллардандир. Демак, уйла баробар зоти олийларингиздан таманно эдар эдикки, сўзига ниятлари оёқ ва уст кийимларина муҳтожлиғи такрор назарларингиздан кечилдикча маълумдир. Бинобарин, Сизларнинг амирларингиза эҳтиёжимиз ор-

туқ мажбур этдиғи баробарила рижо эдамизки, иншо-олло, бу талабларимиз мардуди мамну ўлмозлиғина баробар тез фурсатларда мақсадимиза ноил-да ўла-жақмиз.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1919 йил 11 октябрь.

1920

[Уртоқ Исаевга]

Уртоқ Исаюф!

Андижон ва Хўқандга командировкам учун ўртоқ Тарасуф сутишни ақчани бермаган каби, Хўқандда ҳам сентябрь учун ман Сизи олдингизга борганим учун «Кеч қолдинг», деб бермадилар. Ман Сиздан ўтинар-эдим, областдан буйруқ қилсангиз ва ёхуд мен ҳар бир вақт шундай умумий ҳаққимдан ҳам маҳрум бўладирган бўлсам, 1 ўктябрдан эътиборан мени ҳукумат хизматидан бўшатуб қўйсангиз, деб

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1920 йил 1 октябрь.

[Номаълум аёлга]

Буюк эҳтиром ила ҳадсиз салом.

«Фалсафа, китобот инсоннинг маърифатиндан бир намунадир». Оҳ... ман сизи ҳақиқий бир турмуш саҳифаси ва асослик бир муҳаббат шукуфаси, ўлук бир жисмнинг чин ҳаёти, айнан бир рўзгорчининг қўйру қаноти эдиғингизи кўп таъриф эдан оғизлариндан эшитув ила баробар ничка қалбин ва дийдаи самоъга у қадар бир кўрув шарораси таъсир этмишдурки, ҳар икки қўнғилнинг бир-бирига таъсири ўлурса, бирга яшайиш орзусида шу қадар таманно ўлмишдир.

Қунлар, оқшом, кечлар сабоҳа қадар ҳаққингизда ўйлаган фикрларим, хаёл ила мажҳул ҳукмлара ботинуб сўзлаён зикрларимни эшитурса, қошимда бўлган ҳар бир киши мутлақ мани мажнун, ё нури онасидан айрилмиш тирик бир етим жужуқ каби оғлаюн, ёки давосиз бир ҳастая дучор ўлдиғин онгламиш, бир бечора ҳисоб этмаси муҳаққақдир. Ман сизинг кибики ўзбек оламининг сайёраси ёрашиғинда ўлан қора кўз, тотли сўз, олий фитрат, беғайб фазилат, марҳамат

ойин, илм башари, рафиқи балки моҳувал-мақсуд топилур.

Ҳар кун сабоҳ оқшомлари алларин ўпуб хизматинда... бир ходими ўлмоқ хусусинда саналарини тилга ва кўз ёшлари била санаб ўтказмиш бир анисимга букун жаноби ҳақ ул орзувди эгув хасолима шариф этмоқ соатларин бағишлаюрмиш, ишта у дунёда истадигим мурод боғчаси ва андалиб кибиқ чекдигим оҳи-наволаринг етурмиш, талаб ғунчаси сиз эмишсиз. Афсуски, биздаги ота таассуф ва она жаҳолати остинда қуёшинг ўрамиш қора булутлари кибиқ сизиди ўрамиш, жаҳолат ёпқучларини сиза эришдирмоқ ва қопма қаршу юракдаги сир ва ажиботларни сўзлашмая монё ўлмишдир. Йўқ, сиз у жоҳил оналардан туғулмиш ўлсанғиз-да маданият қизи ўлдиғингиз учун, аминманки, шул мактабларда олдиғингиз таълим ва тарбиялар сиза таъсир этмиш. Сиз кўра-била турубда, 50—60 йиллик ширин бир ҳаётингиз оналар жаҳолатина қурбон этмаён мангуликгина бир ибдош қучоғина ўзин отан қаҳрамон бир турк қизисиз. Шунинг учун ман сиза очуқ бир ёзув ила мурожаат эта оламанки, мани шу қисқа ёзувларимдан чўқ маънолар онглауб, бир кун баним қошима бир келмай, ҳаёт хусусинда афкорлашмая ваъдай китобот эдиюрсиз. Бу ҳақда сўзлашурмиз. Баним сўзларимни онглаб, бир жавоб ёзмағингиза ўтинуб қолдим.

Шеър:

*Утон умринг тазойиъ айламакдан, эй паризода,
Нечукким, чеҳра дарсин топ ўзингга, хайли
озода.*

*Илм дарёсидин бир қатрае нўш айламишсанми?
Отил оғуш илма, тушма макри одамизода.
Жавоби хомая таъхир қилма, эй таманножў,
Умид ила сана мактуб ёзгандир Ҳакимзода.*

Хат учун Хўқанд биринчи мусулмон, «Дор уш-шафақа» мудир

Ҳамза Ҳакимзодаға.

1920 йил 22 ноябрь.

سودا
ملازمین و اولاد

دعای تراوان و توحید بر زبان او اسیدین
بیتب انداخ معلوم او پند که نزل از موند
معتد و سلامت دور میر و سیز لار نهم
امکت توحید سلامت فیلیب یقین نرسدت دعا
دیدار کونستما کنی فیلیب درونی فیلیب
بی و عشق کونستما کنی فیلیب درونی فیلیب
فیلیب آتجا سیدین یاد اده میر فیلیب با پیوسته
بیش بریب جدا نبی یا زلیب بیریپ
بیار و سیز لار کونستما کنی فیلیب
اگر فیلیب فیلیب کونستما کنی فیلیب
شیدا خلیس و لار از غنیف فیلیب اجده مدله
و سیز لار کونستما کنی فیلیب
بقر سیز لار کونستما کنی فیلیب
اللام علیک و از موند

Ҳамзанинг мулла Миржалол афандига мактуби. Қўлёзма.

[Қўқон шаҳар маориф шўъбасига]

Маориф шўъбасига. Биринчи мусулмон «Дор уш-шафақа» талабалари учун қўлимизда бор 67 адад матраслар кифоя қилмадиғи учун янгидан 33 адад матрас, 33 адад болиш қилмоқға ижозат бермоғингизни ўтинаман.

«Дор уш-шафақа» мудир

Ҳамза Ниёзий.

1920 йил 2 декабрь.

[Сиддиқ ҳожига]

Ўртоқ Сиддиқ ҳожиға!
Афандим!

Бир соатлик вақтингизни қизғонмасдан, хат борув ила баробар «Дор уш-шафақа» мактабина марҳамат этсангиз эди, деб ҳурмат ила

Ҳамза Ҳакимзода.

1920 йил 18 декабрь.

[Райком секретарига]

Райком партия бошлиғига.

Хат олиб борувчи ўртоқға Исмоил бобойнинг чеки учун ўттуз беш (35.000) минг сўм тўланмоқчи эди. Ҳануз тўланмаган. Мен ниҳоятда ҳижолат бўлдум, ҳар кун келадур. Мумкин бўлса, ақчасин топширурға Союзлар союзиға буйруқ қилуб, мени ҳижолатдан чиқарсангиз, токи иккинчи бир иш учун юзимиз қора бўлб қолмаса, деб

Ҳамза Ҳакимзода.

1920 йил 20 декабрь.

[Қўқон шаҳар маориф шўросига]

Хўқанд Маориф шўросига!

Қўлумда бўлгон (100) юз дона катта-кичиклик махсилар бор. Болаларга киймоқ учун ниҳоят ёроқсиз бўлгонлиқдан, шуларни сотуб, умумий бола ботинкаси қилдируб бермоқчиман, шунга ишончлик бир рухсат берсангиз, деб

«Дор уш-шафақа» мудири:

Ҳамза Ҳакимзода.

1920 йил 23 декабрь.

[Қўқон шаҳар маориф шўросига]

1920 й. Ҳозирги Шўро ҳукуматимизнинг асосий қонунига мувофиқ ўла ҳар бир қасаба ва меҳнаткашларнинг ўз олдиларинда шўролари бўлуви лозим бўлгон кибиқ биз Хўқанд шаҳриндағи биринчи «Дор уш-шафақа» (етим болалар интернати) талабаларида ўз олдимизда шўромиз бўлувин лозим топиб, 1920 йилнинг декабринда умумий мажлис қилуб, талабалар шўроси очдик. Маориф шўросидан ўтинамизки, бизим шул шўромизи маориф шўроси ўз тарафиндан тасдиқ этуб берса, токи биз расмий ишга киришуб, ўз камчиликларимизни ўзимиз тегишли ўрунлардан ҳал қилмоққа тутунсак, деб

Талабалар шўросининг муваққат раиси.

1920 йил декабрь.

1921

[Ўртоқ Алиевга]

Салом, ўртоқ Алиев!

*Боқ табиатнинг у жаллод раҳмсиз илҳомчисин!
Элга хизмат чун бўлак берган бу кўз қон*

томчисин!..

Қизиқ! Мени кўнглумда бўлгон меҳр-шафқат ҳар вақт шундай кулфатларга йўлуқдурунса ҳам они йўқлик ўрнига зулм ва хунхорлик ўрнашдира олмайман, ажабо! Инсонлиғимми? Ҳайвонлиғимми? Йўқ, балким иккинчи қошимда бўлгон меҳр шафқатлик бир инсоннинг табассумона ишларини уёлта бу йўлда қурбон шарифин кўз ишоралари билан тавқид этадир. Ҳайр, Қосим қизи на ўлур? Ўртоқ Алиев, Сизга мен Бухородин на ҳолда келганлиғим ва на ҳодисалар бошимга тушконлиғин оз сўз, кўп маъно била тасвир этиб ўтгон эдим. Шояд хотирингизда бўлса керак. То алҳолгача ройон ва исполкомда кезуб, бир тийин ола олгоним йўқ.

Иккинчи тарафдан, замонга, назаран кунина 25 мингдан масориф била турубдир. Биз кишига моддий жиҳатдан ҳеч вақт муҳтож бўлмагон бу кунларда инсон иблислари бўлгон Тошкент аҳолисиндан ярим миллионга етиб қарздор бўлдик, ҳамон ортмоқда. Етарга кўрпа, болиш, еярга майин овқат, киярға қишлиқ бир нарса йўқ. Узимиз Хўқанд бормоқ умидинда ҳеч бир хизматга кирганимиз йўқ. Бор-йўқ ишонган нарсамиз бор ўлса, у-да Маҳмуднинг ҳовлисиға амонат қўйилган, бир-икки мис асбоб ва кўрпа тўн ва Сизни уйингизда бўлган гилам ва мебилу ширмалардир. Бир бор хат шул ҳақда ёзиб кўз тутдик, жавоб келмади. Иккинчи маротаба хизмат буюриб эмас, балким ўртоқлик понасин кўзда тутуб ёзарға эркинладикким, бошқалар аҳамият бермаганда ҳам Сиз тарих нуқтаи назариндин шул хат олиб борувчи ўртоқ ёрдамчимизга ёрдамда бўлсангиз ва Абдураззоқни чақириб, мени ёзгон мазмунимда таъйин этилгонча баъзисин оқчасин

ва баъзисин ўзини топширтурмоқға ёрдам этарға илтифотда бўлсангиз, шояд тарихий хизматингиз учун яна икки саҳифа ортурғон бўлур эдингиз. Шунинг ила оқтуқ саломларимни ёзиб қоламан. Яна аҳволимни ўртоқ Ҳомил Рўзи, Фозил ҳожи Гафуруфдан сўрашурсиз.

Ҳамза Ҳакимзода.

1921 йил 20 январь.

[Ғуломжонга]

Хат олиб борувчи ўртоқ Қозимжондан меҳмонхонадаги қизил кўрфа ҳамда ўзими уйимдаги сир кўрфа, қизил кўрфача ҳамда кўйлак, лозим, ковушни олиб, ёстуқ била беруб юборарсуз, деб

Ҳамза Ҳакимзода.

1921 йил 1 февраль.

[Амонати умумия бошлиғига]

...мойдоғи ...-нумралик қоғозимизда кўрсатилгон Обидхўжа Охунча ўғли тўғрисида Сизнинг идорангиздан олунгон ...-нумралик жавоб номангизда они хасталигин маълум қилгонсиз экон. Мазкур ўртоқ Охунд Хўжайуф хасталиқдан тамом ҳожат топуб, букун ...мойда дўқтурдан қоғозига эга экондур. Шунинг учун яна 2-шу расмий қоғозимиз била ёзуб сўраймизки, шу бугундан эътиборан ўртоқ Охунд Хўжайуфни бизнинг тахти идорамизга ўтган ҳисобинда қилсангиз, чунки бизни поездимиз бори шул ўртоқни кутуб турадурлар, деб...

Ҳамза Ҳакимзода.

1921 йил 14 май.

[Исмоилзода афандига]

Маориф назоратининг санойи нафиса шўъбасининг мудири ўртоқ Исмоилзода афандига

Ҳомили руқъага бизим пьесаларнинг олунгонларин ҳақини ва қолғонларини ўзини топшурувингиз матлуб. Баҳо эса нашр шарти ила сатрига 54 сўмдан расмий доғи умумий дикретга мувофиқ бўлса, яхшироқ бўлур. Агарда комиссия кўриб бўлгон бўлса, қарз ўлса (100 000) юз минг сўм юбортуратурсангиз. Чунки, оқчамиз битгон. Яна ўн беш кунларда атрофга кетсак керак, пулсиз, албатта, ҳаёт оғирлиғи маълумдир. Бу тўғрида қачон китоб нашрига бошланур бўлса, иккинчи ислоҳ қилуб борурга масъонд ўлинсун.

Ҳамза Ҳакимзода.

1921 йил 1 июнь.

[Ўртоқ Бекқуловга]

Ўртоқ Бекқулов! Оинада бўлгон маним олтун юзугим тўғрисида расмий управленияга қоғоз берган эдим, шу [нарса] нима бўлди, ёрдам қилсангиз эди. Йўқ эса, ижозат берсангиз, ЧК орқали олурга киришсам, деб

Ниёзий.

1921 йил 23 июнь.

[Ўртоқ Холмуҳаммадовга]

Ассалом, ўртоқ Холмуҳаммадов!

Бандангиз бора олмадим, афв буюрурсиз. Кечаман Сизга режиссёр ваъда қилгон эдим. Ул «Хўб», деди. Ҳамда китоблар хусусинда нима маълумот олдингиз, ҳамда скрипка баҳоси қанчага келди? Агарда маориф китобларни умуман олмаса ёки 50 000

сўм аванс учун бирор китоб олмас экан, мен ҳозир йўл харожатиндан ортдуруб қарз тўлий олмас эканмен, партиядан бирор қоғоз қолдуруб кетаман-да, Тошкентдан курьер орқали юборурмен. Вақтингиз мусоида ўлурса соат 2 ларда бир кируб ўтувингизни ўтинуб,

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1921 йил 12 июль.

[Бухоро Марказий Иштирокиюн фирқасининг ижроня бюросига]

Биз 1921 йилнинг 8 февралиндан бери санъаткорлар шўросинда вазифа ўтаб келмоқда эдик. Иқтисодий тарафдан ниндай оғир ҳоллар кечургонлиғимиз, албатта, маълум бўлса керак. Лекин учинчи майда оилаларимизни тарбиясиз қолгонлигин назарда тутуб, мунда олиб келган эдик. Биз икки эр, уч хотин, икки бола — етти жон бўлдиғимиз ҳолда муддат уч ойдин бери кундан-кунга маишат масорифлари ортқон сайин кунина 15, 20 минглаб масруф тутулиб келди. Ҳукуматнинг берган маоши, табиий, ҳеч бир кифоя қилмағонликдан алҳол бор ашёларимизни сотув ила баробар яна ўзимизнинг союздин ҳам уч юз минг сўмга етуб қарздор бўлдиқ. Бундан кўрилулки, кундан-кун қарздор бўлмоқдан бошқа йўл йўқ. Ҳолбуки, бугун бешолти кундан буён ошарлуқ бир нарсамиз, қарз олурлиқ биродаримиз қолмади. Оиламиз очлиқ таҳликаси остинда кўз тикмоқдадир. Шунинг ила баробар ўтиниб ёзамизки, тезлик ила бизни оилаларимизи ватанга саломат етурмоқ учун ёрдам қилсангиз, чунки биз оилаларимизи очлиқ балосиндин қутқарув ила баробар союздан қарзларимизни ватанимиздан келтуриб узсок, сўнгра яна хизматда бўлсак. Шунинг ила баробар ўтинуб ёзамизки, ҳозирги иқтисодий аҳволга назаран биз етти жон оила учун кунда 25 минг сўм маош ҳукумат тарафиндан берилмаса, ҳаётимиз маалкуллия таҳлика остинда қолажакдур. Албатта, ҳуку-

мат қонундан ташқари ҳеч хизматчиға ортиқ хизмат тўламаслиғи очиқ бир масала бўлгонлиғи учун ҳар ҳолда бизни жўнатмоққа ёрдам бермоғингизи ўтиниби, санъаткорлар хизматчиларидан

Ниёзий.

1921 йил 16 июль.

[Абдураззоқ, волида ва ҳамшира жиянларга]

Салом!

Ўртоқ Абдурраззоқ ва волида ва ҳамшира жиянларга кўпдан-кўб салом. Бундан аввал ман сенга бир хат ва бир амонат юборган эдим, шояд етгандир. Кейин жавоби келмади. Яна иккинчи шул хат била ёзуб ўтинаман. Мен ҳозир мунда ҳеч ишда эмас, фақат пьесалар, хўрлар ҳозирламоқда, лекин Тошкентдаги труппа била ҳеч алоқам йўқ учун пьесаларими оларга билдирғоним йўқ. Шунинг учун оқчаға ниҳоят муҳтожман. Мана сен уйда бўлгон бир катта ва бир кичик мис қозон бор ва ширма бор ва 2 дона эски кўрфа. Шуларни олуб сотуб, оқчасин ва мебил билан гиламни хат олуб борувчи ўртоқ Фозил ҳожи Фафуровга топширув учун жиддий бир ҳаракат кўролсанг эди. Чунки, ҳозирғи биз не эҳтиёж олдинда турувумиз вақтинча бўлса керак. Ҳар ҳолда бу кунни эртаси бор. Абдурраззоқ кўрфаларимизи, кийимларимизи олтурғон, биз ҳайрон, биз қолғон 2 дона кўрфа, бир дона болиш ва бир дона қаламий табаррук қиблагоҳимизи пахталик тўни... шуларни топшурсак. Чунки ҳозир шунда ишларими баробар қилуб бормасам, онда ҳеч ишлай олмасам керак. Энди ул тарафини ўзинг билурсан. Бу оқтуқ ёзғонимдур. Менга оқча топулмаса ундоқ эмас, ҳар ҳолда кимни кимлиғин билурға вақт келди. Али махсум гиламни мунда қиймат дейдирлар, бирор нарса олиб борсанг, шояд қишлик сарфимизи ўтказурмиз, деб ўйлаймиз. Бўлгон-бўлмагон жавобни ёзарсиз, деб

Ҳамза Ҳакимзода.

1921 йил 18 сентябрь.

Сўрагонларга дуоимизи еткузурсиз.
Бир ҳажвиёт ёзғон эдим, ўнгумад.

[Маҳмуджонга]

Салом!

Биродаримиз Маҳмуджон ва ҳамшира ва Фафурвали волидамиз Абдулраззоқ ва оиласи била ва бошқа ёру дўстлар, саллама ҳум оллоҳ фид-дорайн. Кўпдан-кўп дуодан сўнг маълумингиз ўлсун бандангизга тарихий чўқ воқеалар бўлди эса-да қаҳрамонона ўтқармоқдамиз. «Бу кунни эртаси, кечанинг бугуни бор» каби мақолунча, бу дақиқаларнинг ҳар бири онгли синф фикрича, тоза маслак акаларимга тарихий бир режани сўқса керак. Биз, албатта, бундан амин ўлмасбиз. Локин баъзи мақомларда ўлғон эҳтиёжот таҳассуроти бингларча ғамгин этуб нафис фавоиди шамсияга марғуб этса-да (қачон халқ эҳтиёжин истаёнларга комгор ўлмиш!?) каби теран маъноли адабиётлар лаззати яна ўз эҳтиёжингни бутун унутар-да ҳамон маслаки муқаддаса йўлинда ривож этдирмоқ ҳаваси била ақл, нафс ғолиб ўладур. Бали! Биз истиқбол қиморбозларимиз. Охирга қадар бой берамиз, ё бу дард била ўлмоқ ёхуд бир йўла ютмоқ шарафина ноийл бўламиз. Ишни келажак кўрсатур. Маҳмуджон, Мадёр Раҳимберган ўғли, мен Сизга фалсафа сотганим йўқ, фикрингизга мувофиқ бир жумла иншо этдим, афв этарсиз.

Мақсад.

Мен шул била Бухорога икки ва Хўқандга 2, 4-хат ёзаман, лекин сиздан жавоб йўқ. Бу таажжуб-немужиб бир нарсадур. Ҳар ҳолда бу тўғрида яқин фурсатларда борсак, сўзлашсак керак. Биз мунда беш юз мингларча қарийб қарздор бўлиб, дўхтурга қаратуб ўлмай қолуб тузалдук. Яна 16 августдан буён кунина 20 мингдан бу куна қадар бир ярим миллионча расхуд. Бу орада кийим-кечакларимизни йўлда ўғурлатганбиз, ётоқларимиз йўқ, кимлар эшикда сарсон 2 миллиунга тўлуб қарзимиз бўлуб, ниҳоят интизорлик бир ҳолда

турамиз. Шунинг учун сизга тарихий куфиялик иккинчи шул мактубимиз ила мурожаат қилиб ёзамизки, ҳар ҳолда бизни тездан Хўқанд бормоғимиз керак ва бу бормоғимиз учун қарзларни тўламоқ керак эди. Бундан муқаддам Фозил ҳожидин бир хат ёзгон эдим, жавоби келмаганига бир оз шубҳада қолиб турур эдим. Бирдан Гулом келуб қолди. Албатта, ул мени аҳволимни эшитуб қизғонубгина келган. Ҳар ҳолда ўн беш кунга етарлик расхуд олуб қолдим. Тездан қайтардим. Токи боруб Сизга ўзи мурожаат қилсун. Мени кайфияти аҳволимни баён қилсун. Шояд уялурсизда иона йўлина киришарсиз.

Маҳмуджон! Мени номус ваҳди била қандай бир табиатда эканлигимни шояд яхши билурсиз. Маним номусим қошинда ўлумнинг қандай лазиз бир нарса эканлиги ва ҳаётнинг бир тийинча аҳамиятсизлиги шояд сўз ва амалида сизгагина англашулгандур. Бунинг учун бошқа узун жумлаларнинг китобати ҳожат эмас. Мана шунинг учун қисқа қилуб айтгонда, мени шу ёзгон хатим энг сўнгги бўлуви била баробар мурожаатни шояд қабул этуб, тездан амали эътиборга олурсиз. Демак, Гуломжонга бир дона янги ва бир дона эски кўрпани ва бир дона болиш бирлан, пахталик тўнни ҳамда табаррук гиломни ва мис асбоблардан қозон ва самаворни топшурсангиз. Чунки, ушбуларни олиб келса, қарзимизни тамомлаб бериб, йўл харажати-тимизни тўғрилаб, бир бориб келурмиз. Лекин, албатта, Хўқандда энди биз турмасак керак. Бир бармоғимиз била ҳар бир кимдан бўлгон олиш, беришларимизни тамомлаб, қатъий алоқамизни узуб келмоқ бурчимиз бор, ондин сўнг келажак нимани кўрсатса, онисини яна кўрармиз. Ҳар ҳолда одамият дунёсидин қатъий тургандик. Шукрлар ўлсун, Мажнун ёхуд Мансурлик қаторинда бўлгон бир рутба соҳиби ўла жафомизни, ҳаёт ва рўзгора алоқасиз танҳо ва узлат жаҳонгашталиғига сазовор ўлурмиз. Ониси ҳақинда яна кўрушуб сўзлашурмиз. Биродар, Сизни ҳақингизи, мени ўзимда сонсизлигини мулклар тасбиҳлари била таъдорини тақрир этмаслар. Мен қалам била битира

олмасман. Инна оллоҳа ла йузиъу ажра-л муҳсиниң жалиласи била иктифо этаман ҳамда шу боруримда, албатта, Сизни устимда бўлгон бурчларимни адо этмоққа маъҳудман. Иншоолло, тездан амонатларингиз учун боруб жавобинда ўлажақман. Лекин мени мундан тамомлануб бормоғимга, албатта, юқорида кўрсатуб ўтдигимча қарзларни тўламоқ ва уларни тўламоқ учун шул мис асбоблар билан гиломни юборилмоғи таманно ва саноё тариқи била рижо эдилурки, шу амонатларни Ғуломжонга тездан топшурилса.

Боқий ассалому алайкум.

Ҳамза Ҳакимзода.

1921 йил 17 октябрь.

[Ўртоқ Алиевга]

Салом.

Ўртоқ Алиев!

Соғмисиз уй ичингиз билан?

Мени сизга ёзгон хатларим онг ва фикрингизга энг яқин ва содда ёзилгондир, яъни мени буюк бир ихтиёж қошинда эканлигим, албатта ёзувимдан англашилгондир. Шу хат била яна сўнгги мурожаатларимни ёзаман. Мени Хўқанд бормоқ учун на қадар зўр иштиёқим бўлса-да ўзимда икки ойдан бери икки миллионга етиб қарздор бўлгонимиз бизи мунда боғлаб турадур. Қисқа қилиб айтгонда, биз икки миллионга Ташкент сарватдорларига муваққат сотилгонбиз. Мана бизни озод бўлувимиз учун ёлғиз биродаримиз Маҳмуджонга топширилган амонатлар жумласиндан буюк маънолироқ бир-икки...* асбоблар била шу бир дона гиламни юборилмағина боғлиқдир. Агар шу нарса юборилса, албатта, мунда табақамизга бадал этуб боражақмиз, йўқ эса яна у тарафини кўруримиз. Ўртоқ Алиев, Сизни бошингиздан камчилик ўтган учун, албатта, мени аҳволими қизгонурсиз, деб ўйлайман. Мени гиламим била Сизи уйингизи безалганидан мени

қарзимни узулгони яхшироқ, деб ўйлайман. Сизни онг ва фикрингиз нозик учун шу қадар сўз билан кифояланаман.

Жон биродар, агарда мумкин [бўлса], менга мандат қилуб, шул жияним Фуломжондан юборсангиз. Мазкур нимарсаларни ҳам олиб келмоғи учун ёрдамда бўлиб, бир қоғоз қолдируб бермоқға ионада бўлунсангиз, токи бизи борувимизға қулайлиқ бўлса. Мен алҳолғача ҳеч бир ишға киришгоним йўқ, сизлардан бир хабар кутуб тураман. Оқтуқ сўзим, ёзувим шул, деб

Ҳамза Ҳакимзода.

1921 йил 18 октябрь.

[Фуломжонга]

Салом, қадрлик укам Фуломжон!

Қиблагоҳинг, ҳамшира ва укаларингга кўпдан-кўп дуодан сўнг, мен шу кун соат 11 да хат олуб чиққан-нимча кеч соат бешга қадар сени кутдим, тўғри келтира олмадим. Энди сўз шулки, мен 24 ўктябрда Хеваға кетдим, насиб бўлса, опрелларда келсам керак ёки онга қадар бирор киши келса, сени олдирсам керак. Ёки агар поездлар бемандат бўлса, бориш сенга мумкин бўлса, баҳри нав қилуб ўзингни еткурурсан. Тариқа шулки, Хўқандан Чаҳоржўйға борасан, Чаҳоржўйда яхши самаворлар бор, тушуб Хеваға хат ёзсан. Мен сени олдирамман, балки мен ўзим Чаҳоржўйдан сенга қандай қилуб Хеваға бориш тўғрисида Хўқандга ёзарман. Хотиржам бўл, ҳар ҳолда бормоқға ҳаракат қил, токи сени саодатинг шундадур.

Энди сенга мана шу хат ичинда юборилган хатларни топшуруб Маҳмуджондан амонатларни олсанг, мумкин қадар Тошкентға келтуруб яхши баҳо била сот-да, қўлдан учуб кетмайдургон нарса била савдо қил, токи бизни икки қўл, бир тепа қилуб қўйма! Агар Хеваға борсанг феро, химический қалам, қоғоз, бир оз

пулни ўзини олиб бор, токи ул ерда бриллионт арзон экан. Сенга они олуб қайтарурман, сен тижоратда, мен ҳукуматда ёрдамда турурман. Агар Хеваға борсанг, оқчани дастмоя қилуб Хўқанд ва городларда менга ўхшаш боқолейни моғоза очуб, савдода бўл. Лекин мени Хеваға борғонимни, ўзингни боришингни ўзингдан бошқага билдурма!

Баҳри нав қил, Маҳмуджондан тоғамни қарзларин беруб олиб келдириб, мазкурларни олғил-да, Хеваға бориш ҳаракатида бўл. Дунё топ, токи ҳали сан дунёда кўп яшайсан, фул керак, фул керак, фул, фул керак, бўлмаса ишларни тўғрилаб, Хеваға бор.

Ҳар ҳолда ўн олти йилдан буён мени тажрибам шу нуқтани кўрсатадурки, инсонларни дунёда яхши яшамоғи учун фул керак. Фулни жон қиласан-да, тарбият қишлоқ керак. Ақча топув учун бор кучингни сарф қилғондек беҳуда сарф қилувдан сақланмоқ ва асрамоқ учун шул қадар тириш! Ука, оқтуқ сўзум, амонатларни олуб фул қил, фулни эҳтиёт қил, мени қайда бўлсам, топмоқ ҳаракатида бўл. Агар бормоқ бўлсанг, Бўронбойда мени эски тиётр китобларимни чернавой копиялари бор, шуларни олиб борувға эсингдан чиқарма.

Ўзингни бил, оқчани бил! Тездан йўлга чиқув ҳаракатида бўл, токи Хева совумасун: Боқий Бўронбой ва ёр-дўстларға дуо дегин, укойи волидаларға «Тоғам бир ойда келуб қолур», деб жавоб қайтар. Кўп сизларни хурсанд қилур, дегин.

Хайр, тезроқ ҳаракатда бўл! Яна мендан хат олурсан, ҳушёр бўл. Хат ёзсам, ё Бўронбойға, ёки труппаға Абдураззоқ, Маҳмуджоннинг укасиға ёзарман.

Ассалому алайкум.

Ҳамза.

1921 йил 24 октябрь.

1922

Марказий Касаба Иттифоқи бюросига

Меним ҳозирғи иқтисодий аҳволими назарда тутуб (500.000) беш юз минг сўм ақча бермоқ ионасинда бўлсангиз, деб

Марказий бюросининг Маданий-маориф шўъба раиси муовини

Ҳ. Ҳакимзода.

1922 йил 1 январь.

[Уртоқ Тожибоевга]

Уртоқ Тожибоев! Сизи қўлингизда бўлгон истасин хўр, истасин пьесача[ни] 2 апрелдан қолдирмай расмий жиҳатдан топшургайсиз. Бўлмаса, ўртоқлик рамкаси ушалажақ. Мен ҳурмат этубгина ҳар вақт киши орқали сўрайман, чунки ҳарна бўлгонда виждон хўжасиман.

Ҳамза Ҳакимзода.

1922 йил 1 январь.

[Уртоқ Очиловга]

Биродар Очилов!

Сизнинг қўлингизда бўлгон 4 пардалик Фалитов резолюцияси қўйилган «Абдулҳамиднинг ҳийласи» унвониндаги пьесани марҳамат қилсангиз, токи бу кунга қадар Сиздан гайри расмий сўрагон эдим. Энди расмий сўрагоним учун бу ҳақда фикрингизни шул қоғоз орқасига хат ёзуб юборсангиз, тегишли ерда ўйналадургон бир пьеса бўлғони учун они бугун Нурхев труппаси тарафидан ўйналажақ. Мендан сўрамоқдалар, деб

Ҳамза Ниёзий.

1922 йил 3 январь.

Марказий маориф тарафиндан келмиш биродар раҳбарларимизга баённома

Маҳаллий ижроқўм аъзолариндан Қозоқбоевга со-
биқ муаллим Юсуфудан келиб тургон хусусий мак-
тубларга биноан, мунда они келтурмоқ тараддудинда
эмиш. Мен бу хил икки фикрлик эл аросинда хизмат
этарға мажбурий эмас. Бошқа тарафлари ўзингизга
маълум учун баён ҳожат эмасдур. Шунини ила баробар
то баҳорда маълумотларимни тўплағонга қадар мени
ишимда бўлуб, муаллим (бир ҳолда ҳукумат хизма-
тиндин) ликдан четда турувни хоҳлаймен.

Марказдин берилгон мандатимга биноан мени му-
аллимликдан бўшатиб, сентябрдин эътиборан ойлик
вазифами адо этулмоғина ёрдамда бўлуб, маҳаллий
ижроқўм орқали тегишли аттестатими берилмоғина
муовинатда бўлсангиз, деб

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1922 йил 24 январь.

Марказий касаба шўросининг хўжалик шўъбасига

Мени қўлимда Очилуфни бир дона кўрфа-ёстуғи
бор, они сўрайдилар. Ҳолбуки, ўзида марказни икки
дона кўрфаси бор. Мен сўрар эдимки, союз менга ўз
тарафидан бир дона кўрфа-ёстуқ берса, шул вақт Очи-
луфни кўрфасини берсам. Бўлмаса, мен бул совуқда
кўрфасиз қолсам керак. Тезлик била шуни чораси кў-
рулса, деб

Ниёзий.

1922 йил 11 февраль.

[Муфтиш комиссиясига]

Ўз фойдамиза бир маротиба тиётру қўюб, фойда
ўрнига қарздор бўлуб қолдиқ. Ҳозир аҳволимиз фоят-

да танг бўлғонини Ҳарбий шўрога йиғлаб ариза берган эдик. Кундан-кун қўюб қарзларимизни узмоққа рухсат берди.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий.

1922 йил 22 февраль.

[Марказий ижроия қўмитасининг раисига]

Биродар раис афанди ва хўжалиқ мудурига

Мен бир оз нотобман, муни устига кўзумга бир жароҳат чиққан. Яна ҳам ўтунсиз, нарсасиз дўнғуб ётубман, бугун хизматларингизга бора олмайман. Афу этасизлар, Сизлардан охири илтимосим шулки, бизни мусофирлик ҳамда иқтисодий аҳволимизни назарда тутуб, шу бугун бир чорамизни кўрсаларингиз, яъни ойлик ва кийимлиқларимизни ҳаракат қилуб, ҳар кимдан ортуқ даражада биз учун бир тиришсангиз, шояд тарих саҳифаларинда бир унвон қолдирар эдингиз. Бир жавоб ёзсангизлар, балки бугун кечга бизга келуб, мундан ҳақ истар.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий.

1922 йил 25 февраль.

[Сатторқулга]

Биродари Сатторқул!

Ваъда этконингиз (500 000) беш юз минг сўм оқча-ни беруб юборсангиз экон, деб

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1922 йил 17 март.

[Номаълум шахсга]

Баъд ас-салом.

Жанобингизда бўлгон «Махзан ал-адвия» бирлан «Тибби Юсуф» алайҳи раҳмаки 500 000 (беш юз минг)

манота сотгон эдим, аз баройи йўлда оғурлуқ қилғони учун. Эмди ўзум Хевага қайтуб келуб, яна қолдим. Шунинг учун ўзумга керак бўлуб қолди. Қуруқ бўлмасун, деб жузви фойдаси билан бир миллийўн беруб йибордум. Ҳомили руқъага амонат китобларимни беруб юборсангиз, яна кетар вақтда ўзингизга сотгон баҳои нарх била беруб кетарман, деб
Фарзанди аржумандингиз

Ҳакимзода Хўқандий.

1922 йил 25 апрель.

**Хоразм марказий маориф назоратига
ўтунч**

Муфтиш шўъбасиндан назорат орқали берилгон мандатга биноан ҳамда Хоразм ҳақинда ёзилажақ инқилобий ва тарихий тиётр рисолаларин ёзуб ҳозирлов ҳамда ани учун Хоразмнинг умумий аҳволиндан танушмоқ учун шул қоғазда ададлари кўрсатулгон маҳаллий қаламий беш адад тарихий ҳамда Татаристон матбуотинда босилгон тарихий-адабийроқ рисолачаларни тегишли ериндан берурга, яъни муваққат шу китоблардан фойдаланурга рухсат бердирсангиз экан, деб

Туркистон Санойи нафиса вакили

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1922 йил 30 апрель.

[Ўзбек театр труппаси коллективига]

Ман общий труппани назарда тутуб, бор пьесаларими кўфиясин ҳақсиз олмоққа берганманки, меҳнаткаш биродарларим ватанларина шу пьесаларим кучидан фойдалануб олсунлар, деб. Ҳозирғи янги ҳамда 21-йил Краевой Санойи нафиса қурултойининг қарорига мувофиқ пьесаларими ўз қўлима ўтказингиз! Олун-

гандин сўнг иккинчи ҳақлиқ, ҳақсиз берув ўз виждоний вазифамдур. Йўқ эса бутун коллективни масъул этажақман, деб

Ҳамза Ниёзий.

1922 йил 13 май.

[Абдулғози ва Абдусаттор акаларга]

Саломдан кейин ўртоқ Абдулғози ака ёки Абдусаттор акамга маълум бўлсинки, эшитганимга қараганда, Ҳожи Ҳофиз ҳовлини бермаган эмиш. Майли бизга энди ҳовлидан ҳам оқчани ўзи ҳозир керак бўлиб қолди ва шунини қўлдаги икки юз сўмни хат олиб боручи Шоди ўзбек ўғлидан бериб юборасиз. Токи бу кун халқ сув бойлагани чиқа, шунга қарз бермасак, экин тўкулуб кетадир. Шундай нозиклигин кўзда тутуб, тездан юборурсиз, деб

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

Шу қоғоз тўғри Ҳожи ақадан эканлигини тасдиқ учун Қори Муҳаммадшариф ёки Тиловберди ака хат олиб борувчи Шоди акамга, Абдусаттор ака ёки Абдулғози акамни топиб беришингизни ўтинаман.

13 май 1924 йил.

[Тавфиқ афандига]

Маориф шўъба бошлиғи биродар Тавфиқ афанди хизматлариға!

Ушбунини баробаринда ўтулуб сўраймизким, агарда мумкин бўлса ҳибсхонадан ористонлардан бир нечаларини олдируб, фиянинани мусулмон кулубина юбормоқ учун ёрдамнингизни сўраймиз.

Сайёр ўзбек уюшмаси.

1922 йил 14 май.

[Марказий кутубхона мудирига]

Турли числоларда олунгон китоблардин фойдалангондин сўнг баъзи кўруб етиша олмогонларин қолдуруб, бошқаларин топширдум. Шу тубанда исмлари ёзиладургон китобларни қўлумдаги (маориф буйруғи 15 опрелда 22 йилдан сўнг бўлгон) буйруқға биноан масъулияти ўз устумдадур.

Китоблар:

1. Туркистон Ғаттор Бакир — тарих.
2. Шайбоний — тарих.
3. Тарихи мунажжим. 3-жилд — тарих.

Ҳамза Ниёзий.

1922 йил 24 июнь.

**Хоразм халқ маориф шўросига
ўтунч**

Муваққат ўлароқ таъминот шўъбангизда ўлан орқасига ёзилмиш рисоалардан фойдаланмоқ учун рухсат этсангиз экон, деб

Туркистон санойи нафиса вакили

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1922 йил 19 август.

[Зайнаб ва унинг ота-онасига]

Хурматлик қайин ота, онамиз, суюк оиламиз Зайнаб ва шогирдларимиз!

Соғлиқларингиз сўрогондан сўнг, алҳамдулилло, саломат 19-числода Хеваға келдик. Ҳозир жунбуш билан турамиз. 5 сентябрда чиқсак керак. Аммо ҳукумат овқат тўғрисида камайтурған биринчи сентябрдан гўш бола бошина йигирма тўрт мисқол (чорак қадоқ)-дан.

Ошарға ўн саккиз мисқол нонни, бир ярим қадоқдан ўрукни ўн икки мисқол бошқа овқатни илгариги ҳолда берасиз. Болалар таралмасун, оқча топилмаса, кўзга кўринган ортиқ ай бир нима сотасиз. Тезликда борамиз. Болаларга энг яхши кийимлар, китоблар, Тирезаға фиёлалар олдиқ. Чет кишиларға ўзингизни хўрланмангиз, мол топилур, одам топилмас, сөтинг нима бўлса, хўрланманг.

Хўш, ҳозирға соғлиғингизни сўраб,

Ҳамза Ниёзий.

1922 йил 19 август.

[Бўронбой Миртожибой ўғлига]

Энг яқин жўрам Бўронбой! Ҳар палла соғ ўлғайсиз.

Сиз мени бағримға оти ёзилгон ўртоғимдинсиз. Жоним чиқса-да, туфроқ ичинда қолгон сўнгоқларимда отингизнинг изи қолажакдур. 22-йил 5 апрелинда юборган (Ғуломжонларники била) 3 ёзмаларингизни ёшли кўзларимға суртуб, соғнуб-соғнуб, эсоргон ёнуқ бағирларима босуб-босуб ўқуғонда, ёзувингиз устина томчилағон қайноқ ёшларими изларин тангри кўрушдурғонға чоқли сақламоқдамен. Тангри ёрлақағай!..

Ёзувингиздоғи қайғули йўлларин ўқуғонда, отоналарим ўрнинда қолгон суёнчиқлардин айрилгонлиқдин эруб қайнағон бағрим порли кўзларимни кўк сори кўтарди! Яхши ёмонни-да ёрлақовчи тангридин, синуқ кўнглум била озорға учмам, сиз ва қолгон опа, укаларима чидам, тўзумлар сўраб ўтундим. Қонлар оғласақ-да на?!.. Борлиқда бўлғунлиқ шулдир.

Зора «Бизларға бир ёзувни ҳам қизғондилар!..» деюб бир йўл ўпкалар этарсиз! Оҳ!.. Сиз мени ўрнимда бўлсангиз эди! Ёзувға йўл бермай, кўз гўргувларин тўсқулагон айрулиқ, соғноқ ёшларингиз учун неча минг йўллар ўпкалар эдингиз! Хўш, соғ ўлғойсиз. Утмишларни ёзув билан битраолмоғоним учун кўрушгон

чоқлар (мангуликға кўролмай айрилмасам) йиғлаб-йиғлаб эртагидек сўзлаб сизни-да оғлатурға сўз бераман. Мен бу кунда Қўнғирот яқинида бўлгон Хўжа эли қалъасиндамен. Улмасам, қишни ўтқаруб, ёзув ёзгон қўлларингизни сиқуб кўрушмоқға улгурурмен. Эсламоқда, тез-тез соғлиқларингиздин ёзмоқда бўлингиз. Сизға юборилгон ёзувларнинг бирисин Маҳмуджонға, бирисин Фуломжон[ға] берингиз! Узингизникини ҳам ҳар иковлариға кўрсатингиз, то шакланмасунлар.

*Суюк юртлар, суюк эллар,
Суюк жонлар, соғ ўлғайсиз!
Куюк танлар, куюк тиллар,
Куюк қонлар, соғ ўлғайсиз!*

*Чаман боғларда ўртоқлар,
Эли-чун кўкраги тоғлар,
У юксук тоқға тормоғлар,
Из ургонлар, соғ ўлғайсиз!*

*Унгу сўллар, тегиз йўллар,
Очилган ҳар ёғи гуллар,
Тунин соз тонгда булбуллар,
Хуш ўлгонлар, соғ ўлғайсиз!*

*Кечин кўкга, тизиб чўкга,
Ялиниб тангри йўксукка,
Сўраб ёрдам оғур юкга,
Танг этганлар, соғ ўлғайсиз!*

*Синиқ кўнгил, эзиқ сингил,
Уқунг, сизға ўқуш енгил,
Тотиб ўлсам-да бир шингил,
Йўқ армонлар, соғ ўлғайсиз!*

*Бу кўнгонлар, у кўнгонлар,
Очарликдин ўқунгонлар,
Бол ичра қон ютунгонлар,
Уқ отгонлар, соғ ўлғайсиз!*

Боқингизлар, на дер излар?
Қумуш ўлмас чўян, жезлар!
Ҳамма ўз борлигин излар,
Тушунгонлар, соғ ўлғайсиз!

Сизи унда, бизи бунда
Аюрғон тангри беш кунда,
Эсорсоқ кўзға у кунда
Кўришгонлар, соғ ўлғайсиз!

Қунум битса, ўлум етса,
Бу ёт туфроққа беркитса,
Ародин уч-тўрт ой ўтса,
Унутгонлар, соғ ўлғайсиз!

Эсон бошим, тўқуб ёшим,
Юйқумдасиз, аччиқ ошим,
Кўрар бўлсам Ниёз бошим,
Сўрагонлар, соғ ўлғайсиз!

Ҳамза Ҳакимзода.

Хўжа элида.
1922 йил 18 сентябрь.

[Марказий касаба шўросига]

Мени қўлимда Очилуфнинг бир дона кўрфа-ёстуғи бор. Они бугун сўрайдур. Ҳолбуки, ўзида Марказни 2 дона кўрфаси бордир. Ул кўрфасини олғоч, мен со-вуқда кўрфасиз қолсам керак. Мунинг учун сўroidур эдим, Союз хўжалигиндан бир дона кўрфа таъйин қилсаларингиз. Шул вақтда мен онинг омонатини топ-шурсам керак, деб

Ниёзий.

1922 йил 2 ноябрь.

Абдурахмон афандига

Салом, ўртоқ Абдурахмон афанди! Оғангиз ва аҳ-лияларингиз била соғлиқларингизни сўроғондин сўнг

вақтингизни қизғонмас эрсангиз, юборилғон собун оқ-часин олуб, бизға бир дона ўртача самавор, 4 дона чиноёқ, 2 дона ўртароқ, арзон баҳо кигиз олуб беруб юборсангиз эди, зўр ёрдам қилғон бўлур эдингиз, деб биродарингиз

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1922 йил 25 ноябрь.

[Хўжаёр оғага]

Салом! Хўжаёр оға.

Кеча Сизға қўл қўйдурмоқ учун, икки дона қоғаз саркотибингизға топшурғон эдим. Ҳозир Хевага вакил шул қоғазни олуб кетмоқ учун ароба била қараб турадур.

Ҳамза Ниёзий.

1922 йил 2 декабрь.

Маҳаллий Иштирокиюн фирқасига

Маълумингиз, 4 ойдин бери 40 миллийўн борлиғи ойлиқ олдиқ. Сотадурғон ашёмиз-да битди. Фавқулодда қимматчилик. Қунина 2 миллийўн расхўд керак. Устимиз юпун, совуқдан ҳифз ус-сиҳат риояси битуб хасталандиқ. 3—4 кун бўлди, бисотимизда бир нарсада қолмади. Шу аҳволларимизни назарда тутуб, бир чора кўрсангиз экан. Марказдан «Аванс керак бўлса, Шўроға мурожаат этмай, Қўнғиротдағи шўъбангиза мурожаат этингиз», деган. Шўъба ҳар хат ёзғонда, оқ-часизлийдан шикоят этадур. Марказдин ва Қўнғиротдин чиққон вакилларнинг бирисиндан жаз йўқ. Эндиликда мактаб Сизнинг қарамоғингизда бўлғони ҳамда фартия ишчиларнинг ҳуқуқларин ҳимоя этувчи муқаддас бир ташкилот бўлғони учун юқоридағи аҳволотларға бир чора кўрулмаса, иқтисодий ёқдин ишдин

тўхталурға мажбурият остиндамиз. Ёхуд вакиллари-
миз, ё ойликларимиз келгунча, (50) эллик миллийўн
қарзга ёрдамда бўлсангиз экан. Ёки эски мудирий ой-
лигимиз учун йиборғон собунлар ҳаққинда-да бир чо-
ра кўрулса, деб

Муаллим Ҳамза Ниёзий.

1922 йил 18 декабрь.

Маҳаллий Иштирокиюн фирқасига

Ўзингизга маълум бўлгон 1921 йили талабаларнинг
оқчаси бирла олунгон ўтун бор экан. Мазкур ўтун ҳо-
зирда бизни мактаб онборимизда турадур. Қозоқбой,
муаллим Юсуф афандининг ўтуни эди, деб кўрсата-
дур. Ҳозирда олинуб турғон ўтунлар ғоят ювуш (ҳўл)
бўлгонлиқдин мактабхонада тутун бўлуб, мактаб бо-
лаларининг ҳифз ус-сиҳатлариға ғоят зарар кетурмоқ-
да. Албатта, ёш бўғунларни сиҳатларин ҳимоя учун
шул ўтун масаласи ҳаққинда бир қарорга келуб, буй-
руқ берурға ёрдам этсангиз, ювуш ўтун била қўшуб
ёқсақ, деб

Мактаб мудир

Ҳамза Ниёзий.

1922 йил 30 декабрь.

1923

Хўжайли маориф шўъбасига

Янги таъин этилгон Хўжайли маориф шўъба му-
дирига!

Бизнинг 23-йил биринчи январь ойлигимизи рас-
пискага имзо этдуруб, биродар интернат мудирини Зиё
афандига топшурсангиз экан, чунки шунда гоёт қий-
мат[чилиқ] ўлдиғиндан баъзи кам ашёларимизи Хева-
дин кетурмоға ёрдамда бўлинув эди, деб

Хўжайли намуна мактаб мудирини

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 26 январь.

**ХССЖ Марказий ижроия қўмитаси
ва Марказий Иштирокиюн фирқа бошлиқлариға**

22-йилнинг 1 сентябридан эътиборан маориф штати-
на кириб, муаллимлик вазифасин ўтадим. Уйла баро-
бар 1 февралгача Хўжайли намуна мактабдоғи иқти-
содий чеккан заҳматларимни матбуотга қолдириб, ин-
тернатда кўрганларимни билдирув ўтув билан қаноат-
ланаман.

1 февралда интернат мудирини таъин этилгон чоқла-
римда тегишли рапорт ва маълумотларим билан асо-
сий бир интернат вужудга кетирув учун олдимизда
чиқажақ кўп эҳтиёжлар борлиғин ва шу эҳтиёжларни
тегишинча ўтагон вақтдағина намуна ўладурлиқ бир
интернат вужудга келуви шарт этув, бул муқаддас
хизматни устумга олгон эдим. Моотаасуф маориф на-
зоратининг берган қисқинқилиқлари асосий бир интер-
нат вужудга чиқарув эмас, балким они емирулимак-
дин иборат бўлди. Шулай бўлса-да Туркистон интер-
натларидан бир намуна Хоразмга қўйув учун ҳар бир
қандай оғурлиқлар устума келса-да, кўтарув кўз ол-
дингизда тургон бир ҳолга келтира олдим. Шу қийин-
чилиқ орқасинда Хўжайли маҳкама бошлиқларининг

қайси бири ўлмасин бу кунгача биргина бўлсин самият била ёрдамга қўл сузмай, балким иқтисодий ёқдан турли зарарлар берув устина яна ўзларини мактабга ёлгон бир шиорлар билан ёрдамчи санаб, ҳар ерда ва қоғаз устларинда кўрсатуб юрувларин инсофсизлик, деб санайман. Чунки кўз олдингизда тургон харобанинг биниси ёлгуз меним ва талабаларим қўл кучи билангина вужудга келганлигин Хўжайли аҳолиси исбот этса керак. Мен мудиргина тугул вақтинда ошпаз, вақтинда фаррош, вақтинда муаллим етмаса, мардикорда бўлдим. 8 ой тўлди. Хўжайли ёшлари бирлиги тарафиндан талабалар орасинда ячейка ташкил этилганига аъқалий бир киши келиб ёшлар вазифа ва оларнинг турмуши ва истиқболи ҳақинда сўйлагани бир киши йўқ.

Иқтисодий ва моддий ёқдин келсангиз, 10 февралдин буён ой бошинда озуқа ва ойлик учун маориф назоратидин оқча олунмай, оқчанинг курси неча фрасентлаб тушгон вақтагина олиниб келмакда. Аз жумла, май ойинда ўз тарафимдан озуқа учун расхўд тутулган оқча 27 июнга бориб 40 фрасент курси тушгачина берилди. Алалхусус, овгуст ойина қараб маҳаллий маҳкамаларнинг жўнашма ва қайтишмаси орқасинда бозорнинг ғоят фавқулодда кўтарилган вақтинда уй асбобларим, от ва сигирларим ...ни сотиб, сентябрь оқчаси билан 50 боланинг бир ойлиқ таъмин этиб олуб боргон сётларимни олий муфаттиш тасдиқ этса-да, маориф ярим оқчани ўз хусумаятина бориб бермади. Демак, шул вақт 100 000 оқчадин юзда беш минг сўмин беруб, тўқсон беш минг сўмин букуб қолди. Шу вақтда Хўжайли маҳкама бошлиқлари бўлсин, маориф назаротида ва қазоқ шўъбасинда бўлсун, бизнинг зарарларимиз ҳақинда сўзлов учун бир киши топилмади. Буни устига шу йўқ олтунинг 850 сўмлик вақтинда талабаларининг қулуб ва ҳунархоналари учун 2 минг 800 сўмлик ҳунар асбоб олуб бердим. Онинг ҳақинда ҳам зарар ўз устумда ётадур. Қайғурувчи ва меним зарарларим чорасин кўрувчи бир киши йўқ. 10 февралдан 1 июлгача хўжалиқ мудирлигин ўтаб

келган кишининг очиқдин-очуқ хиёнатларин кўриб туруб, тим-товушсиз тургон маҳкама бошлуқларина ўлчаб турғонда Хоразмда ҳукуматнинг бергон ақчаси (ойлиғина) неча баробарлаб ўзина тўлағаним кибикишонгон ишончи қадар вазифасин букунгача ўтадим. Эндиликда чет давлат кишиси бўлган ҳуқуқумдан фойдаланиб ҳамда бундан буён чекажак зарарларим бўлса, тараҳҳум этажак бир киши бўлмагонлигидан фойдалануб, бу кундан эътиборан умум хизматдан бўшануб, йиллардан бери кўз нурларимни қалам тебратав билан тўкуб, ўқув ишқидида тўплаб, бу кун барбод бўлгон ақчаларимни топуб ўқувга кетувни тилайман ҳамда меним шул кўрган зарарларимни тўлануви тўланмавидан ортиқ ҳисоб этарлик бир эътибор йўқдир. Чунки ёш ўсмирларни панжаи истибдоддин қутқарув деган шиор йўлинда 18 йилдан берли хизмат этдик. Энг сўнги кунларимда Хоразм жумҳуриятининг энг қоронғуликда қолган қозоқ йўқсил болалари учун борлиқ сарватим тугул оқтуқ улушим сарф этилиб, асосий бўлмаса-да аҳжولي бир мактаб вужудга келмиш экан, шул мени эдиёлимдан бир намуна ўтаган вазифамдан бир асар ва матбуот ва тарихий саҳифаларим учун ёдгорим ўланақ бир хабар, дебгина ҳисоб этаман. Иккинчидан, яна такрор айтиб ўтмоқни тейуш топаманки, мени зарарларимни тўланувин эътиборга олувчи бўлсин, бўлмасин, иқтисодий, моддий ва маънавий, руҳий ва жисмоний ҳалалларимни ва чет жумҳурият кишиси бўлув билан хўб эҳтиёрлигимни назар-эътиборда тутуб, шу кундин эътиборан бир тафтиш ҳайъати таъйин этиб, мени қўлимдан ишларимни олиб, озод этдурулсам. Чунки юртумга кетув ва қўлумда жийналган адабиётлардан фойдалануб, турли рисола ва тиётр китобларимни йўлга қўюв билан баробар таҳзиб этилган моддиёт тарафларимни ҳозирласам.

Хўжайли интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 15 февраль.

[Хўжайли маориф шўъбасига]

Марказий маорифнинг Хўжайли шўъбасига!

Шул қоғаз била ўтинаман, интернат болаларининг озуқаларин олмоқ ҳамда хизматчиларин ойликларин (январь) тўламоқ [учун] уч миллиард ўттуз миллийўн (ишчўт аванслар испискалари тузулгунча) аванс бера турсангиз, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 20 февраль.

[Хўжайли маориф шўъбасига]

Хўжайли маориф шўъбаси мудириятина ўтинчи!

Ҳозирда мудириятимиз қассасинда бир тийин ўлсун қолмади. Бир карра юз миллиён сўраб ёзгон эдик, жавоб ўлмади. Шу қоғоз ила расмий ўлароқ яна қатъий ёзажакмиз. Агар сўрадиғимиз оқча берилмадиғи тақдирда, баъзи... ишлар хусусиндағи камчиликларга бизни масъулиятсиз топув учун расмий бир қоғаз сўраймиз, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 3 март.

[Хўжайли маориф шўъбасига]

Таъминот бошлиғи ўртоқ Нажмуддинга!

Шул қоғазни ортқи ёғинда кўрсатилгон озуқаларининг ёнина нархини қўюб берувга ёрдам этсангиз, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 19 март.

[Хўжайли маориф шўъбасига]*Хўжайли маориф шўъба мудириятина!*

Опрель ойнинг озуқа харажати учун берилган
2-нумералик сумма теюшмагонлигин назарда тутуб,
яна юз минг манот бера турувингизи ўтинаман, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 26 март.

[Хўжайли маориф шўъбасига]*Хўжайли маориф шўъба мудирини!*

Интернат болаларининг ҳифз ус-сиҳатларин ҳимоя
этмоқ учун йигирма дона караватга ёрдам этсангиз,
деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 5 апрель.

[Хўжайли маориф шўъбасига]*Хўжайли маориф мудириятина!*

Интернат болаларининг ҳифз ус-сиҳатларин ҳимоя
этув қонунан мутавофиқ бир амал ўлдиғина биноан
кичикроқ бир ҳаммомча (баня) ясатмоқға ёрдам эт-
сангиз, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 7 апрель.

[Марказий маориф назоратига]

Маҳаллий дўқтурнинг кўрсатуви, талабаларнинг
баъзи зарарлик микрублардан отнасинда бир мартаба
тозартув учун бир ҳаммомча (баня) бўлувин ғоят за-

рур топадур. Мана шуни назарда тутуб (киришувларини ҳукумат таъмин этганда), тос, челақ, ремонт ҳаққи каби воқ (майда) масруфотлари учунгина меъморларнинг таҳминдан кўрсатувича, (250) икки юз эллик минг сўм бердирувга ёрдам этувингизни ўтинуб.

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 7 апрель.

[Марказий маориф назоратига]

Талабаларга берилгон ётоқлар ғоят юқа, ҳамда мактаб ўрни изғор бўлуви устина, маҳаллий дўқтурни берган таклифича, карават бўлмаса, болаларнинг ҳифз ус-сиҳатларина ғоят зарар келажағин назарда тутуб, 30 нафар талабаларга карават учун ҳозирги кўтаринки баҳога нисбатан ҳар караватга (20) йигирма мингдан, 30 караватга (600) олти юз минг сўм бердирувга тасдиқ этувингизни ўтинуб,

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 7 апрель.

[Бўронбой Миртожибой ўғлига]

Мен сов Хевадаман. Октябрғача борурман. Сизлар совмисиз? Хат ёздим. Хат ёзинг: Хева маориф назоратига.

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 13 апрель.

[Номаълум шахсга]

Жаноби фазилат маоб оғам, биродари дерин!
Исли мой маъруф ва машҳурки, бўйи Шом орасин кўнгиллар фараҳёб ва фароғатдин манфур, димоғ-

лар муаттари насоб ўлғай, яъни атр-духи ислидур, деб уч лафз илан талаффуз ўлғай, омин.

Ҳамза.

1923 йил 23 апрель.

[Хўжайли маориф шўъбасига]

Хўжайли Намуна мактаб мудириятидан.

15 опрелда Марказ маорифдан берилгон ...-нумера-лик буйруқға биноан мактаб болаларини халқ қатна-шувинда имтиҳон ясаб, ўқуғон дарсларининг натижа-син марказдан тартиб этулгон бланка ва шаҳодатно-маларға ёздируб, келаси таҳсилғача тарқатилсун, де-юлгон эди. Букунгача шаҳодатномалар била бланка-лардан хабар йўқ. Рўза ҳамда байрам кунлари яқин-лашув муносабатила муваққат ўла мазкур бланка ва шаҳодатномалар келганча болаларни торатуб турур-ға, қачон шаҳодатномалар келганда, жийнаб имтиҳон этарға бир маслаҳат кўргазсангиз экан, деб

Намуна мактаб мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 24 апрель.

[Номаълум шахсга]

Бегим, ҳозир-да ақча масаласи ўзингизға маълум бўлгон учун болаларни 20 опрелдан мойға қадарли озуқаларин 20 миллиард атийни ойлиғи ҳамда олти миллиард карават ақчаси билан ҳисоблаб еткузув ус-тина этнинг 150 ларға минуви била чувалашдик. Аб-дулвоҳид афандини ойлиғисиз этикларин келтирур ва сизға берилажақ ақча-да муайян берилур, деб ўйла-гон эдик, ҳақиқат, Сизнинг ва укангизни ва Яъқубхў-жани ойлиқларин бермоқ жиҳатиндан биз масъул бўлсоқ-да мактаб обрўйи тарафинда бу журъатлара вормишдик. Шимди сизи эҳтиёжингизда назарда тут-ганда, ҳақиқатда бизим учун зўр камчиликларин ту-

шунув илан баробар малолсиз ўла бир оз шай (нарса) юбордим. Дўстлиқ узасиндан Аваз ака орқали бирор кишига сотдуруб, эҳтиёжингизни ўтовингиз баним учун бирда заҳматсиз, чунки меҳнат керойи беражақ оқча 8 кун, 10 кунлик эт агарда кифоя этса этар. Шарифжон бизга кетурса, Хева[га] кетурар. Ҳар ҳолда эртага Чимбойга юрувни чорасин кўрсангиз, деб

Муҳибингиз Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 27 апрель.

[Хўжайли маориф шўъбасига]

Хўжайли иштирокиюн интернат мудириятидан

13 апрелдан 31 апрелгача бўлгон интернат талабаларининг 32 кишилиқ озуқа масорифлари маблағ 300 мингга, ҳукумат оқчаси тамом бўлгонлиқдан 1 Майдин талабаларни торатурга тўғри келадур. Биз керак ашёларимизни... хўжалиқ мудир боруб қойтонча ўнгушуб туроли, деган эдик. Унда мумкин бўлмади. Ҳолбуки, ҳукумат овқат битконлиқдан торатқон тақдиримизда бизни масъул тутмаз. Бу ҳақда биз комил маълумот-да олдиқ ҳамда апрель ойинда бошқа интернатлар ақча олғониға чоқли торалуб-да тургон эди. Эндиликда шўъбаға шул масала тақдим этиладур. Биз яна талабаларни уч кунга ўнгушдирамиз. Ондин сўнг масъулияти ўлмағонлигин назарда тутуб, жавоб бера қўёйликми? Ёки шўъба муни бир чорасин кўрадурми? Агарда чорасин шўъба кўрур бўлса, ташвишимиз йўқ. Хўжалиқ Хеваға боргон кун эълон қилуб, устиндан масъулиятни соқит қилув илан баробар тезроқ қайтув масаласин кўрадур.

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 30 апрель.

[Хўжайли маориф шўъбасига]

Хўжайли маориф шўъба мудирина!
 Интернат болаларининг абан (бадан)ларини ўсди-
 рувга тиббий ёрдам учун бир дона сигир олиб берув-
 га ёрдам этсангиз.

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 2 май.

[Хўжайли маориф шўъбасига]

Хўжайли маориф шўъба мудириятина!
 Интернат талабаларининг ювунувлари учун икки
 дона тос, икки дона умувалник ҳамда йигирма болага
 ойна, икки шар собун, йигирма дона сўлгуға (сочиқ)
 ёрдам этсангиз, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 4 май.

[Маҳаллий шўромизга]

Интернат учун ғоят ақча зарур бўлгонлиқдангина
 Сизга мурожаат этамиз, мумкин ўлса-ўлмаса бир оз
 мой, этга, гашир (сабзи), пиёз, ўтин ва мофиҳолларга
 ақча сўраймиз, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 7 май.

[Номаълум шахсга]

Афандим! Талабаларни қлуби очулажак ҳамда қи-
 роатхоналари баробарликда шу кунга ҳозирланажақ.
 Сиздан ўтинар эдик, 3 кун ийд ўтканга чоқли, китоб-

ларин қўймоқ учун идорангизда ўлан интернат шка-
фини бературсангиз, ийддан сўнг устаға ишлатуб амо-
натингизни толшуражақмиз, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 11 май.

[Қозоқбойга]

Саломдан сўнг оғамиз Қозоқбой амакимизга! Мак-
табнинг шикаст-ранжи учун лойга бирор қопчиқ сомон
керак эди. Лутфан ёрдам берувингизни ўтунуб,

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 15 май.

[Хўжайли бозор комиссиясига]

Хўжайли интернат мудириятидан бозор комиссияси
Абдулқодир оғамизга!

Қайси бир сотувчидан 6 (олти) қадоқ собун олиб
бера турсангиз экан. Ақча келгач, бозор баҳоси на
бўлса, ақчасин шу баҳоси билан берамиз, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 4 июнь.

[Марказий маориф назоратига]

Хўжалиқ мудир 23-йилнинг мой ойи учун Ҳарбий
таъминот кишиси Юсуфбойдан 45 миллиард қарз ол-
гон эди, ондин ортуқ исҳётда кўрсатилган оқча..., ўзум
ҳар кимдан қарз олгон оқчалар эди. Энди оқча курси
ғоят кўтарилгонлиқдан оқчанинг хўжалари ҳозирғи
курсни талаб этсалар керак. Биринчи мартабада Мао-
риф назоратининг мойга оқча бермоғонлиғин, иккинчи

ёқдан, тануғон бир ишчисини ўтга ёндирмаслигин кўзда тутуб, албатта, ҳимоя эдар, деб энг эзилғон бағрим била ўтинаман.

Алалхусус, мени ҳар бир оғурлиқларга учратқон хўжалиқ касофатина қолдирмай, оз хизматларимни тақдир этуб, мени шул буюк фалокат қарз бўлғон... ҳозирғи курс баробаринда тўлануви ҳақинда бир чорасин кўрмоғингизни ўтинаман. Хўжалиқ бўлса ўзи олғон қарзи ҳақинда ўзи чорасин кўрдиму, йўқ, онисин ўзи билур, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 11 июнь.

[Марказий маориф шўъбасига]

Марказ маорифнинг макотиб шўъбасига маълумот

Шул қоғаз била баробар йибариладур интернат талабаларидан Соғинбой Назар ўғлини шул сабаб биланким, Соғинбой чечак хасталиғи била овруғон бўлса-да мунда маориф дўқтури бўлмағонлиқдан ҳарбий дўқтурга мурожаат этарга мажбур бўлдиқ. Дўқтур бўлса тездин Хева хастахонасина йиборурга буйруқ берди. Они узоқ йўлда боруви, иссиқ ҳавода таҳликалик бўлувин айтуб қорасақ-да қабул этмай, балки бизни масъулиятга тортажақ бўлди. Шунинг учун ноилож йиборувга мажбур бўлдиқ. Албатта, бу тўғрида биз масъулиятдан хориж бўлсак керак. Биродар Соғинбой билан баробар бир дона интернат кўрпаси, бир дона простиnasi, бир дона ҳам болишни, бир кўйлак-лозим берилиб йиборилди. Ҳамда ҳарбий дўқтурнинг Хева хастахонасина ёзғон қоғаз (215) йиборилди. Албатта, Соғинбойнинг соғ бўлиб хастахонага топширилғонлиғининг маълумоти бирга борғон милитса орқали интернатга билдирилса, деб ўтинамиз.

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 19 июль.

[Хўжайли ревкомига ўтинч]

Талабаларимиздан Чекдибойга ораз бўлгон хасталик ғоят хатарли бўлгонлиқдан дўқтурға буйруқ берсангиз, муолижа этса, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 26 июль.

[Хўжайли ревкомига]

37, 47 нумералиқ июнь, июль ишчёти била рапўрт ҳамда 48, 50 нумералиқ марказга йиборилажак зарур қоғазларни охрани орқали ишончли бир милитса ёки таъйин бир киши орқали Марказий маориф назоратиға йиборсангиз, расписка олуб қайтув шарти билан, деб

Хўжайли интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 11 август.

[Марказий макотиб шўъбасига]

Хўжайли интернат мудириятидан

Хўжайли қозоқ интернатининг талабалари учун 23-йилға лозим топилгон бино, кийим ва лозум ашёларнинг «флан» (план) ва исметалари тақдим этиладур. Шунга биноан верилажақларини қатъий бир жавоб берилувин сўраймиз. Чунки талабалар бутун кийимсиз, ётоқсиз қизгончиқ бир ҳолда қолди, деб

Хўжайли интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 26 август.

[Марказий макотиб шўъбасига]

Хўжалиқ мудир Шариф Аҳмаджонуф ҳақинда верилган маълумотлардан сўнг биринчи июлдан ишдан

бўшатиlsa-да партия кўмитаси ва ёшлар бирлигидан комиссия келиб, мавжуд нарсалар кўрилиб олунганда ҳеч бир акт, филан бўлмағони учун марказга онглатканга қадар деб атистат бермаган эдим. Биринчи июлдан бу кунгача отаси они вазифасин ўтаб келадур. Шарифжон эса менадан атистат ила баробар июль, август ойларина оқча (ойлиқ) ҳам сўрайдур. Шул хусусда бир маслаҳат берсангиз, деб

Хўжайли интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 26 август.

[Марказий маориф назоратига]

Келажакда идора ва хўжалик ишлари била танишувлари ила баробар ҳуқуқ ва масъулиятга молик этирилиб талабалардан бир интернат мудир ва бир хўжалиқ мудир таъинлаб мандат берсангиз. Мен ва хўжалиқ мудир ёлғуз муовин ва раҳбар ҳисобинда қолсақ. Идора ва хўжалиқ ишларин чет кишилар пичратмай, балки турмуш билими нуқтаи назариндан талабалар ўзларин ўзлари идора этуб боқишни билсунлар учун биринчи мартаба шу расмиятнинг ижросини бизим интернатда бўлуvin сўраб,

Интернат мудир

Ҳ. Ҳакимзода Ниёзий.

1923 йил 28 август.

[Марказий маориф назоратига]

Марказ маориф назоратига!

Август ойнинг биринчисиндан 30-сина қадар 45 бола учун керак бўлгон озуқанинг ҳозирги Хева бозор баҳоси билан оқча ҳисоблаб берувингизни ўтинаман. Агарда ҳозирги ишчотдан ортқани бўлса они сўнгиндан ҳисобин кўрилур, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 30 август.

[Марказий маориф назоратига]

Хўжайли интернат мудириятидан

1-IX дан 3—13 сина қадар Хўжайли қозоқ иштирокиюн мактабинда мавжуд ўлон (50) талабалиқ озуқаларнинг исмета жадвали тақдим этиладир. Йироқ ердан келдигимизи эътибора чекуб тезроқ таъмин этилуви учун марказ хўжалиққа буйруқ берувингизга ўтинуб

Хўжайли интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 1 сентябрь.

**[Хўжайли ижроня қўмитаси раиси
Нурмуҳаммад Девонга]**

Салом, муҳтарам

Мактабларни оқлов вазифаси бизни устга тушкан эди, 2 кундан бери ё Сиз тутқу бермайсиз, ё мен гезин тополмайман, ҳар ҳолда бир дуч келолмай ҳайронман, на бўлса майли, дуч келамиз охири онгача... Оҳак керак эди, оқловға, мумкин бўлса оҳакчиға резолюция ясаб берсангиз. Жумъа кун Шарифжон келганча мактабнинг ич ва сиртлари учун олти ботмон оҳак бера турса, илоҳо, боскан қадамларингиз ала тахтил анҳор ўлсун, деб

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 5 сентябрь.

[Марказий макотиб шўъбасига]

Хўжайли интернат мудириятидан

Сиздан ўтинуб сўраймиз ёзувларимиз фўрма ва расмиятга мувофиқ ўлсун учун Марказий макотиб шўъбаси қошиндаги 5-иштирокиюн мудирина бир дона печать берилувина ёрдам этсангиз, деб

Хўжайли интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 5 сентябрь.

[Марказий маориф назоратига]

Талабаларнинг гимнастёрка, чолбарлари учун астарлик 300 аршин Москва бязи ё сулгилари (сочиқ) учунда 160—460 берилган эди. Биз ҳозирги иқтисодий сиёсат қонунидан фойдалануб, мазкур бязларни 300 аршин, маориф берган трико мислини олишдируб ҳамда шул бяз кучиндан маориф берган трикога ҳамда сулгиларга йитушдурмоқчи бўламиз-да, талабаларни гимнастёрка ва чолбарин икки қотдин ҳозирламоқчи бўламиз. Албатта, бу иш майдона қўйилгон тақдирда назоратни қаноат этдирарлик даражада комиссия тахти назоратинда ишланажақдир. Мана шул хусусда маориф назорати ўз фикрини баёни учун амри ёхуд нахиға (нахтига) бир буйруқ берса экан, деб

Хўжайли интернат мудирин *Ҳамза Ниёзий.*

1923 йил 10 сентябрь.

Хўжайли сиёсий ташкилот идорасина!

Марказ маориф назоратининг 549-номерлиқ қоғозига биноан Хўжайли иштирокчию мактабига Қўнғирот иштирокию мактабидан олуб келадурган карават ва бошқа ашёлар бор эди. Мазкурга хизматчимиздан Афзал Луқмоноф борадур. Йўл ғоят хатарли бўлғони учун қўлида бир қурол потрони билан бўлмоғи теюш, шуни бир чорасин кўрсангиз экан, деб

Хўжайли интернат мудирин *Ҳамза Ниёзий.*

1923 йил 9 октябрь.

[Мулла Давлатга]

Қиблагоҳим мулла Давлат зотиллаҳу умрака ва иқболака!

Саломатлигингизи зоти ақдасдин тилоғондин сўнг бизга кўп ғоясиз зарарлар келди. Оғиздан сўзламай битируб бўлмас. Тез фурсатларда кўришармиз. Аҳвол

нечук? Кимлар ким бўлди? Юзукни сотдингизми? Отом юзукни олтунга, охирин қирқга сотарсиз, ёхуд икки ярим минг аршин бўзга олишарсиз, ёхуд қоғоз оқчага сотсангиз, қирқ олтун; тезлик бирлан олмоққа ярасун, сотуб олтун олинг ёки икки ярим минг билан икки минг аршин оросинда яхши бўз олиб қолишга мумкин бўлуб, сотинг-да, бўз олиб босинг. Ондин сўнг бизни Норинбой сизга қанча ақча берса, борлиқина бўз олиб қўйинг. Ондин сўнг маориф назоратига ўзингизга маълум уруғдан нозир бўлмаган чоғда Абдирахим ўғлингизни юборинг. Чунки шу уруғдан нозир бўлса, албатта, мен маориф хизматидин чиқорман. Хевага бориб тураман. Балки Норинбойдан хат ёзгонда маориф назорати ҳамон маҳовларга қолган бўлса, турмоқ учун бир яхши жой тайин этуб, ижорасин сўйлаб ёзуб юборинг. Хоразм аҳволидан ёзинг. Албатта, бизим тайин этган нарсаларга ё олтин, ёки бўз олиб қўйинг. Мулло Абдулҳакимга амонат бир пўстун юбордим. Агар сотилса, ўзи ақчасин сизга элтиб берур, онга-да юз [сўм] олурсиз. Агар сотмаса, ўзида турар. Аммо ўзингиз сўраманг, чунки таъбин яхши биласиз. Ҳозирча хўш. Агар бўлса, бир-икки тарелка юборарсиз.

Рубой:

*Зоҳид на қадар лаъин эдайин, куфр эдайинким,
Зуннор тақиб жаннатидин кўз юмайинким,
Мўъмин туғилиб шунча хизматларин кўрдим,
Қафарда ислом фазилатларин кўрдим.*

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 25 октябрь.

[Марказий маориф назоратига]

Сентябрь ойинда хўжалиқга берилган 30 дона қўйни актсиз қабул этмай, Марказ зироатдан акт фўрмасин йибормоқ бўлгон эдингиз. Хабар келмаганга озуқа жадвалинда расхўт кўрсатсак-да, пирихўт кўр-

сата олмадиқ ҳамда боқувчиға беруб, кунина ёрти ботмон буғдой 30 қўйға тўлаб турамиз. Агарда буғдойни тўламас эсангиз, қўй актларин йиборсангиз, буғдойни қассобға тўлатуб, қўйнида қассобға беруб, сиз кўрсаткан (зироат) актға мувофиқ эт ҳисобина солажақмиз. Шунини бир чорасин топув учун боручилардан акт фўрмасин қолдирмай йиборувингизни ўтинуб,

Интернат мудирини
1923 йил 25 октябрь.

Ҳамза Ниёзий.

[Марказий маориф назоратига]

Марказий маорифга!

15 сентябрда кийимлар берилгандан сўнг 50 минг сўм тикув ҳақи учун 25 минглик червонс озуқа (сентябрь исчутина) берилган эди. Червонсини ҳеч бири киши олмоғонлиқдан 50 минг тикув ҳаққина берилган оқчадан 15 минг сўмини машиначиларға беруб, 35 минг сўмиға 24 минг ўзум қўшуб, сентябрь озуқасина харажат тутдим. Деҳқон союздан 22 ботмон чигитлик пахтани 14 300 сўм, яъни пахта берган деҳқонлар деҳқон союзға буғдой 120 сўмдан ошкан тақдирда буғдой олувни шарт қилган эдилар. Марказий маориф назоратининг 20 сентябрғача овқатимиздан оқча еткаруға ваъда берса-да 5 октябрғача улгута олмоғонлиқдан бу масъулиятдан биз кутқорилсоқ керак. Марказий деҳқон қўмита билан онглашуб, маълумотин йиборувингизни ўтинуб,

Интернат мудирини
1923 йил 30 октябрь.

Ҳамза Ниёзий.

[Хўжайли район деҳқон қўмитасига]

Талабаларға пахталарни чиқарув учун 5 дона чи-

ғириқ керак бўлди. Членларингиздан ёрдам учун бир-икки кунга топдируб берувга ёрдам этсангиз, деб

Хўжайли интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 25 октябрь.

[Марказий маориф назоратига]

Хўжайли интернат мудириятидан Марказ маориф назоратина!

Хўжайлида буюк бир мактаб бинога кетирув умиди илан очулғон 2 миллион сўмлик лоторей билетиндан марказ маорифимизнинг ёрдаминада 52 290 манотлиқ керак моллари илан юбориладур. Қандай бир усул билан ақчага чоғуб юборувларин марказ маорифнинг таърихий бошланғич одуми, деб умидланамиз.

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 2 декабрь.

[Ҳожи Полвон Ниёз афандига]

Қиблагоҳим Ҳожи Полвон Ниёз Афанди!

Таборақ оллоҳу фи-д-дорин. 2 карра боруб, Сизи мулоқот эда олмадим. Нури чашмингиза мурожаат этдим. Муваффақ ўлса соҳиби қалам Сизи ёзмаларингиза қараб турадур. Ҳомили руқъа ҳам Қойим Шарифхондин ёзмаларингиза юборувингиза ўтинаман, чунки рўза кунлари баним учун масоиддур, деб

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 4 декабрь.

1924

[Хўжайли область ГПУсига]*Хўжайли обл. интернат идорасидан*

Марказий ГПУдан олунган милтиқни 51 дона ўқи билан муваққат олғон эдингиз, шуни топшурсангиз экан, чунки 16 январда Хивага юражақмиз, боруб милтиқни ГПУга топшуражакман, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 15 январь.

[Интернат хўжалик мудирига]

Бу кунга қадар талабалар тўнгуз келса-да ўқуви давом этди. Ҳозирда давом этув ҳифзи сиҳат нуқтаи назариндан энг зўр гуноҳ саналадур. Шул сабабли мени муаллимлигим нуқтаи назарида феч қурулуб, эшиклари ислоҳ этилганча ўқув тўхтатулуб масъулияти сизнинг устингизда, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 15 январь.

[Интернат хўжалик мудирига]

Бугундан эътиборан ҳар бир ўрунға ёзилгон қоғозларингиз бош идора қарамоғиндан ўтмоғи теюш, акс ҳолда қоғозингизи бош идора эътиборсизлигин билдирув илан баробар масъулиятга тортажақдир.

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 15 январь.

[Хўжа исмли кишига]

Биродар Хўжа, Сиз вақфдан ўзингизга ўтган буғдой борлиғи қанча ботмон маълумотин берсангиз экан.

Ҳамза.

1924 йил 24 январь.

[Хўжайли деҳқон қўмитасига]

Хўжайли интернат идорасидан Хўжайли областной деҳқон қўмитасига!

28 ноябрда икки олтун (вақтида олтун берув шартин илан) қарз олғон эдингиз. Ҳозирда марказдан ойликларимиз келмай, 4 ойдан бери боримизи ошаб, ҳатто бир туя ўтунга ақчамиз қолмади.

Ихтиёрингиз ўтганларни эҳтиёжин ўтар экансиз, бу кундан қолдирмай, шул икки олтуни қандай бўлса-да топтурувингизни ўтинуб,

Интернат мудирини

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 11 февраль.

[Хўжайли обком ҳисобот шўъбасига]

...нўмерли отношениянгиз 3—4 кун илгари келмоғи теюш эди. Ҳозирда бир ёндан мактаб флани чизув ва янги йил доклади, ишчётлар, бир ёндин ўқитув ишлари тигилуб ётканликдан вақтим мусоид эмас ҳамда февраль ойинда, февраль докладиндан ўзгарилмас бўлгонликдан бу ой бизим учун докладни қолдирувингизни сўраб,

Интернат мудирини

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 27 февраль.

[Хўжайли вилоят кўмитасига]

7 февралда Қизил майдонда бўлгон митингчада граждандлар қуроолларини уч кун ичида топшурулсин деган буйруқ бўлгон эди. Мен бўлсам, чет жумҳурият кишиси бўлувим бирлан бирликда Хоразм жумҳурият маориф назорати қошинда энг масъул бир ишчи бўлуб топилгондун ҳар вақт интернатнинг хўжалиқ ишлари билан Хеваға боруб турмоқға тўғри келадир. Шул сабабдин менга қуроолсиз ёлғуз йўлларда юрувға имконият йўқлигин назари эътиборға олуб, ўз қуролимни кўлумда қолмоғина рухсат берсангиз экан, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 28 февраль.

[Марказий макотиб шўбасига]*Марказий макотибга!*

Вужудимизда саломатлик битганликдан ҳамда иқтисодимиз гоят оғур ҳолға қолгонликдан қатъий ўтинамиз бизни маориф штатидан бўшатувингизи. Чунки саломат ақл, саломат баданда шиоринча, ҳозирда биздан салим бир хизмат кутарлик ўрун қолмади, иккинчи ёқдан айтконда, тўртинчи йил юртимиздан келганга.

Ҳозирда офрелдан юртимизға кетув иштиголиндаминз, ҳар нечук монелар билан-да қолувға умидимиз йўқдир, деб

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 27 март.

[Марказий макотиб шўбасига]*Марказий макотибга!*

Иқтисодимиз гоят аянчдур. Ниндай бўлса-да чорасини кўрувингизи ўтинамиз, чунки 5-ойға қараб оз-

моз авансдан бошқа оқча олунган йўқдур. Акс ҳолда бугундан эътиборан хизматчиларингизи ажбордан бошқа ишлата олмаймиз, деб

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 27 март.

[Марказий макотиб шўъбасига]

Марказий макотибга!

Хўжайли кофрати: «Ашё қисмларин устима олмайман»,— деган эди. Марказ Хорсоюзда шу жумлани такрор айтди. Энди бу ҳақда макотиб бир чорасин кўрса эди. Аванс ўлароқ хўжалиқ учун оқча тўғрисида бир кенгаш берувин ўтинамиз. Чунки ҳозирда деҳқончилик мавсуми ўтмасун учун бизнинг тилакларимиза ортуқ аҳамият берилувин кутамиз.

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 31 март.

[Марказий макотиб шўъбасига]

Марказий макотибга!

Идора хўжалиқ консаларияси учун берилган қоғаз, қаламлар битди. Тейишли ўрниндан қоғаз, қалам, қора капик лавозимотлардан олувға буйруқ берсангиз, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 31 март.

[Марказий макотиб шўъбасига]

Хўжайли интернат идорасидан марказ макотибига!

Талабаларнинг кийимлигини тикдирув учун тейишли ҳаққини олув учун тейишли ўриндан буйруқ берувингизни, деб

Мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 2 апрель.

[Марказий макотиб шўъбасига]

Марказий макотибга!

Қофиратдан ашё харажати учун оқча берилмаяжак бўлғони учун шифо ҳам авқофдан келган ғалла ва донлардан харажат тутарга рухсат этган эдингиз, лекин қонунга шунақа ўлароқ макотиб идорасидан расмий қоғаз билан ижозатнома берувингизни ўтинаман. Йўқ эса талабалар мунга сезгирлари мутлақ бўлудан тўхталмажақдур, чунки ашё бўлимида бизга оқча берилмади. Ёлғуз экин ҳақи учунгина берилди, деб

Хўжайли интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 4 апрель.

[Марказий маориф назоратига]

Марказий маориф назоратига буюк ўтинч!
Хўжайли вилоят интернат идорасидан

Хевада бошланғон «молорей» хасталиғи букун ҳарорати давом этмас-да оқчасизликдан туғон ғизосиз ва тарбиятсизлиқ орқасинда ғоят оруқлануб ҳолдан толмоға юз тутдик. Дўқтурнинг қўшувича, қимиз ичарга тўғри келса-да зикр этдигимиз иқтисод оғули рўз-

горимизи сотдиқ-да, бўлдира олмадиқ. Бир ёқдан, мусофирлиқ, иккинчи, номус ҳамон бизни эзмоқдағина давом этадур. Мана шуни назари эътиборда тутканда, Маориф назорати хусусий ёрдам билан ходимларин таъмин этмас эса-да ўз кучининг бадалига берилан оқчаси билан таъмин этса ҳам қандай буюк илтифот бўлур эди. Мана ўз кучининг қиймати илан ўзини саломатлигин таъмин эта билмаган хизматчи қандай иш ташларга мажбур бўлмасун. Шунинг учун обласной партия ва ревкомларга мурожаат этарга мажбур бўлдиқ. Албатта, айбга санамазсиз, деб умидланамиз. Мумкин қадар бизни бўшатурга ёки саломатлигимизи қайтарув учун букуначайин бўлгон ойлигимизи ўз отағимизга махсус айтуб, тейишли ўрниндан йибортурга хусусий ёрдам бўлувингизи, чунки сизнинг хизматларингизи адоси учун гавдамизга саломатлигимизи қайтарилувининг фарзлиги бадиҳий бир мантиқдур, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

Шу тарихий варақанинг кўфияси келажак ҳолининг буюк таржимонидур.

1924 йил 13 апрель.

[Байрам комиссиясига]

Марказдан келган май майрам ўтказув комиссиясина!

Хўжайли интернат идорасидан

Бошимда бирда саломатлиқ бўлмагонлиқдан маориф ҳақинда доклад берувдан бутун ожизман. Шунинг учун менинг ўрнима бирор одам таъйин этувингизи ўтинуб,

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 30 апрель.

[Марказий макотиб шўъбасига]*Хўжайли об. интернат идорасидан*

Гинварь ойна қараб 550 сўм оқча берилган эди, мазкурдан 377 сўм ойлиқга, 30 сўм кирага, 80 сўм хўжалиқга берилуб, 63 сўми талабаларнинг деҳқончилик ишиндаги чердак ва караватларни тузатув харажати-на қараб қолди. Эндиликда хизматчилар оқча сўраб, устимиздан рапўрт ташламоқдалар, кўпчиликлари хизмат[ни] ташладилар. [Шу аҳволни] назари эътиборда тутажак эсангиз, борувчи кишидан мой ойлигина қадар ойлиқларини ҳисоб этуб йиборувингизни ўтинимиз, акс ҳолда ўзимиз-да иш ташламоқга мажбур бўламиз.

Интернат мудир*Ҳамза Ниёзий.*

1924 йил 29 май.

[Сафо Оллобергановга]

Биродарим Сафо афанди Оллоберганов!

Хевадан маълумингиз Ҳусайн афандининг қардоши Абдулла афанди келди. Мумкин бўлса, борган от билан бирга бугун оқшом бизда келуб қўноқланурсиз. Созингиз ҳам бўлса, кўп яхши бўлур эди. Шеърингизни ҳам ёзиб, агар Сафарбой Холмуҳаммадов келса, яна яхши бўлур.

Илоҳи, саломат бўлинг!

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 15 июнь.

[Маҳмуджонга]

Биродарим Маҳмуджон ва Абдурраззоқ ва Ғафур Вали ва бошқаларга салом-алик. Ҳар бир ўртоқларга кўпдан-кўп дуойи саломдин сўнг, ёзгон ҳарна хатин-

гиз келиб етушди. Узоқ ердин туғонлигингизни билдирганингиз учун ғоят унутмаслиқ бўлди. Соғ ўлғайсиз! Ондин сўнг, Сизни келмогингиз бағоят бу ердаги аҳбоблар билан бирликда кутулгандур.

Чунки, мунда ҳарна ўйлашур эдик, шул бор ғам-ғусса ва фалокатдин бир оз ҳолидур. Осор-атиқа ва адабиёт мундадир. Босмачи масъаласи биткандур. Ҳавойи насимий хуш табъ, инсонларнинг инсонлари вординур. Икки йилдин бери интернат (қазоқ интернати)да хизмат қилуб, етарлик бир умиддамиз. 25 таноб ерда талабаларнинг деҳқончилиги, туя сути, қимиз орасиндамиз.

Саломатлигингиз учун ғоят фасихдур.

Биродар, на ўлсун келувингиз матлубдир, чунки, Сизнинг табиат била бизим табиат лофарқ учун дунёда бирга яшамоқни ғоят сўрарман. Маҳмуджон, оқтуқ Сизга тавалло айтаман, хатни олғоч, қайтмогингизни, икки йўл тилиграм бердим, шояд етгандур. Мунда вилоятда биргина ўзим бўлгонлиқдин ғоят кўнгилсиздур. Яъни... Албатта, келасиз эътиқодиндаман. Чунки меним эътиқодин сизга шул. Энди чиқувда сизга бир хизмат бор. Гуломжонни бирга олиб қайтарсиз. Чунки беш-ўн асори нафисаларим олуб қайтар. Ондин бизим фарзандимиз Аҳмад Форигни қайдан бўлса, яъни топулса, олуб қайтарсиз. Агар онаси оқча билан 50 червонсга қадар рози бўлса, тилигром берурсиз, фровод қилурсиз. Жон биродар, фарзанд доғи ёмон бўлди. Бир чорасин кўрсангиз экан. Ондин сўнг зинҳор Ғафур Валини савдо учун Абдураззоқни олуб қайтингиз, мунда савдо иши яхшидир. Келишда Марғилоннинг қизил, кўклик, зангорлик нафатий ва подшойилари бўлур... ҳамда Ўзбекистон хотунларина кўйлак учун мумкин қадар шундин олуб қайтарсиз! Ҳар турли гул ва қовун, фамидор, қулфнай, шўрбаға солладургон ўрус ўтларни уруғиндин олуб қайтарсиз, чунки бу йил яна 25 таноб ер талабаларга қўшуб, 50 танобга боқча ва фахтакорлиқ қилуб, 25-йилдин 100 талабани ўз кучи билан таъмин этдирадиган тарихий бир хизматга ҳозирланмоқдаман. Ҳозирда ҳам

хукуматдин бир тийин ёрдамсиз талабаларнинг ўз озуқалариндин овушдируб, 17 таноб ерға фахта, қовун, кунжид эктурдим. Уч минг сўмға етуб, ўқув-хунар ва деҳқончилик асбоблари ҳозирлатдим. Маҳаллий хукуматга намуна бўлгон бул иш, албатта, тарихий бўлса керак. Алалхусус, талабалар ҳар нарсаға ҳозир ёлғуз Сизнинг каби бизим 2—3 маънавий отаға боғлиқдир. Қиссадин ҳисса, ҳам хизмат, ҳам тижоратларим бўлсун, бир ёнда саломатлиғим бўлсун, бир ёнда... ерларим саёҳатим бўлсун, десангиз шул ёзилгон ҳар бир сатрдағи жумлаларим холис ҳақиқатдур.

Маҳмуджон, ташланг ҳар кимни ўз йўлиға, умрда бир келуб, Иссиқ кўлдин келган оға-иниларингизни-да бир кўруб, тарихий аҳволларини кўздин кечируб қолинг!

*Севуқлу дўстлар бўлса ҳар ёнда,
Жаннат ўлур қумлар, чўллар ёбонда.*

Боболаримизнинг нақллари табаррукдур. Ондин бир дона мандалин, бир скрипка, бир дона яхши дутор хаёлингиздин чиқмасун. Келиш вақтида Қўзихон келса, бирга Абдурраззоқ билан келсун, ола келинг ҳар иккисина хизмат бор. Чиқув олдиндин тилигром берурсиз, ҳамда меним босдиргон рисола ва романларимдин беш-ўн донадин, бошқа журналлардин олуб қайтарсиз. Ўғлимизни олуб қайтув учун оқча керак бўлса, тилигром юборинг, феревод қилурмен. Келишда Чоржўға келиб, тўғридин-тўғри Хеваға тушмай, Хўжайлиға ҳайдатсангиз, яна яхшироқ бўлур.

Одрес: Хоразм жумҳуриятида Хўжайли қозоқ-қорақалпоқ вилоят интернатининг мудирини Ҳамза Ниёзий.

Хат учун бир одрес таъйин этсангиз, чунки кўчаларимизнинг исмларини унутканман. Хўш ҳозирға, жон биродар, тезлик билан чиқув олдиндин тилигром беринг, кўнглум қувонсун!

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 18 июнь.

[Хўжайли вилоят маориф шўбасига]

Узингизга маълум, жетти ойдин бери интернатга садоқатлик бир хўжалиқ топа олмағонлиғимиздан хўжалиқ ишларимиз зоҳир ҳолда келмоқдадур. Талабалар хўжалиқ иши кўпайганидан биродар Жўқонбоевни унга ўткармай иложимиз йўқдир. Мана шуни назари эътиборда [тутиб], биродар Қози Жоврасул ўғлига округдан талаб бизга олиб берув учун зўр ёрдамнингизни бутун талабалар билан кутамиз. Маданий маориф бизнинг жон қисминда бўлгон қимматли зотимиз бўлгонлиқдан, маорифпарварлар бу ҳақда буюк хизматлар кутурлар, деб умид этамиз, деб

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 29 июнь.

[Хўжайли фирқа қўмитаси ҳузуридаги местқўмга]

Хўжайли ҚҚ вилоят интернат идорасиндан

30 июнда интернат идорасини жиноятдор кўрсатуб ёзган Давлат Эшнӣез ўғлининг «уч ойга қўл қўйдируб икки ойлик берди», деб ёзгон аризасиндан бу кундан қолдирмай аслиндан кўфия берасиз. Бу ҳақда интернат ўзини олий суднинг ҳузурида жиноятни исбот ё эътироф этдиражақдир.

Интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 1 июль.

[Марказий макотиб шўбасига]

Хўжайли ҚҚ маориф шўбасидан

Май ои, май ўрталарина қараб келган Хонсуво-рифларнинг комиссиялиғи орқасинда маориф шўбаси-

на мудир таъин этилган бўлсам-да, марказий маориф ёки макотибдан бир хабар бўлмагонга таъин концеляр ишларда бўлгон йўқ. Чунки фротокколларнинг тасдиқи ҳақиндаги хабарлар макотибдан бирор киши таъин этилб келар, деган умидга мунҳасир эткан эди. 17—21 июль тарихли 976, 989 нўмралиқ ёзишмаларингиз келган кундан эътиборан маориф шўъбанинг мудирини бўлб тасдиқ этилганимни билган ҳисоб этдим. Шунинг учун тейишли қадарли бир шаҳодатнома билан бирликда идора учун тааллуқли бўлган иш тартибларнинг кулли суратда дастур ул-амалларини йиборувингизни ўтинуб,

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 2 июль.

[Ўртоқ Ризаевга]

Бизга уч кун ҳайит ичида кино керак, ўрнини ҳозирладик ҳамда халқга бу ҳақда очиқ ваъда берганмиз. Мана шу ҳақда ҳозирдин Агит-фроф (Агит-фрофаган) билан сўйлашиб, бир жавоб берсангиз. Эртага фирқа ячейкаси томонидан расмий талаб ёзиб юборамиз. Ҳар ҳолда лоақал бир кун бўлиши керак эди.

Ҳамза.

1924 йил 10 июль.

[Хўжайли ҚҚ вилоят маориф шўъбасига]

Хўжайли ҚҚ вилоят интернат идорасидан

Маълумингиздурки, отпускқа берилуб, ўрунумизга киши айтилгондир, отпускамизи кечикувини ўқув ёқдан турли камчиликлар кетурса керак. Шунинг назарда тутиб май, июль ойлиқлари билан талабаларнинг июнь озук оқчаларини тейишли ўрниндан олувга ёрдам кўрсатсангиз, токи отпускқа кечикмови билан бирликда янги мудирга ишлари тозалиқ (янгилик) равишда топ-

шурилуви лозим, алалхусус, хизматчилар меним кетув[им] муносабатим билан олар оқчаларин мендангина талаб этарлар, деб

Мудир Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 19 июль.

[Биродар Алихўжаевга]

Каминагиз тажрибасиз бир маслаҳат соясинда ўз таъминотим учун сақлагон минг тўрт юз сўмга қадарга оқчани Хоразмда қолдириб қайтгон эдим. Бу кунга қадар ул оқча қайтмади. Иқтисодий аҳволим ғоят оғирлашди. Чунки, бир ёқда, ўн бир жонга қадар нафақа ошайдургонларнинг менга қараб туради. Иккинчи ёқданким, кийим-кечак масаласи, учинчи ёқдан, ҳукумат налог-фалог деган чиқимлари баҳар ҳол соат сайин маслаҳат, ақл мендан қочмоқдадур. Фарғона музофотидин четларга отулмоғимга ҳар вақт шундай воқеалар сабаб бўлгон каби мусофирда ҳам сабаб бўлув олдиндадур. Сиздён, хусусан, дўстона илтимос шулки, мени бирор драмага йўлуқмасун, десангиз бирор ойга рухсат этсангиз. Мен Хоразмга бориб, мазкур айтулгон ақчаларимни олиб қайтувга мувофиқ ўлсам, токи ҳолим ғоят қоронғулиқдадур. Сизни ўзимга бир сарвон ҳисоб этгондан ёздим.

Шу тарихий мактубимни ўзингиздан бошқа бир киши воқиф ўлмасун, чунки номус қурбонга сабаб ўлур. Агар маъқул кўрсангиз, бирор фарча қоғаз билан бу кун маълум қилсангиз. Эртадан қолмай командировка учун расмий рапўрт ёзиб берарман.

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 22 сентябрь.

[Фарғона музофот онг-билим шўъбасига]

Марказ сиёсий маорифда пьеса йўқлигиндан Сизга ёзгон 12068 нўмирани қоғазимга биноан йиборган 8 дона озарбайжон пьесаларини ўзбек тилига таржима

қилурға лозим топиладур. Мазкур 8 дона пьесада борлиғи 3076 сатр бўлуб, Марказ билим ҳайъат комиссиясининг қарорига мувофиқ ҳар сатриға 20 тийиндан, мажмуъ асарнинг сатрина 615 сўм 20 тийин тўларға тўғри келадур. Ушбуни чорасини кўрмасангиз, они труппаға улгутмаса, албатта, труппаға маънавий куч йўқдир, деб

Организатор

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 30 ноябрь.

[Фарғона онг-билим шўъбасига]

Артистлар тўпланувиға биноан музофот бош комсомоллари томонидан ваъда берилгон режиссёр ўртоқ Тожизодани тезлик билан келтирилуви ҳақинда чора кўрсангиз экан, чунки репетиция учун мазкур ўртоқни бўлуви лозимдур.

Э с к а р м а. Агарда шул ўртоқ берилмаса, труппа режиссёрсиз таралурға тўғри келадур.

Музофот труппа ташкилотчиси

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 7 декабрь.

Қишлоқ ва шаҳар бош бирлик идорасина

Йиборилгон 1306 нўмирилиқ қоғазингиздағи ўртоқлар қабул этилди. Шуни билан бирликда бир артистка билан бир артист учун яна бир ёрдам этувингизни сўраб,

Музтруппа уюштирмачиси

Ҳамза Ниёзий.

1924 йил 7 декабрь.

1925

[Ўртоқ Аҳмаджоновга]

Саломдин сўнг, ўртоқ Аҳмаджонов, кечаги аризининг натижаси нима бўлди? Утунсизлиқ касофат сўл томондан фалаж хасталигининг муқаддимаси бор, ҳозирда ётубман. Оқчам йўқ, икки юз сўмча оқчами артистларга қарз берган эдим. Сизлар тезроқ пул берсангиз, оқчамиз олуб, муолажага киришар эдик. Ҳозирда мен бутун яроқсизмен. Бугундан қолдирмай, шул ариза жавобин қайтарсангиз экан.

1925 йил 14 январь.

[Охунжон афандига]

Мен труппадан чиқдим. Фақат ҳукумат муҳаррири бўлиб қолдим. Локим офиратса қилган жой яна оғриб, нотобман. Бошқа оғриқлар ҳам бор. Қосим нўмирининг 14-уйинда ётибман. Мумкин бўлса, бир келсангиз. Ман ойлигингиз тўғрисида Ғафуржондан хат қилиб қўяман. Ҳомили руқъадин Сиз болишни жилти, узрқариш ҳамда Асхабоддан олғон китобларингиздан тарихийсидан бериб юборсангиз. Сўнгра у хотин масаласи нима бўлди? Беш, олти минг қўлимда фул борлигида бир оталик қилсангиз эди, деб

Кутуб қолувчи *Ҳамза Ҳакимзода*.

1925 йил 14 январь.

[Маҳмуджонга]

Саломдин кейин Маҳмуджон, Ғафурали, мулло Юсуфга.

Хатингизни олдим, Хўқанддан бориб қишлоғда го-ят қаттиқ ётиб тузалдим. Бошқа ҳолларни мулла

Юсуфдан сўрарсиз. Самарқанддан сўрасангиз, Файзулло Хўжаев бизни сўрашдан мақсади, ҳукуматдан нафақа таъйин этиш экан. Бир марта кўрушдим. Пленум бошланиб, 25-ға кўрушмоқга қўйишган эди. Кунини 25 да бориб тополмадим. Локин ўйлаб турсам, нафақа олурман, деб умрга боғланиб қолур эканман. Маориф қўмиссариятига кириб, нафақага норозилигимни билдириб, қайтдим. Яъни Нозирлар шўросига иккинчи учрамадим. Чунки ўзингизга маълум, Бокуга кетиш умиди кундан-кун ортиб боради. Ўзимда бўлган қувватни ўсдиришдан қўйиб 150—200 сўмни қули бўлиб юриш қисқа ақлимга ҳеч бир келишмади. Шунча заҳматларимни арзон сотишдин яна бир йил қон ютсам боки йўқ. Маориф қўмиссари ва муовини Скобилга борганда яна сўзлашмоқчи бўлди, учинчи мартда. Ундай бўлса, ё бирор томонга кетармиз, ёки яна аввалги жавобни айтармиз. Ҳозирги худоларни паноҳига отилгондан сўнгроқ бўлса ҳам ёш юракларни қучоғига отилгон яхшироқ.

Главфалит билан сўзлашдим. Труппа организатсия бўлди. Миршоҳид уполномочи олиб Хўқандга кетди. Мен бутун репертуар (саҳна китоблари) ҳозирлаб бермоқчи бўлдим. Энди кўпрак иши тамом бўлган бўлса ишга ўтурурман. Локин оқчасиз қайтдим. Хўқанд тушмоқчи эдим. Ҳатто билетни ҳам Хўқандга олган эдим. Қўлмак-лозимларим хароб, ўзим ҳам бир оз нохуш бўлгандин яна Хўқанддин билет олиб кетдим. Энди сиздан умидим шул, Зайнаб Хўқанд бормоқчи эди. Мулла Юсуфга қараб турган эдим. Тасодифий Самарқанд кетиб қолдим. Иккинчи морт сешанба кунигача қишлоқга борсангиз эди. Чоршанба (3 морт) кунини сиз билан бирга қўшиб юборар эдим. Беш, ўн кун тинчланиб, китобларимни ёзиб битирар эдим. Сиз келмасангиз, ул чоғда ўзим Гарчакўпгача олиб келиб қўйишга мажбурман.

Оқча масаласинда кўпрак, бир ёқдан, тамомланган бўлса, бир ёқдан, гуручимиз, унимиз тамом бўлган эди. Мулла Юсуфга тайинлаган эдим. Бир юз йигирма сўм ҳозирга Отажон бермоқчи экан. Фарғонада Союз

қўшчи раиси ўртоқ Гафуровга феревод қилинг, деган эдим. У борган бўлмаса, шуни тезлик билан юборилсун эди. Ёки ўзингиз бирга олиб келсангиз, ёки Раҳимжон ёки Мели ҳожини мудиридин сўраб, рухсат олиб берсангиз. Фулни шундан юборсаларингиз ҳам келиб Зайнабди олиб кетса. Биз мунда ҳижолат тортиб ўлтурмасак. Носиржон ҳожи ҳам ҳовли тўғрисида Алихўжа эшонга тушунтирган эдим. Охири ҳунук бўлмасин. Носир ҳожиға айтурсиз. Агар ўзингиз боролмасангиз ва оқча масаласида ҳар ҳолда бир маълумот кутарман.

Муҳиддин қори концертний труппа (10 кишилик) тузмоқчидир. Узи Бокудаги съездга кетди. Келса, ишга киришур, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда, ҳар икки труппага ҳам кирмаслиғимни маориф қўмиссариятига тушунтирдим. Ҳақиқат ҳам шул. Энди бошқа сўзларни кўришганда сўзлашармиз.

Алиев салом айтди. Уйига борганим йўқ, кўчада кўрдим.

Ҳозирга, ассалому алайкум.

Ҳамза Ниёзий.

1925 йил 25 февраль.

[Ўртоқ Хидиралиевга]

Қизил Ўзбекистон йўқсилларининг отаси ўртоқ Хидиралиевга!

Ўзингизга маълумки, Ўзбекистон бош санойи нафисасини йўлга қўюлмағи учун анинг саҳнаси, қизил адабиёт, миллий ашула ва янги-янги ихтироий оҳанглар томонидан ғоят камбағалдур. Бу хизматлар учун табиат томонидан бир озғина талант ва куч менга берилган бўлса ҳам бахтга қарши оҳанг ихтироий учун энг муҳим нарса фианина бўлғонига кўра, турли ўринларда юруб фойдаланув ғоят оғирдур. Оҳанг ихтироининг минутда ўзгаришли ҳолиға нисбатан онинг қайтарув мумкин эмасдур.

Энди бирини сотиб олмоқ учун ишчининг иқтисод-сизлиги ўзингизга маълумдур. Биринчи томондан, ўз ваъдангиз, иккинчи томондан, Қизил Ўзбекистон йўқ-силларининг ҳазон бўлгон саҳналарини қайтадан яшнатувни назари эътиборда тутуб, музофотни тегишли ўрнвлариға буйруқ бериб, хусусий бир фианина олдириб берувға ёрдамингизни сўраб,

Музофот қизил ўзбек труппа ташкилотчиси

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1925 йил 17 июнь.

[Девон бобо ва Муҳаммадёр оғага]

Саломдан сўнг!

Биродари азизлар Девон бобо, Муҳаммадёр оға! Ва барча ёру дўстонларга кўпдан-кўп салом. Биз, алҳамдулилло валмина, соғ ва саломат. Сизларни соғлиқларингизни тангридан талаб қилиб ётмоқдамиз. Илоҳи, яқин фурсатларда кўрушғаймиз. Баъда шулки, кундан-кун устимизда вазифа кўплиғидин хат ёза олмадуқ, афу этарсизлар. Яқин ораларда Хеваға қадар ўртоқ Охунбобоевлар билан муҳим иш хусусинда боруб қайтсоқ эҳтимолдир. Хевада бўлгон чоқларингиз бўлса, шояд кўрушуб қолардик. Ондин сўнг бизни қайин отамиз бўлса, салом айтсангиз, қизи ўғул туғди, соғ-саломатдур.

Мен кузда (15 сентябрь) Москваға ўқувға таъйин этилдим, кетсам керак. Шарифжон ёки ўзи келиб вақтинчага қизини олиб кетса, чунки «Мунда турмийман, сан келгунча ота-онам ёнида бўлурман», дейди. Тезлик билан жавобини ёзсун.

Ҳамма ёру дўстларга салом дегайсиз.

Абдулла хўжамиз билан учрашинг, бизга бир ой орасинда оқча юборувға ваъда қилдилар. Маълум кишилар ҳузурида айди шояд бизни ва ўзларин уёлтурмаслар, деб умидланамиз. Бир ойдин сўнгғисиким, ҳа-

қиқат кўрсатар, локин биз бугунгача Хоразмдан ичкан тузларимиз ҳақида андишадан юз буролмадик эса, инсофсизлиқ ва иқтисод деган зарбалар ҳар кимни мажбур этса керак.

Биз, илмий кишилар, очитуб ва келажакдаги ҳоллар билан огоҳлантирибгина сўзлогонимизга кўра, ҳар ким биздин аввалда хафа бўлса ҳам охиринда хурсанд бўлуvin ўйлаймиз. Локин инсоннинг қасди қошинда ҳар мушкул тиз букадур.

Илоҳи, соғ ўлғайсизлар, деб

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1925 йил 12 июнь.

Одрес: Фарғона область, Хўқанд музофот маориф назоратида Ҳамза Ниёзийга.

[Маҳмуджонга]

Саломдан сўнг!

Уртоқ Маҳмуджон афанди! Ўзум билан бирга олиб келаман, деб «Шажараи турк»ни уйга олиб қўйган эдим. Эсимдан чиқиб қолибди. Албатта, шуни тезлик билан олиб бирга келасиз ёки Гуломжонга топшируб қўясиз.

Ҳамза Ниёзий.

1925 йил 30 июнь.

[Марғилон туман Аввал ижроқўмига]

Қарамоғингиздаги деҳқон ёрдам қўмита шўъбасининг мудирини Аҳмадали қори деган киши Ҳофиз эшон билан бизим орамизда бўлгон муштарак жой хусусинда 27 июлдан бери олгон ваколатини бажо келтира олмайдур. Бизда қилиб тургон бу муомаласи учун агар отпусқамизи сроғи узоқ бўлса, малол эмас эди, чунки

тегишли ўрундоғи ахборлари учун қатъий бир бурҳон бўлса керак.

Маатаассуфки, срогиз битуб борадур. Биз Хўқанд жетсак, бола-чақамиз киши жойинда нотинч қолса керак. Шунинг учун сиз орқали қатъий бир жавоб олуб, бошқа чорани тейишли ўринда кўрувни сўраб,

Ҳамза Ҳакимзода.

1925 йил 6 август.

[Усмонали ёхуд Ҳамид қори акага]

Мана шу бир дона китоб ичида 2 дона хати билан Мирза поччамга бериб, расписка оласиз. Ундан сўнг бир дона хатни Урунбоевга бериб, қанча оқча берса, агар етушса, 20 қадақ гуруч, бирор пут ун, 2 дона исли собун, ярим қадоқ кўк, фомил чой, бир дона, кўк, қора тус ёғочлик 1-химический қалам бор (2 дона), агар оқчаси ортса, олиб келасиз, гўшт-ёғ қиламиз, бўлмаса, йўқ.

Ундан сўнг тиётр эртами, якшанбами? Жавобини билиб келарсиз. Биродарлик саломи билан

Ҳамза.

Бир дона жуда 10-фонор шиша эсингиздан чиқмасун.

Ҳамза Ниёзий.

1925 йил 8 август.

1926

[Ачахонга]

Ачахон, Анорхон, Сойибхон, Ойимча, катта-кичиклар билан Жалол тоға, Муҳаммаджон, Қаюм тоға, Мулла Миржалол, Бўронбой, Мирза Олим аҳлиялари билан кўпдан-кўп салом.

Ачахон, мен сизга қандай сўз айтган бўлсам, бутун эсингиздан чиқариб, тескарисига ишлагансиз. Мен сизга шундай деган эдим: Зайнабдин юбораман 25-рамазонгача ҳисобдан тўрт амалди, ўқиш, ёзишни Сойибхон ўртоқ билан бирликда тайёрлаб, 25-рамазонда юборасиз. Ҳайитдан кейин 15 офрелларда Скобил (Фарғона)да очиладурған 3 ойлиқ ёки бир йиллик хотунлар қурсига киргузаман. Чунки Зайнаб Фарғонада ўқуса, Аббосни ўзим шунда бир хотун сақлаб қишлоқда кўз олдимда боқдираман, деган эдим. Зайнабга ҳам шул сўзларни айтган эдим. Мен мактаб тополмагандан Хўқанднинг кўчаларида етаклаб, укамни хотунини мактабга, боласини етим хонага оласанми? деб юришга юборганим йўқ эди. Биласизми, ман ўлуб, болам сизга, хотиним билан дардисар бўлиб қолган йўқ эди. Мени айтганимдан бошқа қилган ишларингиздан шундай ҳунук маънолар чиқишин ўйламагансиздур. Ман ҳозиргача бутун халқни ўғил-қизига оталиқ ва раҳбарлик қилиб келиб турганда, мани хотун, болам учун сизлар ёки Маҳмуджонларга қандай меъда муҳтожлик бўлсун? Ҳар ишни ўйлаш керак эди. Охири мени Хўқандга боролмаслик ҳолга кетургансиз. Локин ҳали мани кейинча кўп уёлтсаларинг керакдур. Ба ҳам ҳол ҳозирда ҳам маслаҳат шул, агар 25-рамазонгача уйда ўтириб, кўчама-кўча санқимасдан, ёзув ҳисобларини ҳозирлий ололса, турсун, 25-рамазонда етиб келсин. Йўқ бўлса, мулла Юсуф билан қайтсин, йўқ, агар бошқа муддаоси бўлса, очуқ ёзсин, икки кунда ишини бир тарафлик қилиб, жавобини ёзиб юбораман. Ундан сўнг Хоразм[га] юборадиган ёрдамчиларни Хоразм[га] юборадими? Ё бошқа иш қиладими, уни-

сини келажак кўрсатади. Агар 25-рамазонгача турадиган бўлса, тошқори билан акамми уйини ўртасидан эшикни хатимни олган замон очдуруб, эшик қўюб, Анорхон билан акамми уйда турсун, қишлоққа келгунча. Анорхонди ёнидан қаерга чиқса, мени қўлумдан ўзини чиқишини ўйлаб қўйсин. Анорхонга Нишон қорини уйи билан ташқарига шу кундан эшик қуруб, Нишон қорини уйда Зайнабди тун-кун бирга олиб турасан. Турмай келадиган бўлса, хат олиб борган киши ёки мулла Юсуф билан келсин. Ҳеч ерга юборма. Ман ўзим бориб, яна сени ҳозирдамас, рўза тамом бўлганда бориб, сени ҳам олиб келарман. Ҳар ҳолда, мани боришга мажбур қилмай, хатда сизга кўрсатилганича, иш қилурсиз.

Ҳамза Ниёзий.

1926 йил 16 март.

[Маҳмуджон ва Ғафуржонга]

Маҳмуджон Баратов, Ғафур Валига саломдан кейин!

Мен Зайнабди Хўқандга юборишдан мақсад Ачахон билан унинг муаллимасида 25-рамазонгача ҳозирлик кўруб келиши эди.

Кўчама-кўча боламга етимхона, ўзига мактабхона ахтартириб, отделма-отдел хотин билан болани тарбия қилиш ёки уни Хоразмга юбориш чорасин кўриш эмас эди, албатта, бу натижани хусусан қўшимча сизга маълум бўлганга кўра, сиз шу нарсаларга монез бўлурсиз, деб билардим, уни қўйиш, хотин қилмаслик, менга мутлоқ лозим топилганда, бир кунда уҳдаси ўзимга осонлиги маълум бўлса керак. Шунга кўра, агар 25-рамазонгача ўқуб ҳозирланилмас экан, Мулла Юсуф ёки Мамасиддиқ билан қайтгани яхши. Ўзум ҳозирлаб 15 офрелда хотунлар курсига Искобилда топшируб, болани ўзум уруғларимда тарбия қилдирурман. Агар мендан чиқишга ихтиёри бор экан ёки она-

отасига кетар экан, уни хурсанд қилиб жўнатиш мани вазифам. Мандан жавоб олиш уни вазифаси бўлувига биноан, борувчилардан йўллаб юбурвингизни 25-рамазонгача қолиш ихтиёри бўлса, уйдан чиқмай ҳозирлик кўришни таклиф қилурингизни ўртоқча сўраб қоламан. Бошқа сўзлардан ёзардим, ташвишлик ишларим кўб бўлуб турганга қолдирам.

Ҳамза Ниёзий.

1926 йил 16 март.

[Тожизодага]

Саломдан кейин!

А. Тожизода! Сиздан бир савол сўрамоқ учун хотирим наришон экан. Зайнабни (оиламизи) қайа юборамиз? Тўғридан Сизнинг хонадони олийга юборамиз. Акамиз билан ҳамширамиз баъзи насиҳатлар билан мактабга қўйуб, қайтсалар керак.

Ҳамза.

1926 йил 16 май.

[Холмуҳаммад Охундийга]

Севимли ўртоқ Холмуҳаммад Охундий афанди!

Сиздан таваққуим шул тарихий тўйимизга волидан муҳтарамангиз билан 23-жумъа кун соат 3 да ташриф этувингизни сўрайман.

Ҳамзангиз.

Аввал қишлоқ.

1926 йил 22 июль.

[Номаълум шахсга]

1926 йил 23 июль жумъа куни соат 3 дан ҳақири қалам давраларингиз ичинда, айнан фақирингиз Ҳа-

кимзоданинг биринчи мартаба тарихий анжуманларидан саналгон оилавий тўйига узри такаллуфсиз ташриф этувингиз рижо ўлинув.

[*Ҳамза Ниёзий.*]

[1926 йил 22 июль.]

[Аминжон Ниёзийга]

Суюкли ўртоқ Аминжон Ниёзий!

Тарихий анжуман ҳисобидан биринчи мартаба бўладигон никоҳ тўйимизга 23 июль жумъа кун соат 3[да] марҳамат этувингизни сўраб,

Биродарингиз *Ҳамза Ниёзий.*

Аввал қишлоқ.

[1926 йил 22 июль.]

[Йўлдош Охунбобоевга]

1926. 23 июль жумъа кун соат 3 да никоҳ тўйи анжуманига

Буюк ўлкамизнинг суюк оқсоқоли Йўлдошбой ака-мизга!

Албатта, маним каби тушкунларнинг бу саодатли кунларига Сизнинг каби буюк ўлка посбонларининг оёқ тупроқларидан юқмоқ ўйланмагон ширин умидлардандир. Локин агар-чи дарак этмасамиз, фалакни гардишини ҳақиқата из олурмиз, шикасталар дилидан анор-анжир адо қилайму, бино иши? Агар-чи ўсди терак мева, соя қилмаса-да, мақолинча қаламқашларингиз ичинда илмий-иқтисодий энг тушкунлар ёйибу физолярин кўтармоқ ўлка юлдузлари ўйламасин ойдинлаш тўлун ой бу кечаси тарихий анжуман ҳисобина ўтказиш келгусидаги тушкунлар авлодининг чеҳраи тарихина жонли ва мойил қолдириш..., деб аталган

шиорларни иқтисод нуқтасидин, алалхусус, антикуб кутган барча ишчиларнинг хотирасидан ташриф этувингиз маржуъдир. Баним қадамингизга эсар учун синиқ қаламимнинг қора тожиларидан бошқа ҳеч бир бисот бўлмағони, яна майлу нимторингизга ёрдам етар, деб ишонаман...

[Ҳамза Ниёзий.]

[1926 йил июль.]

[Марказга]

Шул варақа билан юбориладир қисқачагина таржуман ҳол варақаларимиз. Локин шул таржуман ҳолда зикр этилган воқиа қағозлари, хизмат шаҳодатномалари бир нусхадан бўлғонга кўра қийматин кўзда тутуб жуборилмади, чунки ёзиладургон тарихий парчалар учун сақланиши табиийдур. Шунинг учун шул таржуман ҳолни айнан қабул этишингизни сўраб,

Ҳамза Ниёзий (Ҳакимзода).

1926 йил 25 август.

[Исҳоқжон Ғози ўғлига]

Суюк саломдан кейин қадрли укамиз Исҳоқжон Ғози ўғилларига

Қори Ёқубий қўлидин мушфақона юборғон мактубингиз тегиб, мутолиасидан сўнг хийла ғойибона миннатдор бўлдим. Чунки, уйланғондан бери шунчалик қисқа қўллик келдики, уни тасвиридан ўз қаламим ҳам ожиз қоладур. Ун сўм бугунгача тополмадимки, бориб сизларни сояларингизда шул ишимни бажариб келсам, яна ўзингизни марҳаматингизга шул оғир хизмат (хизмат эмас, қаламкашларин қийматин кўтарув тарихий бир даражага ғолубға олишдир), хизматим сизга юкламоқға мажбурият мажбур этди. Замон шул ҳолда қолмағайи каби бизга ҳам табиатни бермайдур-

Ҳон бир ўзгариши йўқ эмаслиғи бадийдур. Ҳар ҳолда узун қиссалардан қисқа фалсафалар яхшироқ маънавюнга мумкинлиги билан инонурманким, мендин кўп бўлмаса ҳам турмушда учратувғингиз сиқинтиларни дархотир этиб, яқинроқ муддатларда бизни миннатдор қилишингиздин умид тутурмиз. Агарда ўзимни боришим дар ниҳоят зарур топилса, тўнми, кўрфами сотиб бўлса ҳам боришга охири мажбурият бордур. Нимага десангиз, мунда солинғон чойхона бало-бадтарлар учун маориф ақча бермай, маҳаллий ҳукумат туманни суслиғидан кўтарилиб уста, мардикорларда кунин ҳовлимга қистотиб, лоҳаз қилмоқдадир. Бўлмаса гиёҳ еб бўлса ҳам зиндагорлиқ ёки бошқа бир жумҳуриятга бориб ҳам кун кўрар эдим. Номус тутиб турадур. Ҳар ҳолда ҳайрат фарз бўлди. Илоҳи, саломат бўлинг! Сўрадингиз таржумани ҳол билан шеърни тушундурғумга ёзиб юбордим. Ўзумда анкета бўлмагоч, қусурлариға афунгизни рижосини батаfliқ этурман.

Суюк оилангизни қайноқ саломимиз билан, нур чашмангизни манглайин силаш билан йўллашни эсадурсиз.

Боқий эҳтиром билан

Ҳамза Ниёзий.

Одрес: Фарғона туман маориф орқали Ҳамза Ниёзийға.

Хусусий одрес: Фарғона туман, Аввалкент, Дашкул қишлоқ, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдур.

1926 йил 26 август.

[Марказий ижроия қўмитасига]

Марказий ижроия қўмитаға!

Чақирғон тилигроммангизга биноан вилоятдан йўлкира берилмади, шунинг учун йўлкира ва ҳам мунда-

ғи кунлик харажатлар учун маблағ билан таъмин этишингизни сўраб,

Ҳакимзода Ниёзий.

1926 йил 25 сентябрь.

Қизил Ўзбекистон Марказ Иштирокиюн фирқўмининг ташвиқот-тарғибот бўлимига маълумот

Маълумингизки, ҳар турмушнинг бош танқид ва тарғиботчиси саҳна дарсни 8 йилдан бери бизим Ўзбекистонда юзлаб ташкил этилган санойи нафиса тўдалари тажрибасизлик, ишчисизлик орқасинда, биринчи томондан, исрофга сабаб бўлса, иккинчи томондан, халқга гўзал санъатдан фойдаланиш ўрнига нафратландуриб келмоқдадур. Кундан-кунга халқда ўскунлик давом этувиға қарши, санойи нафиса тўдаларинда илмий тажрибалар бўлмағондан тушкунлик давом этиб келадур. Хусусан энг охирғи Қори Еқубийнинг ва ўртоқ Оқилийларнинг тўдаларидағи этнография ва драмачилик[ка] даъво майдонида инқилобий ҳиссиёт, ижодий ҳаёт кўргазмалари ўрнига қуруқ гавда санъатлари билан товуш... қалқалариндин бошқа бир нарса жавлон урмай кўрилмади. Бунга сабаб эса иш бошқарувчи ўртоқларнинг илмий ва сиёсий кучларини озлиғи билан бирга ташкилий руҳларини кучсизлиғи ҳамда халқ руҳини уйғотиш усули билан бутун бегоналиқларидур.

Яна шу ҳолда давом этар, агар иштирокиюн қаттиқ танқидларга маҳкум бўлиб, ўрта орада бир қанча талабаларни илмий кучга молик қилодурған йўқсул элнинг ақчалари исроф бўлушға сабабкор бўлиб торалғусидур. Мана шуни назари эътиборға олиб, ташкилот олдидин кўрулғон тажрибаларимизни тақдим этиб ўтишни тарихий бурчимиз деб санаймиз.

1. Группани 3 қисмга бўлуб, Ўзбекистоннинг энг фаол санъаткор, тажрибакорларидан тўплаш.

2. 1-қисмиға машҳур чолғучи ва қўшиқчилардан олиш, 2-қисмиға ҳам машҳур драматург ҳам комик-

лар тўплаш, 3-қисмига энг машҳур, муршид муаллим ва ёзувчиларни киритиш.

3. Тўда мучаларини халқ назариясидин тушкунлардан сақлаш.

4. Тўдани хизмат билан бирликда ўзларини ички илмий, сиёсий, ижтимоий кучларини ўсдира бориш.

5. Материалларни кучайтмоқ учун ёзувчиларни орасида рақобат кўтариш, ёзувлариға яхши баҳода бўнай йўли билан боғлаш.

6. Бутун тўдани бир тажрибакор жавобгар оғалиққа топшириш.

7. Санъат мунгларини халқ тилагига, назмий ва насрий ҳиссиётларини инқилоб ижтимоиянинг талабига юргузиш.

8. Деҳқон, ишчи, зиёлиларни ўз турмушларига яқин юргузиш.

И л о в а: 4-моддани асослашдириш учун фирқўм, марказқўм, марказ маориф тасдиғи остинда тўда орасиға бир қанча моддалиқ (маҳаллий шароитға бинонан) қонунлар тузиб қўлланиш усули ижро этилур.

О р т т и р м а: майда миллатлар орасинда энг кўпчилик тожикларни назари эътиборға олиб, тўда орасиға мумкин қадарли тожик санъаткорларидан қатнашдириб, комик пьеса ва адабиёт бўлимға концертлар бердиришни ҳозирлиғин кўриш.

Мана шу систем билан (ортуқ-ками тажрибакорларға ҳавола этилур) давом этилган тўдамиз иш майдонига чиққан тақдирда гўзал санъатларимиз чин-чиндан қабрдан бош кўтаришға интилган бўла оладур.

Гўзал санъат ходимларидан

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1926 йил 9 октябрь.

[Номеълум шахсга]

Қайноқ пайём, соғинчилик саломдан кейин!

Суюклиқ Ўзбекистон чўлпонлари Вайс Раҳимий!

Инъомларга ҳамда Абдуллахўжаев, Улмасбоев, Мўминхўжаев, Расулий бошқа узоқ-яқин арбобларга, қизил оқсоқолимизга фахрлик салом.

Бандангиз соғлом юртга етдим. Локин нури чашим (ўғлум) ҳийла нотобланган экан. 5—6 кундан бери ҳар нима яхшилиққа қайтқон ҳисобиндадир. Уртоқ Раҳимий билан кўрушдим, сиз билан сўзлашсам керак. Мен илгари, ҳозирда, келгусида ҳам шул бир танамдан қувват битганичали эл хизматиға ҳозирман. Жумла билан давом этаман. Локин «Рўзгори ошноро муҳтожи хонистау кунад!» деган маънелар ҳар бир қи-мирлағон жон эгасини саргардон қилиши табиийдур. Шунга кўра, сизларга кўрсатган бесабрлиғим шояд мени идиёлсизлар сафида-да кўрсатгандур, локин ҳозирга умумий шошилиш олдиндағи хатолардан бири эътибор этилур, деб ишонаман.

И л о в а. Ҳамзадан эсон-омон қутулганларингизга шукур қилиб қолмай, яна бир марта бесарамжон қилиш ўйларингизда армон бўлиб қолган бўлса: томдан тараша тушгандай тилигром бермасдан, бирор жой, ойликни барпо қилиб, серҳошия, каштак тиккан тилигромдан берсаларингиз, хас саватни қўлтуғлаб, чунтоҳ шеригимни белга қистириб борсам, ўшанда бир-икки ойлик ...ларингни ғамлаб бериб келишга ваъдам ҳар минутликдур. (Афунгизи сўрайман, ўртоқча ёздим.)

Боқий мактубимни кенгашлик соатта қолдириб, шул қисқа маънисиз жумлаларим билан сизларни қа-ноатланишларингизни сўраб қоламан.

Яшангиз Ўзбекистонимизнинг ёш ёлқинлик, фаол, фахрлик ишчилари! Соғлиқларингизни сўраб,

Ҳамза.

1926 йил 16 ноябрь.

Шошилинич ёзилди-ку!

Одрес: Хўқанд, Эски шаҳар, Навоий кўча, Та-роқчи гузар, Бўронбой Миртожибоев, дўкон нўмир... Ҳакимзодаға. Ёки тўғри вилоят маориф орқали.

Кичик (тарихий учун) қўлёмаларингизни кутуб қоламан.

[Ўртоқ Олимовга]

Саломдан сўнг ўртоқ Олимуф!

Юсуфжоннинг шафе келтуришидан қатъий назар ўша атрофда 4—5 нафар ёр-дўст, қайсики уни билан бизга баҳо бера оладургонларни эътибор этуб, 18 ойдан бери сабр қилиб келамиз. Бу кунлар жаям оғур бўлди. Маълумингизким, 20 ойдан бери ишсизлиқ қандай торлиқ берадур. Бир мартаба оғуздан ҳам сўзлаган эдим. Охирги сўз билан ўтинар эдим, қандай текизлик билан бугун-эрта орасида шу фалоқатдан бизни қутқариш учун ёрдам беришингизни. Бўлмағонда, агарда айтолмас бўлсаларингиз, шул бирор ерга расмий мурожаат лозим келадур.

Жавобингизи кутуб,

Ҳамза.

1926 йил 13 декабрь.

1927

[Вайс Раҳимийга]

Уртоқ Вайс Раҳим!

1. Тарихда муҳим, ўрин оладурғон ишлардан бўлгон рўёл ҳақинда Марказ қўшчи, Аноров ва Йўлдошбой акам билан сўзлашуб, шул вилоятимиздағи қўшчи рўёлини мени қарздор қилиш шарти билан бўлса ҳам маълум бир изини қолдирилгон шул иш чорасига киришувингиз сўнг чоқларда қийматдир.

2. Йўлдошбой акам билан бомаслаҳат бизни Фарғона туман қўшчидин бўлган қарзимизни яна бирикки ой сўнгроқ тўлашга фурсат қўйиш, токи рўзғоримиз чиқорилиб сотилса, бизим учун мартаба бўлгон қадар Ўзбекистон учун тарихий бир ҳикоя бўлуб қолур.

3. Нафақамиз ҳақинда дурустгина бир чора кўрилмаганда эҳтимол йўғ бўлиб кетиши ҳам буюк хосиятлардандир. Ҳаммасидан муҳими яна Шерозийни келтириш билан бирикда шул санои нафиса тўдасини кулги ҳолидан чиқориб, адабий бир ҳолга солиш. Бу ҳақда истар бўлсангиз, тезликда Марказ ижроқўмга тажрибавий лойиҳамни тақдим этмоққа ваъда бераман.

Ҳакимзода.

1927 йил 10 январь.

Меним тушунчам: Фарғона мусиқавайи ўзушда Хо размдан ўта олмасдир. Шунини эътибор этишлик лозим.

[Ашурали Зоҳирий ва Лутфулла Олимийга]

Саломдан кейин!

А. Зоҳирий ва Л. Олимий... Энди букунлардан гонораримизи бериш бўлмаса, биз ҳам ёзишдан тўқталамиз. Чунки қоғоз-қалам ҳам кетар экан.

Ҳакимзода.

1927 йил 7 апрель.

[Ўзбекистон Марказий нашриёт шўбасига]

Ўз. марказ нашриёт шўба мудириятига!

Сизга топшурулган икки дона пьеса асар тарзида бўлуб, унларнинг мавзу, ҳодиса, таърихий қимматини эътибор қилиниши хоҳ пьеса, хоҳ рўмон... қандай тизмада бўлмасун, нашр қилинишида элга аҳамияти борми? Мана шу ҳақда фикрлашмоқ эди. Агар ҳақиқатда аҳамияти бўлса, уни пьесаликдан чиқариб, рўмон ёки бир турли ҳикоя шаклига солиш оғур бўлмаса керак. Лозим топилар экан, ўртада шартнома тузуб, кўрсатилган чоқғоча ҳозирлаб бериш мумкиндур.

Иккинчи. Бундан бошқа ҳам қисқача макотиб талабаларидан тортиб, катта кишиларгача кулки, хоҳ қайғули бўлсун кўрсатуладурган ҳажмларга эътибор қилиб ёзиб улгутиб турмоқ учун ҳам кўз очиб текширганда, букунларгача ҳозирлагон, тўла бўлмаса ҳамки, ҳоли бақудрат материаллар бор. Мана буни учун ҳам қисқача қўлланма олиб, хусусан сўнги замонларда ер ислоҳоти, пастки шўролар тузмаси, айниқса хотинлар озодлиги тўғриларинда шартнома тузиш билан етказиб бериб туриш мумкинлиги ҳақинда сўзлашмоқ учун келган эдик. Агар асарни пьесалиги сиз билан бизим орага муносабат боғламаслик учун асос тугулган бўлмаса, юқоридаги жумлаларга бир қатор эътибор этиб, моддий шартнома тузишга бошларсиз. Йўқ, ҳақиқатда муносабат эътибор этулмоғон бўлса, пьесани кўрулгандан сўнги ўзимизда шу ҳолича тура берадур. То ўзининг истакли биродари келгунча, уни учун бизим ҳаёт-мамотимиз шарт эмасдур. Бизда асаримизни босдириш завқи эмас, элнинг оғзидаги қочирим ҳолидаги кайфияти ўз чоғида айнан йўқолмай, майдони маърифатда қолишини завқи бордур.

[Ҳамза Ниёзий.]

1927 йил 24 май.

[Номаълум шахсга]

Саломдан сўнг!

Бугун соат 3 да Аббос билан бирга келсангиз эди, ёки бир вақтни тайин қилсангиз, ёки ўз адресингизга бугун бир вақт тайинласангиз.

Ҳамза Ҳакимзода.

1927 йил 21 август.

[Йўлдош Охунбобоевга]

Қайноқ саломдан кейин қадрлик оқсоқолимиз Йўлдошбой акамга!

Бандангиз курорт ҳаққинда бутун дўхтурлар изиндан саргардонликдаман. Нима йўл билан қолдиришга хайрон бўлуб, бир-бирига солишдан бошқа нажот бермайдилар. Бу орада бир ойлигимизни олиб тамомладик. Букун ҳатто бир тийин пул, бир тишлам нон қолмади.

Узум бўлсам майли, бола-чақам учун ғоят ҳам оғур бўлди. Эртага маориф асарларим учун пул бермоқчи эди, ул ҳам қолди. Қандай кетиш масаласи ўз олдига турупти, локин мунда очлиқ масаласи ғоят муҳим бўлди. Мумкин бўлса, букун кеч-эрта билан емоқ учун беш-тўрт дона нон, бир-икки дамлам чой бериб юборишни, лутфан қабулингизни сўраб,

Ҳакимзода.

1927 йил.

[Раҳим Ҳамидовга]

Саломдан кейин ўртоқ Раҳим Ҳамидуф!

Мусиқаларни бир қатор кетирмоқдалар, бир оздан задатка бермоқ керак эди. Шунинг учун 5—10 сўм ақча йиборилсун демоқчибиз. Букун соат 6 гача ҳозир-

ланса керак, кўздан кечирурлар, сўнгра ақчаси та-
моман берилур. Ақчани йиборилса, суммаси ёзилиб
юборилинсу.

Ҳамза Ҳакимзода.

1927 йил 9 сентябрь.

Фарғона округ фирқа кўмитасига маълумот

Бундан икки, уч ой илгари тузуладургон энг охири-
ги труппа ҳақинда ўн йил, балким ўн беш йиллик
тажрибада кўрилган имтиёзлари тизиб мукамал бир
лойиҳа тақдим қилган эдим ҳамда шул труппанинг
давоми учун энг сўнги системда уч шарт кўрсатуб,
агар шу системларни аввал ижроси бўлмай, труппани
ташкил этилишда ҳеч бир маъно йўқлиги билан бирга
ўзимни ҳам иштирок эта олмаслигимни билдирган
эдим. Шул қароз билан яна иккинчи мартаба такрор-
лашга мажбурдурман.

Биринчи — труппага бир маънавий кучни бутун
сарбаст (ҳамма машғулотдан озод) қилиб боғлаш.
Иккинчи — шул маънавий кучни ҳар бир керакли му-
сиқавий қурол билан таъмин қилиш. Учинчи — шул
маънавий кучни ҳар бир хусусий эҳтиёжи (моддий
томон)дан ишонурлик даражада қоплаш.

Мана мундан сўнг ташкил этиларига кўчганда, шул
труппадан бир натижа кутмоқ мумкиндур. Ман бўлсам,
шул маънавий куч бўлиб қўшула олсам ҳам ташкил
ишига ҳеч бир йўл билан қатнашмасликда қоламан.
Чунки ташкил иши халқ томонидан қаршу олиниб,
халқ томонидан баҳо бериладургон оммавий бир хиз-
мат бўлгонлиқдан бу улуғ жавобгарликни ўз устумга
ололмаслигимни билдираман. Шунинг учун сизлардан
ўтинаман: ташкилот иши[ни] ўз арбобиғагина топши-
риб, мани бундай оғир жавобгарлик можародан қут-
қозуб, ёлғуз маънавий томонини топшурсангиз. Ке-
раклик ҳар бир янгиликларни хоҳ пьеса, хоҳки опера,
турли ҳаволар ва хорлар ҳозирлаб бериш хизматида

давом этсам. Шунинг билан бирга мени 2—3 ойдан бери оилавий турмушим, иқтисодий аҳволим ғоят бузғун ҳолда қолди. На бошим, на қаламим — бирор нарса ишламайду. Мен сизлардан холис ёрдам эмас, балким ҳозирги ва эндиги ёзилиб бериладургон материал ва фианинани келтириш ва бир бизим музика қуроллари олиш учун ҳамда 4—5 ойлик овқат-озуқ, уйимга қишқи ремунт ва оилами келтириб олиш. Мана шундай мени ёзув ишларимга ҳалал бўлиб саналган ишлардан тезликда қутқорилишим учун ёзиладургон ва ёзилган, топшурулгон асарлар устидан қарз дастурида тузукроқ моддий куч билан таъмин қилишингизни сўрайман.

Шул чоқда бирор ҳафта ичинда шул ташвишларимдан бўшалуб, ундан сўнг бир ўн беш кунлаб бир жойда ўтурсам, бойрам учун тўлароқ ҳозирлиқ кўра олурман.

Бу хусусда сизлар қанча кечикдирсаларингиз, ман яна шунча оғурлиқларни ўтказурман. Локин ҳозирлиқдан ҳеч бир умид кутишга ўрин қолмасду, деб

Ҳамза Ҳакимзода.

1927 йил 2 октябрь.

Илова. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакким, шул аризамда кўрсатилган сабаблари лойиқ ва нолойиқлиги ҳақинда тезроқ бир жавоб берсаларингиз, токим бошқа бирор жойга чора ахтариш маслаҳати кўрмасам, ҳозирда ниҳоят оғир ҳолда қолдим.

[Ўзбекистон марказий ижтимоий-таъминот шўъбасига]

Сизнинг Марказий Ижроқўм ҳайъат райосат мудирилиғига 21 февраль 1193-сонли ёзгон жавобингизда меним нафақам учун ортуқча заҳмат чекилгани кўриладур. Нафақа олмасдан таржуман ҳол билан адрес юборилгон чоқларда мен қишлоқда бўлсам ҳам 26-йил 1 ноябрда ўзим Самарқандда бўлиб, биринчи йўл на-

фақа олғонимизда, Хўқандга кўчиб келганлигимни билдириб, адрес қолдирғон эдим. Декабрғача ойлик келмағонидан кейин Марказий фирқа мактаби талабаси Раҳим Абдулла ўғли орқали ҳам адрес кўрсатган эдим. Нима сабабдур ғинварь ойларигача эски адресимға жуборилғандир. Мана шунинг учун Марказ ижроияқўм ҳайъати, райосат мудириятининг буйруқлари орқалик очуқ қилиб учунчи йўл адресимни юбордим. Қабул этмоғингизни сўраб,

Ҳамза Ҳакимзода.

1927 йил 15 октябрь.

Адрес: Қўқон, иккинчи район, Салкашон маҳалла, уй нўмери 48.

Ҳамза Ҳакимзода.

1928

[Қори Юсуф Ҳомидийга]

Фирқовий саломдан кейин ўртоқ Қори Юсуф Ҳомидий, Хўқанд борганда учрашиб, ҳамма эски оила, янги оила бораларида ҳам сўзлаган эдим. Ёзувчи бўлмай ва дунёга келмай ҳам ўлай, деб ҳар минут айтишга мажбур бўлдим, «омин», дегин!

Эски оиламни ҳикояси ҳақида бир ваколат ёзиб юбордим. Аҳмад Файзийга учраган эдим. Шул ишдан мани қулоғимни пахталамасанг, ўлдим. Қайноғам — қайси ўғил ажратуб кетган ...жон деган бола Шоҳимардонга келиб, «Опам сиз билан ярашади, юринг», деб келди. Воқеъан тўғри, ўзинг ҳам биласан, мажбурий кетган эди. Шунча вақтдан бери эрга бормаи ҳам ўтирди. Воқеъан, иккимиз ҳам суюшар эдик. Бир неча оилам киши ҳам юборди. Локин мани шул шайтонлар уни қўрқутиб, оғзини боғлаб турадилар. Энди мен борай, десам окружной фирқум, исполком келмоқчи, кураш ишим якунлашмоқчи. Гап кўп. Ҳомили руқъа билан сўзлашурсан. Бир бало қилиб акаси ва ул ажратган жиянларини ишга солиб, Аҳмад Файзий билан сўзлашиб, оиламни вакиллар билан қўшиб, анча сани ёрдамнинг, жа бўлмаса ваколат юзасидан чуқурга солсанг ҳам сан, сийласанг, рўёбга чиқарсанг ҳам сан. Мендан кучлаб чиқиб яна рўзғор талаб қилиб турса, бу қандай гап?

Қиёматда икки қўлим ёқангда бўлса керак, дегандай мумкин қадар ярашдириш бўлмаса ишни кўриб бер, даъвомизни ҳам қараб, бир оз ислоҳ билан чора кўрмасанг, Шоҳимардонда иқтисод томонидан хўжалар ўрнига гадо бўлишга қолдик. Янги қўйган хотинимизни ҳам қилган ишларини, жон ука, Аҳмад Файзийдан олиб кўр. Сизлардан ёрдам, биздан хизмат бўлса керак. Ҳадиябекни Абдулла Раҳматга насиҳат қил қариндошлари (кейинги қўйган оилам қариндошлари) ҳақида яхши тушунсунлар.

Бир қўлингдан бўлган ишлар ҳақида ёзиб, мани

қаноатлантир. Суюк оилангга салом, суюк ўғлингни ўпиб қўй!

Агар Ҳадиябек билан келиб кетсаларинг (ваъда берган эди), мазорни битиши олдида ичкаридан кўп сирлар тўплаб қолган бўлур эдиларинг.

Ҳамза Ҳакимзода.

1928 йил 23 январь.

Янги исми Шоҳимардон, Қизил яйлов.

[Ўртоқ Улмасбоевга]

Қайноқ саломдан кейин ўртоқ Улмасбоев!

Шояд ҳар ким дунёда ўзининг нуфузи қадар яшай-дур, деган маънолик жумлалар билан мендан кўпроқ танишдирсиз. Ҳам шундай билиб сизни нуфузингизни кўтариш йўлида тўрт ойдин бери югуриб-югуриб бошимга тушган ҳодисаларни қандай кучлар билан ўтказганимни билмайман. Ўртоқ Шарипуф мутлақ воқифдур. Хусусан йигирма кундан бери туни-кун уйқумни барбод бериб, байрамда труппани кўтариш учун бир қанча материал тайёрлаб бердим. Энди уйимда бир сиқим ун, бир қабза ўтун, эйнимда, на оилам, на болам учун бир тўн йўқ. Изиллашиб пул сўрасак, бизга тескари қарайдилар. Ман шундай воқеаларни ўн йилдан бери минг қабат бўлиб келганин кўриб қочган эдим.

Анчайин кичик бир ролларни эп қила олмаган артистларга уч, тўрт юз сўмлаб топилгон пул 4—5 ойдин бери кўча чанғитиб, тўр-беш пьеса ёзиб топширгон гуноҳкорга улуғ байрам кунда икки юз сўм топилмади. Ҳоят биз байрамга иштирок эта олмай ўтказармиз. Аммо эндиликда ҳеч бир кимнинг сўзини ўзимизга ўтказмас учун ҳам тиришармиз.

Шунча йиллар ўзимиз ҳам музд, ҳам хизмат йўсунида бериб келган эдик. Эндиликда фирқага таяниб туриб, кучимиз ғасб, мартабамиз таҳқир этилса, албатта, мунни матбуот бир кун бўлмаса, бир кун текши-

рар. Бу шикоят эмас, фақат ҳар кимларнинг сўзи билан мандан бўлгон шубҳангизни чайқовдир.

Қул ўлмас, ризқи камимас.

Сиздан бир илтимос шулки, Миршоҳид қорига ифода қилиб қўйсангиз. Маним остонамга шум қадамларин дубора етказмасунлар.

Хайрихоҳингиз Ҳамза Ҳакимзода.

1928 йил 5 февраль.

[Марказ онг-билим қўмитасига]

Сиз билан «Яллачилар» пьесаси хусусинда бўлгон даговорни ҳақиқатда кечикиши мени ҳам ўз иқтисодимга катта зарар берди. Бунга ман эмас, агитфроб ва маориф союзи шўъбалари сизга шул пьеса ҳақида мурожаат қилиб ёзган эдилар. Сиздан олунган 120 сўм ақча учун ман бошқа, мундан ҳам муҳимроқ «Хоразм инқилоби» пьесасини тайёрлаб юбормоқчи эдим. Таассуф, бир томондан, рўзгорий бир неча қийналишлар ва, бир томондан, маҳаллий идораларимиз томонидан ҳар турли муҳим хизматларга мажбурий боғланишлар бу кунгача сизга бизни уялтириб келди. Энди қандай бўлмасун, қўлимда ҳозир тубанда исмлари кўрсатиладурган пьесалар ҳозир бўлди. Қандай бўлмасун 1 апрелдан, кечи билан 4 апрелгача шул китобларимни олиб **бориб**, ҳузурингизда тасдиқ этдириб, қайсини ё ҳаммасини хоҳлар экансиз, **ўзингизга бериб** қайтурман. Ҳозирча «Яллачилар»ни юбордим, яна камкўсти бўлса, боргач, Чўлпон билан бамаслаҳат тузатиб берсам керак. Бирор ой Самарқандда бўлурман.

1) «Хоразм инқилоби». 4 парда[ли] драма.

2) «Март қурбони Ойниса». 3 парда[ли] бир манзара[ли] драма. Бу тасдиқ бўлди. Марказлитда битта нусха бор.

3) «Эл қузғунлари». Опера. 1 парда[ли] кулки.

4) «Жаҳон сармоясининг энг охирги кунлари». 9 манзара[ли] драма. 10 йиллик Октябрга бағишлаб ёзилган.

5) «Майсаранинг иши» 3 [пардали] кулки.

6) «Женотдел». 3 [пардали] кулки.

7) «Яллагилар иши». 5 [пардали] драма.

Мана шул пьесалар ҳаммаси ҳам сизни тасдиқингиз билан бўладурган учун бугунгача шул пьесаларни ёзиб тайёрлаб, бир йўла боришга тўғри келгандан ҳам йўқорида кўрсатилган сабаблар билан таъхир бўлгонлигин шояд кўзда тутуб, биз боргунча сурукни тўхта-тишингизни сўраб қоламиз.

Ҳамза Ҳакимзода.

1928 йил 19 март.

[Номаълум шахсга]

Уртоқлар!

Комилжон, Қори ака, Фахриддин, Усмонжон, Зиё Саид, Нурмат, Аъзамжон, ҳаммангизга қайноқ саломдан кейин!

Бандаларингизни атала дейсизми, қирмоч дейсизми, бесубут ёки саёқ дейсизми, инқилоб олдида йўқолишга маҳкум бўлиб турган бундай улуғ фалокатларни у-ки сирларини сақлаб қолиш саҳна хизматчиларига қандай қийматлиги оп-очикдир. Қизиқ жойларини оғизма-оғиз қўйиб, қуюқ жойларидан бир чўмучгина юбораман. Тезликда амалга оширишни сўраб қоламан.

Мана шу билан бирликда масалани ост-усти очиқроқ бўлсун учун сиздан айрилишгандин буёнги ўтган мажлис ва қарорларни ва уларнинг олдида бўлгон тўсқунлуқларни тасвир этилган комиссия исми билан менадан туғулган фикрларни дарёдан бир чимдим қўпол мақолачам билан қўшиб юбордим. Зерикмасдан, мутолаа қилиб, мақоламини (охирин бор) қинғир-қийшиқ ерларини безаб, иложин бўлса, қўшимчалар қўшуб, олдиндаги сонлардан бирига узатишга ёрдамлашишни сўрайман.

Кичкина изоҳ:

Бир неча кунлардан кейин мени Депара исполкоми фараҳлаб кетган бўлса ҳам, бир қанча ҳозирликларга йўл очмади...

Ўзинг кўрган дастархони силлиқ Исмоил мутавалли ва унинг марказдан тортиб мойлаган кекирдаклари билан очикдан-очик курашмоқ жудаям қийинларини мушкили эди. Бир оқшом ҳамма баробар бизникида бўлғонида сўзлаган эдим. Энди нима қилиш керак? На илож, олдимда бўладурғон ҳужумларни кўзда тутуб, Исмоил бошлиқ зўр бандаларни қўлга олиб, ўз қўллари билан калитни топшуртириш, бир ёқдан, ораларида бўлгон бир қисм камбағал, бадракларни ташвиқот билан қўлга олиш, бир ёқдан, маҳаллий ҳукуматда деҳқон бадракларини ҳозирлаб ташкил ҳолига келтириш, бир ёқдан, оилавий кружокни очиб юбориш...

Ҳозир ўзунгга маълум бўлгон шароитларни тайёрлаш орқасинда юқори, қуйида бўлгон тўсқунчиларни оғзига кавшар қўйиш билан аранг мана шу ҳолга келтира олдим.

Хусусан мани мақсадим мазорни битиришда деҳқон ва рабочий оммасини ҳукуматдин шубҳалантирмаслик, ўз шароитлари билан кўпроқ қаноатлантириш. Хуллас, кераклик фатволари билан матбуотлаштириш..., Октябрь байрамигача ҳозирлаб, байрамда қаторлаб расмларини олдириб, журналларда босдириш, Бунинг борасида Ўзбекистонимизда бўлган 300 дан ортуқ мазоратни ўз қўллари билан мусалло қилишни бирдан-бир яроқли чора топган эдим. Нима қиламан, ҳамма томоним қоронғу, марказ узоқдур. Депарадан, сўнг чоқда райкомдан ўртоқ Исохўжаев юборган жонли вакилимиз билан сўзлашгандан сўнг пайқаб қолғон. Бугунгача юборилган алоқаларим бирор донаси, ҳатто 8-қарор ҳам райкомга хўжазодалар томонидан кўрсатилмай, Водилдаги Водилда, Депарадагиси папкаларда чириб битган.

Иш бир ерга келиб битай деганда, Исмоил мутавалли беш-ўн иввогарларни тўплаб, йўқ бўҳтонлар билан Фарғона округ сиёсий идорасига ариза бериб, Фарғона шаҳар шўъбасига 20 октябрга охири чақиртурдилар. Ҳайрият, Депара райкоми хабарлашиб, ҳақиқат ўз йўлин топгандай бўлди. Агар аввалги маъ-

лумотлар билан борилганда, бошимга кўп ҳодисалар тушмоғи аниқ эди. Алам қайда десанг, ўзларини ривоят қилиб беришларидадир. Бу ҳақда Ҳамроқул мингбоши ўйнаган ролларини ва бошқаларни иккинчи мақоламда ёзсам керак. Энди ҳозирда ифвогарлар ҳам уюшиб тавфиқ келиб турсалар ҳам, қарорларда кўрсатилган Исмоил мутаваллини ёнидагилари билан бирликда ҳамон маҳкамаларда изғишиб юрганлари англашилади. Ҳар ҳолда умримда кўрилмаган... пичоғимни гул дастаси синмасун эди. Ул ифвогарларни тегишлик чораларини кўрмасликлари яна бир зарба бермай қолмас, деб ҳам ўйлайман.

Ҳозирда ишлар битган. Аммо кураш... тўққизга етди. Октябрь байрамига зўр ҳозирлик боради. Расмлар олиб, «Ер юзи» журнаliga ҳам, «Қизил Ўзбекистон»га юборсам керак. Ҳар ҳолда сендин меним тилагим ҳайъат таҳририга ўзинг ҳамма иш билан танишгандан сўнг мақоламни босилишига тездан чора кўрсанг, ҳам ўзинг ҳамма ишлардан бир мақола чиқариб, изидан қувсанг, деб сўрайман.

Яна бир илтмосим! Бунда Абдуллажон Хатам ўғли исмли (ҳозир ижроияқўм саркотиби) комсомол ячейка раиси бор. Шунини мухбирликка берган аризасини қабулга ўтказиш чорасини кўрсанг! Токи мунда қизиқ ҳодисаларни ёзиб тура олади. Бирор дона мактуб билан хатларни олганинг билдирмас эсанг, пўчталардан ҳам гумансираб қолдик.

Ёзгин, эсингдан чиқорма.

Ҳамма таҳририяга қайноқ салом берурсан.

Дўстинг Ҳакимзода.

1928 йил 25 сентябрь.

Ўртоқ Комил айнан қизиқ! Юқоридаги 70 уйлик хўжалардан кучлук ташвиқот орқасида 50 хўжаликча камбағалларини меҳнатга тортган эдик, ариза берувчи ифвогарлар яна Исмоил мутаваллидан юз ўгириб, яна маҳаллий ҳукуматга ариза беришиб, меҳнат сўраб тушдилар. Қўлларидан тилхат олдиқ. Яна зўр (умумий) мажлис тузиб, охирида мўлжалимиздан бир ой

чамаси илгари ўйин-кулки билан хурофот билан кураш иши юз фоиз бажарилди. Демак, мана бундай.

50 хўжаликдан 15 хўжаликга кўр, шол...ларга тушган ҳададин ижтимоий таъминот нўрмасига жон бошига 50 тийин, страхкомиссия ҳисобига бола бошига 30 тийиндан мустаҳкамланди.

35 хўжалик соғлом йигитлар бўлиб, улар ҳозирча бир хумдон (ғиштхона) бино қилиб, комхоз била даговорлашиб, иш бошлаш ҳозирланди, артель тусини олди. Баҳордан кўкатзор, тут, тухумчилик билан ҳар бир келган кишиларни қонуний кутуб фойдаланиш йўлига киришди. Қолган 20 хўжалик ўзига тўқ ифвогарлар ғиштхонага сармоя тўплаб, комхоз билан тенг шерик шартнома қилиб, фойдаланишга киришди. Қолган Исмоил мутавалли, Турсун қори, Алихон, Умаралихон (жамоа ижроқўм саркотиби) бу тўрт киши ҳар ёгдан ўз иғво бошлиғи бўлиши билан бирга, аввалги иккиси Шоҳимардонни кўрмас бўлиб кетди. Сўнгги иккиси якка махов бўлиб ажралуб шунда қолди. Демак, хурофот иши сарбосар топиб юз фоиз бажарилди. Энди тубандаги мустажир хўжалар бўлса 5 минг сўм тўплаб, Деҳқон уйи солишга, Депара комхози билан сўзлашиб, шартнома тузишга булар ҳам кетди. Ишни ўз иқтисодлари билан тиклаб, ўз меҳнатлари билан нон қавшамоқ жойига етказиб, ишни яқунлашдирдик. Октябрь байрамида дунёга намуна учун расмларин олдириб, иккинчи мақоламда очиқ ёзсам керак.

Бу сўнгги фикрларни ҳам кўриб, ўз маслаҳатинг билан мақолани бостирурсан. Агар иккинчи мақолани кутаман, десанг жавоб ёзарсан. Ёки мақолани тузатиш керак бўлса, тузатурсан. Ихтиёр санга бериладур.

Ҳар ҳолда хурофот курашини бир бошим билан ҳеч бир томондан ёрдамсиз балким тўсқинлиқлар орасида ўйин-кулги билан кутган чоғлардин илгари битишига қалам аҳллари томонидан хордуқ чиқариш учун қайноқ раҳматлар олғум борлигини унутмангиз.

Ҳамза.

Натижада Исмоил мутавалли, Турсун қори хоин бўлиб чиқди.

ТУРЛИ ИЛЛАР

[Ибн Ямин Ниёз ўғлига]

Хувал ҳай.

Жаноб!

Акойи меҳрибонимиз саллама олло-таоло фид-дорайн волидан умраҳу, иқболаҳу давлатаҳу ило ёвмил қиёма, омин.

Дуойи фаровон ва таҳиёти бепоён адосидин сўнгра етуб андоғ маълум ва равшан ўлғайким, каминаи камтаринлари балдаи Намангонда даражаи саломатликда барқарор ва уствордурмиз ва Сиз, жанобларини саломатлик ва офиятмандликларини ҳиммати оллоҳдин тиламоқға дастбардорликдадурмиз. Илоҳи, ба ҳурмати Саидул кавнайн лалаборий самовий, дар роҳи давран рўзи қиёмате бирла ҳифзи ҳимоятида асраб, яқин фурсатда дийдори шарифларини кўрмоқни бандаи бечораға насиб қилсун. Бади сўз шулки, мулло Аминжон маҳсумдан марҳамат қилиб икки сўм пул юборгон эконлар, тўрт тақсим бирлан тамом тегди. Ярим сўмдан зиёда хурсанд бўлдук. Илоҳи, саломат бўлсунлар...

...амонатни келган замон арабакашға бериб эрдим. Эҳтимол ёдидан фаромуш бўлгандур. Эҳтимол етган бўлса ҳам, агар етган бўлса яна ахтарурмиз, маъзур тутурлар, яна ва яна шулки, бир-икки дона касаллар келиб, ўз ҳолимға қўймай, танг қилиб турубдурларким, менга қарарсиз, деб, баъзиларига муолижа қилиб турубдурман. Ажаб эмас, қиблагоҳни дуоларини шарофатидин сиҳат бўлса. Аммо андоғ ва яна касалларға қарамай, дохтурға боринглар, деб жавоб қилиб юрубдурман. Умид қиламанки, иложи бўлса, баъзи тайин... бўладургон дорулардин дариг тутмай, оз-оз марҳамат қилсалар, то уч-тўрт танга топгунча. Агар топсак, ўзимиз яна хат билан тайёр қилдируб, ўзларидан олдурамиз, албатта ва яна иложи бўлса, ўзингизни катта дафтарни, ё ўзимиз[ни] дафтарлар[ни] бир тайин одамдин мазкур дорилар бирлаки юборсалар,

деб умидда ва яна шулки, бир одам икки-уч йилдин бери зикнафас экан, ҳар йил қишда тутар экан, кечаси уйқуси йўқ экан. Муолижасини биринчи «Тиби акбар», иккинчи «Қора бодини кабир»да, учинчи «Қора бодини қодирий»да фасли раббуда кўрдум, бовужуд хатға ёздимки, такроран бўлғай. Озроқ хаб зикнафас дорини бериб юборғайлар ва яна баъзи вожиботларини ҳам ёзғайлар. Иккинчи бир одам ёши 23 да, хотинига ярамас экан. Тўрт йилдан ҳеч муолижа қолмади, дейдур, боз устиға бир кунда, икки кунда ва баъзи уч-тўрт кун орада ўтиб, бурнидин қон келур эмиш. Сабабин бил-олмадим. Агар хабби жуд иложлари бўлса ё маъжунни узим бўлса, хат қилсалар, пулини юбориб олдурурмиз. Албатта, хатға ёзғойлар. Албатта.

Хаби заъфар хаби аёруж, маъжун аёрум, ҳаб зикнафас, хаби шиф, марҳамисурх, мўмиёйи марҳами кофур, симоб, хайзази макка, фалафийюн, бўқоқ дору, чор дору ва ҳаммасидан озроқдан, боқийсини пул этуб олдурурмиз ва яна шулки, дафтарға баъзи мазкурлар муолижасини ёзиб, тезлик илан юборурсиз.

Боқий ҳаммаларига кўпдан-кўп дуои салом. Боқий че гуям. Ассалому алайкум.

Доъи мулло Ҳамза.

17-шаъбонда.

[Номаълум шахсга]

Ассалому аллайкум !
 Марҳаматлу, фазилатлу биродарим ҳазратларина бу мактубимни кўндурмоқ ила хотири шарифларини истифсор эдарам, дахи шафқат ўзгасиндан 10-жумодил охарда кўндурулмиш муҳиббона мактублари те-губ, бизнинг зулмоти махзаниядан майдони фароҳияға чиғоруб, мухбири муҳаббатлари ўлдиғини бил-мамнуният китобат ила ҳазратларина билдиражакман. Илоҳи, бизим, иқболимиза жаноби олиингизи саломат ўлдиқлари жаноби ҳақ тарафиндан айн ал-лутф вал-

карам, хусусан жанобингиз бадъал хизмат ва фақир ҳазратларини салавати ҳамсада айбуҳуларимизи эътибори назарлари ила маъур эдуб, ҳижоби авф ила қалбда такрор эдажакларин рижо эдаман. Махфий ўлмасунки, 8-жумодиал оҳарда фоччамиз мулла Абдуллажон соат 12 ларда кулбайа дохил ўлдилар. Ажабо, бик-бик хурсандлиғлордан ҳосил ўлдиғи ҳожати китобат дугул! Баъд аз мулоқати бир физо мавжуд этувға-да ижозат бермай, ҳожиларни кутуб чиқуб, кечга қайтмоғлиқларин изҳор этдилар. Лоилож, бир чойнак чой танафусатинга ижлос эттумдан сўнгра қайтажақ ўлдиқ ҳолларинда қиблагоҳнинг марҳамат эдуб юборган шерсирной жомаларини тўқуф эйтмадиғлариндан ва ҳам ҳамширамизни кўруб кўнгли таскин тофсун ичун дастархон узарина устларина солдиғимни изҳор эдуб, қиблагоҳимизнинг бўйла маслаҳатсиз қилгон афъолимиза маъал хотир ўлмадиғларин тезлик ила маълум эдуб, кўнгулумизи таскин эйдирувингизи айн самим ал-қалб такроран тавсия этдим. Дахи, камина Тошкентға азму дохил ўлдиғим вақтда 45 лар чамасиндағи бир заифға мани олиб боргон эдилар. Ул заифнинг суоли-суғрависи ўлуб бани муолажаи буюрмиш эди. Фақир шарбати ҳашиш ила ҳоби суол мин «Қарободин» берган эдим, сиҳат топмиш эди. Ушбу санадан яна ижод этдиғин эълوم этди, яна шарбати хашоли ила ҳоб... бердим. Умид этажакманки, бир бор қон олиб, исҳол қилса... бил кулли дафъ ўлажақмукин. Қон олғач, қайси... набазиндин олса наф, эдажак. Марҳамат эдуб тезлик ила маълум эдажаксиз... Мунтазирдур! Сўнгра марҳуманинг йиллик маъракаси қайси ойда, қайси кунда бўла ва ҳам қиблагоҳнинг жазм келажак ва келмаяжақларинда маълум эдажаксиз, албатта.

Боқий че гуям. Ассалому алайкум ҳамшираларға ва жиянларға, ёру дўстларға дуои салом.

Ёзилди 15-жумодиал оҳарда. Худойберганжонға эшонзодадан хат келмиш. Албатта, Мулла Тўхта, мулла Бўрибой Маъсуд махдумдан, албатта.

[Мулла Ҳамза.]

[Номаълум шахсга]

Ассалому алайкум
 Ад-дуойи салом салламаллоҳу зайидан умракум,
 мукарраматлу ва фазилатлу, муаззам ва муҳтарам би-
 родари азизимиз ҳазратларина эълон ўлаким, давр
 афтодалари балдаи мусофиратда, рутбаи саломатлиг-
 да устувор ўлдиғим жаноби ҳақ бизларнинг хос...*
 дуоларингиздан балоҳон самовийвор охир қаршусин-
 да ўз ҳифзи карамида асрамоғи айн ул-алтоф узринда
 бир марҳамат ва шафқат деб билуримиз муайян ва
 муқаррардур!!

Илоҳи, бу марҳаматларигиз қаршусинда баним
 ожиз ўлдиғим оллоҳга маълумдур. Қудратлу ва ино-
 ятлу жаноби ҳақ ўзи сизлара баним жонибимдан лут-
 фи карамлар кўндуруб доҳи!!! Филқийн ал-авқот маво-
 силат дийдорларингизга мунтазир ўлон кўзларимизни
 мушарраф эдуб фараҳиятлар ҳосил этсун??! Сон ...-аф-
 релда пўчтадан бир мактубингиз келиб, баъдаз ифҳоми
 таскини дил берган эди. Иккинчи мактубингизга мунтазир
 ўлдиғимиз ҳолда 30-рабиал—охарда Х... исм (Вали)дин
 мулла Абдулжамил домла айдан Муҳаммадхон валоди
 Азизхон тўрт нафардан ибора ўлуб, фақирнинг кулбаси-
 на дохил ўлдилар. Баъд аз мулоқот бир конвертда икки
 мактуб, бири дастнависи қиблагоҳ; иккинчиси жаноб-
 бингиздан, хусусан бир дона адрас тўн туҳфаи қибла-
 гоҳи, даҳи сизга туҳфангиз 2 дона даъвати салодор
 саломатлик ила тегуб, алалхусус, дастнависи табрики
 қиблагоҳ мураққам зи осори ал муҳаббат ва-л-муъ-
 жизат зи ижод разият ўлдиғи мусофирчанинг зиндони
 зулматдан майдони иззатга чиқордиғи ва сарфароз
 этдиғи лоҳад-ул ал ийд фараҳияти лозуми ҳосил ўл-
 диғини мактуб узра лайлан ва наҳор дарж эдуб ёз-
 дум-да, илабақон-л-умр битурдум, мумкин ловужуд-
 дир. Бил куллия нудум хизматидан халос ўлдиғимдан
 фақат мақсуди ғайр аз вусули дийдор ўзга бир шай-
 дан талаффузимда такрор дугилдур? Оллоҳу табора-
 ка ва таоло они ҳам биллутф вал карам насиб этсун.

Мактубим етгач, тезлик жавоб ёзмогингизи ан самимил қалб рижо ва пиёз эдарам.

Мулла Ҳамза.

18 афрел.

Яна умид этаманки, нухаи маъжуни халосгани ёзиб юборажақсиз. Мани бир қўлимдан қон олгонда, рост қўлни сарор ва темиридин олгон. Эмди ҳам рост қўлдин олайму ёки чапдинму? Жавобина мунтазирдурмиз. Баъд аз иёҳол ёки мақдум ўлдигини-да, маълум этажаксиз. Офиятга, чини мактубини юбормадингиз. Ҳамшираларга Амина биби, Сафия биби, янги меҳмонга, ўғул бўлсалар Аббосхон, қиз ўлсалар Солиҳа биби. Фуломжон, Анорхон, Рашидбой, Раҳимжон ва иковларига ва ҳамшираларимизга, фоччаларимизга ва ёр-дўстларга дуои хос ул хос.

[Маҳмуджонга]

Қор хат

Табрик айларман бу янги қор ила,
Қишдаги кенг ҳаловатлор ила.

Қор хат ила Сизни огоҳ айлай,
Бизимга лозим на йўқ, бор ила.

Кобили шўробойи ҳам холвайтар,
Қўл кабоб, кашир, зира, памдор ила.

Икки улкон шишада сархуш мой,
Улфати ёрон ила, дўстлор ила.

Қиймалик бирён қовургон мастава,
Орқадин бирён палов анор ила.

Ҳофизии хушхону ҳам гижжак, дутор,
Чанг, гармонь, танбуру сетор ила.

Қатта қўрғонимиза фуштага,
Тоза гулхан, бир ютум кўк чой ила.

Ушбу ишлар бўлмаса мавжуд тез,
Тумшуғингизни ўяй тўп қор ила.

Қийгизуб иштонингиз бошингиза,
Кедурурман раста ҳам бозор ила.

Ҳажв айлай дашти чўлпондин узун,
Беркиноб умр ўтказингиз ор ила.

Бу Ниҳоний сўзидин огоҳ ўлинг,
Ўйнаманг саркор ила, нокор ила.

[Ҳамза Ниёзий.]

[Мунаввар қорига]

Ассалому алайкум! Маънавий Қори отамиз ҳазратларина! Жанобингиза бундан муқаддамги мактубдада ёзмиш эдим!.....Иўқ агарда ўз тарафиндан Туркистон китобхонаси нашр қилмоқ ва сўнгра саҳная қўюлмағи жамият тарафиндан мақбул кўрилуб, бир вақтга мавқуф қолдирулган бўлса, айни мақсуд ўлмоқ узра, рисоаларни бутун қолдируб, ани хусусинда вақтлироқ, шитоб дугил, мактуб ила қонезь этмаклари мутаамнодир.

[Ҳамза Ниёзий]

[Мунаввар қорига]

Ҳурматли Қори афандия!

Ушбу юбордиғим китобларни тезда адреси заказной бондрол ила юбормоғингизни рижо қилурман. Мумкин қадар қўлёмалиғи пўчта маъмурларина маълум ўлмийдирғон тарзда ўрамоқ лозим.

Қанча харажат бўлса, мен берурман.

Адрес: Стар. Маргелан, чайный базар г-у
А. Х. Зайнуллин. Ҳамза Ҳакимзода махсус.

Ҳисоблар нима бўлди? Тамом бўлиши учун қачон
йиғин қиламиз? Шунини ҳам ёзуб юборинг!

Ҳамза Ниёзий.

[Комил исми шахсга]

Бисмилло! Эй Комил,

Ахтасиз, маишат ноқобил,
Куруқ келса кўк чойимиз фомил.
Юбормасанг, тангри қилсун
Ногорангни довил.

Шахматсиз-пахматсиз
Ҳар он сўзламай гарангмиз,
Гўсиздат йўқ учун
Эчкини тофмай сарангмиз.

Эртага чўққида кўрушармиз.
Бу кунги «три угол»да сурушармиз.

[Ҳамза.]

[Номаълум аёлга]

Қондош синглимиз!

Соғингонларимни юрагимдаги сақлагон суюк ис-
тақларим ила англатуб ўткандин сўнг ёлғуз меним
учунгина эмас, бутун турк эли учун узун чоқлар яша-
вунгизи эслагон паллаларимда тиз букуб, кўз ёшлаб
уғондин сўрамоқ бўлишлиқ бурчимдур. Ҳар қачон танг-
ри сақламоғинда соғ ўлғайсизлар, албатта. Лекин...*
бор учун тилагимиз бор эди. Бир озгина ишлар йўли-
мизга тўсиғ солиб турадур. Бугун-эрта тилагимизга
тангрим қўшғой, элимни суюклари била суюшуб, сўй-
лашуб қоролангон юрагим бу чоқлари ёрушғой эди.

Сиз унутсангиз-да мени кўкга учғон тўзонларимни сур-
мадек кифрикларингизни учуға буклонуб ўлтурувларин
кўнглингизда қалдирмоқға ишонаман. Хуш алларингизни сиқуб,

[Ҳамза.]

Неға бу кўлмакингга тушди мунча турли қуроғ,
Будурки ўнгмағон ўсмирларимға тушди ўроғ.

Бу ёз қуёши шуъласинға қирий боқғондир,
Ўлукға на қабр ичра-тишина қўйса чироғ.

Ўгурғучин алидин отмаюр бугун зоҳид!
Ҳануз илгида чун севгуларни кўзгу-тароғ.

Кўкка совурди кўкка бирлик начун қудратлар
эсладик,
Бошинға йўқлиғи бирла аъзом дуомдин ўзга
йироғ.

Тўлур бу тўлқунинг ўтрусида жон олтойинг?
[Или]ға чанг бўлуб ўлтур қомушдин айла сўроғ.

[Муҳаммадёр оғага]

Биродари азизим, Муҳаммадёр оға!
Саломатлиғингизни тиладиқдин сўнг эртага тўрт
кўз билан Сизни кутаман. Албатта, келурсиз. Яна бир
илтимос, Хевадағи китоб ва жавобномаларни олуб
қайтмоқ учун Рўзимбойни юбормоқ эдук, 20 сўм пул
керак. Борлиқ оқчамиз 55 сўм экан, лутфан 15 сўм
қўшуб, беруб юбурвингизни ўтиндим,

Ҳамза.

[Девон бобога]

Муҳтарам Девон бобо!
Марказий макотибға ёзғон докладни юбордим.

Уқуб кўруб, лойиқ топсангиз, жиборурман. Ибн Яминга-да озгина дуоусаломгина ёзажақман, рухсат этсангиз. Аммо кетув хусусларинда бир калима ёзмаяжақман. Мабодо, қолғон баъзи мактубларингиз бўлса, тоғи оқшом юражақдир.

Ҳамза.

[Девон бобога]

Биродарим Девон бобо! Одинаюф келди, деб Эшнингиз қимиз сўраб жиборубдур. Бор қадар йибордим, келгани ҳақиқат бўлса, Муҳаммадёрға ёзуб, ўзум ҳам ҳозир борайин. Талабаларға 5 манот топуб берсангиз эди.

Ҳамза.

[Абдулла қорига]

Биродарим Абдулла қори!

Ўн дона коғазни йибордим. Мазкурдан нўябрда биз қанча оламиз, товаримиз қанча, декабрда ойлигимиз қанча, товаримиз қанча, шуни билуб йиборсангиз. Бизни Сиздан олғон нақд оқчамиз шулар: 113 сўм қолғон пул, 27 сўм хўжалик учун — 140. Ёнворға дарс фул 200 сўм, яъни ўн чирвонсдан икки йўл.

Янворға қараб олдиқ.

Ҳамза.

[Номаълум шахсга]

Саломдан сўнг ихватпаноҳ Нурмуҳаммад Девон ва Ибн Ямин ва боқий аҳбобу ёронга тез соатда етуб, маърузлари ўлғайким, камина дуогўйларини... Хўжайлида мастоваъи ва ёр-дўстон сиҳат-саломатлигида маишатба саломатлиқларингиза жўёну гузарандурлар. Илоҳи, яқин фурсатда дийдорларига восил қилғай, омин. Баъда етуб махфий қолмасунки, сув округ хиз-

матларингиз ғоят кўп. Моният орта, мироб бошлуғидин келган коғазларға жавоб ёзмай турубман. Чунки бир бора ишлари ғоятда оввурлиқ узодиндадур. Хўжайлини тоза соҳасин игиндоғи фуқаролар ариза беруб сув бизларни олади, деган маълумотларға биноан комиссия юбориб эрдим. Қочма гапмаси бўлмайди, деб келди. Комиссиянинг ёзиб кетган докладин фартияға ва инқилобий қўмитаға икки дона кофиясин топшурдум. Инқилобий қўмита мажлиси 18 да чақириб, мажлис сув округина ташлади. Мажлисда маълум бўлди, биздан хабарсиз 17 июнда инқилобий қўмита тўғридан-тўғри ўз тарафидин оқсақол миробларига буйруқ бериб, ҳар муродға саксон билдордан қувасан, деб милитса юборғанлиги маълум бўлди. Умумий Хўжайлини арқоқчисини ҳайдаб сув округ мироб бошлиғини йўқ этди. Сақоқчисини мени зиммамга юкласин. Мен «Одамни қайдан оламан», дедим. «Энди мен мундай талотимда сув округ бўлиб ишлай олмайман», дедим. «Инқилобий қўмитами, бошқами, қайси маҳкама бўлсун, ўзи ишласун, мен жавобгар эмас», дедим.

Шундай бўлса, алаҳазалқийёс, яна мен бир суқулуб уч миробни сақоқчиға ҳайдадуқ. Олти миробни орқоқчиға ҳайдадуқ. Иккисини ҳам чекаберди тўрт кундан, қисқача айтганда, мунда сув округин хизмати ҳали кўп, хўжаси ҳам кўп. Қўлингиздан келса, ташлаб келинг. Ташлағонингизни марказ қабул қилмаса, ўзингизни хўжайинингизни ким эканлигин билиб келинг. Марказ, мутахассис деб сизни тутса, сиз ўзим биламан, деб бир ён тортсангиз, бу ердагилар биз ўзимиз биламиз, деб бир ён тортса, ул вақтда аҳвол начук бўлар? Ўзингиз яхши билсангиз керак, орқоқчисин начук бўлуви ҳақинда маслаҳатлашув учун Эшмуҳаммад оқсақол билан инқилобий қўмитаға борғанимизда, инсониятға... билкуллия хилоф сўзлар эшитиб қайтдим. Бир бора бўҳтонлар-да эшитдим. Агарда сиз ҳам бундоғи турлу таҳқирона сўзларға қаноат этиб юрувға виждонингиз қабул этса, шул хатни ёнингизга солиб қайтарсиз, йўқ бўлса, бир чорасин кўриб ишингизни ўз харитангизга боғлаб қайтарсиз.

Газет маҳсумдан узун дуойи саломдан сўнг мундан аввали хатимда Норинбой билан ёзганимда ёзуб эдим. Саксон сўм турк Абдулла афандига ойлик оқчасидан берилсун, деб. Мазкур бериладургон оқча маълумингиз бўлган соатни қарзи эди. Энди ул соат Абдуллахўжамиз орқали сотулмай, қўлимизга қайтиб келди. Шунга биноан оқча берилмайдир Норинбой ва Абдулла афандига бир оғиз билдириб қўясиз. Шул соатни хўжасин Муҳаммадшарифчалиш деган киши сотилмай қолган бизим бриллионт юзигимизни юбориб, тайини одамдан сотилмай қолган олтун соатни олдурсун.

Зинҳор шул жавобдан бошқа бир тийин оқча бермай қайтарсиз, деб,

Ҳамза.

Боқий ҳаммамиз уй ичимиз билан соғлиқда бўлуб сизларни муҳтарамаси билан биродар Ибн Яминларга дуойи салом. Ондин сўнг Девон бобо Чинбойни марказ бўлувин Шарифоф яна бир чилла ўтиринг Хевада-да

[Бўронбой Миртожибой ўғлига]

Жигаргўшамиз Бўронбой ва Гуломжон ва ҳамширамиз Ачахон ва волидамиз ва хеш ақраболаримиз қавми ҳарам, бола чақалари билан соғ ўлғайлар.

Баъда махфий қолмасун саломатлигидан ёзгон хатингиз 15 июнда келиб тегди. Лекин уй ичимиздан хабар ёзмагонлигингиз кўп андишаларга солди. Соғ ўлғайсиз. Нечук ўзингизни тирикчилигингиз ва бизни уй ичларимиз? Энди биз мунда, алҳамдулилло, саломатимиз. Бир қиз фарзандимиз бўлиб, вафот топди.

Бу йил қандай бўлса ҳам бормоқчи эдик. Мунда бир оз деҳқончилигимиз бўлуб ҳамда интернатда ортуғроқ хизматимиз бўлиб, суюклу ёр-дўстларимиз ва ҳукумат рухсат этмай турупдур. Билмадим, бир бориб қайтарга илож топсак, боруб қолар эдик. Энди икки

Ҳамзанинг «Шӯрои ислом» ташкилотига аризаси. Қўлэзма.

**[Маориф шўросининг бошлиғига
ариза]**

Отделнинг 23-нўмерлиқ сўрагон қоғозимизга қўйган резолутсиясига биноан 17 декабрдан эътиборан сотилган хонани фулидан бир юз етмиш минг сўм қуруқ олдируб бермоқ учун ўртоқ Данилуфга топшурган эдим. Мазкур фулдан 50 000 сўм, ўзимга қайтарган эди. Утун олдик, юз йигирма минг (120 000) сўм ўзида қолган эди. Мен эски исчўт ва ишларимни янги заведуйушига ўтказдим. Мен икки, уч кишидан қарз олиб ўтказдим. Уртоқ Данилуфда (яна ўн минг сўм бериб) бир юз ўн минг сўм қолди. Тўрт, беш маротаба мурожаат қилдим. Ҳалигача топширмади.

Умид қиламан, шуни олдуриб бермоққа ёрдам қилсангиз, деб

Ҳамза Ҳакимзода.

1921 йил 10 январь.

**[Маориф шўросига
ариза]**

Ўртоқ Усмон Хайдаруф!

Маним 6 минг неча юз сўм ҳукуматдан теккан қарз оқчамни, ҳамда ярим ойлик декабрь оқчамни шу вақтга қадар берган йўқ эди.

Мени ондин 15 минг сўм (эски Тошканд фулига) қарзим бор эди. Ҳар кун оралуб оқчамни сўрасам, менга «15 минг эски фулга қарзингиз бор учун менга ҳам 15 сентралнийга фул тўлайсиз», деб жавоб берди. Агар ҳақиқатда маҳкамаларда шу қарор бор бўлса, мен қолган қарзимни тўлайин, йўқ эса, мен эртага Тошканд кетмоқчи эдим. Оқчамни олиб берув учун ёрдам қилсангиз. Йўқ эса, тегишли ўрунга мурожаат этсам, деб

Ҳамза Ҳакимзода.

1921 йил 23 февраль.

**[Хоразм халқ маориф назоратига
ариза]**

1 сентябрдан эътиборан мактаб шўъбаси тарафиндан Хўжайли қалъасина муаллим этуб таъйин этилдим. Харажат учун оқчам йўқ. Ҳолбуки, мени 3 сентябрғача яшамоғим лозим эди.

Таваҳқуъ этаманки, аванс тариқасинда мени сентябрь ойлигимни устидин молияға фармон қилсангиз, тезлик била йўлга чиқуб, масъулиятлик вазифама киришсам, деб

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1922 йил сентябрь.

**[Хўжайли халқ шўро бошлиғина
ариза]**

Бизни Марказ маорифдан олғон оқчамиз битди. Бозорда сотадурғон шайларимиз бор бўлса ҳам, кеча бозорға ета олмадик.

Шунинг учун бери кун бозорғача бир миллион сўм оқча аванс (қарз) топиб бера турурсиз, биз бозор кунни сизга сотадурғон шайларимни сотиб тўлаяжакмиз, деб

Марказ маориф осор-атиқа вакили

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

1922 йил 10 сентябрь.

[Марказий маориф назоратина]

Хўжайли интернат мудириятидан

Июнь ойи учун ҳар бир мактаб бошлуғ ва муаллимларини қарз берилмишдир. Шунга биноан ийўн ойи

учун 25 миллиорд қарз берурға буйруқ берувингизи ўтинуб сўрайман, чунки тезлик била хизматчиларимизга кетувчилар орқали йибормасак, ҳоллари фанодур, деб
Хўжайли интернат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 11 июнь.

[Марказ маориф назоратига]

Хўжайли иштирокиюн муваққат мактаб мудирдан ариза

Маълумдурки, ийўн оқчасинғина олуб борғонда, ийул ойи туғажақдир. Ийул ойи учун маълум оқча ўрни бўлмағонлиқдан марказдан келуб, оқча олуб борғонча талабаларни торатурғами? Ёхуд бундан бир таъминот чораси кўрилуб йиборилурми?

Ахтор: Агар торатилурға бўлса, ул вақт талабаларнинг тўртдан уч улушининг ота-оналари йироқ қирға кўчканлиқдан иккинчи қот йиғналуви йўқ демакдур. Мана бу хусусда расмий бир буйруқ берсангиз экан, деб

Хўжайли интернат муваққат мудир

Ҳамза Ниёзий.

1923 йил 21 июнь.

[Хўжайли вилоят маориф шўъбасига]

Муҳтарам раис афанди!

Аввалғи раис (Мирза Акрам) афанди 25 мойда каминани ойлик (100 сўм) узасидан хизматга таъйин қилган эдилар. Бугун 3 ўлароқ 10 кун бўлди. Шўро исқўмнинг ҳолина боқароқ озиқа шўъбасида бир ҳолга етиралувим бадалидир. Биноан алайҳо камина масъулиятдин бик аянч бир ҳолидалиғим тўғрисииндан ўзумга истеъфони лозим кўрдим. Каминани жавобим берсалар.

Ҳамза Ҳакимзода.

[1924 йил.]

Қизил Ўзбекистон жумҳуриятининг V ҳайъат анжуман шўросига ариза

Тақрибан 20 йиллардан бери йўқсил халқнинг инқилобий маорифи ва адабиёти йўлида бор кучимизга таяниб, матбуот саҳифаларидан ташқари элликлаб ёзилган жузвий асарларимиз шоҳидлиғи билан ўтаб келган хизматларимизни қадр этиб, 26 йилнинг февраль ойларинда бўлган анжуман шўро ўлтурушмасининг учинчисида Сўфизода билан менга умрлик маош берилишига қарор қилунган эди. Шу кундан эътиборан, балки мен (Ҳақимзода) ўн уч ойдан бери икки ердан маош олиб, бир ўринда хизмат қилиш ёзувчилик сифатларимизга ярошимсиз билиб, қишлоқ деҳқонлар оммаси ичинда, жойи келса, қўл-оёқ кучи билан ҳам ишлаб келмоқда эрдик. Бу кунга қадар маошимизми? Шул фенсия устидан рўзгор сотиш ва маълум деҳқон меҳнатларидан қарздор бўлиш билан давом этиб келди. Бу кун 28 февралдан олишимизга ишонилган маошларимизни 29 августдан берилиши бизни маънос қилиш билан бирликда, маълум маҳкамалардан бўлган ҳужжатлик қарзларимиз қошинда жавобгарлик қонунларига тиз букуб қолишга мажбур қилди. Чунки унга етарлик моддий кучимизни қолмағони, бутун ўлкамизни элига оп-очиқдир. Энди адолатлик Шўро ҳукуматимизнинг V анжуман шўро ҳайъатларидан ўтинар эдик: синиқ гавдаларимизни кўтариш, қаршумиздаги ички ва тошқи қора кучлар олдида юзимизни ёритиш учун 28 февралдан бўлган қарордин эътиборан маошимизни берилишига ёхуд маълум маҳкамалардан қандай қонуний бир йўл билан бўлса ҳам ҳужжатлик қарзларимизни жавобгарлиғидин таниган ёзувчиларингизни қутқорилишига бир ёрдам қилмасангиз, оилавий ҳаётимиз таҳриб этилиб, фано аҳволларга қолғусидирмиз.

*Бизда йўғ гарчи кутганингиз,
Бигизни ишини тийр қилмас.*

*Биз элни дедик, фақир бўлдуқ,
Эл бизни деса, ҳақир қилмас.*

Ҳамза Ҳакимзода.

1926 йил 2 сентябрь.

**Қизил Ўзбекистон Марказ Ижроқўм раиси
Ўртоқ Охунбобоев ўғилларига
ариза**

26-йилнинг июль ойларида Фарғона туман қўшчи-
сидан кузда деҳқонларга ёки Марказий нафақага тў-
лаш шарти билан 250 сўм қарз олгон эдим . . .
...Хоҳ Марказдан, хоҳ Маориф қўмиссариятидани,
мен китоб ҳозирлаб бериш шартлари биланми, бошқа
ёрдамлар биланми, ҳар ҳолда мени шул ташвишдан
қутқазिशга энг сўнгги ёрдамларингизни сўраб қола-
ман.

Фарғона вилоят шаҳри Хўқанд.

Ҳамза Ҳакимзода.

1926 йил 1 декабрь.

**Ўзбекистон Марказ Ижроия Қўмитасига
ариза**

Инқилоб киргандан бери туни-куни ишлаб келган
бўлсам ҳам отпускаи, курорт деган давлат ҳисобиндаги
жисмоний, балким руҳоний тарбиялардан мутлақо
фойдаланганим йўқ. 25-йилнинг сентябрь ойинда бир
ой истироҳатга жавоб берилган бўлса ҳам моддий то-
мондан бир пуллик ёрдам берилган эмасдур. 25-йил-
нинг сентябридан буён агарча устан ишсиз кўрулсам
ҳам ҳукуматнинг берган нафақасини бўшга олишни
ўзимга эл кўрмай, қишлоқ хўжалик, ер ислоҳоти, паст-
ки шўролар тузумаси, хотинлар озодлиги — мана шун-
га ўхшаш муҳим хизматларда ҳормай-толмай ёлғуз
берилган нафақани ўзи билан маошланиб, хизмат қи-
либ келиб турганлигим ҳаммаларингизга маълумдур.

Эндиликда кўзда, юракда, миёда, танада кучсизлик. Оёгда рематизм (эркунсо) хасталиклари билан оғриб, кундан-кун заифлашмоқдаман. Бир ёқдан ўзим ҳеч бир маҳкамаларга боғлиқ бир хизматда бўлмағоним, нафақа (75) дан бошқа ҳеч бир қандай топишим бўлмағонга, тўрт жон, ҳовли, ижара, хизматчига тўлаш билан 75 сўмни ҳам ҳеч бир кифоя қилмагани устига саломатлигимни ҳимоят қилиш учун ўз ҳисобимдан бориб курортдан фойдаланиш мумкин бўлмаган амри маҳоллардандур. Мана шу юқорида кўрсатилган узрларимни агарчи давлат кутган даражада бир хизматга лойиқ киши бўлмасам ҳам ўзларинг (халқ шоири деб) берган баҳоларини назари эътиборга олиб, қандай чоралар билан бўлмасун, бу йилги курортда бирор ўрунлардан фойдалантиришга ёрдамларин сўраб қолурмен.

*Гарчи эл пистаи хандонни суяр кулгисини,
Ким башарча сӯёдур куллий жаҳон ўлкосини.
Айламас қобил ўлан жузви ҳаёсини тарож,
Бузғучам қабзила тутғуси Ҳақима муҳтож.*

Ҳамза Ҳақимзода.

1927 йил 24 май.

Фарғона округ Ижрония Кўмитасига ариза

25-йилда Хишт кўпрукдаги Мавлон кулолнинг ўғли Юсуфжоннинг ҳовлисини бир минг бир юз сўмга олгон эдим. Оқчани бўлса хизматчи бўлгонлиқдан топганда, оз-оздан бериш шарт қилинган эди. Шул 25-йилнинг март ойида 80 сўмга ремонт, 530 сўм распискалик фул, борлиғи 610 сўм тўлаганман. Узингизга маълум, ийун ойида ер ислоҳотига тарихий материал тўплаш муносабати билан қишлоққа кетсам, қўюб кетган кишимни зумлиқ билан ҳайдаб 27 ойдан бери нисбий суратда ҳовлимни идора қилиб, ҳовлини ўз манаполиясига, ҳам фулдан, ҳам ҳовли ижарадан эксплуататса қилиб ке-

лади. Ҳовлимни йўқлиғидан 75 сўм ўзингизга маълум бўлган нафақани 12 сўмини жой ижарага, 15 сўмчасини хизматчига бериб, қолганини учма-уч зиндалиқ қилиб келадур эдим. Бу кун нафақамиз ҳам қандай сабаблар биландур 50 сўмга тушуб, жой ижара 4 жонни нафақасига мутлақо етишмай қолди. Фулумни сўрасам, «Ҳовлимни сотганда бераман», дейди. Ҳовлимни сўрасам, «Ижара қўйганман», дейди. Кўпчилик сўрасам, «Ўзинг қилиб ол», дейди. Валҳосил, 27 ойдан бери кўп сарсон қилди. Муддаолари маҳалла балоҳўрлари билан 3 йилга тўлғазиб мени 610 сўмга куйдуруш экан. Матбуотга берай десам, Шўро ҳукуматининг адлия маҳкамасига кимдир жойлаган эди. Ҳукумат идораларининг қора халқ қошинда нуфизини тушмоғидан ҳукуматни эътимод қилиб нафақа бериб турган эҳтиромидан уялдим.

Сиздан охирги ўтинчим билан сўрайман: тегишли жойларга қатъий бирон чора кўриш учун ёрдам қилиб, шундай зум узрлар, ҳукумат маҳкамасида, хусусан адлия ўрунларида ўтуруб манаполия, эксплуататса ишлатувчиларни қўлидан бизни озод қилсангиз. Бўлмаганда, ундан сўнг хоҳ матбуот, хоҳ юқорироқ доираларга бориб, йиғласак, деб

Ҳамза Ҳакимзода.

1927 йил 9 июль.

Фарғона округ фирқа қўмитасига ариза

Маълумингизки, ман қалам учуда кун кўриб 75 сўм нафақа билан бақодири тоқат яшаб келадур эдим. 4—5 та масъул ишчиларимиз, хусусан Ўлмасбоев, Ҳамидов ва Ҳакимовларнинг сўзлари билан ўз тирикчилигимни бир ёнга отиб, труппа ташкилоти учун икки ойдин ортиқдурки, кўча чонғитмоқ билан овораман. Бу орада марказдан шоиринга (10 йилда энди бир бор) берилган курортдан ва унинг ҳеч бўлмаса иқтисодий

томонидан ҳам қуруқ қолдим. Бунинг билан қолмай, тинчгина кечиб турган турмушимдан, оиламдан айрилиб, рўзгорим, озлиқ бўлгон иқтисодимдан айрилиш билан бирга икки ёшда қўлимда қолгон болам билан ҳозирда кўриб тургон кунларимни итлар кўрмасдур. Бугун мени билган киши ҳолимдан хабардордир. Муни устига 2—3 дона асарларимни маориф труппа исحتига олиб, минг сарсонлик билан 200 сўм бергонига ҳали ё асарларимни, ёхуд йўлимни бермайдики, мен уйланиб фалокатлардан ўзимни қутқазсам, яна муни устига 15 йиллардан бери кўчманчилик, жой ижара тўлаш сиқинтисидан ғоят тўйганман. Халмоқ бу ер онинг қорамоғида бўлгон бир ҳовли 800 сўмга олиб, 400 сўм тўлаган эдим. 14 августда 200 сўмга суд ижрочисига тўлашим керак эди. Ҳали ҳам ғайриқонуний бу кунки мени узурлар билан тўлай олмагоним этиборга олиб қараб келди. Энг охирги сурокни 3 сентябрда судга кириб биров йўлиқса (маориф санъат шўъба мудир), 5 сентябрга тўлашга қолдириб чиқиб, ўзи менга бир фул бермай, ўзи Самарқанд[га] кетиб қолгондир. Демак, бу кун охирги сурок бўлиб, мен ўзимдан бўлмаган бир сабаблар билан бўлиб тўлаган фулумдан 500 сўм олиб, 144 сўмга кууб, кўчага қувилсам керак. Кеча халқ шоири исмини олиб, то бу кун ўз фулумга бир жой эгаси бўла олмай кўчада қолишлигимга Ўзбекистоннинг обрўсига қандай таъсир этишлигини тушунуб, унинг учун ман тоқат қила олмайман. Шунинг учун энг охирги аризам билан бу тарихий ҳодисани Сизнинг хузурингизга тақдим қилиб, бу кун шул ишни чорасини кўришингиз учун ёрдамингизни ёки бирор четроқ ерга кетишим учун рухсат этишингизни сўрайман. Чунки мен бирор чет жумҳуриятга кетишда ўз хузуримни эмас, балким халқнинг таъна ва истиҳзосини ўйлайман ҳам унинг учун тоқатим ҳеч йўқдур.

Раҳбарлигингизни сўраб,

Ҳамза Ҳакимзода.

1927 йил 5 сентябрь.

**Қизил Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасига
ариза**

Бундан аввалги берилган аризамга берилган ваъдангизга биноан янги шаҳардан бериладурган бино (хона жой) ҳақида тегишлик ўринга буйруғингизни сўрайман.

Ҳамза Ҳакимзода.

Шаҳри Шоҳимардон.

1928 йил 27 июнь.

**Қизил Ўзбекистон Марказ ижтимоий таъминот
қўмисариятига
ариза**

Инқилобнинг ўн йиллик даврида ҳеч бир истироҳат ва даволанурдан фойдаланмай, туни-куни ишлаб келдим. 27-йили шуни кўзда тутуб Марказ ижроияқўм маслаҳати билан дўктурлар кўрсатишича, Шафранга ўрин берилган бўлса ҳам маҳаллий окружкомларимиз ўн йиллик Октябрь хотира мажлисларининг машварати билан бора олмай қолдиқ.

Бу йил шуни назарда тутуб Маориф қўмисарияти юз сўм ёрдам қилди, оилаларим борса, бойлиқ кифоя қилмаслиги маълумдур. Шунинг учун бултурги ўрунда фойдасиз қолгонимни эътибор этиб, Сиздан ҳам бирор ёрдам бўлишни кутар эдим.

Ҳамза Ҳакимзода.

1928 йил 12 июль.

МУРОЖААТНОМАЛАР

Хурматли ва ғайратли Хўқанд тараққий ва халқпарварларига илтимосимиз

Ишда иттифоқ, тижорат ва ширкатни фойда ва саодатлари тўғрисида ёзилмиш китоблар ниҳоятда кўпдир. Валҳосил умумга таралуб турган газета, журналлар орақсинда такрор-такрор ўқулмакда ва эшитилмакдадир, балки Қозон, Уфа эмас, ёлғуз ўзимизи Тошканд, Фарғоналарда ҳам ўруслар, яҳудийлар, арманилар, хусусан аҳли исломимиз ўлан тотор қардошларимиз орасинда ҳам ҳозирда ширкат-иттифоқга бирлашмоқ ва ўртоқлашмоқлари кўз олдимизда кўрилмакдадир. Демак, бу кундан эътиборан сиз зотлари жамлаб, мажлис этмоқдин муддаомиз ширкат-иттифоқ йўлларини майдонга қўймоқдир. Агарда айнан ва сидқаи бирлашуб, эътиборга олсалар, тубанда ёзилган ишларни ижро қилурмиз. Шояд, бу баҳона била иттифоқ ва иттиҳодимиз давом этуб, ширкат қонуни бизим Фарғона ва Туркистон мусулмонларига ижро ўлуб, оз муддатларда таназзулда қолган ҳар бир ишларимиз янадин тараққий ва тарвижга интиқол ва молик бўла олур эди.

Ешлар ҳар бирларининг ҳимоялари ила ўртоқлашуб, ўзаро бир мағоза очмоқ масъала ва онинг моддалари:

1. Аъзо нақадар ўлсун қудратлилари 100, қудратсизлари 50 сўмдин оқча ширкатга қўшурулар.

2. Ушбу ширкат мағозаси олти кишининг идорасинда юритилур.

3. Ҳар олти ойда ушбу ширкати мағоза умумий аъзолар орасинда ҳисоб ўлунур.

4. Агар савдо тараққийда ўлуб, фойда яхши кўрулган бўлса, аъзолар ихтиёрича, мазкур фойдани фулнинг танига қўшилуб, яна мол олинур.

5. Бир йил-икки йилдин кейин сармоя кўпаюб, фой-

да каттароқ кўрилса, ул вақт, аъзолар ихтиёрича, оқча соҳибларига мазкур фойдани қайтарилур.

6. Агарда кундан-кун савдо ишлари давом ўлмоқча етушса, яна аъзолар йиғилуб, оқча жамълашуб, сармояни зўрроқ қилинуб, ишни каттароқ очилур.

7. Олти ойсиз оқча соҳибига қайтарилмас.

8. Олти ойдан сўнгги ҳисобда оқчасин фойдаси би-ла олуб, аъзолиқдин чиқувчиларга монельлик йўқ.

9. Олти ойдин сўнг соҳиблар орасида аъзолиқга кирувчиларга рухсат бор.

10. Бу ишлар хусусинда ишонув учун бир условия ясалур.

11. Оқча соҳибларина олти аъзо тарафиндин қоғаз берилур.

12. Мағозанинг на ерда очилуви ва ниндай ашёлар сотилуви хусусиндаги масалалар олти аъзонинг ихтиёр ва маслаҳатларида ўлур.

13. Бу мағоза эса мол олинуб ва насяға сотув хусусларинда бутун мамнуниятда ўлур.

14. Муддатлик сўроқга қадар киришадирган аъзоларга ширкат дафтари очиқ ўлур.

15. Ушбу шарт ила ижро ўлан ушбу ширкатга мумкин қадар илтифот этуб, қўшлаб тараққий ва ривожига кўшиш этувчи афандиларимизга раҳмат ўқиймиз. Агарда қўшулмай ишонмасликда қолувчи, баъзи зотларнинг бу ишларга тамасхур қилмай, бошқаларинда рағбатларин қолдирмовчиларга-да чин кўнгилдин ташаккур айтамиз. Яна: моддаларимиздаги камликлар бўлса, маслаҳатларига сомельлик била қадамларига офарин ўқуймиз. Ассалому алайкум!

1914

Халқ маорифи ила артистлар орасида бўлгон шартдан олий муфтиш тасдиқи учун баённома

Мен 6 йиллик инқилобдан бери шул санойи нафиса йўлинда хизмат бўлинувум ила баробар ҳар қошимда чиққан камчилик мени ўқитуб келди. Бухоро жумҳуриятинда кўрдилигим, тажриба ва қабул этдира олди-

гим бизим кибики Ҳоразм жумҳуриятига-да мен шул саное нафисани йўлга қўюв нияти била келган эдим. Лекин қисқагина қилуб айтканда, ҳозирги санойи нафисанинг борувиға четдан қараб куларлик бир ҳолдадир, чунки умум турк дунёси бир бўлса-да, ҳар бир қабиласининг турмиши иккинчи бир қабила турмишига бир парча ўзгароқдир. Масалан, ҳозирда Бухородан келган труппа гарчи бизим Туркистон ўзбеклари турмишидан нақадар драма ёки комедия ўйнамасун, мен халқ руҳиндан олгон маълумотимизга қараганда, ҳеч таъсирсиздур. На учун? Албатта, муни жавоби ҳар бир санойи нафиса тарихиндан хабардор киши қошинда очуқ бир масаладур. Ҳолбуки, бугун Ҳоразм саҳнасинда тиётру уйновчи 3—6 ўртоқ учун ойина миллион-миллон сарф қилунгон ҳолда бори маҳаллий халқ учун ойина ёлғуз 6 маротаба ўзбекча тиётру берилур, у-да зўр пьеса уйнов учун артист етишувга қаршу ўйналгон пьесалардан, турмиш ўзгармаси била баробар халқга биргина таъсир туйғуси ўрнашмайди. Мен 15 ноябрдан бери нақадар тиришдим. Сиз, биродарга мурожаат этиб, тубандаги кўрсатилажак талабларни ёзув, они расмий халқ маъорифига тақдим этдим.

1. Халқ маорифи бу тадбирни ҳозирдан чорасин кўриш учун 9 кишидан мураккаб бўлгон ўзбек труппасига маориф тарафидан яна 6 киши беруб, бизни штатимизни 15 га тўлдурулса, шул 6 киши биз кетганга қадар аралашуб ўйнаб, тажриба кўргандан сўнг яна 6 киши қўшуб, 21 кишидан мураккаб маҳаллий ўзбек труппаси ва пьесалар етишдуруб кетсак.

2. Саҳнага шул 5 киши ишлаб, бир ярим ой ичинда маҳаллий халқнинг ўз турмишига доир декорация ва занавес реквизитларин ҳозирлай олсак-да, ўз кўз олдимизла аларни ўйнатиб кўздан ўткаруб кетсак.

3. Шул бир ярим ой ичинда ақалли 4—5 маротаба инқилобий пьесаларни халқ кўзиндан ўткарсак, халқни маънавий руҳлари била санойи нафисани танишдурсак.

Дуруст, бизгача сиёсий идора қўлинда бўлуб вазифа ўтаб тургон бўлсак ҳам виждон нуқтаи назарин-

дан қарағонда, бизим инқилобий номимизга ҳукумат оқчасин бўшқа ошаб, ойиға 5 маротабағина кичик пьесалар билан ўтказуб Хоразмға бир тийинча фойда қолдирмай кетув улуг бир жиноятдур. Мана шуни назарда тутуб, мен халқ маъорифи орқали олий муфтишдан сўрар эдим: биринчи тарафдан, халқни саное нафиса била кўпроқ танишдирув; иккинчи ёқдан, иқтисодий жиҳатин таъмин этув (яъни декорациялари тиётру оқчаси била тайёрлов усулин топув) учун саҳнани кундуз соат 2 дан 7 га қадар 1 мортғача, бир йўла шул вақт биз сиёсий идорада вазифамизни ўтов баробаринда шуни ҳам ўтаб, иккинчи ёқдан Хоразмға кўргазушлик бир хизмат қолдуруб кетар эдик.

Мана шул тилакларимизга йўл берилгон ҳамда 15 мортдан қолдирмай тубанда кўрсатилгон мушората лойиҳаларин халқ маъорифи тарафиндан тасдиқ этилуб рухсат берувларин сўраймиз.

Сиёсий идора қўлинда 3 труппани оддий бўлгон 3—4 кишилик бир труппа тиётру ходимлари бўлуб бир ойда 2—5 маротаба тиётру қўюб беруб турган бўлсалар ҳам ўзбек труппаси 9 кишидан мураккаб этилуб, ҳамда бир ойға 5 маротабағина ўзбекча тиётру берилуви ғоят тор бир муомаладурки, биринчи ёқдан, маҳаллий ўзбек халқининг аксариятиндан қатъий назар ўқув ила бизим ончайин кичик бир пьеса ўйновға йўл қолдирмаслик учун бир муаммодир. Алалхусус, 1 мойда бул труппа бориси кетиб ўзимиздан тажриба кўрган бир труппа бўлмагон сабабли, саҳнамиз ёпиқ қолмаса ҳамки, ўз-ўзидан ул труппани вужудға чиқуб иш олуб боруви онча оғир бўлса керакдур. Мана шуни назарда тутуб, сиз, олий муфтишға ўзбек труппаси ходимларидан ўртоқ Ниёзовнинг тубанда кўрсатилажак таклифларимизни тақдим этув баробаринда, биринчи тарафдан, аксарият ташкил этилгон маҳаллар ўзбек халқи ҳозирғи санойи нафисанинг инқилобий дарсиндан кўброқ фойдалантурмоқни, иккинчи ёқдан, шул ўзбек труппаси кетганга қадар маънавий кучдан фойдалануб, ўзининг соясинда маҳаллий бир труппа ташкил этилуб қолувин, учинчи ёқдан, Хоразмнинг

турмушига доир декорациялар ҳозирлануб қолувун, тўртинчи ёқдан, Хоразмнинг турмушига доир пьесалар ва инқилобий шеърлар, хорлар, декломатсия, опералар ҳозирлануб қолувун, алалхусус, кундуз кунлари ҳар бир узоқ-яқиндан келажак кишиларга қулай бўлувун устига ҳукуматни иқтисодий жиҳатдан бойитув энг муҳимроқлигин назарда тутуб ўз тарафингиздан бизим ҳам тасдиқимизга қўшулуб, шул мушораталаримизни тасдиқ этуб 15 мортдан эътиборга рухсат этувингизни сўраймиз.

[1923]

**Фарғона округ Учкапрофсоз клуби қошидаги
ҳаваскор ўзбек труппаси томонидан
талабнома**

Биз, ҳаваскорлар тўдаси, ҳар бир нарсадан орқада қолгон темир йўл ишчиларини санойи нафиса воситаси билан олдимиздаги ёнги турмуш билан тонишдурмоқ, уларни ижтимоий инқилоб кўрсатгон бирликка чақирмоқ учун тўпланиб, шул хизматга ҳозирланғонбиз. Локин биринчи томондан ўзимиз ҳам аҳлимизга яраша илмий кучдан ёш ҳам заиф бўлуш билан бирга юрғузодигон ишимизни моддий томонининг ортуқ даражада қуп-қуруқ бўлуши бизни гоят оқсатуб келмакдадур. Хусусан, бизга раҳбардан ташқари саҳналарда тажриба кўрган, концерт бўлумларимизда бошчи ашулачимиз ва зўр ролларда иштирок этадиган ҳамда режиссуримизга муовин бўлурлик бир одам ҳам хоним ролини ўйнаб туриш[ға] бир ўзбек хотини билан лоақал уч нафар четдан кирувчилар бўлмағонда, труппамиз бош идорамиз кутгон вазифаларни мукамал ўтаёлмаслиги уч мартаба қўюлғон тиётрумизда очуқ кўрулди. Мана шунга бир қанча тубанда кўрсатилган, тажрибада кўрулган шароитларни кўрсатиб сўраймиз. Бизга тезлик билан шул кўрсатилган тилакларни вужудга чиқариш учун бош идораларимиз ёрдам қилсунлар эди.

1. Бизим ўзбек турмушига доир пьесаларни ўйнамоқ учун ҳар хил ўзбек кийимлари ва рўзғор асбоблари

керак бўлуб турадур. Булар қлубда бирор дона бўлса ҳам топилмайди. Артистлар бўлса, ҳаваскор бўлуши билан бирга қўл учида кун кўрувчи бўлгонлиқдан иқтисодлари кўтармайди. Чет кишилар пулсиз бермайди. Ҳар тиётруда ижарага олса, давлатнинг иқтисодий режасига катта зарар бўлғусидур. Мана шу сабабларни эътибор этиб, бир қатор мазкур кийим ва асбобларни ҳозирламоқ учун энг озидан юз сўм оқча берилсун эди.

2. Концертларимизда ҳар бошлиқ вазифаларин ўтовчи ҳам катта ролларда иштирок этиш билан бирга режиссўримизга хасталик ва шунга ўхшаш табиий ва ғайри табиий ҳодисалар тушкон чоқларда ишимиз тўхталмасун учун муовинлик сифати билан бир зўр тажрибалик ҳам оперетка ва операларда иштирок этувчи икки нафар артист ва хонимлар ролида иштирок этиш учун лоақал бир дона ўзбек хотин билан уч кишига темир йўлдан қандай хизмат билан таъмин этилиш чораси кўрулсун.

Маълумки, бизни тўдамиз ҳаваскор бўлгонлиқдан ойлик бера олмайди. Бекорга унда ишчилар иштирок этмайди. Бундай муҳим кучлар бўлмағонда, бизни тўдамиз энг кучсиз бир тўда бўлуб, ҳеч бир қандай кучлик натижа чиқмайди. Мана шуларни назари эътиборга олиб, тезликда уч ўртоққа темир йўлдан иш бериш йўли билан таъмин чораси кўрулсун.

3. Бизим Ўзбекистон ёзувчиларига ғоят камбағал, саҳна материаллари чекидан ташқари кучсиз бўлиш билан бирга халқимиз, хусусан бизнинг темир йўл рабочилари саҳна томошасидан ғоят бебаҳра қолгондурлар. Буларни саҳнага жалб қилиш, қизиқдириш учун бизга янги-янги кулгилик драммалар, музикалик опереткалар ва опералар, янги хор ва ашулалардан ишни бошлашга тўғри келадур. Мана шунинг учун биз бундай нарсаларни марказ нашриётдан ғоят кам учратурмиз. Бизга буни ишлаб чиқарувчилари билан келишиб топишга тўғри келиши ҳаммага маълумдур. Шунинг учун бундай асарларга қлубимиз ёрдам қилсун ёки труппани шундай моддий эҳтиёжларин кўтариш, таъмин этиш учун хоҳ қлубимизда, хоҳ тайёрлик кўруб

қайси бир жойларда бўлмасун фуллик кечалар, тиётрулар қўюш учун ижозат ва ёрдам кўрсатулсун. Ул вақтда биз ҳамма эҳтиёжларимизни секин-секин ўтаб, кўзлаган тилагимизга оқсамай ета олурмиз.

[1924]

[Номаълум ташкилотга йўлланган талабнома]

Меним талабларим: Агар Ўзбекистонимиз учун янги ашулалар ижод этиб турилиши керак бўлса ва мендаги табиатнинг шу берган бойлиги Ўзбекистонимизнинг менга тутадурган харажат ва нафақаларини қоплаш билан бирга сахна ва замонни талабига мувофиқ фойдаланишга лойиқ бўлса, тубанда кўрсатуладурган ва ўн йилдан бери талаб этилиб, муваффақ бўлолмаган шароитлар билан мендан фойдаланилса экан:

1. Бир дона махсус фианину билан таъмин этилса.

2. Ҳозирги очулган мусиқа дорулфунунидан чолғу ўрганиш суфати билан эмас, ижод этиладурган ашулаларимни сақлаб қолиш ёрдами учун ўзбек миллий мусиқа нутасини ўзинигина ўрганиш йўли билан фойдалантирилса.

3. Меним бир қадарлик таъмин муқаррар этилса.

4. Хоҳ эски, хоҳ янги шаҳарда бўлсун, ҳукуматнинг арзон биноларидан фойдалантирилса, чунки хусусий мулклар мени иқтисодимга катта зарар берадур.

5. Матбуот, нашриётдан ва кино-театрлардан мумкин қадар ҳақсиз фойдалантирилса.

Мана шу чоқда тинч бошдан мазалик ош кутмоқ мумкинду. Йўқ, агарда юқоридаги шароитга мендан қутулган куч арзимас эса (албатта, бу илмий кишиларга маълум бўлади), шу ўн йил ичида шўро ва фирқа жазимиға фойда бўлмаса ҳам зарар еткузмаганлигим учун марказий идоралардан бирор ёрлиқ қоғоз берилса экан, токим ўзумдаги шу баҳосиз кучни бир навъи йўллаш учун бирон ерларга бориб, тарбиям учун уринуб кўрсам, деб

Ҳакимзода.

1928 йил 14 июнь.



**Агабиў
лабхалар
Ва қаўғлар**



* * *

1908 йилларда Хўқандда Ҳожибек гузарида Абдулвоҳид Муҳаммад Зоҳиджон ўғлига мирза бўлиб, Қорақўл заводида турдим, шу вақтда қолган (ортдирган) улфатлар:

1. Султонбой.
2. Маҳмуджон.
3. Муҳаммад Мусин.
4. Акрамхон.
5. Умархўжа.
6. Мирза Мели.
7. Камолжон.
8. Мирза Йўлдош.
9. Умаржон.
10. Сиддиққожи.
11. Абдулқодир.
12. Эргашбой.
13. Эшон.
14. Умаржон.
15. Йўлдошхон.
16. Муҳаммадазимқори.
17. Ҳамза Яминуф.

* * *

Татар оламининг ёш-қариси баробар олға кетди. Тошканд ёшларининг фикри фул-молға кетди. Бухоро ёшлари амир соясинда тобора иши заволға кетди. Самарқанд ёшлари эса қофда эди, жаволға кетди...

* * *

1911 милодий 6 майда (1329 ҳижрий 20-жумодил аввалда) жумъа кун тонг вақтда марҳума волидани бу ҳолда туш кўрдим: Ман Бухорода таҳсилда эканман. Бейжозат кетканим учун хавф этуб, яна Бухородан пиёда Аввал (асли ватан)га азму дохил ўлмишам. Марҳумани қиблагоҳлари ўлон бобомиз ҳовли-

синда марҳума била мулоқот ўлдум, эса марҳума бир суюмли ҳол ила банга илтифот эдарақ ҳол-аҳвол сўраюр. Баним қўлимда бир китоб эмиш, они ўқудум эса марҳума йиғламақа бошлади. Бан ҳам қоч вақт йиғладим. Марҳума этуб деюрки, фалон киши (исми фаромуш ўлган эди) ҳам бу китобни ўқумиш эди. Волидам ёдимға тушуб, кўп йиғлаган эдим. (Ўз волидаи муҳтарамалари ул вақтдан ... сана муқаддам вафот этмиш эди.) «Сан ҳам ўқудинг, йиғладим», дегач, яна ман марҳумани волидалари учун-да йиғладим. Сўнгра китобни қўюб, сўзға кируб, «Волидаи муҳтарамам, ман беадаблик қилуб, рухсатсиз Бухоройи шарифға кетуб қолубдирман. Ижозатсиз кетканимға қўрқуб, яна рухсат олмоқа келдим, агар марҳамат этуб ижозат берурсангиз, янадан Бухоро борсам», дедим. Марҳума яна йиғлаб, «Болам ман сандин икки дунёда ризоман, ризо бўлганман, қиблагоҳинг ризолик берса, боргин, ман ризолик бергач, қиблагоҳинг ҳам ризолик берар, албатта, сан илм истар эсанг, биз икки дунёда ризобиз», деб йиғлаб дуо қилуб чап юзимдан бир бўса олдиларда, ман ҳам йиғлаб марҳуманинг ўнг кифтлариндан бир бўса олдум. Уйғондум, салавати фажр вақти экан. Демак, ўзум у оқшоми икки хаёл бирла ётмиш эдим.

Бири Истамбул боруб ўқумоқ, иккинчиси марҳума биздан ризо бўлганмукин, йўқми?

* * *

Вафоти марҳума 1328 ҳижрий 13-ражаб панжшанба кун; дафни марҳума явмул-жумъа.

* * *

Саёҳат вақтларинда охирги муҳаббат ила ортдирдигимиз аҳбобнинг адрес ва маълумот таърихлари:

1. Ҳ о ж и л р д а н: Ҳожи Калимуллоҳ Шоҳазимбой ўғли. Авсофи ...Рисолаи тарих минг ...нчи саҳфасинда... Адреслари Эски Тошкандда, Себзор даҳасида, Қадват маҳалласидадур. Мулоқотимиз 1909 милодий 25 мойда.

2. Т и ж о р л а р д а н: Мулла Зафар (Қўшоқбой) Аҳмадбоюф. Авсофи ...тарихи минг ...нчи саҳфасинда...

Адреслари: Эски Тошканд, Себзор даҳаси, Чигит боши маҳалласидадир. Дўкондаги адреслари: Қозоқ бозорида, тўнфуруш... Мулоқотимиз 1910 милодий 1 август.

3. О д д и й к о с и б з о к и р л а р д а н: Бўрибой ... ўғли, қилдиғи ёрдамлари ...Рисолайи тарихи минг ...нчи сафҳасинда. Маҳаллалари Эски Тошкандда, ...маҳалласида; адреслари Яккабозорда, Жўрабойқожи Азимбой ўғли, сўнг...

4. М у а л л и м л а р д а н: мухтарам Мулла Собирхон, Шокиржон Раҳимийлар, сабаби алоқалари ...сафҳасинда, жойлари Себзор даҳасида, Тахтапул маҳалласинда. Мулоқотимиз 1910 милодий 2 ўктябр.

5. М у а л л и м л а р д а н: ...домла Усмон афанди... Эски Тошканд китоб бозорида, Муҳаммад Носиҳали Маҳмудуф, сўнгра А..., мулоқотимиз 1909 милодий 20 июл.

6. Ф у р у ш а н д а л а р д а н: Мулла Зафар саҳхоф Мулла Низомиддин ўғли, сабаби алоқамиз... ..нчи сафҳасинда. Маҳаллалари, адреслари: Эски Тошканд китоб бозорида... Мулоқотимиз 1910 милодий 7 сентябрь.

7. Ҳ о ж и с а й ё ҳ л а р д а н: Ҳожи Абдулкарим валади Ҳидоятқори мулла Зафарохун... саҳхоф, дўконларида бир маротибагина суҳбат, сабаби алоқалари ...саҳфасинда. Адрес: Мулла Зафар мулла Низомиддин ўғли китоб бозорида, Тошкандда. Мулоқотимиз 1911 йилда 22 гинварда.

8. Қ а р и б о т а м и з д ў с т л а р и н д а н: Ҳомидхон оқсоқол ўғуллари: Ҳомилхон, Собирхон, Абдуллахон афандилар. Қисқача таржимаи ҳоллари ...нинг ...нчи сафҳасиндадир. Маҳалла Шайхантоҳур маҳалласида, мулоқотимиз 1908 милодий 20 майда.

9. П и р л а р д а н: мухтарам устози олий муаллим Мунавварқори Абдулмажидхон ўғли. Орадаги муносабат ...нинг ...нчи сафҳасиндадир. Адреслари: Эски Тошканд, Шайхантоҳур, Усули савтия мактабида, маҳалла Меҳрободда. Мулоқотимиз 1908 милодий 11 декабрда.

10. С а м е қ о р и а ф а н д и, муаллим ...ўғлилари ...нинг ...нчи сафҳасинда. Адреслари: Мунавварқори била ба-

робар, ёхуд «Туркистон» хонасида. Мулоқотимиз 1908 — 11 декабрда.

11. Марғилонда танишдигимиз зиёлилар:

1. Абдуллақори ... ўғли, сабаби алоқа рисолаи тарихимнинг ...нчи сафҳасинда мазкур. Мулоқотимиз...

2. Абдулазиз Шамсиддин ўғли, сабаби алоқа рисолаи тарихимнинг ...нчи сафҳасинда мазкур. Мулоқотимиз...

3. Акбарали Умарали ҳожи ўғлилари, сабаби алоқамиз рисолаи тарихимнинг ...нчисида мазкур. Мулоқотимиз... Адреслари: Эски Марғилон, Янгибой Акбарали Умарали ҳожи ўғли.

4. Азимжон Яъқубзода, сабаби алоқа... мазкур. Мулоқотимиз... Адреслари: Эски Марғилон, мағазин, Турди Худойхўжаюф.

* * *

1912 м. 30 мартда Ҳожибек гузаридаги мактабда турдигим вақтларда кундуз-оқшом ўқувчи каттароқ шогирдлардан азбарои ижмоъ ва иттифоқ хусусида жамият ибтидосининг аҳднома қоғазин кўчиргани бош-лаб, ҳар жумъа азбарои мажлис ва суҳбат этмоқ миқдори 2 сўмдан 4 сўмгача сарф эдуб, навбат ила ўткармоқга актив қилиб қўймоқ учун тўбонға аъзоларнинг қўллари қўюлди. Ҳар ким қайдса, 5 сўм штрафга ри-зо бўлувчи аъзоларнинг қўли:

1. Мулла Ҳамза Яминуф.

2. Абдулазиз Мирсолиҳ ўғли — Читгарлик маҳал-лалик.

3. Зокирхўжа Абдулқодирхўжа ўғли, Намангон уязидаги Хўжа қишлоқлик.

4. Бўронбой Миртожи ака ўғли.

* * *

1912 м. 28 декабрда олинган кўзойнак нўмери — учинчи.

* * *

1912 м. 10 декабрда ўзимни тортдим: 3 пуд 3 қадоқ келди.

1912 м. 12 октябрь, 1330 ҳижрий 16-зулқаъда шанба кунн Зухрохоним ҳазрат Ғанихон олдиларида муслмон бўлуб, якшанба кеч никоҳ бўлди.

* * *

1912 милод 29 декабрда Зухрохоним отасига кетди.

* * *

...18. Сафардан Фрот келдук, 10 соат миқдориди поезд бирлан.

...25 Сафардан Фофурга тушиб, Истамбул жўнадук, 5 кун юруб биринчи раббиул аввалдан Истамбул кирдук. 8 кун туруб 9-раббиул аввалда жўнаб 3 кунда Адисга чиқдук. Адисда 2 кеч ётуб, поездга тушдук. Харкоф. Фофурда кўрган шаҳарларимиз Фрот, Истамбул орасида Измир, Чаноқ қалъа, ...Бинғозия.

* * *

1914 м. 8 ноябрдан (шанба кундан) эътиборан «Мақтаби дор ул-айтом»да ўқувчи катта ёшдаги кишиларнинг исмлари, маҳаллалари, ўқуган муддат ва берган вазифа (фул)лари:

1. Умаржон Абдуллажон ўғли. Марғилонлик, Усмонбой Мирҳошимбойнинг қайноғаси; хат-имло, бир ой, 1 сўм.

2. Муҳаммадсиддиқ Абдулжалил ўғли. Ҳайдарбек маҳаллалик; хат-савод, ойлик, 2 ой, 2 сўм.

3. Мирзаолим Тожибоюф, қўшнимиз. «Первая книга»; 2 ой, 1 сўм.

4. Бўронбой Миртожибоюф, қўшнимиз. «Шифоҳия»; 2 ой, 2 сўм.

5. Абдулқайом. Авваллик; хат-савод, 2 ой, 5 сўм.

6. Мелибой Ниёзмуҳаммадуф; хат-савод, 1 ой, 2 сўм.

7. Тошпўлад Абдусатторуф. Авваллик, холабаччаниз; хат-савод, 1 ой, 1 сўм.

8. Мирсобир Муҳаммадрасулуф. Ходабозорлик; хат-савод, 1 ой, 1 сўм.

9. Муҳаммаджон Мирҳайдаруф. Хўқандлик; хат-савод, 2 ой, 2 сўм.

10. Охунжон. Қўнчиликлик; хат-савод, 2 ой, 2 сўм.

* * *

1914 м. 21 июлда Хўқанд Галабаққол маҳаллалик Санджон ўғлининг меҳмонхонасида тубандаги ўртоқлар йиғилишуб, «Янги саодат» романимизни нашр қилмоқ учун ақча йиғушдилар:

1. Маъруфхон ... ўғли. 5 сўм.
2. Маҳмудхон Мирбаратуф. 10 сўм.
3. Ҳамза Ҳакимзода. 12 сўм.
4. Саъдуллохўжа Тожиқўжа. 10 сўм.
5. Пўлатбойвачча Зокируф. 10 сўм.
6. Муҳаммадумар Маҳдум ўғли. Тошкандлик. 10 сўм.
7. Усмонқори ... ўғли. 10 сўм.
8. Раҳимжон Ҳожи ... ўғли. 10 сўм.
9. Санджон ... ўғли. 6 сўм.
10. Раззоқжон Шарифуф. 8 сўм 50 тийин.
11. Мирзажон Камолий. 10 сўм.
12. Мулла Юнус ... ўғли. Исфаралик. 8 сўм 50 тийин.
13. Иброҳим Давроний. 10 сўм.
14. Хўжахон Тожиюф. 3 сўм.
15. Ҳамза Ҳакимзода. Яна 12 сўм.
16. О. Обидий (тошкандлик) учун Хўжахон 5 сўм.

* * *

1914 м. 25 декабрда Хўқанддаги Муҳаммадшариф маҳалласида Миразиз элликбоши Миршариф ўғли боғида «Дор ул-айтом» мактабида мазкур маҳалладан келган ўқувчиларнинг исмлари:

1. Мулла Шоҳяъқуб...
2. Уста Аҳмадали...
3. Нуриддинхўжа.
4. Убайдуллахўжа.
5. Назриддин.

Мазкурларнинг ўқувлари бир ойдин, ёлғуз хат-савод бўлуб, ойлик икки сўм эди, бир сўмдан беруб боқийсин бермаганлардур.

* * *

1915 йил мелодий 2 февраль, 1333 ҳижрий 29 рабиял аввал, якшанба, 6 соат тонгда жаноби ҳақ бир

қиз ато қилди. Исмини қиблагоҳимиз тарафиндан Савдохон қўйилди.

Шул 1915 йил 13 июнида шанба куни намозшомда вафот бўлди.

Шайхонда дафн қилинди. Қабри — волидаи муҳта-раманинг жануби шимолисида.

* * *

1915 йил 12 июнда, жума кун, соат 10 да токим бешга қадар Хўқанддаги Яъқубхўжа Яҳёхўжа эшон боғларида янги иттифоқ мажлиси (жамияти хайрия) бўлди. Ҳафтада бу мажлисда бир кишига навбатлик бўлуб, Ҳамза Ҳакимзодага 23-нўмер қоғози чиқди. Мазкур мажлис уч кишидан сўнг Аббосхўжа Қалонхўжа ўглининг ихтилофи сабабли мажлис давом [этиш] дан тўхтади.

Мазкур аъзолар:

1. Яъқубхўжа Яҳёхўжа.
2. Ҳодихўжа Яъқубхўжа.
3. Абдусалом Олимжон ҳожи.
4. Мирзоҳид Оқилий.
5. Мирҳомид Оқилий.
6. Маҳмудхон Аҳмадхонуф.
7. Раҳимжон ҳожи.
8. Ашурали Зоҳирий.
9. Ҳожиянус Оғалиқ.
10. Абдулваҳоб Ибодий.
11. Муаллим мулла Тошпўлод.
12. Маҳмуджон қори.
13. Аббосхўжа

* * *

Тўрт кундан сўнг олуб келдилар [қуйидаги] китоблар[ни]:

«Ҳавожии диния»; «Адиби аввал»; «Адиби соний»; «Муъомалот»; «Бадр ул-ҳисоб»; «Шифоҳия»; «Истифтоҳ»; «Истиқмол»; «Тарихи муқаддас»; «Намунаи ахлоқ»; «Тажвид»; «Муншаот»; «Адабиёт».

Қози домла буларни кўрган, «Майли мактабни давом қилингиз, лекин мани рухсат верганимни ва кел-

ганингиз[ни] бошқа кишиларга билдирмангизлар», демишлар.

Муаллим курсидан Йўлдошқори Муҳаммадхолиқзода шул числонинг 28 августида Қудинггар маҳалласидаги масжидда «Усули савтия» мактабини очдилар.

* * *

1915 й. 17 августдан бошлаб муаллим[лик] курсида ўқувчилар:

1. Исмоилжон Муҳаммадкарим ўғли.
2. Абдурахмон Исҳоқбой ўғли — Чорбоғда.
3. Нурмуҳаммад Турдибобо ўғли — Хўжапорсода.
4. Набижон Мусабой ўғли.
5. Баҳромжон Мирзажон Ҳожи ўғли — 2-Қозиёнда.
6. Қори Йўлдош Муҳаммадхолиқзода — Уқчида.
7. Акбарали Умарализода — Абдуллабой маҳаллада.
8. Ҳожи Омон Йўлдошбой ўғли — Катта қайрағоч маҳаллада.

9. Абдулазиз Шамс — Қозлар ҳавзи [маҳалласида], ёрдамчи Ҳолмуҳаммад Охундий — Кўкмозор[да].

Бу число ичинда кўришдигимиз нуфузи ўрта ёш миллатпарварлар Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа ўғли — Косагиронда, Рустамхожи Ҳолиққулхожи — Чорбоғда, Мирзайўлдош Абдулжалил Мирзабаратуфлар — Гўравакда, Абдулмажид Бобораҳим ўғли — Жалойирда, мулла Шариф Охунд Каримжонбой ўғли — Янғоқзорда.

1915 йилда 15 августдан бошлаб Марғилонда ўлмиш тарихий ишлар

1915 м., 1333 ҳижрий 24-шаввол шанба кун соат 9 да Галабардор маҳалласидаги Тўйчибой масжидида «Занжилли»га имому мударрис ҳазратлари билан мусоҳиб бўлуб, идораларида ўлон эски мактабга биринчи «Ҳавожни диния»[га] дохилдор қилдик.

1915 м., 29 августда 1333 ҳижрий 2-зулқаъдада Исмоил Маҳмуд Каримқори ўғлиларнинг чорбоғидаги

мактаби 9 дона «Таҳсили алифбо» рисоласи киритилуб, 6 дона «Адиби аввал», демак, «Усули савтия»га айланди.

Марғилондаги «Мактаби Аҳмадия» мудирини мулла Эгамберди Бобораҳим ўғли Марғилоний соатсозга «вивеска» буюрмоқчи бўлганда, каминна «Бу мактаба «Юсуфия» ном ўлди, иншооллоҳ, ўқув давом ўлди», деб ёзув вермишдим.

* * *

1915 йил 4 сентябрда панжшанба оқшомидаги поездда IV классда Ҳолмуҳаммад Охундий била Шаҳрихонга бордук.

Тарихий, ўзимнинг бошимдан кечдиги ҳолатлар жумласи

1907 милодий 30 мартда чоршанба кун хўқандлик, Ҳайдарбек маҳаллалик Обиджон Маҳмудуфга олти ой муддатига юз сўмга мирзоликка муқим ўлдум. 1907 й. 20 апрелда манки, Ҳамза Яминуф мазкур ҳовлида самовар қўймоқ, ошхонани тозаламоқ, чилим солмоқни гарданимга олдим, деб қоғаз берганман.

1915 милодий 22 февраль якшанба кундин бошлаб гимнасте қила бошладим ҳамда 23-дан бошлаб тухим сарифини истеъмол қила бошладим.

1915 м. 12 март панжшанба кундин бошлаб, 10 қатрадан мушьяк маргимуш арақи ича бошладим.

1915 м. 4 сентябрь панжшанба оқшоминдаги четверг поездда муҳтарам Ҳолмуҳаммад Охундий била Шаҳрихонга бордик.

1915 м. 12 июнда жумъа кун соат 10 дин то 5 га қадар Хўқандда Яъқубхўжа эшон боғларида янги иттифоқ мажлиси (жамъияти хайрия) бўлди. Ҳафтада бу мажлис бир кишига навбат ўлуб, Ҳамза Ҳакимзодага 23-нўмер қоғазни чиқди, мазкур мажлисда тубонда исми бор кишилар бўлуб 3-мажлис ўткач, Аббосхўжа ... ўғлининг ихтилофи била мажлис давомдин тўхтади. Мазкур кишилар булардир, 1) Яъқуб

Тарихи ҳаётӣ. 1333 ҳижрий 29-рабиул-аввал, 1915 м. 1 февралда якшанба куни 6 соат тонгда жаноба, бир қиз ато қилди. Исмини қиблагоҳимиз тарафиндин Савдохон қўюлуб эди, 1915 м. 13 июнь шанба куни намози шомда вафот ўлуб, 14 числода якшанба кун дафи қилинди, Шайхон қабристониде, волидаи муҳта-раманинг жануби шимолисида.

1912 м. 18 декабрда ўзумни тортдим, 3 пуд 33 қадоқ келдим.

1912 м. 28 декабрда олган кўзойнагим номери 36-дур.

1914 м. 19 июнь 9-шаъбон панжшанбадин бошлаб биринчи кун 4 қатра, иккинчи кундин бошлаб бир кун икки маҳалдин ича бошладим. Муддат бир ой.

1912 м. 29 декабрь шанба кун Зухро ... ота-онасига кетди.

1912 м. 12 октябрь 1330 ҳижрий 16-зулқаъда душанба кун Зухрохоним...

1328 ҳижрий 25-жумодиул охарда чоршанба кунидин бошлаб Когонда матбаада 75 сўм ойлик узасидин 15 кун туриб, сўнгра Самарқанд келуб, сўнгра Тошкент келдим.

* * *

1915 м. 15 августдан бошлаб «Мактаби Аҳмадия» мудури тарафиндан бизга берилмиш ойлик вазифалар (иш ҳақи):

Биринчи — 5 сўм, иккинчи — 1 сўм 20 тийин, учинчи — 2 сўм, тўртинчи — 3 сўм, бешинчи — 5 сўм, олтинчи — Абдулазиз тарафиндан 10 сўм, еттинчи — 1 сўм 70 тийин, саккизинчи — 8 сўм.

1915 м. 9 сентябрь панжшанба куни Абдулазиз Шамсиддин Акбарали Умарализода ҳузуриде Аҳмадалиқори Муҳаммадали ўғли бизим маош вазифамизни ўз устига олуб, 40 сўм ойликдан 10 сўм тилаб, 30 сўмга қарор қилдилар. Ҳолмуҳаммад Охундий талабича мазкурни ҳар ойда бермоқға ўз устига мудир олди.

Мазкурдан бу тараф берган ақчалари: тўққизинчи — 5 сўм, ўнинчи — 20 сўм, ўн биринчи — 1 сўм, ўн

иккинчи — 6 сўм 36 тийин, ўн учинчи — 1 сўм, ўн тўртинчи — 1 сўм, ўн бешинчи — 15 сўм, ўн олтинчи — 1 сўм, ўн еттинчи — 11 сўм 50 тийин, ўн саккизинчи — 7 сўм 15 тийин, ўн тўққизинчи — 3 сўм 75 тийин, йигирманчи — 10 сўм, йигирма биринчи — 15 сўм.

Яна 1916 м. 1 февралда Абдулазиз Шамсиддин, Акбарали Умарализода, Тожибой ака, Мулла Тўхтасин ҳузурида мазкур 30 сўм вазифадан 10 сўм талаб қилуб, йигирма сўмдан бермоққа қарор қилдилар.

Мазкур 1 февралдан бошлаб берган ақчаси: Биринчи — 10 сўм, иккинчи — 10 сўм, учинчи — 10 сўм, тўртинчи — тамом.

* * *

1915 йил 28 августда Марғилонда Тегирмон бошидаги Қози Усмон домла ҳузуруларина мулла Йўлдошқори Муҳаммадхолиқ ўғли, Ҳолмуҳаммад Охундий, Аҳмадалиқори Муҳаммадалиларни «Ҳавожин диния», «Адиби аввал», «Адиби соний», «Муомалот», «Бадр ул-ҳисоб», «Шифоҳия», «Истифтоҳ», «Истикмол», «Тарихи муқаддас», «Намунаи ахлоқ», «Тажвид», «Муншаот», «Адабиёт» рисолаларин олуб боруб кўрсатдилар.

Қози домла буларни кўруб, «Майли мактабни давом қилдирингиз, лекин мани рухсат этганимни бошқаларга билдирмангиз», деб жавоб қилган. Сўнгра шул числода муаллим[лик] курсидан Йўлдошқори Муҳаммадхолиқ ўғлини Қудинггар маҳалласидаги масжидда «Усули савтия» мактаби очуб, муаллимлик қилдик.

* * *

1915 йил 29 август, 1333 ҳижрий 2-зулқайда Исмоил махдум Муҳаммадкаримқори ўғлиларининг чорбоғидаги мактабга 9 дона «Таҳсили алифбо» рисоласи киргуздим, 6 дона «Адиби аввал»; демак, мактаб хуфта айланди Марғилонда.

* * *

21-рамазон жумъа кун жаноб қўрбоши Муҳаммад-аминжон, мингбоши Маҳмуджон, тўрт қози, Абдур-

рашид оқсоқол, Абдураззоқ бойбачча ... жомеъда баъдаз жумъа айвон суффасида туруб, қўрбоши нутқ сўйлаб, «Сизлардин аскар олунмас, рабочий олинур...», деган сўзларни сўзлади.

22-да шанба кун Арвон чирсидаги қишлоқлар Иброҳимжон мингбошини Сотиболди одами ... мирзоси била ўлдурдилар, ҳужумчилардан бир киши ўлди, 300 киши миқдори банди бўлуб, иккинчи кун саккиз кишидан бошқаси озод қилинди.

24-душанба кун Ганжиравон мингбошини ёлғон сабабли юзор киши банду бўлуб келтурулди ва ҳам шу кун бозорларда ҳийла тўфолонлар бўлди.

24-да Рошдонда шул ҳодиса бўлди. 1916.

* * *

Абдуллабекда — «Сарф ила наҳв», 10-ражаб 1334 ҳижрийда шанбадин Мавлавийда — «Матни ақоид», «Китоб ут-таҳорат»; 9-ражабда мулла Аҳмадхон домлада — «Кофия»; 8-ражабда — «Намоз»; 11-ражабда — «Мабда ул-қироат» (ўз[бек]ча); 15-ражабда биринчи — иккинчи жузв.

* * *

1917 м. 28 март, сешанба кеч соат 7 да Ҳожи Раҳимжон афанди ҳовлиларида 1) Мирзоҳид, 2) Пўлодбойвачча, 3) Носиржон ҳожи, 4) Юнус ҳожи, 5) Нейматжон қори, 6) Абдуллабек домла, 7) Муҳаммад Аминжон, 8) Раҳимжон, 9) Ҳамза «Авом» тарафдори жамъияти очдик.

* * *

1917 йил 25 майда, панжшанба кун 100 сўм ойликка Хўқанд фридоволственний комиссия мирзолиғига дохил бўлдум.

* * *

1917 йилинда, 28 майда Хўқанд шаҳринда, Қаландархонада Хўқанд мусулмон меҳнаткашлар тарафиндан митинг бўлди.

* * *

1917 йил 15 августда — 1335 зулқаъда сешанба кун 12 да кундуз Хўқанддин поездга чиқдим.

* * *

3 сентябрда 1917 й. «Туркистон» китобхонасиндан олунган моллар учун 400 сўм бердим.

Эски мактаб китоблари учун 83 сўм 80 тийин бердим. 10 дона дафтар учун 29 сўм бердим. (3 сентябрда.)

* * *

2 сентябрда 500 сўм олдим. 4 сентябрда 300 сўм олдим. Саидносир афандидан олунган оқча.

* * *

1917 йил 16 нўёбр сешанба кунини соат 2 ларда «Мен керак бўлсам саккиз йил кутасиз, иккинчи олай кўпда қўрқмангиз»,— деди. 18-да панжшанба кун соат 9 ларда оқшом «Мени суювимни отамга айтинг, майли»,— деди.

19-жумъа кун соат 11 да менда суяман,— деди.

Тиётр билети учун 4 сўм бердим. 1917 й. 15 ўктябрда якшанба кун оқшом Саидносир афанди ҳовлисида кампир била кўрушдим, бир сўм бердим.

Кичик қўрчоқ учун 3 сўм 5 тийин бердим. Икки қадоҳ сиёҳи учун 5 сўм. Масков сиёҳи (2 дюжина) — 12 сўм. Харита ва откриткалар (мажмуъ) — 37 сўм 40 тийин.

2 сентябрь исчётиндан қолган 77 сўм бердим. Китобларни юборув харажатиға 11 сўм бердим. Деворий саное қоғози учун 29 сўм бердим. Сиёҳи учун 15 сўм бердим. 47 дона откритка учун 4 сўм 50 тийин бердим.

Бир дона қўрчоқ [учун] 4 сўм бердим. Саҳҳофликда китобларни кўтариб келувчиға бир сўм бердим. Саидносир афандини ўзларига 50 сўм бердим. Махоркаға задатка учун — 10 сўм.

* * *

1917 йил 9 октябрь, душанба кун Саидносир афанди уйига Кабир, Бакир, Фарид Тоҳируф, чиновник Диваюфлар билан бўлишдик. Аларға хизмат вақтинда оқшом кўрфа тақловда эзгу ният этдим.

Оллоҳ муборак этсун!

Шул кун эртаси Мунавварқори ҳамда пири Мур-

салзода Қофқозий Фаҳмиддинлар билан бўлдиқ. Мур-
салзода бир шеъримни ёзуб олди. 11 октябрда (10-нинг
оқшоминда) кетушдилар.

* * *

1917 йил 11 декабрь. Русча-мусулмонча мактабдаги
биринчи синф талабаларини айруб чиқарғоч, учга бў-
линув. Учинчисини ҳафтада беш кун русчадан (бир
мартаба) дарс берилур. Қолган вақтларда мусулмонча
дарс берилур. Мактаб кераклари: мазкур мактабга
парта (ўлтурғич)ни ёки школардан, ёки устага яса-
туб, оқчасини дума ўзи (мудохилат)дан таъйин қилур.

* * *

Муҳтарам Саидносир афандидан 18-йил 22 мартдан
эътиборан Тошкандда олунган оқча миқдори:

250 сўм — 22 мартда.

500 сўм — 25 мартда.

* * *

1918 йил 5 апрелдан эътиборан (шанба кун) Низо-
миддин уюсиндаги адмитрисда ўқув бошладим, бердим
29 сўм, сабоқи 3 сўмдан. Шоҳ Исматуллоҳ уюсиндаги
адмитрисда ўқий бошладим 10 апрель чоршанбадан,
сабоқ 3 сўмдан, 12 сўм бердим.

Учительница Марямхонимда русча ўқий бошла-
дим. Ойиға йигирма сўм, 10-чоршанбадан — жумъа,
якшанба дарс йўқ. Ойлик 25 сўм. 20 сўм бердим.

* * *

1918 йил мартдан эътиборан Туркистондан чиқуб бўлган харажат:

Март — Тошкандғача кира ва расхўт	— 23 сўм
Март — самовардаги расхўт	— 15 сўм
13 март Хўқанд боруб 8 кун туруб қайт- дим, кира расхўти мажмуъи	— 65 сўм

Энди Саидносир афандидан олунган харажат:

22 март — бир газ қора трико желетка учун	— 5 сўм
-«- — 3 газ астар	— 12 сўм

-«-	— бир пальтолик	— 40 сўм
24 март	— ҳамма кийимларнинг (тикув-чи ва) харажати (тугма-пугмалар)	— 128 сўм
25 март	— шляпа	— 25 сўм
26 март	— Иброҳимга қарз	— 5 сўм
26 март	— матбаага	— 200 сўм
-«-	— этик, калош	— 140 сўм
-«-	— 17-рамазон китоби	— 4 сўм
	Жамъи:	552 сўм
1 апрель	— расм учун	— 5 сўм
2 апрель	— журнал учун	— 6 сўм
3 апрель	— ўн бир кун самавордағи расхўт	— 77 сўм
	— бу ўн бир кунда ғазета, журнал, трамвай, тамоку, ҳаммом, саргарош кабилар учун	— 25 сўм
	Абдусатторуф уюсинда ўлмиш харажатлар:	
3 апрель	— ош харажати учун	— 12 сўм 60 т
-«-	— уй хўжасина	— 25 сўм
3 апрель	— икки дона нон, газета, журнал, трамвай	— 3 сўм 40 т
4 апрель	— нон (3 дона), газета, журнал	— 4 сўм 20 т
-«-	— 2 қадоқ гўшт, сабзи, пиёз, резавор	— 9 сўм 10 т
-«-	— бир дона катта дафтар	— 1 сўм 50 т
-«-	— 5 дона резинка	— 1 сўм 50 т
-«-	— 5 газ тик	— 17 сўм
-«-	— газета ва журнал	— 15 сўм 50 т
	Жамъи:	204 сўм

* * *

...мартда, чоршанба кеч Туркистондин чиқуб, панжшанба кеч бир жойда ётдим. Жумъаси ...мартда... андин Қори акага учраб, шул кунни оқшом Хўқандға чиқуб, шанба кун Хўқанд келдим. Билло соат 2 да Зоҳид поччамникига келдик. Андин Юнус аробакашникига

бордим. Шул кун Зоҳид акажоним ҳовлисинда Ҳожи Раҳим, Пўлоджон муаллим, Носирбойни кўрдум. Қай-туб, Зоҳид тоғамникига келдим.

* * *

Муҳтарам Саидносир афандидан олунган оқчалар: 1918 й. 23 март — кийимлик учун — 250 сўм, 25 март — театр рисоласи хусусинда — 500 сўм, 7 апрель — Абдусатториф ҳовлисинда харажат — 250 сўм, 14 апрель — Туркистонга кетуб туруб — 500 сўм = 1500 сўм.

* * *

Туркистонда Шермуҳаммад Нормуҳаммад.

Она тилиндан сўйлов дарси — ёзув-ўқитув, шанба кун, панжшанба 8 дан биргача — 8 дарс. Якшанба, сешанба — дарс йўқ. 1919 й. 3 ноябрь соат 3 да Самарқанд, 5 да соат 50 да кундуз Ошхободга, 7 да 1 да Қизил Орводга.

* * *

18-йилда очилган «Дорул муаллимин» 4 ойлик курс камоли муваффақият ила битди. Талабалара гувоҳнома верилуб, ижозат берилди. Шу дўрт ой тарафинда верилган дарсларин проғроми шундан иборат эдики, ҳафтада 20 дарс ўқуб, ҳар кунда 5 дарс эди.

* * *

1919 йил 6 май сешанба кун соат 9 дан 15 минут кечганда, Тошканддан келмиш комиссиялар била Скобелдан чиқдик, соат 10 га 5 минут тўлмасдан Марғилонда қўргондаги народний судда бўлдик.

Ондин соат бирдан 25 минут кечганда, почтахона ёнидаги «Совет рабочий»га комиссияга кирдилар. Мен онда бўлмадим.

50 адад Сафронуф отряди бор эди.

* * *

1919 йил 1 июнда Скобелдан чиқдик.

1. Ҳожи Абдуллоҳ (Марғилон);
2. Аминжон Абдуллоҳ ўғли (Асака);
3. Аминжон Асомий (Асака);
4. Дадамуҳаммад Нормуҳаммад (Скобел);

5. Ҳолмуҳаммад Охундиф (Марғилон—Скобел);
6. Тошпўлод Акбаруф (Асака);
Асқарали Ислomboюф (Қува);
7. Ҳ. Ҳ.

Артистлар била режиссёр оралариндағи қонун

1919 27 августдағи мажлисининг 3-моддасинда режиссёрлиқға Ҳамза Ҳакимзодани бир оғиздан сайланди. Режиссёрнинг тўбондағи қонунларининг ҳар бирин текшируб кўруб, итоат бир оғиздан қабул қилиб, имзоларин чекдилар.

1. Ҳар бир артистнинг таъйинланган вақтда ҳозир бўлуви шарт.

2. Бирор ерга кеткан афандининг кемак ёки мажлис бошлиғига берган аризасининг тездан режиссёрға кофияси топширилсун.

3. Фавқулodда касалликдан бошқа узр қабул қилинмас.

4. Роль тақсим қилув режиссёрнинг ҳаққидир.

5. Режиссёрнинг берган ролига ўзича рад ва қаршулик кўрсатувға артистларға ҳақ йўқдир.

6. Ифо (ижро) эта олмағон афандилардан ролни олуб, иккинчи афандига берув ихтиёри режиссёрдадир.

7. Артист ролини ифоси такрор этдирилувчи қонун — мажбуриятдир.

8. Артистни камчиликларин танқид қилувға режиссёрдан бошқа афандиларға мутлақо ҳақ йўқдир.

9. Ҳар бир артист ўз ролини ёд қилувға мажбурдир.

10. Ҳар бир ўйналғон китоблар-да навбатда такрор қилинуб турур. (Бошқа бир шаҳарда қўюлув эҳтимоли вор учун.)

11. Ўйналмоғон асарлардан такрор қилув мажбурийдир. (Ҳар хил ҳаракатларни уйранув учун.)

12. Ҳар бир такрорда билъайн кийинуб, ўйнов шартдир.

13. Такрор-такрор топуви учун яна икки соат қўшулма топилса, хоҳ истироҳат, хоҳ машғулот вақтида олувға ҳеч ким тарафиндан қаршулик бўлмас.

* * *

1920 й. 3 гинвар таржима қилинди «Абдулҳамиднинг хийласи» унвонинда 6 пардалик драма. Қафқаз шеваасидан ўзбекча тилга. 90 саҳифа. Ҳар саҳифа 14 хатдан, ҳар хат 2 сўмдан — 2520 сўм.

Ва баъда таржима қилинди «Ман ўлмишам» бир пардалик комедия, Қавқаз тилидан ўзбекчага. 35 саҳифа, ҳар саҳифаси 15 хатдан, ҳар хат 2 сўмдан, 525 хат, ҳақи 1150 сўм.

* * *

1920 йил 5 апрелда Советский мусулмон сиёсий труппа бир тарафдан шу кунда қўюладиган «Лошмон фожиаси»ни иккинчи яримиға иштирок этадиган милтиқ отувчи артистлар ҳатто бир-бирларин отиб мажруҳ қилсалар, қайси бирлари бўлса [ҳам] режиссёр ёки администратор масъул эмас, қайси бир милтиқ олғувчилар бўлса, қўл қўйсунлар!

Имзолар — 10 киши.

* * *

1920 йил 18 сентябрь Хўқанд Урком партия мажруҳлар комиссияси тарафиндан мажруҳ қизил аскарлар фойдасига тиётру ўйнамоқ учун, иона йиғмоқ учун қишлоқларға чиқдук.

Ҳарбий қўмита: Ниёзиф.

I. 19 сентябрь ўзимиз кружка кўтариб иона йиғув, митинг қилув ила машғул бўлуб Конибодом иштирокион фирқа қўмита раиси ўртоқ Ҳомиджон Мўминуфға 800 адад 150 сўмлиқ, 127 дона 100 сўмлиқ Хўқанд партиясиндан партия печати босилғон хитобномаға мажмуи 927 адад билет топширилди.

800 дона 150 сўмлиқ — 120 000 сўм, 127 дона 100 сўмлиқ — 127 000 сўм, мажмуи — 1 327 000 сўм.

II. 20-да Бешариқ бозорида иона йиғув, митинг ясов илан машғул бўлиб, Бешариқ начални милитсаси ўртоқ Саидахмад Хўжайиф воситаси билан «Ёшлар иттифоқи» аъзоси қўллариндан бозорда сотилди. 4 дона қизил ордер, 200 дона хитобнома (I, II, III, IV нўмералнк).

I. 91 адад 100 сўмлик, 5 адад 200 сўмлик 4x150 сўмлик — 10 000.

II. 4 -«- 150 сўмлик, 59x100 сўмлик — 2050 сўм.

III. 8 -«- 200 сўмлик 21x150 сўмлик, 69x100 с, 2x50 с.— 11 750 сўм.

IV. 100 адад 100 сўмлик — 10 000 сўм.

V. 260 адад 100 сўмлик, хитобнома[ға] Хўқанд партия печати босдирилган — 26 000 сўм.

Итого: 70 500 руб.

III. 22-да Сантоға борганда, кечкурун фақат тиётруга билет сотилди. 200 адад қизил (икки книжка) ордер 20 дона, Хўқанд партия печати бостирилгон. Хитобнома сотилди (V, VI нўмералик).

200 дона 100 сўмлик, қизил ордер 20 000 сўм.

25 дона 100 сўмлик хитобнома 2 500 сўм — 22 500 сўм.

IV. 24-да Исфарадан қайтуб, иккинчи маротаба Сантода тиётру бердук. 100 дона қизил ордер VII нўмералик ҳамда билет етишмагани учун, ўртоқ военком мажлисдан бўшалмаганлиги учун 60 дона печать, бостирилмаган хитобноманинг тўрт комиссия иттифоқ илан 100 сўмдан баҳо қўйиб сотилди.

1) 100 дона 100 сўмлик қизил ордер 10 000 сўм

2) 60 дона 100 сўмлик хитобнома 6 000 сўм

Ж а м ъ и: 16 000 сўм

V. 25-да Сантодан Қонибодомға етуб, иккинчи маротаба Қонибодомда тиётру бердук. Бу ерда фақат партияда 88 дона билетдан бошқа билет қолмагани учун бир дона қизил ордер юз адад, 54 адад хитобномаға партия печатин босдируб, 150 сўмдан сотдиқ.

1) 88 адад 150 сўмлик хитобнома 13 200 сўм.

2) 100 адад 150 сўмлик қизил ордер билети 15 000 сўм.

3) 54 адад 150 сўмлик Қонибодом партия печати босилгон хитобнома 8 100 сўм.

Ж а м ъ и — 36 300 сўм.

Мажмуи билет, хитобнома — қизил ордер, печатли, бепечат — 2 214 дона.

Мажмуи оқча — 278 000 сўм. Мазкурдан 41 530 сўм йиртилган оқчалар: 273 850 рублей.

* * *

Беҳбудий ўлдурилган 1919 25 март йўлдошлари Мир Рафиқли Шохмуҳаммад ўғли, Маҳаммадқул Урунбой ўғли Самарқанддан Бухоро туфрорига ўткан. 1920 йил 25 мартда таъзия расми. 1921 да, мартда Бухородан келган Ҳожимурод Худойберди ўғли Қарши беги Тоғайбек томонидан Қаршида Тоғайбекда маҳрам бўлуб ҳамда 17 яшар фарғоналик Содиқжон Беҳбудий юрушлари ҳаққинда маълумот олган. Беҳбудий Шаҳрсабзда тахминан икки ойдин сўнг Қарши шаҳрига йиборулиб, зиндонда бир неча кун ётгонди. Зиндонда ётганда бекнинг биринчи маҳрами ҳам зиндонда Бойаҳмад ила, иккинчи маҳрами Содиқжон билла мусоҳабада бўлуб, оларнинг ким эканликларини билганлар. Олар оларнинг аҳволларидин хабардор бўлгонлар, мухлис ва меҳрибон бўлгонлар. Ҳатто бир кун Беҳбудийларни чақириб, «Сизлар на учун қўлга тушдингиз?» деб сўраган.

Беҳбудий айтдилар: «Бизлар Байтуллоҳни зиёрат этмак учун Самарқанддан чиққон эдик. Йўлда амир маъмурлари сизлар жадиди кофир ва тилчи деб, бизни қўлга олдилар. Тафтиш қилинсун бизни, гуноҳсизлиқимиз шояд маълум бўлур».

* * *

1921 й. 2 март. Уртоқ Мирбаратиғга амонат қўюлган китоблар:

1) «Тухфат ул-мўъминин», 2) Ёзма тиб китоб, 3) «Тибби Юсуфий» (ёзма), 4) «Қуръони карим» (ёзма), 5) «Тибби Акбар», 6) «Махзан уд-адвия», 7) Ҳофиз (аски, 1303 ҳ.), 8) Навоий (1319), 9) «Қасидаи бурда».

* * *

«Тарихи Шайбоний»; «Тазкираи шоҳи Эрон»; «Таворихи Румий»; «Тарихи Бухоро»; «Тарихи Табарий» (туркий таржимаси); «Шоҳномаи Фирдавсий»; «Тарихи Амир Темур»; «Муҳаммад Раҳимжон тарихи»; «Гожут таворих»; «Шоҳнома»; «Гўрўғли»; «Фарҳанги Жа-

ҳонгир»; Юсуфбек, «Чигатой луғати»; «Вомиқ-Узро»; Юсуф Аҳмад; Мир Алишер; «Мажолис ул-ушшоқ».

* * *

Розёна — *уч мисқол*; кирфис — *уч ярим мисқол*; Зуфо — *тўрт ярим мисқол*; Анжир — *ўттуз адад*; Ҳалба — *икки ярим мисқол*; Ирсо — *икки мисқол*; тухм хатми — *икки мисқол*; Асл сус — *икки мисқол*; Пир совшон — *тўрт мисқол*; Гулқанд — *қирқ беш мисқол*; Қанд — *икки қадоқ*; Муйиз — *ўттуз мисқол*; Занжабил — *икки мисқол*; Филфили визоз — *икки мисқол*; Қора мурч — *икки мисқол*; Зира — *олти мисқол*.

* * *

1921 й. 4 март

Жумъа кун Хўқандданким соат 7 йигирма минутда жўнаб, 5-шанба кун соат 3 да Тошкандга келиб, ниҳоят ёмғир экан, Қосим адресига мурожаат этдим... Самоварда икки кун ётдим. 7-кун офтоб бўлди.

* * *

1921 йил 10 мартда. Эрта соат 8½ да Яшкага боруб, мандатни тўғрилаб келдим ва сўнг особий отделга боруб, записка олдим.

* * *

I. Хоразмнинг ҳарбий назорати Тошкентда ташкил этиладургон сайёр ва муқим труппасининг лойиҳалари. 1921 й. 5 нўябрь.

II. Олинадиргон артист ва артисткалар:

1) Ҳар бир артист ва артисткаларнинг бошқа ҳеч бир турлу ўрунларга боғлу бўлмолари шарт.

2) Обшежитда истиқомат қилмолари шарт.

3) Овоз ва баданлари сиҳат, фигурия жиҳатдан лойиқ бўлувлари шарт.

4) Эски ёки ҳукумат тарафиндан айбдор бўлмоғонликлари шарт.

5) Халқ қошинда ёмон ахлоқ ила тонулмоғонликлари шарт.

6) Урта даражада ўқув, ёзув билишлари шарт. Ҳар

бир артист ва артисткаларнинг мумкин қадар маҳаллий халқдан бўлмоғи шарт.

И л о в а: Агар топилмоғонда, хориждан олунгон кишилар ғайрирасмий суратда олинурлар.

7) Артисткаларнинг эрли бўлмоқлари шарт.

* * *

...III. 1. Сиёсий идора бизни бўшотгон кундан эътиборан ойлигимиз берулсун!

2. Ой тўлгонча ошорға ҳеч нарсамиз бўлмоғонлигин назарда тутуб, 3 миллиондан бир миллионга қадар қарз оқча берулсун!

А х т о р: бу қарз ёлғиз тиётрудан берилажак процент била тўланажак, агарда тиётру ҳамда ойлик билан тамъин этилгон чоқда. Акс ҳолда бағишлансун!

3. Коллектив учун энг яхши ўриндан бир обшежит берулсун.

4. Сиёсий идора берган ётоқ ашёларин олгон учун артистларнинг рўзғор асбоблари йўқлигин назарда тутуб, ётоқ ва рўзғор асбоблари берулсун (муваққат).

И л о в а: Ошхона учун-да керакли ашёлар берулсун!

5. Труппанинг илмий кучдан фойдалантирув учун, яъни ҳозирги маданий ва ижтимоий ҳаёт илмидан маҳрумликда қолмоқларин кўзда тутуб, кетув муддатина қадар курс берулсун!

1) Курс учун лозим топилгон асбоб ва ашёлар.

2) Дафтар, қоғаз, сиёҳлар.

3) Уч муаллим. Биринчи: партия, сиёсат, ижтимоий ҳаёт ҳақинда.

Иккинчи муаллим: саное нафиса, адабиёт, география ҳақинда.

Учинчи муаллим: мусиқа, театр ҳақинда.

Шулар таъмин этилсин!

И л о в а: Албатта, юқоридаги кўрсатулгон талаблар мундан ўзбек труппасига қўшилажак, маҳаллий труппанинг маънавий жиҳатиға аҳамият берур.

6. Саҳнанинг (тиётру қўюв хусусинда) комил ҳуқуқи берилсун!

Илова: Тиётрунинг ўзбек труппасининг тилав куйина мухтор этулсун!

7. Труппа пьеса, костюм, реквизит била яхши таъмин этулсун!

8. Труппа била ҳукумат орасинда бўладурғон шартнома муддати биткон[дин] сўнг қолув-кетувга ихтиёрли ҳуқуқи била шартнома этулсун!

Илова: Шу шарт фавқулодда вакил воситаси билла бўлсун!

9. Труппа кетажақ вақтинда ўз ватанларина эҳтиёжсиз етажак равишда таъминот ила узатилсун. Руҳи билан деҳқон ва меҳнаткашлар орасинда ишласун!

10. Қишлоқларга труппани сайёр этдирилсун! Чунки саное нафиса...

* * *

1921 йил 14 ноябрь Хоразм (Хева)да тузилғон лоийҳа кўфияси:

ТАШКИЛОТ ИШИ

1. Ташкилот 32 кишидан иборат бўлур, ярми сайёр, ярми муқим.

2. 32 кишининг тўрти хотин, 4—10 бола 14 ёшинда, қолғони 25 бола 16 ёш ўртасиндағи йигитлардан мураккаб ўлур.

Ташкилот ўзидан бошқа ташкилотларга алоқасиз (сиёсий ташкилотнинг махсус бир «Саное нафиса» шўъбаси ўлуб қолмоғиндан бошқа) ўзининг-ўзига қурулғон штати остинда яшар.

ТАШКИЛОТНИНГ ШТАТ ШУЪБАСИ

1. Бу ташкилотнинг олуб бормоққа бўлғон бир штати туғилур. (Артистларнинг моддий жиҳатлари).

2. Артистларнинг тиётруға кераклик бир администратор (бу шўъбанинг мудирияти)...

3. Репертуарларин олуб борув учун...

4. Артистларнинг маънавий (илмий) кучларин...

5. Умумий қарамағиндан ўлғон сиёсий назорат бк-

ла штат орасинда бир бошлуғ (бу бошлуғда том ҳуқуқ ўлуб, штат била сиёсий шўъба орасинда бўлгон ҳар бир масъулият шу бошлуғ устинда бўлур)...

6. Умумий ишларни тартиботи учун бир стул — саркотиб...

7. Молия мудирини (бу шўъбада умумий эҳтиёж учун сиёсий шўъбадан смета била олунгон ақча сақланур)...

Бу шўъба мудириятинда мукамал бир кутубхона ҳам артистларнинг илмий эҳтиёжлари учун керак нарсалар шунда таъмин этилур.

ТАШКИЛОТНИНГ СМЕТАСИ

1. Ташкилотнинг умумий сметасинда кўрсатилгон эҳтиёжларнинг ҳеч бир моддаси тушурулмови ва ҳеч бир суммаси камситилмови шарти била тасдиқ эдилур.

2. Сметада таъйин этилгон вақт, таъйин этилгон суммаларни тўхтовсиз топширилур.

3. Вақти-вақтида сўролгон истиқроз рад этилмас.

4. Саҳна, декоратсалар, зинэ ёки костюмлар, мебель ва ашёлар, саҳна каби хорижий эҳтиёжларни (булар сметадан хориж) сметасида вақтинда ўрнига етгузулур.

Илова: еткурулмогон чоғда қолдирилгон тиётру ва концерт учун масъулият умуман йўқдир.

5. Смета тузилуб кўрсатулгонга қадар молия мудириятина сўролгон суммалар ўз вақтинда берилуб турур.

ТАШКИЛОТНИНГ ИЛМИЙ КУЧИН КУЗАТУВ

1.

2. Ташкилотнинг мусиқий кучларини кузатуви учун хусусий бир мусиқа мактаби очилуб, тубанда кўрсатулгон фанлар ила тарбия эдилур: 1) духовой мусиқа, 2) қиллик мусиқа, 3) миллий мусиқа, 4) овсз гимнастикаси, 5) нўта, 6) рўяль ва фианнина, 7) фирқа тарихиндан лексия

* * *

1. «Артистсоюз» расмият билан очилувин тасдиқ этув.

а) Союз учун обшежит, отдел ўрунларин берув.

б) «Артистсоюз» учун печать ва бланкаларга йўл берув.

2. «Артистсоюз»га кредит тасдиқ этув.

3. «Артистсоюз»индин музофот ва маркаларгача ҳар бир маҳкама ва қурултойларгача вакил қабул этилувин тасдиқ этув.

4. Мактаб, газета ва журналдин бошқа онг-билимга доир сайил, қизил чойхона, қироатхона, кечалар каби руҳоний онглари хизматини «Союзартист» орқали ўтқарувга тасдиқ этув.

А х т о р: газета, журнал ва хусусий таълимоти орқали чиқарувга ҳақли этилсин.

5. Ёлғуз санойи нафиса, яъни артистлиқғина эмас, бутун музофот ва ҳар бир артист бир ташкилот раҳбари саналуб, оқшом театр, кундуз деҳқон, касаба, камбағал, партия, шўро, кооператив, сув каби бир ташкилотни йўлға қўювга хизматини тасдиқ этув.

6. Саҳна ишларини тамомила «Артистсоюз»га берилувин тасдиқ этув.

7. «Артистсоюз»ни бюджетин ўзинга топшуруб қисилтирлиқ ерларинда моддий ва маънавий ёрдам.

8. «Артистсоюз» аъзоларин умумий солдат аскарый вазифа ва умумий мобилизациядан афв этилувин тасдиқ этув.

А х т о р: «Артистсоюз»га музофотда топилгон муҳим кишиларин музофот маркази орқали, Туркистон вилоятинда топилгонларин марказ орқали садо бирлик (бир оғиздан) олуб берувни қабул этулсун!

9. «Артистсоюз»нинг маънавий кучларда қўшни чет жумҳуриятлардан маънавий эҳтиёжларинда воситачилик этув.

10. «Союзартист»нинг ... талабаларинда ёрдамда бўлув.

11. «Союзартист»нинг ҳар бир қавонд ва тартибот ва программаларин тасдиқ этув.

12. «Союзартист»нинг шу талабномаларини марказдан тасдиқ этдируб берув.

* * *

Янги саҳнада сўзловчилар. 923 й. 22 февраль. Соат... Саҳна очилуви ҳақида биринчи ... афанди, иккинчи Конеф, ижроқўм масъул саркотиби, саҳна очилгондан сўнг биринчи ижроқўм раиси, Комитет партия раиси; иккинчи... афанди, таржимон Зокир, учинчи Бек, хорижий вакил, таржимон Конеф.

* * *

Туғди бизнинг хотунимиз 1923 йил нўябрда, шомдан сўнг, намози хуфтон олдинда.

1924 йилнинг 8 сентябринда Фарғона марказ музофотинда жийналган «Санойи нафиса» анжуманининг ҳайъат ташкилоти тарафиндан тузилгон лойиҳаси

1. Икки труппа ташкил этулуб, биринчи — сайёр, иккинчиси муқим олинур.

2. Сайёр труппа музофот-уёз марказлариндан олинуб, муқим труппа музофотининг ўз марказиндан олинур.

3. Сайёр труппа билан муқим труппа таъминотдан бошқа маънавий ва идоравий вазифа ўтов хусусларинда бир гавда соймоғинда бўлурлар.

ХУЖАЛИҚЛАРИ

1. Уюшманинг ётоқ, иш, емак, ўқув юрти кўламлирин олурлиқ бир бино берилур.

2. Мусиқа қурслари бўлимина керак қуроллар берилур.

3. Керак топилгон муаллимлар онг-билим [қўмитаси] томонидан берилур.

4. Театрдан келган киримлар ҳукумат томонига кетган чоқда 17-қатордан 12-қаторгача ойлик билан санланур.

А х т о р: Турувчи труппа бирор ўрунда ойлиги бўлса, соатина иш ҳақи берилур.

5. Уюмдан бошқа борлиқ керакликлар ҳукумат томонидан берилур.

6. Ҳар ойда бир кундан икки труппа фойдасига саҳна берилур.

7. Юрувчи труппанинг тириклик керак бутун нарсалари ҳукумат томонидан берилур.

8. Юрувчи труппанинг юрув харажатлари ҳукуматдан берилур.

9. Юрувчи труппа учун бир режиссёр, бир суфлюр, бир администратор берилур.

10. Турувчи труппа учун бир режиссёр ёрдамчиси берилур.

11. Ҳар икки труппа учун бир ер ҳам пьесалар кўчирув дафтарчилик учун ёзувчи берилур.

12. Юрувчи труппа учун бир декаратор, бир ошчи, бир кирчи, бир фаррош берилур.

13. Ҳар икки труппа учун бир материал ҳозирловчи ёзувчини расмий шартнома билан таъмин этилур.

14. Ҳар бир пьесанинг руҳина мувофиқ кўрсатилган кийимлик ва декаратсиялар билан ўз чоғинда ҳукумат томонидан таъмин этилур.

15. Пьеса, ташкилот вакося ишларин таъмин этув, музофотдан ашулачи ва артистлар ҳозирлаб, тездан ишни амалга оширув учун бир минг сўм ташкилот газетига аванс оқча берилур.

А х т о р: а) Агарда тиётрудан бўлгон кириш билангина таъмин этилур, ҳукумат томонидан ойлик берилмас эса, бирор банкадан кредит таъйин этилур.

б) Вечерлар, гуляни, сайил, лотарий ва ойри концерт судаларина рухсат берилур.

Ўтроқ ва кўчма труппани тузулиш йўллари ҳамда чег, билим, ёғу, келиш ва нечук олинув томонларин белгилав чизмлари

Саноқ сони ўрни

Белгили сони ўрни

I. ЎТРОҚ ТРУППАНИ САҚЛОВ ЙЎЛЛАРИНИ УСТКИ ОЛИНИШИ

- | | |
|----|---|
| 1. | 1. Фарғона музофотининг Хўқанд элидан уюштирилур. |
| 2. | 2. Ўзбек элиданғина уюштирилур. |
| 3. | 3. 22 ёшдан ортуқ 16 ёшдан кам бўлғони олинмас. |
| 4. | 4. 8 артист, бир артист бола (10 ёшли), бир хоним, ўн кишидан уюштирилур. |
| 5. | 6. Урунбосари бўлмагон жавобгарни олунмас. |
| 6. | 7. Тўрт соатдан 6 соатгачайин эрки, уюшмани қарамоғинда сақланур. |
| 7. | 8. Ўртоқчил уюминдан тобулмагонда бошқа бирор уюмга бошланиш томонин бажарилур. |
| 8. | 9. Эл кўзича яроқлилиғин қаралур. |
| 9. | 10. Гафда келишимин бутун текширилур. |

II. ИЧҚИ ОЛИНИШИ (МАЪНАВИЙ ЕҚДАН)

- | | |
|-----|---|
| 10. | 1. Хор учун товушнинг келишуви. |
| 11. | 2. Чолғу туйғусининг топилуви. |
| 12. | 3. Борлиқ оғриқдан соғлом бўлуви. |
| 13. | 4. Онг-билимини тўбондан юқори билуви. |
| 14. | 5. Суд, қарзга ўхшаш турмиш очкичларидан четда бўлуви. |
| 15. | 6. Уюшдирув туйғуси бўлуви. |
| 16. | 7. Командировка ва сафарбарликдан бошларин очик бўлуви. |
| 17. | 8. Эски турмушнинг оғули ёшурунмишлариндан тоза бўлуви. |

I. ҚУЧМА ТРУППАНИНГ УСТҚИ ОЛИНИШИ

18. 1. Қўчма труппанинг артистлари музофотнинг ҳар бир қишлоқнинг саҳналик марказиндан олинур.
19. 2. Ўтроқ труппа билан бир сонда бўлур.
20. 3. Қўчма труппа артистлари труппа ишиндан бошқа ўрунда бўлмаслар.
21. 4. Ўрта билимлари бўлмаса ҳам артистликда донғли бўлувлари қоралур.
22. 5. Ёшда ўтроқ труппанинг учинчи чизими на ўлчанур.
23. 6. Сонда ўтроқ труппанинг тўртинчи чизимна тенглашдирилур.
24. 7. Иш чоқлари 8 соатдан кам бўлмас.
25. 8. Ўртоқчил турмушда сақланурлар.
26. 9. Ўтроқ труппанинг 8-чизими на кўброқ ёқинлашдирилур.
27. 10. Ўтроқ труппанинг 9—10-чизимлариндаги бўлумликларин кўброқ қаралур.
28. 11. Хонимни маданий бўлмайинча олинмас.

II. ҚУЧМА ТРУППАНИНГ ИЧҚИ ОЛУНИШИ

29. 1. Тевушнинг бутун бўлумли бўлуви.
30. 2. Қўрунишнинг гўзал бўлуви.
31. 3. Чолғу билан тониш бўлуви.
32. 4. Онг-билимни ўртароқ бўлуви.
33. 5. Ўтроқ труппа чизиминда кўрсатилган 6, 7, 8-чизимларда бутунлиқ олуви.

I. УТРОҚ ТРУППАНИНГ ХУЖАЛИҚ ТОМОНИ

- | | |
|-----|---|
| 34. | 1. Бошқа ўрундан ойлиқчилари соатина куч фули олур. |
| 35. | 2. Ойлиқчи бўлмағонлари ойлиқ қаториндан сойилурлар. |
| 36. | 3. Ўюндан бошқа ҳар бир керак-лари ҳукуматдан берилур. |
| 37. | 4. Ошамлиқ ва ёғу, ётоқ, ўрун жойлари ўзлариндан тутилур. |
| 38. | 5. Соғлиқларини ҳукумат соқлар. |

II. УТРОҚ ТРУППАНИНГ БУРУЧ УТОВИ

- | | |
|-----|---|
| 39. | 1. Отнасинда уч тиётру кўюрлар. |
| 40. | 2. Духовой чолғу ўйранурлар. |
| 41. | 3. Кечки онг-билим кўрсинда тоб-лурлар. |
| 42. | 4. Кўчма труппаға кўмаклашувлар. |
| 43. | 5. Чоғи келганда кўчмаликни-да ўтарлар. |
| 44. | 6. «Драматически коллектив» оқа-гинда бўлурлар. |

I. ҚУЧМА ТРУППАНИНГ ХУЖАЛИҚ ТОМОНИ

- | | |
|-----|---|
| 45. | 1. ...-қатордан ...-қаторғача ойлиқ-чи сойилур. |
| 46. | 2. 2—3 қот ўйновчилар соатина ор-туқ иш фули олур. |
| 47. | 3. Ўрун-жой, ётоқ, ёғу ва бошқа турмиш қуроллари ҳукумат ус-тиндан бўлур. |
| 48. | 4. Ошамлиқлари ўзлариндан бў-лур. |
| 49. | 5. Фаррош ва ошпаз берилур. |
| 50. | 6. Соғлиқларини ҳукумат сақлар. |
| 51. | 7. Уйланув ёки бирдан тушган қой-ғулик томонларини ҳукумат оқча |

билан бурч йўли билан кўмак
этар.

II. ТРУППАНИНГ БУРЧ УТОВИ

- | | |
|-----|--|
| 52. | 1. Ҳар ойда музофотнинг саҳналик ўринларинда театр қўюб қайтур. |
| 53. | 2. Қиллик аркестрлик бурчин ўтов. |
| 54. | 3. Ҳар қишлоқда уюшмачилик бурчин ўтов. |
| 55. | 4. Тарихий материал жийнови мажбурийдир. |
| 56. | 5. Газетага мухбирлик этуви мажбурийдир. |
| 57. | 6. Онг-билимин олуб боруви мажбурийдир. |
| 58. | 7. «Оперни коллектив» отағинда бўлур. |
| 59. | 8. Ҳар ойда икки йўл музофот марказинда опера ўйнови мажбурийдир. |
| 60. | 9. Кинога ҳозирлануви мажбурийдир. |
| 61. | 10. «Саное нафиса» ҳақинда навбат билан ташвиқотлар ва тарғиботлар йўлинда ишлови мажбурийдир. |

ҚУЧМА ВА УТРОҚ ТРУППАНИНГ УЮШМАСИ УЧУН ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН БЕРИЛАЖАҚ ЯЛПИ ҚУЧЛАР

- | | |
|-----|--|
| 62. | 1. Қўчма труппа учун бир режиссёр берилур. |
| 63. | 2. Қўчма труппа учун бир суфлюр берилур. |
| 64. | 3. Қўчма труппага бир мудир берилур. |
| 65. | 4. Қўчма труппага бир декаратор берилур. |

66. 5. Кўчма труппага бир парикмахер берилур.
67. 6. Утроқ труппага бир режиссёр ёрдамчиси берилур.
68. 7. Утроқ труппа учун бир сўфлюр берилур.
69. 8. Утроқ труппага бир администратор берилур.
70. 9. Икки труппа учун бир идора ўрни берилур.
- Ахтор: Репетитса учун ёғу, ёқти керак қуроллар ва тейишли ўрунлари бўлуви шарт.
71. 10. Ойна бир йўлдан ҳар икки труппа фойдасиға сахна берилур.
72. 11. Онг-билим ва музыкалари учун тейишли ўқитувчилар берилур.
73. 12. Қандай мушоҳада билан бўлсун бир ёзувчини ҳар икки труппага топширилур.
74. 13. Пьесани руҳина мувофиқ кўрсатилган декоратсалар ва кийимликлар ҳозирланмоғонда қўюлмоғон ўюнлар учун артистлар жавобгар эмас.
75. 14. «Санойи нафиса»нинг хизматчиларин ведомостлари иккинчи ойға қолдирилмовина йўл қўюлур.
76. 15. Артистлар фойдаси учун гуляни, сайилдек приходни ҳақлар берилурға ўрун қўблур.
77. 16. Артистларға махсус театрални қироатхона, музей ва клуб берилур.
78. 17. Қўшуқ ҳозирловчи композитор учун махсус фианина берилур.
79. 18. Артистлар ялли мобилизациядан очуқда бўлурлар.
80. 19. Уртоқчил партия аъзосиндан тиш [ташқари] керак кишиларни мо-

81. билизацияға ёки қизиқдируға ёрдам ва ҳуқуқ берилур.
20. 15 сентябрдан иш бошлов учун минг сўм бурчға ҳозирдан берилур.

* * *

1925 йил 14 майда Қубодвол ижроқўми ҳузуридаги маҳкама ва Сойбўйи ижроқўми ҳам волижроқўми ҳам хотунлар шўьба раиси ҳам волижроқўм аъзолари ҳузуринда Сойбўйи қишлоғидан бўлгон Баҳринисо (отаси номаълум) ҳамда гавалтошлик Нуриддин мулла Бозор ўғлининг ҳақида: қиз тарафиндан берилган рапўрт, қайсики суддан норозилиғи хусусида олунган материаллар кўфияси:

Қиз томон, ота-онаси йўқ, ёши 15. «7 ёшимда онам... Ушдан олиб келиб, Сойбўйида Маллабой Содиқ ота ўғлига топшургон». Тўй 13½ ёшида... Уртада турувчи Маллабой ўғли мулла Ориф 3 250 ҳозирги пул билан олгон. Қиздан розилиқ олунмай, мажбурий берилган. 1 ёлғуз оқча бадалига сотилган. Ажралувининг мода сабаби муҳаббатсизлиқ.

Хотуннинг 11 ойлик ҳуқуқин, яъни нафақасин эрдан олуб беру ёлғиз статьяли эмас, балки хотунларни ҳуқуқин ҳимоя йўли билан аъзолар қадар қилган.

Қизни ашёсин кўрганлар бўлса-да, гувоҳлар бўлса-да, қизни эр уйидан қочиб, ашёсиз-ашёлик борган кунин кўрган киши йўқ.

Икки тарафнинг аҳволи учун маҳалладан маълумот айтувчилар йўқ. Статья нўмери 66, 74, 75, 77. ...суд кунин 25 йил 10 май. Нафақа 1 сўм 52 тийин. 11 ойга 16,50 тийин. Ашё 64 сўм.

* * *

Маслаҳат солсанг, худо берсин инсофлар. Миллатчиларга маслаҳат солсак, бефирқалар қурултойда аксарият ташкил этмай, ишимиз хароб, дейдилар. Оч ту-

ришга чора йўқ. Ўғирлиқга уқув йўқ. Мардикорликка куч, усталикка ҳунар йўқ. Деҳқончиликка ангал-дангал. Улушга текин ажал йўқ. Қочай десанг на йўл бор, на бир тинч жой. Муни устига сан хат ёзасан бир тайиз аблаҳки, «пул, пул, пул»; Эй, ўл, ўл, ўл, ўқуб, ўқуб, ўқуб санам бўларсан-да шуларга ўхшаган бедин, ноинсоф бир болшовой.

* * *

1. Мактаб биноси Ёв жамоа марқазига бир чақирим йироқликда бўлуб, Эшакчи маҳалласинда Мирзаҳалил Абдувоҳид исмли бир деҳқоннинг 11 оғочлик, теразасиз, даричалик қора сувоқ бир меҳмонхонадан иборатдур. Мактаб 1 нўябрдан очулгани эътибор этилса ҳамки, деҳқончиликни энг охирги қизгин кунлари бўлғонга кўра бошлаб тўрт-беш талаба давом этиб, декабрь ўрталарида 35 талаба тўплануб ўқув расмийлашкандур. Талабалар миллий томондан ўзбек бўлуб бутунлиги эр талабалардур. Фарта, доска томондан ўрта йўсунда етарлик таъмин этилган бўлса ҳам, дафтар, қоғаз, қаламнинг кўпроқ қисмини оталар таъмин этканлар. Муаллим биргина бўлуб, қанча ойли олуви ҳаққинда халқдан бошлаб жамоа бошлуқларигача айтиб бера олувчи йўқ. Муаллимни ўз таъминотларида эканлигин яхшигина билсалар-да қайси ойдан қайси ойгача ҳамда қанча сўмдан неча бор, қайси йўсунда ва ким қўлидан берганликларин ойтиб бера олмайдилар. Локин жамоа ижроқўми маҳаллий аминлари орқали ҳар маҳаллага ойлик фули, фарта фули исми билан 30—40 сўм солуқ солиб олганларин сўйладилар. Локин жамоа ижроқўмида ҳам бу ҳақда ҳужжатлик бир йўсун тутулмай, ёлғуз вол[ост] ижроқўмларининг фармойишига мувофиқ олуб топшурулғонин эшитсакда, кирув-чиқувларинда расмий бир қоғаз ёки олган-берган томонларидан бир ҳужжат варақаси қўлларида йўқдур. Халқнинг ўз оғзича сўйловига қарағонда, 8 билан 10 орасинда чала саводлик бўлганлари йўқ эмасдур. Олуб келиб имтиҳон қилув учун бирор талабани ҳам топувга имкон бўлмади.

2. Кечки курс. Шул бинонинг ўзида кечки курс бўлуб, бадрак деҳқонлардан 1 гинвардан бошлаб, 35 нафар талаба давом эткан бўлса ҳам 30 мортда деҳқончиликни бош иши бўлгонга ҳамда муаллимлар наҳорий мактаби бўлуб вазифасиз бўлгониға ёпилув натижасида олти нафар имзо чекиш, оз-моз газет ўқушга яроқлиларида чиқмай қолмағондур. Ёқув, чироқ, қалам, китоб, қоғаз каби ўқув асбоблари ўзларидан таъмин этилиб, 5 ойга мактаб фечкасиға олти маҳалладан тахминан 15 сажин ўтун билан таъмин этилгани ривоят этилади.

3. Бу қишлоқларнинг борлигинда қлуб, Ленин бурчаги, пионер [хонаси] каби, қизил чойхоналар уёнда турсун, бирор дона газет ёки маориф ва шўролар ҳаққинда тарғибот ва ташвиқотчи ўртоқларнинг қадамлари еткани ҳеч бир эшитилмайди.

4. Соғлиқ томондан сўралғонда, дўқтурни борлигин билувчилардан эшитканлар озроқдур. Фавқулудда бир касаллар воқеъ бўлғони ҳолда, агар жамоа ижроқўми билан саркотиб бирга топилуб гувоҳнома ҳозирлангунча, бўш ароба топилуб олиб боргунча, ёки дўқтурни олиб келгунча ўлмай қолса, бир кўрсатилиб қоладур. Енгилроқ касаллар баъзан борганлари ва тузалуб қолганлари ҳам оғнан-поғнан борлигин ҳикоя қиладилар.

5. Кубод жамоасининг иккинчи жамоаси Бекобод ахбори: Бекобод жамоаси [ға] қарашли аҳолиси 2 қишлоқда 213 уй, 1178 жон, ўқув ёшинда 339 эр, 79 қиз бола учун очулғон мактабдур. Бу ҳам Ёв жамоасидағидек киши мулки бўлиб, ўшал ҳайъатда бир бинодан иборатдур. Декабрь ой ўрталаринда расмий ўқуш бошлануб, гинвар ойларида 46 эр талаба биргина муаллим билан 1 мойғача давом эткандур. Жамоа ижроқўмининг оғиздан берган маълумоти ва халқнинг совтақиси қилан берган маълумотига қарағонда, мактаб 20 декабрдан 28 февралғача халқ таъминотида бўлуб, 1 мартдан 1 мойғача давлат таъминотиға ўткандур. Халқ таъминотида 2 ой 20 кун бўлгон мактабнинг муаллим ойлиги билан форта ва доска расхўтлари учун

526-нўмерлик селкомларга буйрулган буйруқ қоғаз билан маҳалла бошлуқлари орқали 115- яна 5-нўмерлик қоғаз билан 62 сўм 52 тийин сўралиб олунган, локин бу буйруқ нўмерлар волқўм кирув-чиқув дафтарларида маълумотсиз бўлуб кўриладики...

* * *

1. Организовать труппу — махсус Фарғонадағи қизил аскар ва халқ учун.

2. Қлуб ва сахна — болалар учун.

3. «Янги Шарқ» газетасининг саҳифасин ортдирув ҳамда лойиқ муҳаррирни қандай ўрундан бўлмасин олуб идораға қўюв ҳамда ғазетани давомлатув.

4. Мумкин бўлса Хўқанддағи ўлган семинарияни тирилтирув ва эски муаллимларин борғон ерлариндан олдирув ва давом қилдирув, бунга мумкин бўлмаса, келаси ёз учун курс очдирув.

5. Шўролар ҳукумати қўшилғон ва ўғри номин тутғон қишлоқ аҳолиларина агитатурлар чиқартув; курс ва мактаблар, қонцерт, митинг, адабиёт кечалари ясов.

* * *

1. Чойхона, қўшчи, политпросвет — *Комилжон Абдуллаюф.*

2. Хотунлар қлуби — *Ўртоқ Расулуф.*

3. Кўприк — *Мулла Маҳмуд.*

4. Дарвоза — *Эрматуф, Мулла Тўйчи.*

5. Артеллар чойхонаси (биринчи) — *Маҳмудали ака.*

6. Комсомолларники — *Отажон.*

7. Минбар — *Мулла Шермат.*

8. Шоирлар — *Мулла Юсуф Қодирий.*

9. Сўри, ток — *Эрматуф, Мулла Тўйчи.*

10. Артеллар чойхонаси (иккинчи) — *Муҳаммаджон.*

11. Боғча кўчатлари — *Султон қори.*

12. Безаш иши — *Мулла Юсуф Қодирий.*

13. Иқтисодий ва моддий томони — *Мулла Тўйчи.*

Ушбу юқорида кўрсатилган папкадаги вазифаларни борлигимиз ўз қулоғимиз билан эшитиб 1924 йилнинг 11 афрелига ҳозирлаб беришни ўз устимизга ўз ризолигимиз билан олдик. Агар шул кунгача ҳозирламасак, ҳар бир саволга жавобгармиз, деб

(13 киши, шу ҳисобда Ҳамза Ҳакимзода ҳам имзо чеккан.)

* * *

Ер ислоҳоти тўғрисида музокара:

1. Ячейка аҳволидан.
2. 150 сўм ёлғуз жой ижарасиданми?
3. Хотин-қиз кўрилмови (шўро мажлисида).
4. Батроқлар, ер олғонлар орасида хўжалар борми?
5. Шўро аъзолари орасида хўжалар борми?
6. Оилавий тўғарак ташкил этиб, нимага амалга ошмай, бори ҳам беркилди?
7. Хўжалар билан [фу]қоралар орасида бўлгон яхши алоқа қандай нисбат билан?

* * *

Мажлислар сони. Амалга ошгани, ошмагани. Тафтиш бўлгани.

Неча фоиз терилган?

Қолхозни ижтимоий аҳамияти.

Хотинлар озодлиги ҳақида.

Пахта қабул қилинганда, торозу комиссияси бўлганми?

Ўрта, янги рўзғордан ташқари, қанча умумий ёрдам олинган: сўм билан; хомашё билан. Қолган суммаси.

* * *

...6. — Тўхтанг, оталар!

Кентдан намуналик тилаган мунглақ талабаларингиз клуб ёрдамига чақиради.

7. — Мунда қаранг, меҳмонлар!
Кентда ҳам бир «Саное нафиса» бўлумчаси,
қишлик қизил чойхонаси бўлмаса, уётмасми?
8. — Мағзини чақинг, ўртоқлар!
Хастахонаси йўқ қишлоқ — ўлумга маҳкум
чолдур.

**1927 йил 27-синда Фарғона ўкруг маорифига тузулган
«Санойи нафиса» анжуманини тузуш йўсуллари**

Мен ўз томонимдан (ўкруг Фарғона фирқўмининг таклифига мувофиқ) кўрулган тажрибаларимга таяниб, қисқа штат ва иқтисодий аҳволни кўзга илиб, тубонда кўрсатилган бир қанча шароитларни тизиб чиқдим. Локин бунда бўлгон камчиликларни мендан юқори бўлган печан арбобларга топшуруб, мунда фақат бир-икки нарсани тавсия қилмоқчиман:

Биринчи. 13 йилдан бери мусиқавий, рақсий ва саҳнавий ишларда бош устодлик вазифасин ўтаб, сонсиз саҳна ходимлари, раққос ва созандалар етиштириб келган шул қизил Фарғонамизда кўпкина труппалар ташкил этилган. Локин узоқ давом эта олмай, таралишга мажбур бўлди. Мени тажрибамча, иқтисодий аҳвол фалон-казолар эмас, балким шул уюшган уюшма арбобларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий саводсизликлари орқасида мусиқавий, саҳнавий ҳиссиётларнинг уйғонмоғонидур. Қисқача айтганда, илмсиз кишидан сабот ва маъно кутиш ақлсизликдир.

Шунинг учун 10 йиллардан бери такрор этдигим фалсафани яна бу 10-лойиҳамда ҳам такрорлашга мажбурманки, агар труппани уюштириш билан бирга уларни бўш вақтларидан фойдаланиб, илмий ва саҳнавий тарбия бериб борилмас экан, ҳукумат оқчасини исроф қилишдан бошқа маъно чиқмас.

Иккинчи сабаб маънавий таъминотга аҳамиятсизликдур. Масалан, труппа давлат бюджетида бўлмоғон билан бир композитор бир неча ёзувчининг идорасинда

доимий давом этдириш мумкин. Локин композитор билан ёзувчи ҳар бир эҳтиёж ва масъулиятдан холис ва ҳар бир жиҳатдан таъмин этилиб, труппа учун доимий ишлаб туриши лозимдур.

Хусусан, бизим шўх Фарғона учун драма ёзувчиларидан композиторлар яқинроғ ва марғуброғдур. (Ўзумни баҳолағоним бўлуб онглашилмасун.) Шунинг учун труппани мана шу юқоридаги қисқагина икки жумлани уюшмани бисмиллоси қилмай (туриб) яралган уюшманинг китоби беҳурмат қолғусидур.

* * *

19 $\frac{8}{3}$ 27 Аввал қишлоқда Йўлдошбой Узоқбоев ҳовлисида очилган 8 март байрами қутлови ўтуришмаси бўлуб ҳайъат рיעсатиға сайланганлар:

1) Узоқбоева, 2) Умарова, 3) Собирова, 4) Музаффарова, 5) Марасулов, 6) Абдуллаев.

Фахрий аъзолар: Конев, Камаровская.

Табрик учун: 1) Марасулов, 2) Мирза Абдуллаев, 3) Музаффарова, 4) Сафаев.

8 март ҳақинда — Ҳамза.

Тарбия ҳақинда — Музаффарова.

Фирқа ҳақинда — Марасулов.

Қўшчи ҳақинда — Мирза Абдуллаев.

Маориф ҳақинда — Маҳмудова.

Сиёсий кружоклар ҳақинда — Комилжон.

Хотинлар ким? Инқилоб... Олдимиздаги вазифалар.

* * *

Фарғона музофотининг Марғилон туманига қарашли Аввалкентдағи деҳқонларни расмий кушод ҳамда 11 модладан иборат муҳим ижодға исм қўймоқ учун 1926 йилнинг 17 афрелиға Шўро ҳукуматини чини билан танифонлигин амалда кўрсатиш ва бошқа кентларға маданий ва ижтимоий рақобат ясаш (мусобақа қи-

лиш) йўли билан 1925 йилнинг сентябридан бошлаб 26-йилнинг 15 апрел ойигача ўзаро уюшма кучлари билан ишланиб ҳозирланган мана шу пастда кўрсатиладурган 11 ишга расмий кушод билан бирликда юқориғи доирамизда ўтурган қимматлик ўртоқларимиз исмлари билан исм бериш зиёфатига чақирамиз:

1. 800 таноб ер 70 хўжалиқ сув ичадурган янги боғланган Тожикия Қорасувиға.

2. 52 сажен узунлиғида ишланган Тожикия — Ўзбекияни боғлағон кўпрукка.

3. Сиёсий онг-билимнинг ёзлик қизил чойхонасига.

4. «Қўшчи» ёзлик қизил чойхонасига.

5. Артель чойхонасига.

6. Комсомоллар чойхонасига.

7. Инқилоб хотираси учун солунган дарвозаға.

8. Инқилоб хотираси учун солунган нотиқлар минбарига.

9. Ҳайкал бўстончасига.

10. «Париж коммуна» боқчасига.

11. Олти дона очилган деҳқонлар артелига.

Мана шу тарихий кучларни ҳар бирига от қўюш муносабати билан деҳқонларни руҳларин кўтариш учун чақирилган азизларимизни ташриф этувларин ўтунуб қоламиз.

1. Урта Осиё вакили ўртоқ Зеленский.

2. Қизил Ўзбекистон марказидан ўртоқ Охунбобоев билан Акмал Икромовни.

3. Фарғона музофот обкомидан ўртоқ Қаримов, музофот ижроқўмидан Алихўжаев, обзем отделдан Шодиевани, Марғилон туманидан Ашуров, Алихўжаев, Қодирий, А. Тожи, Жамолхон Бобоев.

Туман қўшчидан: Абдуваҳобхўжа, Орифжон ака; хлопкомдан С. Асомий, Х. Содиқов, Ашур Муҳаммадов, Шодмонов; Агитфрофдан: Эгамбердиев ва бошқа маҳкама бошлуқлари бўлган ўртоқларимизни бирликда чақирамиз.

Уч кун шул азиз қўноқларимиз шарафларига Аввал мазори тагида сайил бўладур.

«Союзбирлик»дан Чаркес ва Аминжон ўртоқлар.

Шунинг билан бирликда «Деҳқон газетаси» мухбири ўртоқ Пўлодхон Зухурийни махсус чақирамиз.



Ҳамза Шохимардон фиоллари ўртасида. 1928 йил.

* * *

1. Қишлоқда ўсиш кучи, вақтида.
2. Қишлоқда бармоқбозлик ҳам ҳайъат ўзгартиш усулларини эҳтиётлаш.
3. Ҳақсизларни қуролсизлантириш.
4. Жамоа ялпи мажлисларида қўшни жамоа маърузаларини эшитиш, оилавий кружок ҳам.
5. Дўқтурлар масаласида қизларни шаҳодатномаларин кўришга чақириш.
6. Кофиратса алоқаларини ўзбеклаштириш.
7. Қизил яйловга намуналик ясти (ясли) чиқариш.
8. Муаллимларга жамоа актифларидан оилалик бирор кишини фарчинлаб ёзги таълим-тарбия қурсини Олтиариқда очиш.
9. Қизил яйловни музейга тасдиқ қилиш. Водилга қизил чойхона бериш.

10. Жамоа раисларини саводини чиқариш ишини саркотибга жавобгарлик вазифа қилиб юклаш.

11. Қофиратсаларда фирқалик активларни оилаларин ёнига тортиб ўргатишни жавобгарлик вазифа қилиб юклаш.

12. Тиётруни районда намуналик қилиб очиш.

* * *

1. Қишлоқ муаллимлари ёнига маҳаллий жадидлардан фарчинлаб, ёзлик район курслари очмоқ.

2. Жамоалардаги бадраклашкан жамоа активларига ҳужум қилувчиларни шу бошдан таъкидламоқ.

3. Қишлоқда халқ саводсизлиғидан фойдаланувчи унсурлар сиёсатларига зарба бериш учун бармоқ босдириш усулига кескин чора кўрмоқ.

4. Дўқтурлар масаласида никоҳдан илгари бўладурган шаҳодатномалар учун бошдан ҳозирлик кўрмоқ.

5. Қофиратсаларда юрадурган алоқаларни ўзбекча юргузмоқ.

6. Олтиариқдаги ястини (яслини) ёзлик Шоҳимардон курортига намуна учун чиқармоқ.

* * *

1. Жамоалардаги кружок ёки очилган хотин-қизларни яқин қишлоқларда юргузуб ўргатиш.

2. Жамоа.


3. Хотин-қизларни кўчага чиқишида эрларнинг сирлари очилиши, эрларнинг ахлоқий тузалиши.

4. Хотин-қизларнинг ўқушида, турмушнинг ички сирлари; ҳам тарбия йўлларида, дўқтурлик ишларида маҳорати.

Дўстларга ёдгорий ва тарихий рубойиёт ҳамда бошқа ҳар бир хусусда

1

Муаллим мулла Тошпўлод ўғли Хўқандий маҳал-



Ҳамза 1928 йил 7 ноябрда Шохимардонда ўтказилган яқшанбалик иштирокчилари ўртасида.

ласида Эшон Хўқандий хонақасида «Мақтаби суфия» муаллимидир, бир карра бориб топа олмагач, бу рубойни ёзиб келмиш эдим.

Рубой

Зи баҳри дилани руют ҳумор омада буд,
Ба ташрифоти майлат наззор омада буд,
Чи шудки бахти сиёҳат ба муддао нарасид,
Бигашт Ниҳон ба ғамн сад ҳазор омада буд.

II

Муаллим Шаҳрихонда коин марғилонлик муаллим афанди Ҳолмуҳаммад Охундийга ёзилмиш мухтасар. Биринчи карра дуон руқияси жавоби келмиш рисола-нинг ...нчи саҳифасинда.

Рубой

Ёзарбан сана саломимни чўқ,
Қилиб мухтасар каломимни чўқ.
Ёзарсан тездан муҳаббат шамим,
Десанг: «Шод этай ғуломимни чўқ».

* * *

Дўстлик даъво этувчиларнинг дўстлигин билувим керак. Ўша сени қувувчилар ғаразлик дўст. Қидирувчилар ғаразсиз дўст, ғаразсиз дўст қуёшга ўхшаб ёқтиси ва иссиси билан йироқдан фойда берар. Сен ер шаклида ойни айлануб тураларсан. Ғаразлик дўстинг бўлса, ойга ўхшаб сени айлануб турар. Оқшомингга ёқти берган даъвосин қилур, ҳолбуки ўзини сендан қорароқ юзин қуёшдан [нур] олуб ёруттар. Шу тажрибам билан, шуни билдимки, ғаразлик дўстдан беғараз душман яхшироқ.

Иккинчи турли айтай: бугун санга қўл боғлаб ту-

рувчилар 14-йилда уйингни деволига бир чангал лой олиб бердимиз?.. Кечагина мени қўшчидан қуволов ҳисобин кўруб ўтурган Фарғонадоғи...лар бугун ёнингда юруб, Қизил Ўзбекистон оқсоқоли Охунбобоев демоққа уялмади!

Натижа: Қўқон[даги] дўстларингдан қаноатланарлик ақл ололмасанг, мутавозе ғаразлик дўстлар ақлидан ўз ақлингни ортуғроқ ва тўғрироқ кўр.

* * *

Бриллиант олтиннинг устида ўтиради. Муниг қора бир . . . сақлайди. Бутун ҳарир зийнатларни қора кучи билан балчиқ . . . етиштиради. Шунга кўрадир, бутун доҳийлар фақир оилада туғ[ила]ди. Ҳар бир мевалик оғоч юқориға қанча ўсмасин, мевасини қора ерга тўкади. На учунки, туғроқ уни сувлайди, гавдалайди. (Букун сени кўтарувчилар эртага ерга урувчилармасми?)

Шу тажрибадан шуни билдимки, ҳар ким ўзини таниса, тарбият кунандасин унутмас экан! Саволнинг натижаси бўлиб, гавдалаб ўсдирган энг аввал ва энг кўп эзилган Фарғонанинг ишчи қора деҳқонлари биринчи навбатда мевангни ошарми? Ёки атрофида ўралғон оқ нозик қурт — сени нуфусингдан фойдаланувчи . . . дўстлар ошарми? Қўз ёшлаб сенга термулганлар унутса — унутадирсан, саломатлигинг севсанг, аччиқ сўз дўстларингни . . . топарсан.

Қўзингдаги аччиқ ёшлар . . . душманларни ширинлигидан келган . . . , Шу тажрибадан шуни билдимки, келажак, ҳар бир камолат дўстларнинг аччиқ сўзи, танқидларнинг бақойи самараларидир. Натижа: ширин сўзларни эшит, аччиқ сўзлар билан уни пишит!..



**Ҳамзанинг
иждоий
ва ижтимоий
фаолиятига
оид ҳужжатлар**



**ҲАМЗА ТАШКИЛ ЭТГАН МАҚТАБЛАРДАГИ ТАЛАБАЛАР
ВА У ЕЗГАН ПЬЕСАЛАРДА ҚАТНАШГАН АРТИСТЛАР
РУЙХАТИ**

**1910 м. 12 декабрда 1328 ҳижрий 23 зулҳижжадан
бошлаб, Тошкандда Қашқар дарвоза оғзидаги мактаб-
да кечаси ўқувчилар исмлари**

1. Аъзамжон Ҳакимбой ўғли	1 сўм
2. Боқинназар Ғойибназар ўғли	1 сўм
3. Бўрибой Ҳакимбой ўғли	1 сўм
4. Тўхтасун	1 сўм
13. Зойиджон Мирмаҳмуд ўғли	1 сўм
14. Эшон Саид Мўмин қори ўғли	1 сўм
15. Акрамжон Охунжон ўғли	1 сўм
16. Ғанижон Охунжон ўғли	1 сўм
17. Эшонхон Саидқосим ўғли	1 сўм
18. Ҳайдарали Баротбой ўғли	1 сўм
19. Иброҳимжон Абдуллабой ўғли	1 сўм
20. Исмоилжон Абдуллабой ўғли	1 сўм
21. Тошпўлод Мулла Ғиёс ўғли	1 сўм
22. Расулжон Шокирбой ўғли	1 сўм
23. Бўронбой Миртожи ўғли	1 сўм
24. Салоҳиддин Солижон ўғли (2 синф)	1 сўм
25. Мансурхўжа Маҳмудхўжа ўғли	2 сўм
26. Эшонхўжа Муҳаммадхўжа —«—	2 сўм
27. Иброҳимжон Арслонбой —«—	2 сўм
28. Абдулазиз Солиҳ элликбоши —«—	2 сўм
29. Мирзаалим Муҳаммаджон —«—	2 сўм
30. Насимхўжа Мақсудхўжа —«—	2 сўм
31. Умаржон Муҳаммад Муса —«—	2 сўм
32. Ҳамиджон Мирмаҳмудбой —«—	2 50 тий.
33. Юнусжон Зойидхожи —«—	2 сўм
34. Эшонхон Муҳаммад ҳожи ўғли (3 синф)	
35. Муҳаммадсиддиқ Мулла Абдужалил ўғли	3 сўм
36. Эшонхон Исмоилхўжа ўғли	3 сўм
37. Савадхўмадхон Исмоилхўжа ўғли	3 сўм
38. Пўладжон Мирзаназарбой —«—	3 сўм
39. Мирзатўхта Мирзакарим —«—	3 сўм
40. Оллоёрбек Бобобек —«—	3 сўм

41. Эшонхўжа Муҳаммадхўжа —«—	3 сўм
42. Мулла Ҳайдарқул Тошмуҳаммад ўғли	3 сўм
43. Мулла Рўзимуҳаммад Сиддиқбой —«—	3 сўм
44. Абдуллажон Отажон ўғли	3 сўм
45. Ҳамзахон Мирфайзибой —«—	3 сўм
46. Абдуллажон Маҳмудхон —«—	3 сўм
47. Носиржон Сайфиддин —«—	3 сўм

Тошкандда ибтидоийсина

1. Абдулқодир Зокиржон ўғли (2 синф)	2 сўм
2. Муҳаммадамин Муҳиддинхўжа —«—	2 сўм
3. Муродхўжа Муҳаммадсаидхўжа —«—	2 сўм
4. Аҳмадали Алибой ўғли	2 сўм
5. Абдуқодирхўжа Гуломхўжа —«—	2 сўм
6. Нурмуҳаммад Тожиқожи —«—	2 сўм
7. Мирҳайдар Мироқил —«—	2 сўм
8. Бердибой Каримберди —«—	2 сўм
9. Нуриддин Муҳиддин —«—	2 сўм
10. Абдулло Устатош —«—	2 сўм
11. Мирвоҳид Каримқожи —«—	2 сўм
12. Тўхтагон Эшонхон —«—	2 сўм
13. Абдулваҳҳоб Тўйчибой —«—	2 сўм
14. Музаффар Жамилқожи —«—	2 сўм
15. Содикқон Исмаи қори —«—	2 сўм
16. Пўлодхон Эшонхон —«—	2 сўм
17. Исмоилхон Инъом қори —«—	2 сўм
18. Мақсудхон Абдураҳмон —«—	2 сўм
19. Қомилхон Гуломхон —«—	2 сўм
20. Носиржон Исмоилбой —«—	2 сўм
21. Билол Қомилжон —«—	2 сўм
22. Маҳмуджон Қомилжон —«—	2 сўм
23. Раҳматулла Саидбойвачча —«—	2 сўм
24. Лутфулла Шомаҳмуд ўғли	2 сўм
25. Аҳмаджон Исроиљон —«—	2 сўм
26. Орифхон Инъом қори —«—	2 сўм
27. Холхон Усмоиҳўжа —«—	2 сўм
28. Қаримжон Туёқбой —«—	2 сўм
29. Мажидхон Эгамберди —«—	2 сўм

30. Раҳимхон Туёқбой —«—	2 сўм
31. Муҳаммаджон Раҳматжон —«—	2 сўм
32. Аъзамжон Ражаб ака —«—	2 сўм
33. Содикжон Олимбой —«—	2 сўм
34. Абдулгани Муталбой —«—	2 сўм
35. Исмоилжон Иноятулло —«—	2 сўм
36. Ортиқхўжа Исохўжа —«—	2 сўм
37. Собиржон Комилжон —«—	2 сўм
38. Жўрабой Комилбой —«—	2 сўм
39. Собиржон Мирфозил —«—	2 сўм
40. Ҳабибжон Саъдулла —«—	2 сўм
41. Абдували Имомали —«—	2 сўм
42. Асадулла Тошпўлад қори —«—	2 сўм
43. Муроджон Йўлдошбой —«—	2 сўм
44. Акбаржон Аҳмаджон —«—	2 сўм
45. Носирхўжа Қаримхўжа —«—	2 сўм
46. Маҳкамбой Орифбой —«—	2 сўм
47. Жўрабой Исроил ака —«—	2 сўм
48. Абдурраҳим Ҳошим қонвой —«—	2 сўм
49. Илёсбой Мадалибой —«—	2 сўм
50. Жамолбой Хонкелди —«—	2 сўм
51. Усмонжон Шерали —«—	2 сўм

1912 йил 8 октябрда Бўронбой Миртожи ўғлининг меҳмонхонасида очилган мактаб ўқувчиларининг исмлари

1. Бўронбой.
2. Боқижон Абдурраҳмон маҳзум ўғли.
3. Мулла Сотиболди Нурмуҳаммадбой ўғли.
4. Мулла Умаржон Абдужалил домла ўғли.

1913 йил 8 октябрда Хўқанда Бўронбой меҳмонхонасида оқшом ўқувчи талабаларининг исми

1. Бўронбой Миртожи ака ўғли.
2. Боқижон Абдураҳмон маҳдум ўғли.
3. Мулла Сотиболди мулла Нурмуҳаммадбой ўғли.
4. Мулла Умаржон Абдужалилбой ўғли.

1914 йил 8 ноябрдан бошлаб мулла Умаржон Абду-
жалил домла ҳовлисида кечаси ўқувчилар

1. Мирзаолим Миртожибоюф — 1 сўм.
2. Абдулқаям ўғли, авваллик — 5 сўм.
3. Муҳаммаджон Хидирбой ўғли...

11. Муҳаммадсидиқ Абдулқодир ўғли, Фалосанг —
2 сўм.
12. Мулла Абдулла мулла Муҳаммадали, лағонлик —
2 сўм.
13. Мулла Тошпўлод Муҳаммадали ҳожи, Янгибоғ —
2 сўм.
14. Мулла Улмас мулла Ражаб, ёйилмалик — 2 сўм.
15. Жалолхўжа Юсуфхўжа, исфахонлик — 2 сўм.
16. Мулла Холмирза Нишонбой, жалойирлик — 1 сўм.
17. Хидирали Эгамбердишоҳ, хўжангизлик — 1 сўм.
18. Саидхон Жалолхон, янгибоғлик — 2 сўм.

**Мақтаби дор ул-айтомда ўқувчи катта кишилар исмла-
ри, маҳаллалари, вазифалари**

Ойлик; 1914 милодий 2 ноябрда шанба кундан
эътиборан ўқиган; муддати 3 ой.

1. Умаржон Абдуллажон ўғли, асли марғилонлик,
Усмоғжон Мирҳошимбой ўғлининг қайинотаси, хат-
имло, 1 сўм.
2. Муҳаммадсиддиқ Абдулжалил ўғли, хўқандлик,
Ҳайдарбек маҳаллалик, хат-савод, 2 ой, 1 сўм.
3. Мирзаолим Тожибоюф, қўшнимиз, 2 ой, 1 сўм
(Первая книга) хат-савод.
4. Бўронбой Миртожибоюф, қўшнимиз, (Шафоҳия),
2 ой, 2 сўм.
5. Абдулқаям... ўғли, авваллик, хат-савод, 2 ой,
5 сўм.
6. Мелибой Ниёзмуҳаммадуф, хат-савод. 1 ой, 2 сўм.
7. Тошпўлот Абдусатторуф, авваллик, хат-савод,
1 ой.

8. Мирсобир Муҳаммадрасулуф, Хўқанд, Подабозорлик, хат-савод, 1 ой.

9. Муҳаммаджон Мирҳайдаруф, хат-савод, 2 ой, 2 сўм.

10. Охунжон, Кўнчилик маҳаллалик, хат-савод, 2 ой, 2 сўм.

1914 йил 8 декабрдан бошлаб **Миразиз элликбоши** боғида очилмиш «Дор ул-айтом» мактабига бошланиб келган талабалар исмлари

- | | |
|---|--------------------------------|
| 1. Порсоҳон мулла Эшонхон ўғли. | 15. Маҳмуджон. |
| 2. Жамолхўжа Муҳаммадалихўжа. | 16. Абдуқодир. |
| 3. Аббосхўжа Бобохўжа. | 17. Олимжон. |
| 4. Акбарали Мирюсуф. | 18. Самежон. |
| 5. Қўлдошбой Эргашбой. | 19. Алимжон. |
| 6. Файзуллохўжа Фахриддинхўжа. | 20. Эргашбой Иўлдошбой. |
| 7. Боқижон Иўлдошбой. | 21. Усмонжон. |
| 8. Жўрабой Муҳаммадшоқир. | 22. Музаффар. |
| 9. Маърифхон мулла Эшонхон. | 23. Турсунбой. |
| 10. Абдусамежон Искандарбой. | 24. Азимжон. |
| 11. Қамолхўжа Ўроқэшон. | 25. Абдурахмон. |
| 12. Расулхон Ўроқэшон укаларининг ўғли. | 26. Тешабой. |
| 13. Ҳайдар. | 27. Муҳиддин. |
| 14. Қодирбой Жамебой. | 28. Раҳмонжон. |
| | 29. Тошпўлод. |
| | 30. Тоштемур. |
| | 31. Мирзабой. |
| | 32. Мирзаҳусайн Миртожн ака. |
| | 33. Исмоилжон Мирзаҳусайн. |
| | 34. Деҳқонбой Нурмуҳаммад ака. |

1914 йил 25 декабрдан Хўқанддаги **Муҳаммадшариф** маҳалласида **Миразиз элликбоши ўғлининг** боғида «Дор ул-айтом» мактабида мазкур маҳалладан келиб ўқувчиларининг исмлари

- 2 сўм — 1. Мулла Шоҳъяқуб . . . ўғли, хат-савод —
1 ой.
- 1 сўм — 2. Уста Аҳмадали . . . ўғли, хат-савод —
1 ой.
- 2 сўм — 3. Нуриддинхўжа . . . ўғли, хат-савод —
1 ой.
- 2 сўм — 4. Убайдуллахўжа . . . ўғли, хат-савод —
1 ой.
- 2 сўм — 5. Насриддинхўжа . . . ўғли, хат-савод —
1 ой.

(Бир сўмдан тегди, боқий қолди.)

1915 йил 9 январдан бошлаб икки кун «Мактаби дорул-айтом»да, сўнг Сўфи Бадал эшон хонақоҳларида ўқувчиларнинг исмлари

1. Акбар маҳсум . . . ўғли, хўқандлик, Фозеқалик маҳаллада — 3 сўм.

«Русистон», «Шафоҳия», «Истифтоҳ».

2. Хўжахон Подшоҳхонуф, хўқандлик...

3. Раззоқжон Миршариф ўғли, Хўқанд, . . . маҳаллалик — фақат 2 сўм.

«Русистон».

4. Саъдуллахон Подшоҳхонуф, Хўқанд — 2 сўм.

«Русистон», «Шафоҳия», «Истифтоҳ».

5. О. Обидий, тошкандлик.

«Русистон», «Шафоҳия», «Истифтоҳ».

6. Маъруфхон . . . ўғли.

«Русистон».

Бу зотларнинг ўқувлари бир ой бўлуб, вазифага оқча ҳеч бермаганлар.

1915 йил 9 январдан бошлаб икки кун «Мактаби дорул-айтом»да, сўнг Сўфи Бадал эшон хонақоҳларида ўқувчиларнинг исмлари

1. Акбар Маҳзум, Галабаққол маҳаллалик, русистон, шафоҳия, истифтоҳ.

2. Хўжахон Тожиюф, галабаққоллик, русистон.

3. Раззоқ Шарифуф, Кўрфабой, биринчи русистон.
4. Саъдуллаҳон Тожиюф, галабаққоллик, русистон, шафоҳия, истифтоҳ.
5. О. Обидий тошкандлик, русистон, шафоҳия, истифтоҳ.
6. Маъруфхон, галабаққоллик, русистон.

Бу зотларнинг ўқувлари бир ой бўлиб, баъзилари якки, баъзилари уч сўм ойлик бўлса ҳам ҳеч берганлари йўқ.

1915 м. 17 августдан бошлаб Марғилон шаҳрида Аҳмадали қори Муҳаммадали ўғлининг тахти ҳимоясида ўлон «Мақтаби аҳмадия»га жамъ ўлуб, таълим олмиш талабаларнинг исмлари

		<i>Вазифа:</i>
1. Эминжон Абдулазиз ўғли, Тўйчибек		
	маҳаллалик	1
2. Турсунбой Муҳаммад ўғли, Михчагар		
	гузарлик	1
3. Ҳолмуҳаммаджон Солиҳбой, Тўйчибек		
	маҳаллалик	1
4. Муҳаммаджон Собир ўғли, Тўйчибек		
	маҳаллалик	1
5. Муҳаммаджон Мирзажон ўғли, Михчагар		
	маҳаллалик	1
6. Жамолиддин Шаробиддин ўғли, Тўйчибек		
	маҳаллалик	1
7. Тожиусмон Сотиболди ўғли,		
	оқмозорлик	1
8. Абдураҳмон Ғанибой ўғли, Тўйчибек		
	маҳаллалик	1
	(тошкандлик)	
9. Муҳаммадамин Муҳаммадали ўғли,		
	Чуқур кўчалик	1
10. Низомиддин Абдулҳалил ўғли,		
	тошкесарлик	1
11. Жўрабой Муҳаммадамин ўғли,		
	Учқўрғонлик	1

98. Зойидбой Карим ҳожи ўғли	1	1
99. Абдусаттор Зокирбой ўғли	1	1
100. Нурум Абди ака ўғли	1	1
101. Тўлаган Эшҳожи ўғли	1	1
102. Фанибой Инъом баққол ўғли	1	1
103. Тоҳиржон Зокиржон ўғли	1	1
104. Жўрабой Абдумажид ўғли	1	1
105. Қудратулло Абдумажид ўғли	1	1
106. Абдумалик Абдурахмон ўғли	1	1
107. Ҳайридинхон Раҳматхон ўғли	1	1
108. Саййидмаҳмуд Саййидмансур ўғли	1	1
109. Мирзоҳид Шораҳим ака ўғли	1	1
110. Салимбой Ҳасанбой ўғли	1	1
111. Аҳмадхон Дадахон ўғли	1	1
112. Фанихон Абдусамадхон ўғли	1	1
113. Тоҳиржон Мирсодиқ ўғли	1	1
114. Тиллажон Акбарбой ўғли	1	1
115. Фанибой Ибн Ямин ўғли	1	1
116. Абдукарим Қодир домла ўғли	1	1
117. Қосимжон Шокир ҳожи ўғли	1	1
118. Абдулла Муҳиддин халфа ўғли	1	1
119. Мансуржон Ризқий қассоб ўғли	1	1
120. Садриддин Зайнобиддин ўғли	1	1

[Ерли ўзбек театр труппасининг иштирокчилари]

1922 й. 28 март. 29 мартда мутиш идорасига кеч соат 3 да янги ташкил этиладургон ерли ўзбек труппаси ҳақида бўлажақ мажлис учун тўбонда исмлари ёзилмиш афандиларнинг келувлари ўтинилур.

Имзо (Ҳамза Ниёзий).

1. Полвонниёз Дўст ўғли.
2. Саиджон Сафаруф.
3. Тожиддин Муҳаммадшариф ўғли.
4. Жабборберган Назаруф (имзо).
5. Қурбон Саиджонуф (имзо).
6. Аваз Бобожонуф (имзо).
7. Жонибек Жуманиёз ўғли (имзо).
8. Муҳаммадамин Убайдиллойиф (имзо).
9. Пирмуҳаммад Қутлимиродуф (имзо).


محترم حضرت مولانا مفتی صاحب
 الاسلامیہ، اولیو خطہ، آلاہیلان تیریزیا
 ایلم، صلی تو رکن، ایلم برنجی عدوی
 برنجی شرف، تیریزیا خصوصاً یا زود ایباریش

آدرسیک بوجا

Аннотация.

Редакция газет
 Туркестанский Голос
 - صلی تو رکن، ایلم

اقوام پلان: ادارہ نامہ


 مولانا
 مولانا
 مولانا

دیا بر 7
 1917

جواب آلاہیلان تیریزیا برنجی عدوی
 علامہ مولانا مولانا

1915 йил 20 августда Марғилонда кундуз ва кечаси ўқувчи зўр (катта) кишиларнинг исм ва фамилия ҳам ойликлари

№	исм, фамилия	маҳалла	ойлик (сўм, тийин)
1.	Ҳабибулло Мирбобо ҳожи	Тегирмон боши	12 сўм 50 тийин
2.	Тожибой...	Тўйчибек	2
3.	Умурзоқжон...	Гулбардор	2
4.	Мулла Исмоилжон Миркарим қори		
5.	Мулла Абдуллаҳмон Исҳоқбой	Чорбоғда	2
6.	Тўхтасунхўжа...	Тегирмонбоши	2
7.	Акбархон тўра	Ароба бозор масжидида (Хўжанд- лик)	5
8.	Пўлодхон Акбархон- тўра боласи (Хў- қандлик)		
9.	Саидакбархўжа Му- ҳаммадхўжа	Бойистон	2
10.	Асомиддин Элқўйди- бой (қирғиз)	Тилмиямен- лик (?)	2
11.	Муҳаммадсиддиқ Абдуқодир	Фоласонлик	2
12.	Мулла Абдуллоҳ мул- ла Муҳаммадали	Лоғонлик	2
13.	Мулла Тошпўлод Муҳаммадали ҳожи	Янгибоғлик	2
14.	Мулла Ўлмас Муҳам- мадражаб	Ёйилмалик	2
15.	Жалолхўжа Юсуф- хўжа	Исфохонлик	2
16.	Хидирали Эгамберди- шоҳхўжа	Игналик	1
17.	Мулла Ҳолмирза Нишонбой	Жалойирлик	1
18.	Саидхон Жалолхон	Янгибоғлик	1

1923 йилнинг 18 октябридан 23 октябрина қадар вис-
тавкаларга иштирок этувчи артистларнинг театралний
роль тақсимоти жадвали

тар- тиб рақам	нечанчи	нечан- чи парда	ким ролинда	исм, фами- лияси
1.	„Тухматчилар“ жазоси	I	Фотима ролин- да	Маруса
2.	—“—	I	Акбарали ро- линда	Оқилуф
3.	—“—	I	Қосимжон ро- линда	Қорийуф
4.	—“—	II	Домла ролинда	Шарифуф
5.	—“—	II	Султон —“—	Обиджон
6.	—“—	II	Элликбо- ши —“—	Аъзамхўжа
7.	—“—	II	Старший —“—	Баратов
8.	—“—	II	Қоровул —“—	Ҳаваскор (Юнусуф)
1.	„Топилгон нарса“ да	I	Тешабой ро- линда	Оқилуф
2.	—“—	I	Ойниса —“—	Маруса
3.	—“—	I	Ёш йигит —“—	Обиджон
4.	—“—	I	Эски олув- чи —“—	Қорийуф
5.	—“—	I	Арбакаш —“—	Аъзамхўжа
1.	„Лошмон“ да	I	Саидхон ро- линда	Қорийуф
2.	—“—	I	Мирзабой —“—	Аъзамхўжа
3.	—“—	I	Рохия —“—	Фахриннисо
4.	—“—	I	Фозилжон —“—	Обиджон
5.	—“—	I	Расулжон —“—	Юнусуф
6.	—“—	I	Маҳмуд- жон —“—	Баратов
7.	—“—	I	Аҳмад- жон —“—	Алихон тўра
8.	—“—	I	Қодиржон —“—	Ҳаваскор
1.	„Лошмон“ да	II	Саидхон —“—	Қорийуф
2.	—“—	II	Санобар —“—	Маруса

Жадвал давоми

тар- тиб рақам	нечанчи	нечан- чи парда	ким ролинда	исм, фами- лияси
3.	„Лошмон“ да	II	Аёз — “ —	Обиджон
4.	— “ —	II	Икки қорро- вул — “ —	Аъзамхўжа, Юнусуф
1.	„Лошмон“ да	III	Қўрбоши — “ —	Шарифуф
2.	— “ —	III	Мақсуд — “ —	Аъзамхўжа
3.	— “ —	III	Раҳмон- бой — “ —	Қорийуф
4.	— “ —	III	Қосимжон — “ —	Баратуф
5.	— “ —	III	Аёз — “ —	Обиджон
6.	— “ —	III	Толиб — “ —	Юнусуф
1.	„Лошмон“ да	VI	Қўрбоши — “ —	Шарифуф
2.	— “ —	IV	Толиб — “ —	Юнусуф
3.	— “ —	IV	Аёз — “ —	Обиджон
4.	— “ —	IV	Мансур — “ —	Ҳожи Рауфуф
5.	— “ —	IV	Ҳасанбой — “ —	Оқилуф ё Умаруф
6.	— “ —	IV	Акработ- чи — “ —	Ҳаваскор
7.	— “ —	IV	Мирзабой — “ —	Аъзамхўжа
8.	— “ —	IV	Роҳия — “ —	Фахриннисо
9.	— “ —	IV	Ҳ ким — “ —	Султон
10.	— “ —	IV	Икки мир- за — “ —	Ҳаваскор
1.	„Қармоқ“	I	I овчи — “ —	Обиджон
2.	— “ —	I	II овчи — “ —	Шарифуф
3.	— “ —	I	III овчи — “ —	Юнусуф
4.	— “ —	I	IV овчи — “ —	Баратуф
5.	— “ —	I	Қўнтур — “ —	Аъзамхўжа
6.	— “ —	I	Шўро — “ —	Қорийуф
1.	„Бей илз иш- чи“	I	Хол — “ —	Аъзамхўжа
2.	— “ —	I	Комилбой — “ —	Обиджон
3.	— “ —	I	Жарчилар — “ —	бутун артистлар

ҲАМЗА АСАРЛАРИНИНГ РҮЙХАТЛАРИ

1908 йилдан 1909 йил ярми авваллариғача

1. Наманган шаҳрига, жоно, сани дилдор деб келдим...
2. Эй, ҳусн элин сарфитнаси маҳбуби давронлар аро...
3. Худоё, ман ғарибга ул дилоромимни еткуртил...
4. Ёр, оразинг узра гул бўлакча...
5. Жоно, бу йил феъли атвор ўзгача...
6. Тийри ишқинг ул кун фаррон айладинг...
7. Қачон бу кулба сари, дилрабо укам, келасиз?..
8. На деб висолингга аввалда мубтало қиласан?..
9. Ман ўлсам, ёр келур, дебки: ҳой, ушшоқим...
10. Жаҳонда кўрмадим сандек пари рухсор, Аҳмад-жон...
11. Арз ила яна сенга саломим...
12. Мандин санга, эй маҳлиқо, маҳбуби даврон ассалом...
13. Сабо, арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун...
14. Мани йўқлаб, гулом айлаб, келинг, албатта-албатта...
15. Мани дилхастаи маҳзун дилафкор ўргулсун...
16. Мубтало қилган мани ул чашми нур хумморингиз...
17. Мани бечора ул кун бир кўруб, дийдор биламайсан...
18. Уйласам, жонона, йўқ оламда монандинг сани...
19. Мақтасам ул вафоси йўқ, ўйнаса гар дукур-дукур...
20. Жаҳон ичра санингдек, моҳваш ҳаргиз бино бўлмас...
21. Хаста қулин бевафо ҳолин бир сўрармукин...
22. Биродарлар, бўлубман зор-ҳайрон, йиғламай найлай...
23. Қачон бу кулба сари, дилрабо укам, келасиз?..
24. На деб висолингга аввалдин ошно қиласан?..
25. Сизга салом биздан, эй ошно, муборак...
26. Манам мажнун каби эмди гадолар бўлмасам бўлмас...

27. Ери жоним бормукин, келмас қачонлардан бери...
28. Нигоро, фурқатингда ғам билан бағрим яро бўлди...
29. Васлингга хумор ўлдим, эй дилрабо жонона...
30. Лола янглиғ оразини бир кўруб тасвирда...
31. Неча йўл арз айладим рози дилим жононима...
32. Нолаи арзим эшитмас маҳваши жоним мани...
33. Субҳ янглиғ оразингиз мубтало қилди мани...
34. Субҳ янглиғ кулбами айлаб зиё, бир келсангиз...
35. Ғаминг бағримни эзди, эй пари рухсор, айлансун...
36. Чекса ҳар ким бир йўли кўзи хумор айлар ниши...
37. Илоҳе, сояйи давлат бошингда барқарор ўлсун...
38. Ё илоҳо, ман ғарибни ёриға кўз тикмасун...
39. Дариғо, бу замон аҳли бузилди, бўлди кўп расво...
40. Мубтало қилгон мани ул чашми пур хумморингиз...

1906 йилники:

1. Сан ўзинг ёш боласан, қилма жафолар большоёй...
2. Худоё, ҳолимизни ушбу кундан ҳам батар қилма...
3. Худоё, санга йиғлаб, қилурман арзи додимни...
4. Бўлдим асири бир моҳитобон...

1907 йилники:

1. Талабда тахти дилни шоҳисан, дилдор, деб келдим...
2. Ултуруб эрдим эшикда, бир куни жоночамиз...
3. Аё, эй маҳваши золим, тасаддуқ жоним айлансун...
4. Оразинг, моҳи мунаввар, талъатингдан ўргилай...

1909 ва 1910 йилларда Тошкентда ёзилган шеърлар

- [1.] Нигоро, бўйла жаҳлу ғазабни оти ноз ўлмас...
- [2.] Мани ҳар қанча, жонон, зулм ила ёр этсангиз майли...
- [3.] Бўлмишам ошиқ деголи ҳам уёлиб кўрқаман...
- [4.] Кетургул бир қадаҳ майдин, ўларга етдим, эй соқий...
- [5.] Эй дўстлар, ажойиб енгил сўровин маъшуқим...
- [6.] Тошкан аро кўп эркон искаб топар пашша...

[7.] Кел эй, жоно, мани ҳар қанча гирён айласанг,
майлинг...

1911 йил. Бир қиз билан боғланиш шеърлари

1. Ишқ ўтига куймоғлиқ парвоналиғимдандир...
2. Дедим: пари, ман хастага, мунча жафо даркор эмас...
3. Эй ёр, бир етимни хор айламоқму шунча?..
4. Келмиш ғазабларингиз, эй гулғуздор, мунча?..
5. Келинг, маҳваш, адоватни қўйинг, ташланг ярошайлик...
6. Эй пари, ҳажрингда мандек кимса сарсон ўлмасун...
7. Эй маҳвашо, солғил [назар] гирёнаман тонг откуча...
8. Боғларда гул очилмас то ёз кўрмагунча...
9. Тортубон ҳажрингда ғам, йиғлаб ётай тоқайғача?..
10. Пас эркан мунча иқболим, мани дилхаста бечора...
11. Кел эй, барно санам, гурбатда қолгонингни бир шод эт...
12. Қай кунни кўрдимки ман дийдор, ўргулсун қулинг...
13. Эй ҳусн элин сарҳартаси, донолиғингдин айланай...
14. Кел, эй санам, қўл ушойлик икковимиз ярошиб...
15. Эй маҳваши замонам дилдор, хуш келибсиз...
16. Арзимни айтай боди сабога...
17. Бу фалак чархи бир қизиқ бозор экан...
18. Нигоро, бу жудолиғлар биза рўзи азалдандур...
19. Бу замонни эр била хотундин безорман...
20. Ул кунни бир йўл кўруб бўлдум хоридоринг сани...
21. Ман хаста бечорадин сиз, шаҳри ёримга дуо...
22. Мандин сиза юз минг салом, сарви равонимга дуо...
23. Эй париваш, гул юзинг ман зор соғиндим, нетай...
24. Бердим кўнғил, эй маҳвашо, донолиғингга қул бўлуб...
25. Жоно, гувоҳим афв қил, ман бегувоҳ шармандани...
26. Кел, эй барно, мани сан мунча гирён этмағил эмди...
27. Очиб кўз, бахтима боқсам, қаро бўлганга ўхшайди...
28. Бу қаро кун тушди, давлатдин жудо бўлдим букун...
29. Ҳеч ким мандек, илоҳим, ёридин айрилмасун...
30. Эй дилбари жонона, девонога хайр эмди...
31. Бу қаро кун қандай эркан, тахти султондан жудо...

32. Бу кун қандай кун эрканким, дили тўлганга ўхшайман...
33. Мандан дилинг қолган эса, майли, нигорим, яхши қол...
34. Юз минг салом бирлан жонолиғингга қуллуқ...
35. Жоно, бу кун кўнгиллар олгонингиз бўлакча...
36. Дўстлар, гар юз йил ўтса, ёр соғинмас мани...
37. Жонон, букун ишларинг бўлакча...
38. Жоно, кўрар васлингга, рухсат сўрайму сўрмай...
39. Арзи дил айлмай, эшит, эй ёри жононим мани...
40. Назарларда қай кун жавлон айладинг...
41. Бу тақдири илоҳийдир, фалакни гардиши шундоғ...
42. Эй маҳваши замонам, айтконингиз муборак...
43. Эй сууклу жоним, кетдим, санга эҳсон елфуғуч...
44. Жонона келиб, ногаҳ чилдирмани овози...
45. Эй жонижоним ҳоқоним, дил бергоним, яхши қол...
46. Эй Зубайдам, ўша кун, васлингга меҳмон этдинг...
47. Жонона, гул юзингдан, рухсорингиз чиройлик...
48. Эй ҳусн мулкида сан шоҳи жаҳон, Зубайдам...
49. Кўп мунтазирман, эй ёри дилдор, бир қучоққа...
50. Хастанин сўргали ул дилбари жонон келадур...
51. Сиза жон фидо, ё ҳаётан набий...
52. Тошканд шаҳрида кўрдум маҳлиқо дўндуқчалар...
53. Бордим нигорим уйига бир-бир босиб астогина...
54. Эй кўнгил, қўйғил, саҳарлар зокирий жонона бўл...
55. Пари чеҳра дорам, ки ҳуснаш камол...
56. Зоҳидо, таън этма кўп, дилсўзи ҳижрон ўлмишам...
57. Эй фалак, чархинг бузулсун, сандан олмас кимса ком...
58. Жонона, чиқар дилдан минг оҳу-фигон ҳар дам...
59. Мавзун қади гулдастага бўлсун фаровони ассалом...
60. Бўлмишам ошиқ дегали ҳам уёлиб қўрқаман...
61. Навниҳоли қоматинг, дилдор, соғиндим букун...
62. Мубталоман фурқатингда, рўзу-шаб гирёнаман...
63. Арзимни еткур, эй сабо, маҳваш мани ёр айласун...
64. Бир соате хилват топуб, ҳасрат қилолмай доғдаман...
65. Ё илоҳо, даргаҳингда рўсиё, шармандаман...
66. Эй пари, ҳажрингда мандек кимса сарсон ўлмасун...

67. Меҳрингни қўйма ҳаргиз, бир бевафо жаҳон бу...
68. Ул парини қомати гулзорга ўхшайди-ку...
69. Уйласам, ул дилбарим маккорга ўхшайди-ку...
70. Як маҳе дорам, ки аз анвари ў...
71. Кечкаймусан, худоё, бу хастаи зор, тавба...
72. Қани ул, дилбари золим, ёнимда бир дам ўлтурса...
73. Қарор[им] қолмади, жоним, юришга, боқмоқ ила...
74. Ёлғуз сани бор этмиш оламда худо, ҳай-ҳай...
75. Йўқ деб бу жаҳон ичра мандек санамо, ҳай-ҳай...
76. Хушрў парилар ичра сизча, укажон, вай-вай...
77. Тўйдум, қилайин энди арзимни баён бай-бай...
78. Ҳасрато, маълум эмас бир тоат этконим мани...
79. Нанолам аз ту токай, эй фалак, бар ман чиҳо карди...
80. Мани дилхастани ҳолин сўраб бир бор келсанг-чи...
81. Муҳаббатдин алам чекдим, бир тахли ком этди...
82. Мани мунча ҳам маҳзум этасиз, тасаддуқ бўлиб ўргила қолай...
83. Жаҳонда кўрмадим сандек пари рухсор, айлансун...
84. Бир дилбари таннознинг дил мубталойидур...
85. Тийри ишқинг ул кун паррон айладинг...
86. Муҳаббат боғидан тотлиғ жузувдур...
87. Гурбатга солманг, эй маҳлиқолар...
88. Муродингиз қилубон ғам билан адашкилик...
89. Илоҳо, сояйи давлат бошингда барқарор ўлсун...
90. Гапига кирсанг, укам, хаста қилинг бечорани...
91. Фуломи, дарғаҳингни биргина дилшод қилмайсан...
92. Мани кўнглум ёруткан шамъи рухсорингдан ўргулсун...
93. Молик ўлдум файза ё раб, ҳамду лилло ушбу кун...

1914 ҳам 1913 йил [шеърлари]

1. Манидек осий умматни пайғамбар йўқлагайларму?..
2. Оҳким, беғамни ғамга мубтало қилган фироқ...
3. Бу жаҳони бевафо давронида давлат ҳаёт...
4. Васл ғанимат олти кунлик давр-даврондур ҳаёт...
5. Эй кўнгил, дилдордан етмиш жафоларни унут...
6. Ҳусн мулкни амири ширин забонға дуо...
7. Кўп шод ўлдум, маҳваш, садпора эканман, деб...
8. Кўп доғлама бағримни афкора экансан, деб...

[1913—1914 йилларда ёзилган шеърлар]

1. Ё илоҳо, сангадир ҳамду сано...
2. Ё Муҳаммад, айланай номингга жоним фидо...
3. Наҳри ашким вор таъсир айламас норинг банга...
4. Ким-да дониш бўлса, олам мисли зиндондур анга...
5. Бу на бахти қаролиғдир, етмас афғоним санга...
6. Дило, қил кечалар, дилдор, учун чашмингда тар пайдо...
7. Чиқар ҳар дамда ул маҳваш, қилиб кўп шўри шар пайдо...
8. Бу на янглиғ можародур, ҳусни хубондан жудо...
9. Бир кўруб ул кун жамолинг, мубтало бўлдим санга...
10. Дар шаби торини ман он моҳитобонам кужо...
11. Биё соқи, бидеҳ аз май бар ин мажнуни шайдоро...
12. Дило, ғофил машав ҳаргиз, нигар гардуни дунёро...
13. Бўлубман ногаҳон бир бевафога мубтало, ё раб...
14. Гуноҳ зангги билан ойнаи дилдур қаро, ё раб...
15. Ҳар ҳусни партавидур ҳусну ахлоқу адаб...
16. Пардани васлингдан оч, чиқсун жаҳонга офтоб...
17. Ою кун шарманда бўлди ҳусну рухсоринг кўруб...
18. Эй дилрабо, ишқинг билан девона бўлдум соғиниб...
19. Он пари, абрў камон оҳуи чашмаш масти хоб...
20. Биё-биё, ки ситамгар намонд, тоқати тоб...
21. Ногаҳон ўтди назардан бир пари от ўйнатуб...
22. Эй кўнгил, кезгил жаҳонни, ўзга бир ҳамроҳ топ...
23. Тўқинди йўлда, дедим, ман сари, укам, гузар эт...
24. Сунбулу райҳони ту аз сабзавори раҳматаст...
25. Бевафо дилдорни суймоқ абас...
26. Нигоро, бизга парда очмоғингизга налар боис?..
27. Дилбаро, ҳажринг, ўтига сабр қилмоғим хараж...
28. Дилрабо, йўқ боғбон хилват эрур, қулфингни оч...
29. Ман ул қурбонлардинким, тирикман танда жоним йўқ...
30. Ман каби маҳзунинг ичра дийдаси хунбор йўх...
31. Дилда дардинг бўлмаса, Луқмону Буқродан на суд...
32. Эй санам, аз лутфи ту девонаҳо дорад умед...
33. Бу кунлар фурқатингда турфа ҳолу изтиробим вор...

**1908 йилдан 1926 йилгача ёзилгон асарларимнинг
рўйхати**

№№	Китоб исмлари	босил- гонми	неча пар- да	неча бўлим	қандай китоб	Драма
	1908—1917 йилгача ёзилгон ҳамда 1918 йилгача					
1	Ҳақиқат кимда?	йўқ	—	—	роман	
2	Янги саодат	босил- фон	—	—	роман	
3	„Миллий ашула- лар“дан биринчи бўлим	—“—	—	9	адабиёт	
4	„Миллий ашула- лар“дан. Оқ гул. 2 [-бўлим]	—“—	—	—	—	
5	„Миллий ашула- лар“дан. Қизил гул. 3 [-бўлим]	—“—	—	—	—	
6	„Миллий ашула- лар“дан. Сариқ гул. 4 [-бўлим]	—“—	—	—	—	
7	„Миллий ашула- лар“дан. Сафсар гул. 5 [-бўлим]	—“—	—	—	—	
8	„Миллий ашула- лар“дан. Пушти гул. 6 [-бўлим]	—“—	—	—	—	
9	„Миллий ашула- лар“дан. 7 [-бўлим]	—“—	—	—	—	
10	„Миллий ашула- лар“дан 8 [-бўлим]	—“—	—	—	—	

Жадвал давоми

№№	Китоб исмлари	босил- гонми	неча пар- да	неча бўлим	қандай китоб	Драма
11	„Миллий ашула- лар“дан. Атир гул. 9 [-бўлим]	— „ —	—	—	—	
12	Заҳарли ҳаёт ёҳуд Ишқ қурбонлари	— „ —	4	—	тиётр китоби	драма
13	Очлиқ қурбонла- ри	йўқ	3	—	— „ —	драма
14	„Кўнгул боқча- си“дан 1 [-бўлим]	— „ —	—	3	адабиёт	
15	„Кўнгул боқча- си“дан 2 [-бўлим]	— „ —	—	—	— „ —	
16	„Кўнгил боқча- си“дан 3 [-бўлим]	— „ —	—	—	— „ —	
17	Гўдаклар ада- биёти 1 [-бўлим]	— „ —	—	—	мактаб ада- биёти	
18	Гўдаклар ада- биёти 2 [-бўлим]	— „ —	—	—	— „ —	
19	Мулла Нормат домла куфр хатоси	— „ —	1	—	тиётр китоби	кулги
20	„Кенгаш“ журна- ли. 1-сон	босил- гон	—	—	журнал	
21	„Хуррият“ жур- нали. 5-сонгача	босил- гон	—	—	— „ —	
22	Қора лўк-лўк кулги адабиёти	йўқ	—	1	адабиёт	
23	Рабочий	йўқ	3	—	тиётр китоби	драма
24	Шўрои ислом	йўқ	3	—	тиётр китоби	драма
	1918 йилдан 26-йилгача ёзилган асар- ларим					
25	Бой ила хиз- матчи	йўқ	4	—	тиётр китоби	драма

Жадвал давоми

№№	Китоб исмлари	босил- гонми	неча пар- да	неча бўлим	қандай китоб	Драма
26	Бой ва ишчи	йўқ	1	—	тиётр китоби	драма опера
27	Кўкнори	йўқ	1	—	—	кулги
28	„Фарғона фожиаси“дан 1-бўлим	йўқ	8	—	—	драма
29	„Фарғона фожиаси“дан 2-бўлим	йўқ	4	—	—	—
30	„Фарғона фожиаси“дан 3-бўлим	—	4	—	—	—
31	„Фарғона фожиаси“дан 4-бўлим	—	4	—	—	—
32	„Лошмон фожиаси“дан 1-бўлим	—	4	3	—	—
33	„Лошмон фожиаси“дан 4-бўлим	—	4	—	—	—
34	„Лошмон фожиаси“дан 3-бўлим	—	4	—	—	драма
35	Қизил қон ичида ёш гўдаклар	—	5	—	—	драма
36	Ёш хотин	—	5	—	—	—
37	Эшонликда хиёнат	—	5	—	—	—
38	Қора панжаларда оқ бўғизлар	—	5	—	—	—
39	Тухматчилар жазоси	—	2	—	—	кулги
40	Ким тўғри?	—	1	—	—	—
41	Қармоқ	—	1	—	—	драма опера
42	Хоразм инқилоби	—	4	—	—	драма
43	Феруз	—	—	—	роман	—
44	Тўрт ишқ	—	—	—	роман	—
45	Карнай гул	—	—	—	адабиёт	—
	„Миллий ашулалар“дан 10-бўлим					

Жадвал давоми

№№	Китоб исмлари	босил- гонми	неча пар- да	неча бўлим	қандай китоб	Драма
46	Қора гул. „Мил- лий ашула- лар“дан 11-бў- лим	— „ —	—	—	— „ —	—
47	Гули қатма-қат. „Миллий ашу- лалар“дан 12-бў- лим	— „ —	—	—	адабиёт	—
48	Қорасоч	— „ —	4	2	тиётр китоби	драма опера
49	Бурунғи қозилар	— „ —	2	—	— „ —	кулги опера
50	Женотдел	— „ —	2	—	— „ —	кулги опера

Мана шу юқорида кўрсатилган асарлардан бошқа озарбайжон тилидан таржима қилинган 20 га яқин асарим бордир.

Мазкурларнинг бу кунга қадарли олди 15—20 ўй-налгон бўлса ҳам қалам ҳаққиси бўлғони йўқ (20% ча-си ҳам менга тегмай, аксар ҳар кимлар олиб ёки мен-дин рухсатсиз ўйналиб келмоқдадир) ҳамда (50)га яқин янги оҳанглар ихтироим бўлиб, ҳар ерда ҳақсиз айтиб келмоқдалар. Опера ва опереттадаги янги ҳа-волар ҳам ўзимнинг ихтироимдир.

ТЕАТР АФИШАЛАРИ

Скобил сайёр труппаси тарафиндан

Биродарлар! Улуғ ибрат учун! Ошиқингиз!

1919 йил

2 апрель

Чаҳоршанба кунн Эски шаҳарда «Турон» сахнасида Скобилдан келган маданий-маориф жамиятининг сайёр труппаси тарафиндан тиётру қўйилур.

Мавқеъ томошаға қўюладургон асар «БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ» номинда гоят фожиали, даҳшатли, тўрт пардадан иборат бир асар ўлуб, золим ва мустабид эски ҳукуматнинг ва унинг тарафдорлари бўлган хоин амалдорларнинг меҳнаткашларга қилган раҳмсизликлариндин иборатдур.

Бу рисола Туркистоннинг ўз маишатиндин олунгон, ўз тилида ёзулгон, аҳлимиз тушунарлик бир асар ўлуб, ёзувчиси *Ҳамза ҲАКИМЗОДА*.

Танаффус вақтларинда танбур, дутор ва гиччаклар чолинуб турур ҳамда томоша бошланур. Олдиндан ва томошадан сўнг Скобилдан келган мазкур жамъият ёшларининг тарафиндан духовой музика ўйналиб турадур.

Ўйин бошланур кеч соат 5 дин.

Билет сешанба кундин бошлаб «Турон» идорасинда ва ҳам Хадрада «Туркистон» кутубхонасинда сотиладур.

Ушбу тиётрудин қолгон соф фойдадин 20 фоизи очлиқдин зору ҳайрон қолгон етим-есирларга ҳадя қилинур.

Мудири масъул — *Ғофиржон МУСАХОНОВ*.

Режиссёр ҳам сўфлюр — *Ҳамза ҲАКИМЗОДА*.

И л о в а: Афандилар! Бу тиётрудин сўнг тездан яна шул сайёр труппаси тарафиндин адабиёт кечаси бўлуб, мазкур кечада ҳар хил миллий ашулалар айтилуру ва бир неча машқға духовой музика солинур ва кулги ўйунлар ўйналуру.

Карл Маркс уюшмаси тарафидан

Шаҳар боғининг
тиётрусида
24-чоршанба

22 июлда
«Маркс» киноўтуғ-
рафининг қаршисунда
сешанба

Янги шаҳар томоша боғидаги тиётру биносида
22 июлда халқ учун, 23 июлда мусулмон аскарлари
учун тиётру бўлур.

Саҳнаға қўюр:

I

БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ

Истибод замонидаги фақир халқларнинг кўрган
меҳнат машаққатларини ва золим бойларнинг ерли
халқға қилгон инсониятсиз ва қонхўрликларини тас-
вир этган, ўз маишатимиздан олингон 4 пардада даҳ-
шатли фожиадур.

Езувчи — ёш муҳаррирларимиздан:

Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИЙ.

Бу ўюнға 30 киши иштирок этур. Ўюн бошланур
соат 4 да.

Мудир масъул: *МАРДОНБЕК.*

Режиссёр: *Бадриддин АЪЛАМОФ.*

В городском театре 22 июля для народа и 23 июля
для мусульман Красной Армии труппа «Карл Маркс»
будет представлять спектакль

БУРЖУИ И ПРИСЛУГ

Драма из мусульманской жизни, в 4-х частях. Соч.
Х. НИЕЗОВА.

Распорядитель: Мардонбек. Режис. Б. Аглямев. На-
чало в 4 часа дня.

۱ مای

۱۹۱۹ میل

مجلس سینه کوی

مجلس سینه کوی



نوربان سنسید

نوربان سنسید

مجموع اشجیلہ ریابرای مناسبتیہ نوربان موسکار
لاری طرفیلان بولادورنغان فیانوونیکہ اسامہ سی

I

آچلق قرپاتلاری

نورکستان مہینگیلدانور ۳ بادرولی فاجہ دور
باروی: ح حکمرانہ

توبانور	کینل بیلدی کشا	کینل الرحمن
موسکار	ارک قارن	سینہ
تینی خام	تزی	صافہ
سماوی	کانتار علی	ناظم
.	گچک دریل	محمدالله
۲ قاری	ماہان سوزان سفا پاشا کورس	نماقویای
ظفری	حاکمشرفخان	امام
.	.	ظفر
.	تزی	محمدآقل
سماوی	زیر کوشن مانیہ عظمی کیت	قهادینک

II

جر (آستولا)

محمدالدین قاری عیالیہ سیکل طرفیلان سوپولانور
 ۱ اشجیلہ ۱۱ استیلاد ۱۱ کعبہ حقیقہ
 اولون باشلانور ۵ ۵۵
 مذہب: نمازی یوسی
 ریژیسیوی: بلالالدین لکلف صوفیورد ۲۲ شہر

«Очлик қурбонлари» спектаклининг афишаси.

А х т о р. Августнинг 7—8 ларинда «Колизей» биносинда «Фарғона фожиаси»ни 4-бўлумининг мавқеъ томошоға қўюрмиз. Бу қўюладурғон бўлуми 4 пардадан иборат бўлуб, «Мақоми шаҳло» номиға эгадур: I пардада Туркистондағи Николай вақтидан қолмиш миссионерларнинг таъсири. II пардада Фарғона зиёли ва олий табақаларининг ваҳший ўғрилари қўлида кўрғон азоблари. III пардада маълум Фарруҳ афандининг асоратда ўлғон ҳолда тушида ватан, замон ва ҳурлар ила сўйлашуви. IV пардада ўғриларнинг бошлиғи Шайтон иғвоси ила зиёли асирлардан 14 кишини ваҳшиёна суратда ўлдируви.

Қўйилув олдида апиша ва ғазита ила эълон этилур.

Эҳтиром ила:

«Карл Маркс» уюшмаси.

1919 йил
Сешанба ҳам
чаҳоршанба куни
шаҳар боғининг
тиётру биносинда

22—23 июлда
Сешанба ҳам
чаҳоршанба куни
шаҳар боғининг
тиётру биносинда

«Карл Маркс» уюшмаси тарафиндин 22 июлда халқ учун, 23 июлда мусулмон аскарлари учун бўладурғон тиётрунинг

м а р о м н о м а с и

†

БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ

Истибдод замонидағи бойларнинг хизматчиларига қилғон жабру жафоларини тасвир қиладурғон 4 пардали ғоят даҳшатли фожиадур.

Ў й н о в ч и л а р :

Солиҳбой — Раҳимсиз бой ҳади-
гининг сўюги *Қойғули*
Гофир — унинг хизматчиси *Уйғур*
Қози — *А. Мўминий*
Имом — *Ғ. Зафарий*
Элликбоши — *Қ. Махзумоф*
Нисо биби — бойнинг оқ сочи *Ҳаваскор*
Хадича — Гофирнинг хотуни *М. Кузнетсова*
Ҳоким — Николай вақтиндағи по-
рахўр шаҳар бошлиғи *Самадий*
Ҳоким мирзоси — *М. Шермухамедов*
Городовой — *Орифжон*

Али — хизматчи бола *Каримжон*
Султоноф — инқилобчи ила Сибир-
га кетгон йигит *Самадий*
Турма нозири — *А. Мўминий*
Биринчи банди — *Қ. Махзумоф*
Иккинчи банди — *А. Умарий*

Бошқа банди ва инқилобчилар.

Ўюн бошланур кеч 4 да.

Мудири масъул: *МАРДОНБЕК.*

Режиссёр: *Бадриддин АЪЛАМУФ.*

1919 йил
20 овғустда
панжшанба кун

1919 йил
21 овғустда
жумъа кун

Хўқанд Шўросининг «Полторотский» номига очилгон тиётир биносинда қўюлодир. «Бой ила хизматчи» ном бир китоб, эски ҳукумат ва чиновникларнинг бечора халқларга қилгон зулм ва асорат, жабр ва ситамларини тасвир қилунмиш ғоят фожиали бир асар 4 пардадан иборат бўлуб, ёзувчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Яна бир пардада хор ва инқилоб жирлари жирланур. Бу кунги тиётру ҳақсиз бўлуб, фақат ҳукумат арбоби ҳамда аскарый ва рабочийларга махусдур.

21 овғустда қўюладур. Жумъа кунига.

«ФАРФОНА ФОҶИАСИН»дин I бўлум ёхуд «МАЗЛУМ ҚУРБОНЛАР» ном бир китоб бўлуб, ўз ватанимиздаги ўғрилларнинг ўз мўъмин биродарлариға ваҳшатлари ва ноҳақ қон тўкушларини ниҳоятда фожиға бир ҳол била тасвир қилунмиш бир асар бўлуб, ҳар кимга ибратликдир.

Ёзувчи — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Бугун халқ учун оқчалик билет ниҳоят арзон бўлуб, ҳар кимга барбардир.

Уюн бошланур соат 7 дан. Танафус вақтларинда миллий мусиқа ўйналуб турар.

Кечаси соат 12 га ҳадли юрмоқликга ижозат олинди.

Мудир масъул: Гормус бюро ранси

Мирза Раҳмон МУСАХОНУФ.

Режиссёр ҳам сўфлор: Ҳамза ҲАКИМЗОДА.

Театр имени Полторацкого советское собрание
21 августа в четверг
дан будет мусульманский бесплатный спектакль для
рабочих мусульман. Представлено будет
РАБОЧИЙ И БУРЖУЙ

Траг. в 4-х дейс. Соч. Хакимзаде.
22-го августа в пятницу дан будет платный спек-
такль. Представлено будет сочинение Хакимзаде
«УГНЕТЕННАЯ ЖЕРТВА»

Траг. в 3-х действиях. Цены местам по 5 руб. Нача-
ло в 7 час. вечера.

Осадное положение продлено до 12 час. ночи.

Распорядитель: *М. МУСАХАНОВ.*

Режиссер: *Х. ХАКИМЗАДЕ.*

ҲАҚИҚАТ МАЙДОНИНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ!

Энди дунёда чин турмуш ва хўжалиқ сизингдур!
 Яшасун меҳнаткашлар ва деҳқонлар!
 Битсун киши кучи ила яшовчилар!!!

. . . шаҳрида
 1919 йил
 . . . куни

. . . биносинда
 25 октябрда
 Уюн бошланур... соатда

Улка мусулмон сиёсий труппаси тарафиндан мавқеъ-
 томошаға қўйилур:

I

БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ

Бу асар тўрт пардалик фожиа бўлуб, эски Нико-
 лай вақтинда хоин мустабид чиновниклари қўл кучи
 ила меҳнат қилувчи фақирларни оёғ остинда топтоб,
 капиталистларға қилгон ёрдам ва ионаларини тасвир
 қилгон бир асардир.

1- пардасида бир золим бой кичиклигидан ўз ўғли
 қаторида хизмат ила катта бўлгон ҳалол бир хизмат-
 корға ўзи хотун олуб беруб, ўзи ёхши кўруб қолуб,
 хизматкоридан ажратуб, ўзи олмоқ ҳаракатиға туш-
 ганини ва унга хоин қози, мулла ва элликбошилари
 бойнинг пулига сотулуб йўл топуб берганини; 2-парда-
 да шаҳар ҳокими бойнинг оқчасига сотилуб, бечора
 хизматкорни оз баҳона ва туҳмат биле каторожни ра-
 ботға ҳукм қилгонини; 3-пардасинда хизматкорни хо-
 тунини бой кучлаб олуб ва унга қилгон муомаласини
 бечора ҳалол хотун ўз куёвини ишқида ўзини дору еб
 ҳалоқ қилгонини; 4-пардасинда хизматкори бир социа-

лист ила ошно бўлуб, ишчилик ҳақини тонуб, сотсна-лист бўлғони, котир золимлари тарафиндан темир қамчилари била айни азоб еб турган чоғда бирдан ҳуррият бўлуб, буларни банддан озод бўлуб кетувини тасвир қилингандур.

Ёзувчи: *Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИИ.*

II

ТУҲМАТЧИЛАР ЖАЗОСИ

Бу асар икки пардалик кулги бўлуб, биринчи пардасида бир зиёлик ҳокимнинг ҳақида бир шариллатон била бир масжид имомининг муҳаббатлари тушуб, ҳеч илож тополмаганларидан хоним куёвиға бирлашув туҳмат қилғонлари; 2-пардасинда ҳар икки туҳматчининг ифғатлик хоним тарафиндан тадбир ила қўлга олинуб шарманда бўлурларини кулгу йўлинда тасвир қилингон бир асардур.

Ёзувчиси: *Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИИ.*

III

ХҲР

I. «Уйқу битмас ўхшар биздан». II. «Юринг, ўртоқлар! Ёқга ҳар дам биз қувват олармиз».

Кеча мудир: *Ғ. МУСАХОНОҒ.*

Режиссёр: *Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИИ.*

Сўфлюр: *Ғозил ҒАҒУРИИ.*

ҲАҚИҚАТ МАЙДОНИНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ!

Энди дунёда чин турмуш ва хўжалиқ сизингдур!!
 Яшосун меҳнаткашлар ва деҳқонлар!
 Битсун киши кучи била ёшовчилар!!!

Шаҳарнинг . . . биносинда
 1919 йил . . . да
 . . . кунни Уюн бошланур соат ...да

Улка мусулмон сиёсий труппаси тарафиндан мав-
 қеъ тамошога қўюлур:

I

КИМ ТУҒРИ?

Ёзувчиси: *Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИЙ.*

Бу асар бир пардалик кулги бўлуб, эр ила хотунни
 ҳар иккисини ҳам ўйнашлари бўлуб, шарманда бўлур-
 ларини тасвир қилинган бир асардур.

II

ГУНОҲСИЗ ҚУРБОНЛАР

Ёзувчиси: *Аҳмад Доно ҚУЙИЙ.*

Бу асар бир пардалик бўлуб, мусулмон сотсиёлист-
 ларнинг мажлислари вақтинда Охирон Донуси била
 жондормалар тарафиндан бостирилуб, отлувларини
 тасвир қилингандур.

III

ҚАРМОҚ

Ёзувчиси: *Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИЙ.*

Бу асар бир пардалик кулги бўлуб, Шўро ила қўн-турнинг гўфтугуларини тасвир қилунган бир асардур.

IV

ИШЧИЛАР ҲАЕТИДАН

Ёзувчиси: *Ҳамза ҲАҚИМЗОДА.*

Бу асар бир пардалик фожиа бўлуб, бир золим бойнинг мўйсафид йигирма йиллиқ бир хизматкорига сўнг вақтинда қилган жабр ва зулмини тасвир қилунган бир асардур.

Хўр: I. «Биз ишчимиз». II. «Ҳой, ҳой, отамиз». III. Дикломотсия.

Кеча мудир: *Ғ. МУСАХОНОҒ.*

Режиссўр: *Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИЙ.*

Сўфлюр: *Ғозил ҒАҒУРИЙ.*

ҲАҚИҚАТ МАЙДОНИНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ!

Энди дунёда чин турмуш ва хўжалиқ сизингдур!
 Яшасун меҳнаткашлар деҳқонлар!
 Битсун киши кучи ила ёшовчилар!!!

. . . шаҳринда
 1919 йилда
 . . . куни

. . . биносинда
 . . . да
 Уюн бошланур соат ...да

«Улка мусулмон сиёсий труппаси» тарафиндан мав-
 қеъ томошаға қўюлур:

I

«ЛОШМОН ФОЖИАСИ»НДАН БИРИНЧИ БУЛУМ

Бу асар 4 пардалик фожиа бўлуб, 1916 йилда **золим** ва мустабид **Николай тарафиндан** Туркистон мусулмонлариндан **рабочий олув муносабати** ила бечора меҳнаткашлар бошина солғон қонлик ситам ва жабрларини тасвир қилунган бир асардир. Бу асарнинг 1-пардасинда **Хўқанд ҳоким ва фристўфларининг тилгиром** (бу тилгиром **лошмон хусусинда** Питрограддан келғон) хусусинда қилғон ёширун **маслаҳатларини**; 2-пардада ҳам шундоғ қози ва мингбоши ва истаршийларни қўлга олуб, бечора меҳнаткашларни пулга сотуб, ўз шахсиятларини кузатув йўлинда қурган **филон** ва аҳдномаларини; 3-пардада бечора халқни гуноҳсиз мақсадлари йўлунда уруб, **бошларин ёруб**, мулк ва сарватларин талаб, турмаларга амр қилғонларини; 4-пардада мусулмон сотсиалистларининг бу жабру ситам ҳақинда остуни мажлис қилуб, Питрограддаги сотсиалистларга мурожаат қилув хусусинда **маслаҳат қилуб** тургонларида бир мусулмон **ожизон тарафидан**

мажлис хоналарини тинтув бўлуб, бир сотсиалистнинг қўлга олинувини кўрсатиладур. Бу асар (бу ҳақда воқеа кўб бўлгон учун) тўрт-беш бўлумни мувофиқ бўлгон учун ҳозирда шу 1-бўлумни аввал қўюв лозим топилди.

Ёзувчи: *Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИЙ.*

II МАҲБУС ТУРАНИНГ ҲОЛИ

Бу асар бир пардалик комедия (кулгу) бўлуб, инқилоб вақтинда большевиклардан қочуб, бир қишлоқ мингбошисининг чорикори уйида яна Николай замонасин қутуб-қутуб охири мажнунлик бир ҳолина келгон золим бир чиновникни маҳбуслик ҳолларда дафъи савдоси учунгина қилгон кайфиятларини тасвир қилунгандур.

Ёзувчи: *Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИЙ.*

III ХУР

- I. «Яша, Турон, яша, Турон».
- II. «Яша, Шўро, яша, урфон».

Кеча мудир: *Ғ. МУСАХОНОҒ.*
Режиссёр: *Ҳамза ҲАҚИМЗОДА.*
Сўфлор: *Ғозил ҒАҒУРИЙ.*

МАРОМНОМА

1920 йил
Жумъа куни
«Шарқ» саҳнасинда

12 март
Жумъа куни
«Шарқ» саҳнасинда

«Турк кучи» уюшмасининг тиётру труппаси тарафинда
мавқеъ томошога қўюлур:

1
«ЛОШМОН ФОЖИАСИ»НДАН 2-БУЛУМ ЕХУД
«ИСТИБДОД ПАНЖАСИНДА ТУҒУЛҒОН СИРЛАР»

4 пардада.

2
1 пардада кулгу «ҚИМ ТУҒРИ?»
Ёзувчи: Ҳамза Ҳакимзода.

1-пардада ўйновчилар:

1. Сайидхон — революсионни . Ҳамза Ҳакимзода-22
2. Сановбар — Сайидхоннинг
маъшуқаси Дурнова — 16
3. Мирзобой — Сайидхоннинг
отаси Т. Муҳаммадий — 75
4. Розия — Сайидхоннинг
онаси А. Жалилий — 66
5. Расулхон — революсионни . А. Махзумий — 21
6. Фозилжон — рево Ф. Исроил — 25
7. Қодиржон — рево С. Мусохоний — 19
8. Аҳмаджон — рево Ҳ. Солиҳ — 35
9. Маҳмуджон — рево Ҳ. Зафарий — 24
10. Бола — хат ташувчи М. Қобилий — 14

2-пардада ўйновчилар:

11. Аёз — истарший *М. Муродий* — 35
 12. Ҳамдам — фолитсия *Ғ. Азизий* — 26
 13. Акбар — қоровул *С. Ўлжа ўғли* — 22

3-пардада ўйновчилар:

14. Қўрбоши — *Р. Умарий* — 55
М. Эшонхўжа ўғли —
 15. Мақсуд — истарший 40
 16. Раҳмонбой — жосус *Ғ. Исроил* — 45
 17. Қосимжон — жосус *Ҳ. Зафарий* — 36
 18. Толибжон — хизматкор *М. Зиҳурий* — 23
 19. Икки мирзо — *И. Тошфулодий,*
Н. Ғ. — 19—20
 20. Мансуржон — қўрбошининг
 ўғли *Ғ. Зоҳирий* — 16
 21. Ҳасанжон — эллиқбоши *Ҳ. Солиҳий* — 52
С. Улибой, Ғ. Тошхо-
 22. Икки рабочий — *ний* — 26—35
 23. Муқим — истарший *Ғ. Исроилий* — 42.
 24. Ҳоким — начальник город. *С. Мусоҳоний* — 45

2 пардада — кулгу

1. Қосимхон — Санмолик *Ҳ. Ҳакимзода* — 28
 2. София — Қосимхоннинг хо-
 туни *Дурнова*
 3. Холмат — хизматкор *С. Мусоҳоний* — 35
 4. Ризвон — хизматчи қиз *С. Исломий* — 16

Кеча мудир — *Тўхта НАЗИР.*

Мудир масъул — *РОЖИЙ.*

Режиссёр (муаққат) — *Ҳамза ҲАКИМЗОДА.*

Сўфлёр — *ЕВҚУР.*

1920 йил
Панжшанба куни
«Шарқ» саҳнасида

25 март
Панжшанба куни
«Шарқ» саҳнасида

«Турк кучи уюшмаси» тарафиндан мавқеъ
томошога қўйилур.

«ЛОШМОН. ФОЖИАСИ» ДАН 3-БЎЛУМ ЁХУД
«ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ»

(Бу асар 5 пардалиқдур)

1-пардасинда 2-бўлумдагидек: Сайидхоннинг совуқдан мажруҳ бўлғони ва мустабид начальник тарафиндан отилувини ва рабочийларни қор ва қарағайлар босиб ўлгани; 2-пардада Сайидхоннинг отаси Мирзабойни кўзи кўр бўлуб ва хор-зорликда ўлгани; 3-пардада рабочийларнинг тортғон азоб ва ҳуррият хабарини эшитганлари; 4-пардада Сайидхоннинг маъшуқаси Сановбарнинг золим кўрбошининг ёлғон хати ила ўзуни осиб ўлдирғони; 5-пардада Сайидхоннинг тиловой работда кўрбошининг ёлғон хати ила турмага тушуб, катрға юбориладурғон ҳолда ҳуррият бўлуб, халқ тарафиндан начальник ва солдатларини отилувини музыка ила Сайидхоннинг қутқарув баробаринда шодликдан Сайидхоннинг қурбон бўлувини ғоят фожиона тасвир қилғондур.

1, 2-бўлумнинг натижаси бу бўлумда ҳал бўлуб, албатта, иккинчи бўлумни кўрган афандилар бу, учунчи бўлумни ҳам кўруб, оқибат ҳолини онгламоқға ошуқсалар керак.

Ёзувчиси: *Ҳамза Ҳакимзода.*

Илова. Бу пардалар ниҳоят оғир бўлгонлиқдан қўмедия (кулгу) қўша олмадуқ. Иншоолло, шул «Шарқ» сахнасинда халқнинг вақтини жалб қилув учун Ҳакимзода тарафиндан ёзилгон 4 пардалик қўмедия қўюлуб берилажакдур.

Танаффус вақтларинда «Турк кучи» уюшмасининг духовой музикаси тарафиндан машқлар ўйналуб, халқнинг руҳина ғазо беруб турадур.

Билетлар сотилур — Синаи бадан эътиборан — «Турк кучи» уюшмаси идорасинда — «Турон» мактабинда.

Шайхонтовурда Ваҳоб Мажидийнинг дўкониди. Тиётру куни — «Шарқ» кассасинда.

Кеча мудир: *ФОЛИБ.*

Мудир масъул: *РОЖИИ.*

Режиссёр: *Ҳамза ҲАКИМЗОДА.*

Сўфлюр: *АБРОР.*

УЧ ҚУНЛИК БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСУН!

17 июнь «Тротски» қулубинда панжшанба кун Хўқанда, улуғ байрамингиз шарафина турк «Санойи нафиса» труппаси тарафиндан мавқеъ тамошага қўюлодур.

1

ТУҲМАТЧИЛАР ЖАЗОСИ

Бу асар икки пардалик кулги бўлуб, биринчи пардасинда бир зиёлик хонумни ҳаққида бир шориллатон билан масжид имомининг муҳаббат ори тутуб ҳеч илож тофолмагонликлориндан хонимни куёвиға бирлошуб туҳмат қилғонларини;

2-пардасинда ҳар икки туҳматчининг ифбатлик хоним тарафиндан тадбир ила қўлга тушуруб, шарманда бўлуларини кулгу йўлинда тасвир қилғон бир асардур.

Ёзувчиси Ҳ. ҲАКИМЗОДА.

2

ХУР

- 1) «Шундоқ қолурму, қолурму?»
- 2) «Яша, Шўро, яша, урфон!»
- 3) «Уён уёнмоқ даврида, Туркистон!»
- 4) Дикломатсия.

18 июнда «Тротски» қулубинда жумъа кун, Хўқанд, улуғ байрамингиз шарафина турк «Санойи нафиса» труппаси тарафиндан мавқеъ тамошага қўйилдур.

1

ИККИ ОЛАМ

Отоғанда инқилобга доир бир пардалик, икки манзаралик бир асар бўлуб, ёзувчиси: *Еприм ВОЛЬНИЙ*.

2

ҚИМ ТУҒРИ?

Отоғанда бир пардалик бир асар бўлуб, ёзувчиси: *Ҳ. ҲАКИМЗОДА*.

3

ХУР

- 1) «Қалқинг, ишчилар, оёқга!»
- 2) «Яшосун бирлик, ишчилар, маориф».
- 3) «Биз ишчибиз, меҳнатчибиз».

19 июнда «Тротски» қулубинда шанба кун, Хўқанд, улуг байрамимиз шарафина Хўқанд турк «Санойи нафиса» труппаси тарафиндан мавқеъ томошага қўйилдур.

1

«ЛОШМАНД ФОЖИАСИН» ДАН 2-БУЛИМ ЕХУД «ИСТИБДОД ПАНЖАСИНДА ТУҒУЛҒОН СИРЛАР»

(4 пардада)

унвонинда бўлуб, бу рисола Фарғонада 16-йилда Николайнинг сўнгги истибдоди бўлғон (лошмон) рабочий муносабати илан ҳоким ва ерлик амалдорларнинг меҳнаткаш фуқароларга ҳадсиз жабр ва ниҳоятсиз зулумларни ҳатто қўрбоши номинда бўлғон бир мустабиднинг икки севиқлик ўртасиндаги ҳаётига қадар солғон оғуларини маошқа ва ғоят фожиа ила тасвир қилмиш бир асардур.

Ёзувчиси: ҲАКИМЗОДА.

Масъул мудир: Ғ. ҚАРИМОҒ.

Режиссёр: ҲАКИМЗОДА.

Саҳна мудир: АЙНАЛИН. Сўфлёр: ҚОРВОН.

Уюн бошланадур кеч соат 7 яримда. Тиётирға
16 ёшдан кам бола қабул қилинмас. Билет тиётр куни
кассада.

1920 йилда

18 июнда

УЛУҒ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БУЛСУН!

Иккинчи куннинг тизими

1

ИҚКИ ОЛАМ

Отоғинда инқилобга доир бир пардалик, икки ман-
заралик бир асар ўлуб, ёзувчиси

У й новчилар:

- | | |
|---------------------------|---------------------------|
| 1. Сармоя — | Акромхон Муҳам-
мадий. |
| 2. Очлиқ — | Тошхўжаеф |
| 3. Фоҳиша — | Оқилий. |
| 4. Жиноят — | Исҳоқ Содиқий. |
| 5. Биродарлик — | А. Раҳимий. |
| 6. Бирлик — | М. Раҳимий. |
| 7. Хуррият — | М. Ризвония. |
| 8. Меҳнат — | А. Тошмуҳамедоф. |

2

«КИМ ТУҒРИ?»

Отоғинда бир пардалик ғоятда кулгулик бир асар
бўлуб, ёзувчиси: Ҳ. ҲАҚИМЗОДА.

У й новчилар:

1. София — Оврупанинг ички за-
ҳари билан тарбияланмиш
бир оила М. Ризвония.

2. Бадирхон — илмсиз зиёлик . *Тошхўжаеф.*
3. Холмуҳаммад — хизматчи қиз *М. Ақромхон Муҳаммадий.*
4. Ризвон — хизматчи қиз . . . *М. Оқилий.*

3

ХУР

1. «Қалпоқ кийган қаҳрамонлар».
2. «Яшасун бирлик, ишчилар, маориф».
3. Дикломатсия *М. Ризвония.*
4. *Раҳимий.*

Оқшом сабоҳларингиз хайрли ўлсун.

1920 йилда
. . . кун
Тиётру биносинда

. . . июнь
. . . кун
Тиётру биносинда

УЛУҒ БАЙРАМЛАРИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСУНИ

Байрам кечаларинда қўюлодургон тиётрунинг хизматчилари: Шул йилнинг 15 апрелиндан очилгон турк «Санойи нафиса» труппаси тарафиндин улуғ байрамингиз қутлуғига бир неча кун мавқеъ томошага қўюлодур.

1

ТУҲМАТЧИЛАР ЖАЗОСИ

Отоғинда ғоятда кулгу (қўмедия) икки пардада бир асар бўлуб, ёзувчиси: **Ҳ. ҲАКИМЗОДА.**

1 ҳам 2-пардада ўйновчилар:

1. 23 ёшинда. **Фотима** — ўқумушли хотун, Қосимжоннинг хотуни *Рузвония.*
2. 18 ёшда. **Акбарали** — хизматчи бола *К. Муҳаммадий.*
3. 28 ёшинда. **Қосимхон** — зиёлик бир йигит *А. Тошхўжаев.*
4. 35 ёшинда. **Имом** — маҳалла имоми *А. Шарифий.*
5. 25 ёшинда. **Султон** — илмсиз зиёлик *А. Раҳмоний.*
6. **Истарший, фолисия** ва ҳам эликбошилар.

2

ХҲР

1. «Яша, Шўро! Яша, ирфон!»
2. «Шундоқ қолурму, қолурму?»
3. «Уён уёнмоқ даврида, Туркистон!»
Дикломотсия.

Оқшом сабоҳлорингиз хайрли ўлсун.

1920

июнь

ПРОГРАММА

Улуф байрамингиз қутлуф бўлсун!
Учинчи кунни тизими

Шул йилнинг 15 апрелидан очилгон Хўқанд турк «Санойи нафиса» труппаси тарафиндин улуф байраминиз қутлуфига 3-куниси мавқеъ томошага қўюлодир.

1

«ЛОШМОН ФОЖИАСИ»НДИН 2-БУЛИМ ВА БҲУД
«ИСТИБДОД ПАНЖАСИНДА ТУҒУЛГОН
СИРЛАР»

4 пардада

1-парда

У й н о в ч и л а р :

1. Саидхон — револутсиўн .
2. Сановбор — Саидхонни машуқаси *М. Ризвония.*
3. Мирзабой — Саидхонни отаси *А. Содиқий.*
4. Розия — Саидхонни оноси . *Б. Ходонова.*
5. Расулжон — револутсиўн . *А. Тошмуҳамедоф.*
6. Фозилжон — рево *К. Умароф.*
7. Қодирхон — рево *Н. Аҳмедоф.*
8. Аҳмедхон — рево *А. Тошхўжаеф.*
9. Маҳмуджон — рево *М. Ҳакимзода.*
10. Бола —

2-парда

11. Аёз — исторший *А. Тошмухамедоф.*
 12. Ҳамдам — фолиса *Олимжон.*
 13. Акбар — қоровул *А. Ҳамидоф.*

3-парда

14. Шоҳ Иноят — қўрбоши *А. Шарифий.*
 15. Мақсуд — исторший *К. Содиқий.*
 16. Раҳмонжон — жосус *Н. Аҳмадоф.*
 17. Қосимжон — жосус *А. Ҳ. Жамолий.*
 18. Толибжон — хизматкор *К. Ҳамидоф.*
 19. Икки мирзо — *Расул Раҳимий,*
 20. Мансуржон — қўрбошини *Миробид Мусо*
 ўғли *А. Копкоеф.*
 21. Ҳасанжон — элликбоши *А. Умаруф.*
 22. Икки рабочий — *М. Ҳакимий, Ҳ. Иб-*
 роҳимий.
 23. Муқим — истарший *Салим ҳожи.*
 24. Ҳоким — начальник город *А. Тошхўжаюф.*

1920 сана
Хўқанд

25 июль
Якшанба куни

Ўртоқ Полторатски биносинда

«Турон», «Санойи нафиса» труппаси Шўролар тиётру томонидан такрор иккинчи мартаба саҳнага қўюладур.

ЗАҲАРЛИ ҲАЕТ
(ёхуд Ишқ қурбонлари)

унвонунда Туркистон маишиятиндан олингон тўрт парда ва фожиа бўлуб, ёзувчиси: **Ҳамза ҲАКИМЗОДА**.
Ўюн бошлонур худди соат $7\frac{1}{2}$ да. Тиётрга келувчиларга соат 12 га қадар юрувга мумкин. Қасса тиётру куни соат 5 дан бошлону очилуб сотиладур.

Тиётру мудир: *Усмон ХАЙДАРОВ*.

1924

Шанба куни
20 сентябрда

Эски шаҳар тиётру биносиди

Ўзбек ҳаваскорлари тарафидан 17-йилда меҳнаткашларнинг абадий шарафига насиб бўлгон буюк инқилобга халқ нодонлигинин фойдалануб қоршу оёқго қолдирув учун миллатчилик отоғиндоғи иблисона ниқоб остинда ишлаган қонли фожеалардан тасвир этилган

**«ФАРҒОНА ФОЖИАСИН» ДИН ИККИНЧИ БЎЛУМ
ЕХУД
«ИФФАТ ҚУРБОНЛАРИ»**

исминди чиройлик тиётру (оперетта) ўйналадур.

Ёзувчиси: *Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИИ.*

Диққат! Соат 9 да сахнани пардаси очилур. Сахнада миллий музика ҳам духовой музика иштирок этарлар.

Келувчи меҳмонлар учун мумкин қадар буфетларда ҳозирлик кўрилув.

Билетлар союзида , ва ҳам туётру куни кеч соат 5 да кассада сотилур. Контрамаркалар қабул этилмас.

Кечанинг масъул мудирин: *ЭРМУҲАММАДОВ.*

Режиссёр: *Ҳ. НИЕЗИИ.*

Сахнанинг мудирин: *МИРОҚИЛОВ.*

Сўфлюр: *ҚОРВОН.*

Тилхатлар

1

1914 санаи милодийким, 18 сентябрда биринчи жузв «Адабиёт рисоласи»ни икки минг адад нашр қилмоқ ҳуқуқини қалам ҳаққисин олуб, «Ғайрат» китобхонасина бердум. Иккинчи таъби ҳуқуқининг ихтиёри ўзимдадур, деб

Ҳамза Ҳакимзода.

2

Ушбу расписка бераман Ҳамза Ниёзий биродар Очилуфға: бир дона катта ғолия, бир дона кичик ғолия, икки дона Хева кийизи, бир дона ўнинчи ламфа (шишаси бирлан), бир дона кўк чойнак, бир дона қизил фиёла, бир дона табуретка олдим биродар Очилуфдан, деб


Ниёзий.

12. II. 1922.

3

1922 м. 5 октябрь Қўнғирот кутубхонасидан бир дона «Ислом маданияти тарихи»ни олдим. Қироатдан сўнг топширурман, деб

Ҳамза Ҳакимзода.



Ҳамзанинг Шоҳимардондаги мақбараси.

Счёт

*В Мусульманскую секцию политотдела Турквойск
от Хамзы Ниязова*

Прошу мне уплатить за перевод с кавказского на узбекский язык комедии в одном действии «Ман ўл-мишам», заключающая в себе 35 страниц — 525 строк — за строку 2 рубля — 1 150 рублей.

1920. 1. 3.

Подпись.

ИЗОҲЛАР

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг адабий мероси фақат адабий-бадний асарлардан иборат бўлиб қолмай, у турли йилларга оид хатлар, аризалар, тилхатлар, афишалар ва бошқа ҳужжатларни ҳам қамраб олади.

Ҳамза гарчанд ўзининг қисқа умри мобайнида республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшаган, ижодий ва ижтимоий фаолиятини давом эттирган бўлса ҳам ўзининг архивига ҳамisha катта эътибор билан қараб келди. У нафақат ўз ижодининг самаралари бўлган асарларни, аynи пайтда ўзининг бошқа шахслар ва ташкилотларга йўллаган хат ҳамда аризаларини, бу ёзишмаларига келган жавобларни, шахсий ҳамда ижтимоий фаолиятига тааллуқли бошқа ҳужжатларни кўз қорачигидек сақлади. Бу ҳол ҳам Ҳамзанинг ўта маданий, замонавий ва келажакни кўра билладиган инсон бўлганини кўрсатади.

Ҳамзанинг юксак маданият ва маърифат кишиси бўлганлиги яна шунда зуҳур берадики, у шеърлари, мақолалари ва хатларини фақат ўзбек тилида ёзиб қолмай, араб, форс-тожик, рус, татар ва озарбайжон тилларидан ҳам унумли фойдаланган. Унинг ушбу томдан ўрин олган форс-тожик ва араб тилидаги мактублари шоирнинг бу тилларни мукамал билганидан шаҳодат беради.

Ушбу томдан жой олган аксар материаллар китобхонлар оmmasига биринчи марта ҳавола этилмоқда. Уйлаймизки, бу материалларнинг эълон қилиниши Ҳамза ҳаёти ва ижодининг айрим қоронғи саҳифаларига аниқлик киритади, унинг ижодини ўрганиш ишини янги ва юксак босқичга олиб чиқишга ёрдам беради.

Ҳамза тўғрисидаги мемуар адабиётда унинг архиви масаласида турли-туман фикрлар мавжуд. Чунончи, Собир Абдулла «Ҳамза ҳақида билганларим» («Шарқ юлдузи», 1959 йил, 3-сон) деб номланган мақоласида шоирнинг «яқин дўсти», «Ҳамза Ҳакимзода ўлдирилганда уни кўмиш учун ҳукумат комиссиясига раис бўлиб борган» Қора Махсум Юсупов тўғрисида сўзлаб, унинг Бокуда, ўз уйида «Ҳамзанинг кичик танбури ва қўлёмаларини сақлаганлигини айтади. Шоир шу мақоланинг охирида Қора Махсум Юсуповнинг «Бокудаги онласи қўлида қолиб кетган бир сандиқ Ҳамза қўлёмаларини унинг онласи билан алоқа боғлаб, қайтариб олиш» лозимлигини таъкидлайди. Шундан кейин Қора Махсум Юсупов ихтиёрида бўлган Ҳамза архивини қайтариб олишга қаратилган уринишлар самара бермади; маълум бўлишича, Юсуповнинг вафотидан кейин унинг уйидаги қоғозлардан уруш йилларида ёқилғи сифатида фойдаланилган экан.

Собир Абдулла берган бу маълумотлар қанчалик қизиқарли-

бўлмасин, Қора Махсум Юсуповнинг Ҳамза қўлёзмаларини бир сандиқ қилиб олиб кетганига ишониш қийин. Зероки, Ҳамзанинг ҳам адабий, ҳам эпистоляр мероси (гарчанд тўла шаклда бўлма-са-да) Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти ва Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондларида сақланиб келмоқда. Қора Махсум Юсупов эса эсдалик сифатида фақат Ҳамзанинг унга йўллаган мактубларини сақлаган ва Собир Абдуллага шу ҳақда маълумот берган бўлиши мумкин. Бу тахминни тасдиқлайдиган далиллардан бири шундан иборатки, агар марҳум шоирни «кўмиш учун ҳукумат комиссиясига раис бўлиб борган» Қора Махсум Юсупов Ҳамза қўлёзмаларини олиб, уларни ўзида сақлаган бўлса, 1939 йилда республикада ташкил этилган ҳукумат юбилей комиссияси бундан хабардор бўлган ва шоир архивини давлат ихтиёрига ўтказиш чораларини, албатта, кўрган бўлар эди. Эҳтимол, шундай бўлгандир ҳам. Иккинчи далил шундаки, Ҳамзанинг Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида сақланаётган эпистоляр мероси орасида «энг яқин дўсти» Қора Махсум Юсупов номига йўлланган мактублар учрамайди.

Ушбу том қисқа мuddатда нашрга тайёрланганлиги ва ноширлар ихтиёрида етарли муҳлат бўлмаганлиги сабабли Ҳамзанинг ўзбек ва араб тилларидаги бир қатор хатлари мазкур нашрга жалб этилмай қолди. Шу кунларда Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти томонидан чоп этилиши мўлжалланган Ҳамза асарлари ва ҳужжатларининг кўп томлик каталоги бу нуқсонни маълум даражада тўлдирди, деб умид қиламиз. Яна шуни айтиш керакки, мазкур фондда сақланаётган Ҳамза ҳаёти ва ижодига оид ҳужжатларнинг кичик бир қисми махфий фонд сифатида алоҳида ажратилган бўлиб, уни нашр этиш ва оммалаштириш ҳозирча мақсадга мувофиқ деб топилмади.

Ушбу томдан ўрин олган хатларнинг аксар қисми Ҳамзанинг қоралама қўлёзмалари асосида нашрга тайёрланганлиги туфайли уларда маълум услубий ғализликлар бўлиши, айрим сўз ва иборалар эса шошилиб ёзилганлиги сабабли нотўғри ўқилган бўлиши мумкин. Томни нашрга тайёрлаган ўртоқлар ана шундай ҳоллар учун ҳурматли китобхонлардан узр сўрайдилар. Бундан ташқари, бошқа томларда бўлган каби, бу томни тайёрлашда ҳам қатор қийинчиликларга дуч келинганини яна бир бор айтиш лозим бўлади. Гап шундаки, узоқ йиллар ўтиши оқибатида Ҳамза қўлёзмаларида йиртилган ёки ўқилиши қийин бўлган ўринлар оз эмас. Бундай ҳоллар матн нашрида кўп нуқталар билан қайд этиб берилди.

Илмий нашр матида тилга олинган кишилар, айниқса ёзувчи мактубларининг адресатлари исмини тегишли изоҳ ва шарҳлар билан таъминлашни талаб этади. Аммо Ҳамза яшаган даврга, ҳусусан Ҳамзани қуршаган муҳитга оид тарихий ва илмий асарларининг йўқлиги бу масалада катта қийинчилик туғдиради. Афсуски, Ҳамзанинг мактублари йўлланган айрим кишилар ва бу

мактубларда тилга олинган баъзи бир шахслар тўғрисида ҳам аниқ-тайин маълумотлар учрамайди. Уйлаймизки, келажакда эълон қилинажак ва топилажак манбалар Ҳамзани қуршаган муҳт тўғрисидаги бугунги билимимизни кенгайтиради ва унга аниқлик киритади.

Бинобарин, ушбу томни нашрга тайёрловчи ўртоқлар Ҳамзанинг хат, ариза ва мурожаатномаларида тилга олинган шахслар ҳақида маълумотлар бўлмаган тақдирда бундай кишилар исмини мазкур нашрнинг «Изоҳлар» бўлимига жалб этмайдилар.

Шунингдек, бошқа томларда бўлгани сингари, Ҳамза қаламига мансуб ҳар бир ҳужжатнинг Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўл-ёзмалар институтидаги сақланиш рақами, формати, қандай сиеҳ ва ёзув билан битилгани ҳақидаги анъанага айланган маълумотлар ҳам ушбу том учун ортиқча деб топилди.

Ҳамза меросини ўрганиш ва нашр этиш ишлари бундан эллик йил илгари бошланган бўлишига қарамай, уни замонавий илмий талаблар асосида нашр этишга эндигина жиддий равишда киришилди. Ҳали Ҳамза яшаган давр адабиёти ва бу адабиёт намоёндалари ижоди етарли даражада ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда Ҳамзанинг айрим асарлари топилмай келаётганидек, бошқа ёзувчилар қаламига мансуб бўлган баъзи бадеалар ҳам ушбу нашрда инқилоб куйчисининг асари сифатида босилган бўлиши мумкин. Бундай ҳоллар юз берган тақдирда ҳурматли китобхонлар уларни қасддан қилинган ишлар деб эмас, узоқ йиллар ҳукм сурган адолатсизликнинг мантиқий оқибати, деб қабул қилишларини истар эдик.

Ушбу томдан жой олган форс-тожик тилидаги хатлар Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўл-ёзмалар институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Ҳалима Мухторова, араб тилидаги хатлар эса шу институтнинг илмий ходимлари Сурайё Ҳайдарова ва Мухлиса Зиёвидиновалар томонидан нашрга тайёрланди ва ўзбек тилига таржима қилинди. Ушбу томни нашрга тайёрловчилар ўз меҳнатлари билан беғараз ёрдам берган бу ўртоқларга самимий ташаккур изҳор этадилар.

Ушбу томни тайёрлашда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими, филология фанлари кандидати Дилбар Рўзиева тўплаган материаллардан ҳам фойдаланилди. Ноширлар бу ўртоққа ҳам ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

ХАТЛАР, АРИЗАЛАР ВА МУРОЖААТНОМАЛАР

ХАТЛАР

1906

[АСОМИДДИН ҲОЖИ УҒЛИГА]

(9-бет)

Ҳамзанинг Қашқарга сафар қилган Асомиддин Ҳожи ўғли деган шахсга йўллаган мактуби.

1899—1906 йилларда мадрасада таҳсил кўрган Ҳамза араб ва форс-тожик тилларини пухта ўзлаштириб, ўзининг шу йилларда ёзган мактубларида бу ҳар иккала тилга хос сўз, иборалар ва услуб бўёқларидан самарали фойдаланган.

7—8 *Шабу рўз* — кеча ва кундуз.

8 *Вожиб ул атоё* — тангрининг июноти.

10-бет

2 *Боқий че гўям* — яна нима дейин.

[ИСРОИЛ ҚОРИГА]

(10-бет)

Ҳамзанинг акасига йўллаган мактуби. Хатнинг орқа бетида «Қашқардан юборилган хат. Хўқандга. 1324-ҳижрий», деган сўзлар ёзилган.

Исроил қори тахминан 1876 йилда туғилиб, 1926 йилда вафот этган. Совет ҳокимияти йилларида дорихоналарда хизмат қилган.

2 *Қалилуд хидмат ва касирул эътиқоди* — камхизмат, лекин буюк эътиқодли.

1909

[МУЛЛА МИРЖАЛОЛ АФАНДИГА]

(11-бет)

Ҳамзанинг Намангандан мулла Миржалол афандига ёзган мактуби. Мактубнинг конверти ҳам сақланган бўлиб, ундаги почта муҳрларига кўра, хат Намангандан 1909 йил 16 апрелда жўнатилган ва 18 апрель кuni Қўқонга етиб борган. Конвертнинг юқори қисмига: «Ушбу хат Хўқанда чит растасинда турғувчи мулла Жалол охун Абдурахмонбой ўғлиларига тегсун» деган сўзлар араб графикасида ёзилган. Сўнгра рус графикасида «В г. Кокандь, мечеть Таракчи, Мулла Исраиль Хакимбаеву», деб қайд этилган.

1 *Таҳийёти бепоён* — чексиз салом.

[МУЛЛА МИРЖАЛОЛ ВА БОШҚА БИРОДАРЛАРГА]

(11-бет)

Ҳамзанинг мулла Миржалол афанди, Абдуллажон, мулла Мелибой, мулла Юсуфжон ва бошқа қўқонлик ёр-дўстларига мактуби.

Мактубнинг ёзилиш тарихи ҳақида қуйидаги сўзлар аниқроқ маълумот беради: «1327 йил 5-рабиул сонийни панжшанба куни ёзилди, жумъадин хат қолмасун». Ушбу сана 1909 йилнинг 13 февралига тўғри келади.

[ИСРОИЛ ҚОРИГА]

(12-бет)

Ҳамзанинг Намангандан акаси Исроил қорига йўллаган мактуби.

Шу даврга оид бошқа мактубларида бўлганидек, Ҳамза бу хатида ҳам ўзининг араб тилидан олган сабоқларини намойиш этиш истагида арабча сўз ва иборалардан кенг фойдаланган.

1914

[МИРЗОҲИД АФАНДИГА]

(14-бет)

«Дор ул-айтом» мактабини очишга тайёргарлик кўрилаётган кезларда ёзилган ушбу хат 1914 йилнинг 1 сентябрга оиддир.

Ушбу томнинг 228-бетида эълон қилинаётган ҳужжатга кўра, бу мактабда ўқиган катта ёшдаги кишиларнинг сабоқлари 1914 йилнинг 2 ноябрида бошланган ва уч ой давом этган. Бошқа ҳужжатларга кўра, мазкур мактаб Қўқоннинг Муҳаммадшариф маҳалласида истиқомат қилган Миразиз эликбошининг боғида 8 декабрда очилган. Аммо «Садои Фарғона» газетасининг 1914 йил 9 октябрь сонисида берилган маълумотга кўра, «Мактаби дор ул-айтом» шу йилнинг 4 октябридан эътиборан ўқув бошлаган. Лекин моддий ёрдам кўрсатувчиларнинг етарли миқдорда бўлмаганлиги ва уезд бошлиғи К. В. Мединский томонидан ўтказилган тинтувдан сўнг мактаб ёпилган.

1915

[МУЛЛА АҲМАДАЛИ ҚОРИГА]

(15-бет)

Ҳамзанинг марғилонлик маърифатпарвар. «Мактаби Аҳмадия»нинг мудирига йўллаган мактуби. Мактуб А. Х. Зайнуллин номи орқали мулла Аҳмадали қорига юборилган бўлиб, почта

карточкасига ёзилган. Почта муҳрига кўра, 1915 йил 12 ноябрда ёзилган ва Марғилонга 13 ноябрь куни етиб борган.

Мактубда рус тилидаги «Старый Маргелань, Посудный базар, г-ну А. Х. Зайнуллину» деган сўзлардан кейин яна араб графикасида «Афандим! Бугундан қолдурмай, тездан Аҳмадали қорига топшурсангиз, зероки, соат 4 даги «скорий»га етсун! Ассалому алайкум! Муаллим Ҳ. Ҳ. Н.» деган жумла ёзилган.

[Ф. К.га]

(15-бет)

Ҳамзанинг «Улфат» газетасининг муҳаррири Фотиҳ Қаримга ёзган мактуби. Мактуб охирида:

Эдар миллат тараққий эли соф ўлса жаҳолатдин,
Сизилса иттифоқ осори бир-бирига садоқатдин,

деб бошланувчи шеър келтирилган.

1 *Садрул миллат* — миллат қалби.

4 *Аъмо* — ожиз.

7 *Руқъа* — хат.

8 *Шамима* — хуш, яхши.

11 *Мофил мақсад* — мақсад шундай.

12 *Искобил (Скобелев)* — Фарғона.

16-бет

9 *Сипоҳишлар* (тўғрироғи: сиёҳпўшлар) — қора либос кийувчилар.

29 *Ходим ал-худо* — хизматкорларнинг хизматкори.

1916

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(17-бет)

Ҳамзанинг «Ғайрат» китобхонаси раҳбарларидан бирига йўллаган хати.

Хатда зикр этилган «Адабиёт рисоласи»нинг (биринчи нашри) ўз вақтида чоп этилгани ё этилмагани тўғрисида маълумот учрамайди. Бу асарнинг қўлёзмаси ҳам, босма нусхаси ҳам ҳозирча топилмаган.

Ушбу хатнинг бошқа бир нусхаси 1914 йил санаси билан ёзилган.

3 «Ғайрат» китобхонаси — 1915 йилда Қўқонда ташкил этилган китоб дўкони бўлиб, ўзбек ёзувчиларининг асарларини нашр этиш ва тарқатиш ишлари билан шуғулланган.

1917

[САИДНОСИР АФАНДИГА]

(18-бет)

Ҳамзанинг туркистонлик маърифатпарвар Саидносир Миржалиловга ёзган мактуби.

Ҳамза 1917 йилда Қўқондаги рақибларининг тазъинқидан қочиб, С. Миржалиловнинг Туркистондаги уйида яшириниб туришга мажбур бўлган ва шу даврда қизлари — Зарифа, Шарифа ва Зулфияга муаллимлик қилган.

Қўқонда катта эътиборга сазовор бўлган С. Миржалилов Ҳамзага илтифот кўрсатган ва унинг айрим асарларига ноширлик қилган.

Ҳамзанинг Туркистондаги ҳаёти ва фаолияти Гаффор Мўминовнинг тадқиқотлари (қ.: «Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари», Тошкент, 1988) ва Зарифа Саидносированинг хотираларида (қ.: «Ҳамза замондошлари хотирасида», Тошкент, 1979) атрофлича ёритилган.

Хатнинг ёзилган санаси нашрга тайёрловчилар томонидан қўйилди.

5 *Мустадом ўлсун* — давомли бўлсин.

6 *Пурма* (форма) — шакл.

29 *Тавли арз* — арз-ҳол.

32 *Музаллад* — туғилган.

36 *Тамаййуз* — ўзгариш.

19-бет

1 *Масоид* — монанд.

9 *Таварруд* — мос келиш.

24 *Қонтура* (контора) — идора.

[САИДНОСИР АФАНДИГА]

(20-бет)

Ҳамзанинг Саидносир Миржалиловга ёзган хати гарчанд 1917 йил 12 ноябрь санаси билан қайд этилган бўлса-да, унда тилга олинган воқеалар 1918 йилнинг январь ойларига оиддир. Бу ҳол хат санаси кейинроқ қўйилган, деган тахминга асос беради. Бундан ташқари, ушбу хатда аввалги мактубда айтилган гаплар ҳам учрайдики, бу нарса Ҳамзанинг дастлабки хати ўз вақтида С. Миржалиловга юборилмаган ёки ундан ўз вақтида жавоб олинмаган, дейишимизга имкон беради.

22-бет

20 *Инна оллоҳа ла йузибу ажра-л-муҳсинина* — ҳақиқатда олло мўминларнинг ҳақини қолдирмайди.

1919

[ҲОМИДХОН АФАНДИГА]

(23-бет)

Ҳомидхон афандига юборилган мактуб. Мактубда тилга олинган «Кўнгул боқчаси» шеърлар тўплами уч бўлимдан иборат бўлиб, улар ўз вақтида нашр этилмаган ва бизга етиб келмаган.

4 *Билогаваққуф* — шошилич, зудлик билан.

5 *Оқтуқ* — ортиқ, катта.

ЭСКИ ТОШҚАНД ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИГА УТУНЧИ

(23-бет)

Ҳамзанинг Тошкентдаги Эски шаҳар ижроия комитетига йўллаган илтимосномаси.

16 *Таҳаррук* — сазъ-ҳаракат.

24-бет

2 *Мардуд, мамну ўлмаз* — рад этилмас.

1920

[УРТОҚ ИСАЕВГА]

(25-бет)

Ҳамзанинг Фарғона вилоят Коммунистик партияси қошидаги ўзбек уюшмасининг администратори Исаевга йўллаган мактуби. Ҳамза архивида шу мактубнинг русча қоралама нусхаси ҳам мавжуд. Аммо бу нусхани ўзбекча хатнинг саводли ва тўла таржимаси деб бўлмайди.

3 *Тарасуф* (Тарасов) — шу уюшманинг бухгалтери.

Сутишни ақча (суточний ақча) — командировкада бўлган шахслар учун тўланадиган сутка пули.

[НОМАЪЛУМ АЕЛГА]

(25-бет)

Ҳамзанинг номаълум аёлга йўллаган мактуби.

Маълумки, Қундузхоним исмли аёлнинг «Хотин-қиз товуши» номли мақоласи «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 45-сонида эълон қилинган ва бу мақоладан мутассир бўлган Ҳамза шу га-

зеганинг ўша йилги 16 март сониди «Йигитлар товуши» мақола-сини чоп этган эди. Ҳамза ўз мақоласининг сўнггида Қундузхоним билан танишиш ва ижодий ҳамкорликда бўлиш истагини билди-ган. Ушбу хат ўша аёлга юборилган бўлиши мумкин.

5 *Муҳаббат шукуфаси* — муҳаббат чечаги.

7 *Дийдаи самоъ* (дийдаю самъ) — кўз ва қулоқ.

26-бет

5 *Анис* — улфат.

7 *Хасол* (хасойил) — хислатлар.

[ҚУҚОН ШАҲАР МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(28-бет)

Ҳамзанинг Қўқондаги етим болалар ётоғи учун буюмлар сў-раб ёзган илтимосномаси.

Мактубга «Коканд. Мусульманское детское общежитие» деган муҳр босилган.

[СИДДИҚ ҲОЖИГА]

(28-бет)

Ҳамзанинг Қўқон шаҳар маориф шўъбасининг ходимларидан бирига ёзган мактуби.

[РАЙКОМ СЕКРЕТАРИГА]

(28-бет)

Ҳамзанинг райком партия бошлиғига юборган мактуби.

Мактуб устига «Марҳамат қилиб ўзингиз келмоғингиз мат-луб», деб ёзилган ва сана кўрсатилган.

[ҚУҚОН ШАҲАР МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(29-бет)

Ҳамзанинг Қўқон шаҳар маориф шўросига йўллаган мактуби.

Мактубга «Дор уш-шафақа»нинг муҳри босилган. Мактуб те-пасига эса қиялатиб, «Завед. Ниязову — обратиться рабоче-крест. инспекцию», деб имзо чекилган ҳамда «24. XII» санаси қайд этил-ган. Хатнинг орқа томонига Қўқон халқ маориф шўъбасининг штампи ва муҳри чекилган. Шунингдек, шу ерга қуйидаги сўзлар ҳам ёзилган: «В мусульм. общежитию. Настоящим просим обра-титься в рабоче-крестьянскую инспекцию для разрешения». Бу сўзлардан сўнг иш юритувчининг имзоси, «25. XII. 20» ва «№ 8425» рақамлари қайд этилган.

[ҚУҚОН ШАҲАР ШҶРОСИГА]

(29-бет)

Қўқон шаҳар шўросига йўлланган ушбу мактубнинг орқа бетига интернат талабалари учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати ёзилган.

1921

[ЎРТОҚ АЛИЕВГА]

(30-бет)

Ҳамзанинг Алиев исмли Қўқон шаҳар шўросининг раҳбарларидан бирига йўллаган мактуби.

19 *Масориф* (масриф) *била турубдир* — чиқим билан турибди.

21 *Инсон иблислари бўлгон Тошкент аҳолиси* — Тошкент муассасаларидан бирига ярим миллион миқдорда қарздор бўлиб қолгани учун Ҳамзада пайдо бўлган афсус ва надомат ифодаси.

[ҒУЛОМЖОНГА]

(31-бет)

Ҳамзанинг Ғуломжонга юборилган мактуби.

Почта карточкасига ёзилган. Карточкада «Старая Бухара. Книжный магазин «Магруфат», Азиму Нанмову» деган сўзлар билан шу вақтда Бухорода бўлган Ҳамзанинг турар жойи қайд этилган.

[АММОНАТИ УМУМИЯ БОШЛИҒИГА]

(31-бет)

Ҳамзанинг Бухорода маориф ва санъат соҳасидаги кадрлар билан шўғулланувчи раҳбарлардан бирига йўллаган мактуби.

[ИСМОИЛЗОДА АҒАНДИГА]

(32-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон Маориф назорати қошидаги санойи нафиса шўъбасининг мудирини Исмоилзода ағандига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа томонига: «Ҳамза ағанди. Комиссиялар Чоржўйга кетгани учун Сизнинг пьесаларингиз кўрилгани» йўқ. Сайр.

дан сўнг кўруб, баҳо таъйин этамиз. «Санойи нафиса». С. Холмухамедов», деган сўзлар ёзилган ва сана (3 июнь) қўйилган.

[УРТОҚ БЕКҚУЛОВГА]

(32-бет)

Ҳамзанинг олтин узуги йўқолиши муносабати билан Бекқулов исмли шахсга юборган мактуби.

[УРТОҚ ХОЛМУҲАМЕДОВГА]

(32-бет)

Ҳамзанинг Самарқанддаги санойи нафиса шўъбасининг масъул ходими С. Холмухамедовга йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа бетида: «Китобларингизни тамом тасдиқ этурдим. Агар мумкин бўлса, ўзингиз келуб, чақа-чойингизни олсангиз, бисёр хўб бўлмоқ узра шод ўлурдик. 12.7.1921. С. Холмуродий», деган жавоб сўзлари ёзилган.

[БУХОРО МАРКАЗИЙ ИШТИРОКИЮН ФИРҚАСИНИНГ ИЖРОИЯ БЮРОСИГА]

(33-бет)

Бухоро ҳарбий ташвиқот ва тарғибот шўъбаси қошида ташкил этилган театр труппаси номидан ёзилган хат. Хатга Ҳамзадан ташқари яна икки санъаткор ҳам имзо чеккан.

25—26 *Мисалкуллия* — бутунлай.

[АБДУРАЗЗОҚ, ВОЛИДА ВА ҲАМШИРА ЖИЯНЛАРГА]

(34-бет)

Ҳамзанинг қариндош-уруғларига мактуби.

Мактубнинг орқа томонда: «1921 [йил], сешанба, 2 ноябрда кеч соат 3 да Хевага жўнадук», деган сўзлар бор.

[МАҲМУДЖОНГА]

(35-бет)

Ҳамзанинг Маҳмуджон исмли қариндошига йўллаган мактуби.

14 *Қолгор ўлмиш* — бахтли бўлмиш.

36-бет

1 *Куфия* (копия) — нусха.

34 *Рутба* — мартаба, даража.

37-бет

1 *Инна оллоҳа ла йузиъу ажра-л муҳсинин* — оллоҳ яхшиларнинг ишини тақдирлайди.

2 *Жалила* — буюк, муҳим.

Иқтифо этаман — кифояланаман.

[УРТОҚ АЛИЕВГА]

(37-бет)

Ҳамзанинг Қўқон шаҳар шўросининг раҳбарларидан бирига йўллаган мактуби. Мактубдан маълум бўлишича, Ҳамза мутасадди бўлган Қўқондаги муассасанинг Тошкент бойларидан қарзи сўнги икки ой ичида икки миллионга кўтарилган.

Мактубнинг орқа бетига шеър қораламалари ва бошқа қайдлар бор.

12 *Сарватдорлар* — бойлар, капиталистлар.

[ҒУЛОМЖОНГА]

(38-бет)

Ҳамзанинг жияни Ғуломжонга йўллаган мактуби. Мактуб охирида «Сергеев фабрикаси» деган муҳр босилган.

Ғуломжон — Ҳамзанинг катта опаси Хожарой (1881—1921) нинг ўғли. 1899 йили Қўқонда туғилган. Милиция органларида ишлаган. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган.

9 *Баҳри нав қилуб* — иложини қилиб.

21 *Феро* — перо.

39-бет

5 *Боқолейни могоза* (бакалейный магазин) — боққоллик моллари магазини.

1922

[МАРҚАЗИЙ КАСАБА ИТТИФОҚИ БЮРОСИГА]

(40-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон Марказий касаба союзи бюросига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа томонига: «Хазиначига. Мумкин қадар таъмин этилуб, оқча берилсун, деб раис муовини Нуриддин Маҳзум ўели. 1922. I. I», деб ёзилган.

Мактубнинг яна бир жойида «Ҳамза Ҳакимзода тарафиндан сўралмиш нарса оқчадан уч юз минг манат олдим. А. Очилий. 1. I. 1922», деб ёзилган.

[УРТОҚ ТОЖИБОЕВГА]

(40-бет)

Ҳамзанинг Тожибоев исмли кишига ёзган мактуби.
Мактубнинг иккинчи саҳифасида қуйидаги сўзлар ёзилган:

1. «Фаргона фожиасин»дан биринчи бўлим — 3 парда.

2. «Фаргона фожиасин»дан иккинчи бўлим — 4 парда.

3. «Тухматчилар жазоси» — 2 парда.

Бухоро Шўролар жумҳуриятини сиёсий идора исҳотига олинган ҳамда 1-армия исҳотига олинган.

Бу маълумотлардан қайд этилган асарларнинг 1922 йилнинг бошларида Тожибоев исмли кишида бўлганлиги маълум бўлади.

[УРТОҚ ОЧИЛОВГА]

(40-бет)

Ҳамзанинг А. Очилов исмли маданий-маориф шўъбасининг раҳбарларидан бирига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа томонига А. Очиловнинг: «Биродар Ҳамза Ниёзий. Ман бу фьесани олганим йўқ. Агарда бу тўғрида гумона бўлинса эса Сиз ўзингиз бирла хусусий бугун соат 2 да ёнингизда сўзлашурман, деб (имзо) Очилов» мазмунидagi жавоб хати бор.

МАРКАЗИЙ МАОРИФ ТАРАФИДАН КЕЛМИШ БИРОДАР РАҲБАРЛАРИМИЗГА БАЕННОМА

(41-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон Маориф халқ назоратидан келган ўртоқларга йўллаган мактуби.

Мактубга бир парча қоғоз ёпиштирилган бўлиб, унда:

«Саломдан сўнг.

Ваъда этдингиз ҳайрат ишига қадам урдингизми? Жавоблари на ўлди? Бормоғон бўлсангиз, бугун қатъий бир жавоб ола-сизми, йўқ? Лутфларингиз ташаккурлар айтуб,

Ҳамза Ниёзий»,

деб ёзилган.

МАРКАЗИЙ ҚАСАБА ШҮРОСИНИНГ ХУЖАЛИК ШҮЪБАСИГА

(41-бет)

Ҳамзанинг хўжалик эҳтиёжлари юзасидан ёзган мактуби.

[МУФТИШ КОМИССИЯСИГА]

(41-бет)

Ҳамзанинг тафтиш комиссиясига юборган мактуби.

[МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНING РАИСИГА]

(42-бет)

Ҳамзанинг Ваис Раҳимовга йўллаган мактуби.

Ҳамза фондида ушбу хатга жавобан ёзилган қўйидаги нома-лар ҳам сақланади:

«Жавобнома

Ҳозирда фул учун Марказ ижроия қўмитасига хат, фул чиқ-гондин сўнгра чорасини кўрурмиз. Ҳозир фул чиқса, дарҳол Сиз биродаримизни ҳеч бир нимарсага муҳтож қилмасдик, айтирмиз, деб

Раис муовини (имзо).

«Ўтун хусусинда зироатга ўтун деб хат йибардук, албатта, қуруқ ўтун олиб йибарурлар тездин, деб

Хўжалик шўъба бошлиғи (имзо).

25. 2. 1922 й.»

[САТТОРҚУЛГА]

(42-бет)

Ҳамзанинг Сатторқул исмли кишига юборган мактуби.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(42-бет)

Ҳамзанинг номаълум шахсга йўллаган мактуби.

2 «Махзан ал-адвия» («Дорилар хазинаси») — Мир Муҳаммад Хусайн ал-Оқимий асари. Ибн Сино китобига ўхшатиб ёзилган ушбу асар бешта китобдан иборат бўлиб, унда ҳар бир касалликни даволаш йўллари қайд этилган.

3 «Тибби Юсуф» («Юсуфнинг табobati») — Ибн Муҳаммад Ибн Юсуф ал-табиб ал-Херавийнинг асари. Юсуфийнинг «Тибби Юсуф» номи билан машҳур бўлган «Жомий ал-фавойид» («Фойдалар мажмуаси») асари Шарқ мамлакатла-рида машҳур бўлган.

ХОРАЗМ МАРКАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА ЎТУНЧ

(43-бет)

Ҳамзанинг Хоразм тарихидан пьеса ёзиш учун керакли китоб ва рисолалар, газета ва журналлардан фойдаланиш учун рухсат сўраб ёзган мактуби.

Мактубнинг орқа бетида китоблар рўйхати келтирилган.

[ЎЗБЕК ТЕАТР ТРУППАСИ ҚОЛЛЕКТИВИГА]

(43-бет)

Ҳамзанинг Хоразмдаги театр труппасига йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа бетида ҳисоб-китоб ишларига оид ёзувлар бор.

[АБДУЛҒОЗИ ВА АБДУСАТТОР АҚАЛАРГА]

(44-бет)

Ҳамзанинг Абдулғози ва Абдусаттор исмли кишиларга йўллаган мактуби.

[ТАВФИҚ АФАНДИГА]

(44-бет)

Ҳамзанинг Хоразм маориф шуъбасининг бошлиғи Тавфиқ афандига юборган мактуби.

5 *Фианина* — пианино.

[МАРҚАЗИЙ ҚУТУБХОНА МУДИРИГА]

(45-бет)

Ҳамзанинг Хоразм тарихидан пьеса учун сўраб олган китобларни кутубхонага қайтараётгани тўғрисида ёзган мактуби. Мактубдан маълум бўлишича, у Туркистон тарихига оид учта катта асарни ҳали мутолаа қилиб тугатмаган.

8 «*Туркистон*» — Ғаттор (Саттор) Бакир исмли номаълум тарихчининг асари.

9 «*Шайбоний*» — номаълум тарихчининг асари.

10 «*Тарихи мунаажжим*» — номаълум олимнинг асари.

ХОРАЗМ ХАЛҚ МАОРИФ ШУРОСИГА УТУНЧ

(45-бет)

Ҳамзанинг Хоразм халқ маориф шўросига йўллаган илтимос-номаси.

[ЗАЙНАБ ВА УНИНГ ОТА-ОНАСИГА]

(45-бет)

Ҳамзанинг хўжайилик хотини Зайнаб ва унинг ота-онасига йўллаган мактуби.

1—2 *Зайнаб* — Хўжайлидаги Ҳамза мудири бўлган интернат-нинг хўжалик ишлари билан шуғулланган Шарифжон Аҳмаджоновнинг қизи.

46-бет

6 *Тиреза* (Тереза) — интернат ходимаси.

[БҲҮҮОНБҮҮИ МИҮҮТОЖИБҮҮИ УҮҮҮЛИГА]

(46-бет)

Ҳамзанинг қўқонлик яқин дўсти Бўронбой Миртожибой уғлига ёзган мактуби.

1 *Бўронбой* (фамилияси Тожибоев) — 1891 йилда Қўқоннинг Тароқчи маҳалласида туғилган ва тунукасозлик билан шуғулланган. Шеъриятга ихлос қўйган Бўронбой Миртожибой уғли Ҳамза билан яқин ижодий алоқада бўлиб, унинг «Девони Ниҳоний» номи билан машҳур бўлган тўпламининг Қўқон Адабиёт музейида сақланаётган нусхасини хатот сифатида кўчирган. Узи ҳам ғазаллар ёзган. 1954 йилда Қўқонда вафот этган.

[МАҮҮКАЗИИ КАСАБА ШҮҮҮОСИГА]

(48-бет)

Ҳамзанинг Хоразм касаба союзи ташкилотига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа томонида Хоразм касаба союзи шўросининг саркотиби Паҳлавон Ниёз уғлининг қуйидаги сўзлари ёзилган:

«Хўжалик шўъбасига

Бир дона кўрфа, ёстук берилсун.

Масъул саркотиб: Паҳлавон Ниёз уғли.

2. 12. 22».

Мактубнинг тагида Ҳамза «Мазкурни олдим. 2. 12. 22», деб имзо чеккан.

АБДУРАҲМОН АФАНДИГА

(48-бет)

Ҳамзанинг Абдурахмон исмли кишига йўллаган мактуби. Мактубнинг орқа томонида: «Шу ёзма Қўнғиротда Абдурахмон афандига тегадур», деган ёзув бор.

[ХУҶАЕР ОҒАГА]

(49-бет)

Хўжайли район Иштирокиюн фирқасининг саркотиби Хўжаниёз Ортиқовга йўлланган хат.

Хатнинг орқа томонида Хўжаёр оғанинг жавоби ёзилган бўлиб, ўчиб кетганлиги сабабли ўқиб бўлмади.

МАҲАЛЛИЙ ИШТИРОКИЮН ФИРҚАСИГА

(49-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли маҳаллий Иштирокиюн фирқасига йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа томонида хатда баён қилинган илтимосларнинг ижроси ҳақида саркотибнинг қуйидаги сўзлари битилган:

«Биродар, Хўжайли ижроня қўмитасига.

Ушбунн илан маълум этиладурким, ушбу юқорида ёзилмиш Ҳамза Ниёз сўрагон эллик миллийўн оқчани ойлиқи келиб текгунча тилхатни қўлидан олуб бермоқингизни илтимос этиладур, деб

Хўжайли район Иштирокиюн масъул саркотиби
Хўжаниёз мулло Ортуқ ўғли.

4 *Ҳифз ус-сиҳат* — соғлиқни сақлаш.

МАҲАЛЛИЙ ИШТИРОКИЮН ФИРҚАСИГА

(50-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли район Иштирокиюн фирқасига йўллаган мактуби.

1923

[ХУҶАЙЛИ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(51-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли район маориф шўъбасига йўллаган мактуби.

ХССЖ МАРКАЗИИ ИЖРОИЯ ҚҶМИТАСИ ВА МАРКАЗИИ
ИШТИРОҚИЮН ФИРҚА БОШЛИҚЛАРИГА

(51-бет)

Ҳамзанинг Хоразм Совет Социалистик Жумҳурияти раҳбарла-
рига йўллаган мактуби.

52-бет

27 *Мафаттош* (муфаттиш) — назоратчи, ревизор, терговчи.

53-бет

21 *Эдиёл* — идеал.

[ХУЖАЙЛИ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(54-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли район маориф шўъбасига юборган мак-
туби.

[ХУЖАЙЛИ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(54-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли маориф шўъбасига юборган илтимосно-
маси. Мактубнинг орқа томонига: «Биродар, ушбу сўрагон юз
миллийўн оқчани эртага мумкин қадар чорасини кўрурмиз», деб
ёзилган ва имзо қўйилган.

[ХУЖАЙЛИ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(54-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли район маориф шўъбасининг таъминот
бўлими бошлиғи Нажмиддин исмли шахсга юборган илтимосно-
маси.

Мактубнинг орқа бетига: «19 мартдаги нарҳда — ботмони —
эт — 20 м. сўм; мой — 500 м. сўм; биринчи 80, 90-чой — ... 5 м.
сўм; пйёз — 16; туз — 8; ўтун — биллим; керосин — 15 мил. — қа-
доғи; собун — биллим. 1923. III. 19», деган сўзлар ёзилган.

[ХУЖАЙЛИ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(55-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли район маориф шўъбасига юборган мак-
туби.

Мактубнинг орқа томонига шўъба мудирининг: «Интернат

мудирига. Ҳозирда саксон минг сўм оқча берилди, шунинг ила фойдалануб турасиз», деган сўзлари ёзилган ва 31 март санаси қўйилган.

[ХУЖАЙЛИ МАОРИФ ШЎЪБАСИГА]

(55-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли район маориф шўъбасига йўллаган мактуби.

[ХУЖАЙЛИ МАОРИФ ШЎЪБАСИГА]

(55-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли маориф шўъбаси маъмуриятига йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа тарафига: «Хўжайли шўъба мудириятина. Келажак йил учун чораси кўрулажакдир, *муовин* (имзо); 1923. 3. 10» деган сўзлар ёзилган.

[МАРКАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(55-бет)

Ҳамзанинг Марказий маориф назоратига йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа томонига қўйидаги сўзлар ёзилган:

«Хўжайли Иштирокиюн мудирига!

Бу ҳақда мазкур ҳаммомга тахминан фалон адар фул сўраб ёзубсиз, бул тўғрисида сиз Хўжайлига боруб, мазкур ҳаммомни жаме маорифларни од-под ёздириб ёки эса бирор кассага боруб, маълумотин назоратга билдируви лозимдур. Ул вақт сизча очуқ жавоб айтилур, деб

М. А. Султон қори.

19 $\frac{10}{4}$ -23»;

[МАРКАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(56-бет)

Ҳамзанинг Марказий маориф назоратига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа бетида қўйидаги ёзувлар бор:

«Ҳазиначига ушбунни айтувига биноан мазкур караватлар учун аванс тариқаси билан мазкур сўралмиш фул верилсин.

(Имзо) *М. А. Султон қори.*

19 $\frac{10}{4}$ -23».

«Мазкурда таъйин этилган олти юз минг сўмни олдим.

(Имзо) *Ҳамза Ниёзий.*

19 $\frac{10}{4}$ 23».

[БҮРОНБОЙ МИРТОЖИБОЙ УҒЛИГА]

(56-бет)

Ҳамзанинг қўқонлик дўсти Бўронбой Миртожибой ўғлига йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа томонида Б. Тожибоевнинг қуйидаги адреси ёзилган: «РСФСР, область Фергана, город Коканд, махалля Таракчи».

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(56-бет)

Ҳамзанинг номаълум дўстига ёзилган мактуби.

1 *Маоб ога* — сизинадиган ога.

Биродари дерин — эски дўст.

3 *Фароғатдин манфур* — фароғатдан ёйилган.

57-бет

2 *Уч лафз илан* — ушбу хатнинг уч тилда ёзилганига ишора.

[ХУЖАЙЛИ МАОРИФ ШҒЪБАСИГА]

(57-бет)

Намуна мактаб маъмурияти номидан Хўжайли район маориф шўъбасига ёзилган хат.

Хатнинг орқа бетига: «Мактаб мудирига! Бланкалар келгонга қадар муваққат равишда болалар тарқатулсин, деб *маориф [мудир]* (имзо). 923 й. 10. 24», деган сўзлар бор.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(57-бет)

Ҳамзанинг намуна мактаб талабалари таъминоти юзасидан номаълум шахсга йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа томонида қуйидаги жавоб хати бор:

«Пошшом. Афв эдарсингиз, Аваз аканинг биринчининг чорасини ўзингиз кўрингиз, бапга ҳозирда оқчанинг эҳтиёжи йўқ, чунки кутиб турмай сотдум. Агар анча мумкин бўлса, топулгон вақ-

тинда берарсангиз, бўлмаса ашё сотиб берувингизни истамим, деб бандангиз (имзо)».

[ХУЖАЙЛИ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(58-бет)

Хўжайли район маориф шўъбасига интернат талабалари учун озиқ-овқат маҳсулотларига маблағ сўраб ёзилган хат.

Мактубга: «Интернат мудирига. Маориф кассасиндан берилган оқча етишмаган тақдирда баним бир кун овқат бермакка чорам йўқ. *Маориф мудир* (имзо)», деб резолюция қўйилган.

[ХУЖАЙЛИ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(59-бет)

Ҳамзанинг интернат талабалари учун моддий ёрдам сўраб ёзган хати.

[ХУЖАЙЛИ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(59-бет)

Хўжайли район маориф шўъбасига интернат талабалари учун хўжайлик буюмлари олишга ёрдам сўраб ёзилган хат.

Хатнинг орқа томонига: «Хўжайли шўъба мудирини! Хўжайлида тос, умувальни дузалиндирилуб фули таъминотдан сўралсун! Ҳаммом учун собун ҳеч бир ерда верилгани йўқ. Ойда верилган бир қадоқ собун кофийдур. *Маориф мудир* (имзо). 23.3.V», деб резолюция қўйилган.

[МАҲАЛЛИЙ ШУРОМИЗГА]

(59-бет)

Ҳамзанинг интернат талабаларига моддий ёрдам кўрсатишни сўраб ёзган хати.

Хатга қуйидаги сўзлар илова қилинган: «Биродари киромий. Уроз Муҳаммадбой ҳаётимизга, ушбу муаллим афандилиқга мумкин қадар қолгон оқчани топиб бериб йиборсангиз эркон, деб *Нурмуҳаммад Девон*, дойингиз. 7.V».

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(59-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли районига қарашли ташкилотлардан бирининг раҳбарига ёзган хати.

Хатнинг орқа бетида қуйидаги жавобнома бор: «Афв эдар-сингиз, ишкафнинг қобусидаги нарсаларни бўшатмоғи ўрун йўқ, деб (имзо). 12 май».

3 *Ийд* — ҳайит.

[ҚОЗОҚБОЙГА]

(60-бет)

Хўжайлидаги хўжалик ишлари билан шуғулланувчи Қозоқбой исмли кишига юборилган илтимоснома.

Хатнинг орқа бетида қуйидаги резолюция бор:

«Муаллим Ҳамза жанобларига!

Сизга қанча сомон керак бўлса, Қозоқбой аканинг даладаги жойиндан олғайсиз, деб

Ревком Ҳамидбоев.

16 май 1923».

[ХУЖАЙЛИ БОЗОР КОМИССИЯСИГА]

(60-бет)

Абдуқодир оға исмли Хўжайли бозоркомига юборилган илти-моснома.

Илтимосноманинг орқа бетида қуйидаги резолюция ёзилган:
«Биродар Ҳамза Ниёзий афандима!

Мазкур ёзишмангизда баён бўлгон собунни бозор комиссия-си Муҳаммадқурбон акага ёзувингиз тейишлидур, деб биродарин-гиз

Абдулқодир (имзо)».

[МАРКАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(60-бет)

Ҳамзанинг Марказий маориф назоратининг Хўжайли бўлими-га юборган мактуби.

Мактубнинг орқа бетида қуйидаги сўзлар ёзилган:

«Таъминотга сўролгон оқча ййун ойина махсубан аванс тари-қа верилсун! *Маориф [мудир]* (имзо). 923. VI. 11».

Хазиначиға. Ушбу сўролгон оқча ййун ойлигиндан ҳисобла-нуб қолмоқ шарти билан верулсин, деб таъминот мудир *М. Ра-ҳимов* (имзо). 923. VI. 12».

«Шул қоғазда кўрсатулган оқчадан бир миллийун олдим.

Ҳамза Ниёзий (имзо)».

[МАРКАЗИЙ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(61-бет)

Ҳамзанинг Марказий маорифнинг макотиб шуъбасига йўллаган хати.

Хат муҳр ва имзолар билан тасдиқланган.

[ХУЖАЙЛИ РЕВКОМИГА УТУНЧ]

(62-бет)

Хўжайли ревкоми Ғиёсбоевга юборилган илтимоснома. Хат муҳр ва имзолар билан тасдиқланган.

Хатнинг орқа томонига: «Дўқтурга маълум қиламиз, интернетни бир одами касал бўлди, сизга йибордик, қарагайсиз, деб Хўжайли ревком Қозоқбой Ғиёсбоевф (имзо)».

[ХУЖАЙЛИ РЕВКОМИГА]

(62-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли ревкоми Қ. Ғиёсбоевга йўллаган мактуби.

[МАРКАЗИЙ МАКОТИБ ШУЪБАСИГА]

(62-бет)

Ҳамзанинг ХССЖ марказий макотиб шуъбасига йўллаган мактуби.

Мактубнинг тепасига қуйидаги резолюция қўйилган:

«Хўжайли иштирокиюн мактаби мудирина!

Керакли кийим[лар]нинг испискасини ёзиб турингиз.

Макотиб мудирини (имзо)».

Мактубнинг орқа томонига қуйидаги сўзлар ёзилган:

«Маориф назоратина.

Хўжайли иштирокиюн мактабина ёз учун кийим верилмаганлик сабабли етарлик кийимларнинг ва ётоқ асбобларининг тўқтовсиз верилмаси учун тегишли ерина буйруқ арз ўлинур...

Макотиб мудирини (имзо)».

[МАРКАЗИЙ МАКОТИБ ШУЪБАСИГА]

(62-бет)

Ҳамзанинг Марказий макотиб шўъбасига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига қуйидаги резолюция қўйилган:

«Хўжайли иштирокиюн мактаби мудирина!

Шариф Аҳмаджонуф хизматиндан бўшатилгон бўлса, ўрнига таъйин эдилган биродарга ойлик моянасини вермак керак. Шариф Аҳмаджонуфнинг ҳисобот натижасини таъминотга маълум эдилгандан кейин, агарда дуруст топилса, атистати верилуб чиқарилур.

Макотиб мудури (имзо)

23. VIII. 27».

[МАРКАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(63-бет)

Ҳамзанинг Марказий маориф назоратига (ХССЖ) йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига: «Макотиб Хўжайли иштирокиюн мактаби Хеваға кўчиб келуви сабабли яқиндан имтиҳон эдилсин! (имзо). 31. VIII. 23 й.» деган сўзлар ёзилган.

[МАРКАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(63-бет)

ХССЖ Марказий маориф назоратига йўлланган мактуб.

Мактубнинг орқа бетига: «Таъминотга Хўжайли иштирокиюн мактаб ... овгуст ойи харажатлари учун Хева бозор нархидан ҳисоб эдуб, фул верилсун, қолгон ҳисобларни сўнгра кўрилур. Теюшли фулни молиядан фул олдиқдан сўнгра берадур. (Имзо). 30 овгуст», деб резолюция қўйилган.

[МАРКАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(64-бет)

Ҳамзанинг ХССЖ Марказий маориф назоратига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига: «Теюшли оқчасин, яъни йигирма беш... верилсун, деб *хўжалик мудури* (имзо). 1923. IX. 10», деб резолюция қўйилган.

[ХУЖАЙЛИ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИ РАИСИ
НУРМУҲАММАД ДЕВОНГА]

(64-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли район ижроия қўмитасининг раисига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа томонига: «Қозоқ оқсоқолға. Маълум қиланмиким, мактабхона учун олти ботмон оҳақ верасиз, иншоолло, жумъа бозор куни фули верилур, деб Хўжайли ижроия ранси (имзо) *Нурмуҳаммад Девон. 1923. X. 9*».

[МАРҚАЗИЙ МАКОТИБ ШУЪБАСИГА]

(64-бет)

Ҳамзанинг Марказий макотиб шўъбасига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа томонига қуйидаги резолюция қўйилган:

«Маориф назоратина!

Мазкур мактаб учун бир фечат қоздирилуб верилмасина тешли ерина буюрилмаса арз ўлинур.

Макотиб мудури (имзо)».

[МАРҚАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(65-бет)

Ҳамзанинг интернат талабаларининг таъминоти масалалари билан боғлиқ хати.

ХУЖАЙЛИ СИЕСИЙ ТАШКИЛОТ ИДОРАСИНА

(65-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли район сиёсий бошқармасига мактуби.

[МУЛЛА ДАВЛАТГА]

(65-бет)

Ҳамзанинг мулла Давлат исмли кимсага йўллаган мактуби.

66-бет

25 *Зоҳид* — дунё ишларидан юз ўгириб, тоат-ибодатга берилган шайх.

26 *Зуннор* — мусулмон давлатларда яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир.

28 *Қофар* — ислом динини танимовчи, ғайридин.

[МАРҚАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(66-бет)

Ҳамзанинг ХССЖ Марказий маориф назоратига мактуби.

4 *Расхўт* (расход) — чиқим.
Пирихўт (приход) — кирим.

[МАРҚАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(67-бет)

Ҳамзанинг ХССЖ Марказий маориф назоратига мактуби.

[ХУЖАЙЛИ РАЙОН ДЕҲҚОН ҚҰМИТАСИГА]

(67-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли район деҳқон қўмитасига талабалар учун чигириқ сўраб ёзган хати.

[МАРҚАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(68-бет)

Ҳамзанинг Хоразм Марказий маориф назоратига ёзган хати.

[ҲОЖИ ПОЛВОН НИЁЗ АФАНДИГА]

(68-бет)

Ҳамзанинг Ҳожи Полвон Ниёз исмли кишига мактуби.
Ҳожи Полвон — Хоразм Марказий касаба союзининг сарко-
тиби Паҳлавон Ниёз ўғлинининг отаси.

1924

[ХУЖАЙЛИ ОБЛАСТЬ ГПУСИГА]

(69-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли район сиёсий бошқармасига мактуби.
Мактубининг орқа томонига:
«Хўжайли интернат мудирига!
Бул ҳақда сиёсий ташкилот[га] келгач, талаб этуб олурсиз.
Ҳозирда ўзи бўлмағони учун мумкин қадар эрмаслигин билдируб,
Хўжайли сиёсий ташкилот информатори

(имзо) *Хўжайиф.*

15. I. 24 й.» деб ёзилган.

[ИНТЕРНАТ ХУЖАЛИК МУДИРИГА]

(69-бет)

Ҳамзанинг ўзи мудирлик қилаётган интернат хўжалик ишлари мудирига ёзган мактуби.

[ИНТЕРНАТ ХУЖАЛИК МУДИРИГА]

(69-бет)

Ҳамзанинг интернат хўжалик ишлари мудирига ёзган мактуби.

[ХУЖА ИСМЛИ ҚИШИГА]

(70-бет)

Ҳамзанинг хўжайлилик Хўжа исмли кишига ёзган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига: «Бизга деҳқон қўмитаси қирқ беш ярим пуд буғдой берди. А. Назар Юсуф. 15. I. 24 й.», деб ёзилган.

[ХУЖАЙЛИ ДЕҲҚОН ҚЎМИТАСИГА]

(70-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли область деҳқон қўмитасига йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига: «Биродар Ҳамза афандимизга! Сизга ўтунч тариқасинда маълум этаман, мен ҳам бир биродарга берган эдим, мазкурдан олгоним йўқ. Агарда бир червонс топуб берурман, олтун билан червонсни нархи баробар экан ўн маноти. Агарда червонс керак бўлмаса, Урганчдан олтун олиб келуб берурман, деб биродарингиз (имзо)» деган сўзлар ёзилган.

[ХУЖАЙЛИ ОБКОМ ҲИСОБОТ ШУЪБАСИГА]

(70-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли обком ҳисобот шўъбасига мактуби.

Мактубнинг орқа бетига: «Интернат мудиринна! Фирқанинг қонунига бўйсунмасангиз, онинг жавобин ёзишингизни рижо эдарам. Ҳисобот шўъба мудирин (имзо). 1924 й. 27 февраль», деб резолюция қўйилган.

[ХУЖАЙЛИ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИГА]

(71-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли область инқилобий қўмитасига йўллаган мактуби.

[МАРКАЗИЙ МАҚОТИБ ШУЪБАСИГА]

(71-бет)

Ҳамзанинг Хоразм Марказий маориф назоратига йўллаган мактуби.

Мактуб тепасига: «Школьному врачу для освидетельствования здоровья. Зав. шк. отд. (имзо). 27. III. 24 й.», деб ёзилган.

[МАРКАЗИЙ МАҚОТИБ ШУЪБАСИГА]

(71-бет)

Ҳамзанинг Хоразм Марказий маориф назоратига йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа томонига: «Хазиначиға, ўн червонс верилсун! (имзо). 2. IV. 24», деб ёзилган. Шунингдек, бу сўзлардан кейин Ҳамзанинг ҳам «Ўн червонс олдим. (Имзо) Ҳамза Ниёзий», деган ёзуви бор.

[МАРКАЗИЙ МАҚОТИБ ШУЪБАСИГА]

(72-бет)

Ҳамзанинг Хоразм маориф назоратига йўллаган мактуби

Мактубнинг орқа томонига: «Ашё бўлимина. Хўжайли мактаби учун майда харажатларига бир миқдор аванс берилиб йиборилсун! (Имзо)» ва «Маориф назоратига! Бизда оқча йўқ, деб ашё-омбор мудирини (имзо). 1924 й. 31 март», деган резолюциялар қўйилган.

2 *Кофрат* — кооператив.

3 *Хорсоюз* — Хоразм қасаба союзи ташкилоти.

[МАРКАЗИЙ МАҚОТИБ ШУЪБАСИГА]

(72-бет)

Ҳамзанинг Хоразм маориф назоратига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа бетида: «Ўқув-ашё бўлимина! Ушбунда сўралган асбоблар берилсун! Мақотиб шўъба мудирини (имзо). 31. III. 24 й.», деб ёзилган.

2 *Консалария* (концелярия) — идора.

4 *Қора капик* (копировка) — қора қоғоз.

[МАРКАЗИЙ МАҚОТИБ ШУЪБАСИГА]

(73-бет)

Хоразм маориф назоратига ёзилган мактуб.

Мактубнинг орқа бетига: «Ашё бўлимина! Хўжайли интернатининг кийимларин тикдирмак учун уста ҳақини таъмин этуб юбормак теюшдир. Бу тўғрида тейишли аванс берилсун! (Имзо) 24 й. 2 апрел» ҳамда «Мазкурдаги буйруқга биноан бир юз сўм олдим, деб иштирокиюн [мактаби] мудирин (имзо) Ҳамза Ниёзий. 1924. 3. IV» деган сўзлар ёзилган.

[МАРКАЗИЙ МАКОТИБ ШУЪБАСИГА]

(73-бет)

Ҳамзанинг Хоразм маориф назоратига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа томонига: «Макотибга! Унган ғаллани маълумоти келмаган сабабли рухсат хат беролмасам керак, деб ашё-омбор мудирин (имзо). 24 й. 5. IV», деб ёзилган.

[МАРКАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(73-бет)

Ҳамзанинг Хоразм Марказий маориф назоратига юборган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига: «Хазиначиға! Мактаблар қаторида берилмак 5—9 червондан бошқа феврал ойлиқларига ҳисоблаб ўн (10) дон червон берилсун. Маориф нозирин муовинин (имзо). 24. IV. 24» ва «Хўжайли иштирокиюн мактабга олиб боруб төпширмак учун олдим, ўн тўққуз червон, яъни бир юз тўқсон сўм, деб (имзо) Бекжониф», деган сўзлар ёзилган.

3 *Молорей* (малярия) — безгак касали.

[БАЙРАМ КОМИССИЯСИГА]

(74-бет)

Ҳамзанинг 1 Май байрамининг ўтказиш бўйича тузилган комиссия номига ёзилган мактуби.

Мактуб устига: «Биродар Ҳамза Ниёзийға! Нечукда бўлса, биз бирлан иштирок этингиз. Вақт қаттигедур, кўп бўлмаса-да, бир озгина сўзларсиз (имзо)», деб ёзилган. Мактубнинг орқасига эса: «Биродар Ниёзий! Сиз ёшлар бирлигини тарафиндан таъйин этилмадингиз. Фартини тарафиндан таъйин этилган Май байрамининг ўтқарув комиссиялари тарафиндан таъйин этилган чиқарсин. (Имзо) 30. IV. 24 й.» деган сўзлар битилган.

[МАРКАЗИЙ МАҚОТИБ ШУЪБАСИГА]

(75-бет)

Ҳамзанинг Хоразм Марказий маориф назоратига йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига: «Назората. Хўжайли интернат мактаби ходимлари учун морт ойларина маҳсубан аванс берилмаки матлубдир. (Имзо) З. VI. 24» ва «Бухгалтерияга! Уч дона червонс аванс верилуб, морт ойи учун бутун ойлиқга жадвал тузулуб вермакига мактаб мудрига буюрулсун! Муваққат маориф мудри (имзо) Мулла Бекжон Раҳмон ўғли. З. VI. 24 й.» яна «Хўжайли интернат мактаб ходимларига олиб тофшурмоқ учун ўн дона червонс олдим. (Имзо) Нурмуҳаммад Девон», деб ёзилган.

7 Рапўрт — рапорт.

[САФО ОЛЛОБЕРГАНОВГА]

(75-бет)

Ҳамзанинг хоразмлик шоир Сафо Оллобергановга мактуби.

Мактубнинг орқа бетида С. Оллобергановнинг: «Биродар Ҳамза афандимга! Ушбу кун Хўжаефга ҳисоб беражақман. Шул сабабли бора олмайман, деб Сафо Оллоберганов», деган жавоб сўзлари ёзилган.

1 Сафо Оллоберганов (1882—1938)—ўзбек совет шоири, бас-такори, созанда ва жамоат арбоби. Сафо Муғанний тахаллуси билан шеърлар ёзган. 1920—1928 йилларда партия ва совет идораларида хизмат қилган.

[МАҲМУДЖОНГА]

(75-бет)

Ҳамзанинг Маҳмуджон исмли дўстига ёзилган мактуб.

76-бет

13 Фасиҳ — равшап, очиқ.

17 Тавалло — ёлбориш.

27 Фровод (провод) — кузатиш.

77-бет

28 Феревод (перевод) — почта орқали пул жўнатиш.

[ХУҲАЙЛИ ВИЛОЯТ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(78-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли область маориф шўъбасига юборган мактуби.

[ХУЖАЙЛИ ФИРҚА ҚУМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ МЕСТҚУМГА]

(78-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли қорақалпоқ область партия комитетига йўллаган мактуби. Давлат Эшнӣез ўғлининг аризаси муносабати билан ёзилган.

Мактубнинг орқа бетига: «Давлат Эшнӣез ўғлининг аризаси ўзига қайтариб берилди. Местком раиси (имзо) *Йикиеф*», деб ёзилган.

[МАРКАЗИЙ МАҚОТИБ ШУЪБАСИГА]

(78-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли маориф шўъбасига мудир қилиб тайинлангани муносабати билан ёзилган хат.

79-бет

5 *Мунҳасир* — ёлғиз бир нарса ёки бир шахсга ҳос бўлиб, ундан ташқарига чиқмайдиган.

11 *Кулли суратда* — умумий суратда.

[УРТОҚ РИЗАЕВГА]

(79-бет)

Ҳамзанинг Давлат Ризаевга йўллаган мактуби.

3 *Агит-проф* (агитпроп) — тарғибот ва ташвиқот.

[ХУЖАЙЛИ ҚҚ ВИЛОЯТ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(79-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли вилоят маориф шўъбасига юборган мактуби.

[БИРОДАР АЛИХУЖАЕВГА]

(80-бет)

Ҳамзанинг Алихўжаев исмли Фарғона вилоятидаги раҳбарларнинг бирига юборган мактуби.

[ФАРҶОНА МУЗОФОТ ОНГ-БИЛИМ ШУЪБАСИГА]

(80-бет)

Ҳамзанинг Фарғона онг-билим шўъбасига юборган мактуби.

[ФАРҶОНА ОНГ-БИЛИМ ШУЪБАСИГА]

(81-бет)

Ҳамзанинг Фарғона онг-билим шўъбасига йўллаган мактуби.

3 *Тожизода* — Ҳамзанинг замондоши, театр арбоби, режиссёр, Лутфихоним Саримсоқованинг турмуш ўртоғи.

ҚИШЛОҚ ВА ШАҲАР БОШ БИРЛИК ИДОРАСИНА

(81-бет)

Ҳамзанинг музтруппа учун артистлар сўраб ёзган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига:

«Биродар Ҳамза Ниёзий!

Мен Сизнинг талабингизга мувофиқ яна бир ўртоқни йибордим. Булардан бошқа қизлар ячейкасига ёздим артистка сўраб, лекин бир дона ўзбек хотуни бор, кампир ролларинда ўйнай билади. Керак белса, йибораман. Умумий йиборилган кишилардан лаёқатсизлари бўлса, қайтаринг, бошқа тоғишга ҳаракатдаман, деб

укангиз *Обиджон Иброҳим*»,

деган ёзув мавжуд.

1925

[ЎРТОҚ АҲМАДЖОНОВГА]

(82-бет)

Аҳмаджонов исмли кишига юборилган ариза натижасини сўраб ёзилган мактуб.

[ОХУНЖОН АФАНДИГА]

(82-бет)

Ҳамзанинг Охунжон исмли ҳамшаҳарига ёзган мактуби.

1 *Мен группадан чиқдим* — Ҳамзанинг соғлиғи ёмонлашгани сабабли у 1925 йил бошларида фаол жамоат ишларидан воз кечиб, фақат ижодий ишлар билан шуғулланмоқчи бўлади.

2 *Офиратса* (операция).

[МАҲМУДЖОНГА]

(82-бет)

Ҳамзанинг дўсти Маҳмуджонга ёзган мактуби.

83-бет

- 9—10 *Бокуга кетиш умиди* — Ҳамза 20-йилларнинг ўрталарида Бокуга бориб ўқимоқчи бўлган.
- 20 *Главфалит (главполит)* — бош сиёсий бошқарма.
- 21 *Миришохид* Мирзиқоил (1899—1959) — Ҳамзанинг замондоши, Ўзбекистон халқ артисти.
- 21 *Уполномочи* (уполномочие) — ваколат.
- 34 *Гарчакўп* (Горчаков) — Марғилон.
- 84-бет
- 12 *Муҳиддин қори Ёқубов* (1896—1957) — Ҳамзанинг замондоши, таниқли ўзбек театр арбоби, ҳофиз; Ҳамза қўшиқларининг биринчи ижрочиси.

[УРТОҚ ХИДИРАЛИЕВГА]

(84-бет)

«Қизил Ўзбекистон йўқсилларининг отаси» И. Хидиралиевга йўлланган мактуб.

- 1—2 *Хидиралиев Иноғомжон* (1891—1929) — совет ва партия арбоби, Туркистонда гражданлар урушининг иштирокчиси, 1923—1925 йилларда СССР ва Ўзбекистон ССР ревкомининг аъзоси.

[ДЕВОН БОБО ВА МУҲАММАДЕР ОҒАГА]

(85-бет)

Ҳамзанинг Хоразмдаги ёр-биродарлари Нурмуҳаммад Девон ва Муҳаммадёр исмли кимсаларга йўллаган мактуби.

- 8—10 *Яқин ораларда Хевага қадар... бориб қайтсоқ эҳтимолдир* — Ҳамзанинг Охунбобоев билан биргаликда Хевага бориш ҳақидаги режаси амалга ошмай қолган.
- 11—12 *Қайин отамиз* — Шарифжон Аҳмаджонов.
- 15—16 *Москвага ўқувга таъйин этилдим* — Ҳамзанинг бу режаси ҳам амалга ошмаган.

[МАҲМУДЖОНГА]

(86-бет)

Ҳамзанинг Маҳмуджонга юборган мактуби.

3 «Шажараи турк» — Абулғози Баҳодирхон асари; XIII—XVII асрлардаги Урта Осиё хонликлари, жумладан Хива хонлигининг тарихини баён этади.

[МАРҒИЛОН ТУМАН АВВАЛ ИЖРОҚУМИГА]

(86-бет)

Ҳамзанинг яқин орада Аввал қишлоғида яшаш ва ишлаш режаси билан боғланган мактуб.

6 *Отпусқамиз сроги* — таътилимиз муддати.

[УСМОНАЛИ ЁХУД ҲАМИД ҚОРИ АҚАГА]

(87-бет)

Ҳамзанинг Усмонали ва Ҳамид қори исмли кишиларга ёзган мактуби. Мактубнинг орқа бетига қуйидаги байт ёзилган:

Кўз очиб кўрдум сизни,
Ёр, севмасман ўзгани.

2 *Расписка* — тилхат.

1926

[АЧАХОНГА]

(88-бет)

Ҳамзанинг қариндош-уруғларига йўллаган мактуби.

1 *Ачахон* Ниёзова — Ҳамзанинг кичик опаси (1884—1948).

Анорхон Аминова (1882—1921) — Ҳамзанинг катта опаси Хожаройнинг қизи.

Ойимча — Ҳамзанинг она томондан қариндоши.

2 *Жалол тоға* — Ҳамзанинг ота томондан қариндоши.

3 *Мирза Олим* — Бўронбой Миртожибойнинг укаси.

13 *Аббос* Ниёзов (1925—1943) — Ҳамзанинг фарзанди, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган.

89-бет

1 *25-рамазон* — 30 март.

[МАҲМУДЖОН ВА ҒАФУРЖОНГА]

(89-бет)

Ҳамзанинг Маҳмуджон ва Ғафуржон исмли дўстларига ёзилган мактуби.

[ТОЖИЗОДАГА]

(90-бет)

Ҳамзанинг санъаткор дўсти Муҳаммаджон Тожизодага йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа бетида Тожизоданинг қуйидаги жавоби ёзилган:

«Ҳожи Ака! Эртага эҳтимол мен шаҳаргами ёхуд бўлак ерга кетуб қолсам, тополмай овора бўлишмасинлар учун, шу билан бирга курс мудирасига бир мактуб ёзуб қўшиб юбордим. Шунини олиб, тўғри ўзингиз ёхуд бошқа бир киши бўлса ҳам олиб келуб, сой лабидаги ҳаммом тагига борадирғон йўлдаги туман хотунлар қлуби ёнидаги хотун-қизлар курсига тофширилса бўлади. Мен ҳам айтиб қўяман бугун.

Эҳтиром ила Тожки.

19 $\frac{6}{7}$ -26».

[ХОЛМУҲАММАД ОХУНДИЙГА]

(90-бет)

Ҳамзанинг дўсти Холмуҳаммад Охундийга юборган мактуби.

Мактубнинг орқа бетида Ҳамза дастхати билан: «Фарғона» газета идорасига», деб ёзилган ва бошқа кишининг қўли билан «Охундий бир ярим ойлик отпуска билан Ялтага кетганлар. Ҳозир ўша ерда. Маълумот берувчи (имзо). 22. VII. 26» деган сўзлар илова этилган.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(90-бет)

Ҳамзанинг оила қуриши муносабати билан ўртоқларига ёзган мактуби. Мактубда 51 киши қайд этилган.

[АМИНЖОН НИЁЗИЙГА]

(91-бет)

Ҳамзанинг ўртоғи Аминжон Ниёзийга оила қуриши муносабати билан ёзган мактуби.

[ИУЛДОШ ОХУНБОБОВГА]

(91-бет)

Ҳамзанинг оила қуриши муносабати билан Ўзбекистон ССР нинг биринчи президенти И. Охунбобоевга юборган мактуби.

Иўлдош Охунбобоев (1885—1943)— таниқли давлат арбоби, Ҳамзанинг яқин дўстлари ва меҳрибонларидан бири; 1925 йилда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси қилиб сайланган.

[МАРКАЗГА]

(92-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетига таржимаи ҳолига қўшиб юборган мактуби. Ушбу мактубда зикр этилган таржимаи ҳол Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги архивида сақланган ва ушбу нашрнинг 4-томида эълон қилинган. Ҳозир Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг давлат нафақалари билан шуғулланувчи бўлимида сақланаётган Ҳамза ҳужжатлари орасида мазкур таржимаи ҳол топилмади.

[ИСҲОҚЖОН ҒОЗИ ҲҒЛИГА]

(92-бет)

Ҳамзанинг Самарқандда яшаб ишлаётган ёр-биродарларидан бири — Исҳоқжон Ғози Ҳғлига йўллаган мактуби.

Мактубда тилга олинган таржимаи ҳол Ҳамза томонидан республика Марказий Ижроия Комитетига юборилган.

[МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИГА]

(93-бет)

Ҳамзанинг Марказий ижроия комитетига юборган хати.

Мактубнинг устига: «ФО отпустить т. Хамзе Хакимзаде пятьдесят (50) руб.», деб резолюция қўйилган ва Ҳамза дастхати билан «Эллик сўм олдим», деб имзо чекилган.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗ ИШТИРОКИЮН
ФИРҚУМИНИНГ ТАШВИҚОТ-ТАРҒИБОТ БУЛИМИГА
МАЪЛУМОТ

(94-бет)

Ўзбекистон Компартияси агитация ва пропаганда бўлимига йўлланган мактуб.

95-бет

1 *Мурид муаллим* — етакчи муаллим.

3 *Тўда мучалари* — гурӯҳна аъзолари, бўлимлари.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(95-бет)

Ҳамзанинг хоразмлик номаълум шахсга юборган мактуби.

[УРТОҚ ОЛИМОВГА]

(96-бет)

Ҳамзанинг Олимов исмли кимсага юборган мактуби.

1927

[ВАИС РАҲИМИЙГА]

(98-бет)

Ҳамзанинг Хоразм ижроня комитетининг раиси Ваис Раҳимовга юборган мактуби.

3 *Рўёл* — рояль.

3—4 *Йўлдошбой акам* — Йўлдош Охунбобоев.

16 *Шерозий* (тахаллус; асл исм-фамилияси Мадраҳим Еқубов, 1890—1973) — Ўзбекистон халқ артисти, таниқли маданият арбоби; Ҳамза Хоразмда ташкил этган труппада хонанда ва созанда.

[АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ ВА ЛУТФУЛЛА ОЛИМИЙГА]

(98-бет)

Ҳамзанинг қўқонлик маърифатпарвар олим А. Зоҳирий ва журналист Л. Олимийга йўллаган мактуби.

Мактубнинг тағйига Л. Олимий дастхати билан қуйидаги сўзлар ёзилган.

«Езаверинг, қоғазни эса идорадан бераверамиз, Ҳожи Олим Андижондан келиши билан биринчи фулня Сиз оласиз. *Лутфулла*».

[ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ НАШРИЕТ ШУЪБАСИГА]

(99-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон Давлат нашриётига асарларини нашр этиш юзасидан юборган мактуби.

2 *Икки дона пьеса* — сўз «Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши» ҳамда «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёхуд Яллачилар иши» пьесалари тўғрисида бормоқда.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(100-бет)

Ҳамзанинг номаълум дўстига юборган мактуби.

[ИҲУЛДОШ ОХУНБОБОВГА]

(101-бет)

Ҳамзанинг Иўлдош Охунбобоевга юборган мактуби.

Мактубнинг устига Ҳамза дастхати билан «Оқсоқолимизга маълум ўлсун», деган сўзлар ёзилган. Мактубнинг орқа бетига эса И. Охунбобоев дастхати билан қуйидаги сўзлар қайд этилган: «Ўртоқ Ҳакимзода!

Аҳволингиздан маълум қилибсиз! Воқиф бўлдим, локин мени ҳам маошим чиқмағонлиғи учун 5 кундан буён оқчасиз юрибман. 22-да маош олсам керак. Эртага Сизни масалангизни Раҳимийга таъйинлаб ҳал қилдириб бераман, деб

(имзо) *Охунбобоев.*

15. VI. 27».

3 *Бандангиз курорт ҳақида...*—Ҳамза 1926—1927 йилларда Ялтага бориб, даволаниш ниятида бўлган, аммо унинг нияти рўёбга чиқмаган.

[РАҲИМ ҲАМИДОВГА]

(100-бет)

Ҳамзанинг маҳаллий маориф раҳбарларидан бири Раҳим Ҳамидовга йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига: «Маорифда ўртоқ Ҳамидовга» деган сўзлар араб графикасида, «Т. Ҳамидову» сўзи эса рус графикасида ёзилган.

3 *Задатка* — нася.

ФАРҒОНА ОКРУГ ФИРҚА ҚЎМИТАСИГА МАЪЛУМОТ

(101-бет)

Ҳамзанинг театр труппасини ташкил қилиш тўғрисидаги хати.

Хатга: «Ўртоқ Ниёзий. Талабларингиз билан қўшулишамиз. Уктабр байрамига матриёллар тайёрлаш ҳақида Сизга ишонилган. Труфани сметасига ҳам талабингизга мувофиқ қилиб дарж этилган. Берадурғон матриёлларингиз тefасидан ованса бериш миллий труфа директориға таъинланади», деб резолюция қўйилган ва имзо чекилган.

6 *Систим* — система.

102-бет

8 *Ремунт* — ремонт.

[ЎЗБЕКИСТОН МАРҚАЗИИ ИЖТИМОИЙ-ТАЪМИНОТ ШУЪБАСИГА]

(102-бет)

Ҳамзанинг нафақа юзасидан Ўзбекистон социал-таъминот идорасига юборган мактуби.

1928

[ҚОРИ ЮСУФ ҲОМИДИЙГА]

(104-бет)

Ҳамзанинг қўқонлик ёр-биродарларидан бири Қори Юсуф Ҳомидийга юборган мактуби.

[ЎРТОҚ УЛМАСБОЕВГА]

(105-бет)

Ҳамзанинг Улмасбоев исмли шахсга йўллаган мактуби.

11 *Бир қабза* — бир даста.

23 *Музд* — хизмат ҳақи.

25 *Ғасб* — эгаллаб олиш.

106-бет

4 *Миршоҳид қори* — сўз Миршоҳид Мирқоқиллов тўғрисида бормоқда.

6 *Дубора* — иккинчи марта.

[МАРКАЗ ОНГ-БИЛИМ ҚҶМИТАСИГА]

(106-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон оғ-билим комитетига юборган мактуби.

- 1 «Яллагчилар» — сўз Ҳамзанинг «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки Яллагчилар ниши» пьесаси тўғрисида бормоқда.
- 2 *Даговор* (договор) — шартнома.
- 18 *Чўлпон* (тахаллус; асл исм-фамилияси Абдулҳамид Сулаймон ўғли, 1897—1937) — ўзбек совет шоири, ёзувчиси, драматурги, таржимони.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(107-бет)

Ҳамзанинг Самарқанддаги номаълум қаламкаш ўртоғига юборган мактуби.

- 2 *Комил Алиев* (1905—1939) — ўзбек совет журналисти, машхур фельетончи.
- 2—3 *Зиё Саид* (тахаллус; асл исм-фамилияси Соли Қосимов, 1904—1937) — ўзбек совет драматурги, журналист.
- 3 *Аъзамжон* (Аъзам Аюб, 1904—1942) — ўзбек совет журналисти, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1-сонидан (1925) бошлаб шу газетанинг масъул котиби.

108-бет

25 *Мусалло қилиш* — намозгоҳ қилиш.

109-бет

- 3 *Ҳамроқул мингбоши* (Турсунқулов, 1892—1965) — Ўзбекистонда колхоз қурилишининг ташкилотчиларидан бири, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
- 15 «*Ер юзи*» — 1926 йилдан чиқа бошлаган оммабоп расмий журнал. Улуғ Ватан уруши бошланиши билан нашр этилишдан тўхтаган. Ҳозир «Гулистон» номи билан чоп этилади. Биринчи муҳаррири — Комил Алиев.

«Қизил Ўзбекистон» — 1918 йилдан бошлаб дастлаб «Иштирокиюн», «Қизил байроқ» ва «Туркистон» номлари билан, 1925 йилдан бошлаб эса шу номда нашр этилган газета, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг органи. «Қизил Ўзбекистон»нинг биринчи муҳаррири — Усмоҳон.

- 21 *Абдулла Хатам ўғли* — Ҳамзанинг шогирди, Шохимардондаги комсомол ҳаракатининг қатнашчиси, «Ҳамза Шохимардонда» китобининг муаллифи.

110-бет

21 *Мустажир хўжалар* — шитоб қилувчи хўжалар.

ТУРЛИ ЙИЛЛАР

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(111-бет)

Ҳамзанинг отасига тахминан 1906 йилда Намангандан йўллаган мактуби.

Ҳамза бу йилларда араб, форс-тожик тилларини катта эътибор билан ўргангани сабабли отасига ёзган мактубида бу ҳар иккала тил унсурларидан кенг фойдаланган ва шу тарзда отасига мадраса билимини пухта ўзлаштираётганини кўрсатмоқчи бўлган.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(112-бет)

Ҳамзанинг номаълум қариндошига йўллаган мактуби.

Мактубнинг эски ўзбек тилида ёзилганлиги унинг 1906—1910 йилларга оид эканидан далолат беради.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(114-бет)

Ҳамзанинг номаълум қариндошига йўллаган мактуби.

Бу мактуб ҳам, услубига кўра, 1906—1910 йилларда ёзилган кўринади.

[МАҲМУДЖОНГА]

(115-бет)

Ҳамзанинг Маҳмуд Тараша лақабли дўстига ёзилган қорхат.

[МУНАВВАР ҚОРИГА]

(116-бет)

Ҳамзанинг Тошкент жадидларининг раҳбарларидан бири, таниқли маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидовга йўллаган мактуби.

Мактуб 1915—1916 йилларга оид кўринади.

Мунавварқори Абдурашидов (1878—1931) — ўзбек маърифатпарвари, ношир, ёзувчи, «Хуршид» (1906), «Нажот» ва «Кенгаш» (1917) газеталарининг муҳаррири.

[МУНАВВАР ҚОРИГА]

(116-бет)

Ҳамзанинг Мунавварқори Абдурашидовга юборган мактуби.
Мактуб 1915—1916 йилларда ёзилган кўринади.

[КОМИЛ ИСМЛИ ШАХСГА]

(117-бет)

Ҳамзанинг Комил исмли шахсга бағишланган ҳазил шеърини хати.

Хат таниқли фельетоннавис Комил Алиевга йўлланган бўлиши мумкин.

8 *Гўсиздат* (Госиздат) — давлат нашриёти.

11 *«Три угла»* («Три угла») — суҳбат қуриш ё шашка-шахмат ўйини учун мўлжалланган жой бўлиши мумкин.

[НОМАЪЛУМ АЕЛГА]

(117-бет)

Ҳамзанинг номаълум аёлга юборган мактуби.

[МУҲАММАДЕР ОҒАГА]

(118-бет)

Ҳамзанинг хоразмлик ёр-биродарларидан бири Муҳаммадёр огага юборган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига Муҳаммадёр оғанинг қуйидаги сўзлари ёзилган: «Биродарим, мени келурсиз, деб ёзасиз, касалмен, отга ярағондай... ..Мен ўзума ўтатурғон касалим бор. Вилоятдан фулларингизи олинг. Хизматчиларни қўшиб, деб Муҳаммадёр».

[ДЕВОН БОБОГА]

(118-бет)

Ҳамзанинг хоразмлик Девон бобога йўллаган мактуби.

Мактубнинг орқа бетига Девон бобонинг жавоб сўзлари ёзилган, аммо ўчиб кетганлиги учун ўқиб бўлмади.

Девон бобо — Нурмуҳаммад Девон.

119-бет

1 *Ибн Ямин* — Ҳамзанинг отасига алоқадор бўлмаган бошқа шахс.

[ДЕВОН БОБОГА]

(119-бет)

Ҳамзанинг Хоразмда бўлган кезларида ёзган мактуби.

[АБДУЛЛА ҚОРИГА]

(119-бет)

Ҳамзанинг Абдулла қори исмли кимсага юборган мактуби.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(119-бет)

Ҳамзанинг Хоразмда бўлган кезларида номаълум шахсга йўланган мактуби.

[БҲҮРҮНБҲҮЙ МИРТОЖИБҲҮЙ УҒЛИГА]

(121-бет)

Ҳамзанинг Хўжайлидан дўсти Бўронбой Миртожибой ўғлига юборган мактуби. Тахминан 1923 йилда ёзилган.

[ЗАЙНАБ ВА УНИНГ ОТА-ОНАСИГА]

(122-бет)

Ҳамзанинг Шарифжон Аҳмаджонов оиласига йўллаган мактуби.

Мактуб тахминан 1922—1923 йилларда ёзилган.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(123-бет)

Ҳамзанинг Хўжайлида ишлаган кезларида номаълум шахсга юборган мактуби.

[ИНТЕРНАТ ЗАВХОЗИГА]

(123-бет)

Ҳамзанинг Хўжайлидаги намуна интернат мактабининг завхозига ёзган мактуби.

1 *Полвон Нийёзтожи* — Хоразм касаба союзи ташкилотининг масъул саркотиби.

- 3 *Худойберган Девонуф* (Девонов, 1878—1940) — биринчи ўзбек кинооператори.
14 *Зийнат* (Зайнаб) — Ҳамзанинг рафиқаси.

[ИСМОИЛЗОДА АФАНДИГА]

(124-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон Маориф назорати қошидаги санойи нафиса шўъбасининг мудирини А. Исмоилзодага юборган мактуби

- 4 *Мазодаи иода* — ким ошди савдоси, аукцион.
5 «*Уқумаган боланинг ҳоли*» — Ҳамзанинг педагогик рисола-ларига кирган ҳажвий шеър.
6 «*Қизил қон ичида ёш гавдалар*» — Ҳамзанинг беш пардали драматик асари (ҳозирча топилмаган).

[«ЕР ЮЗИ» ЖУРНАЛИ РЕДАКЦИЯСИГА]

(124-бет)

Ҳамзанинг «Ер юзи» журнали редакциясининг журналда қатнашиш ҳақидаги таклифига жавобан ёзган хати.

Журналнинг таҳрир ҳайъати номидан Ҳамзага Чўлпон мурожаат қилган.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(125-бет)

Ҳамзанинг номаълум шахсга юборган мактуби.

[ЎРТОҚ РАСУЛЕВГА]

(125-бет)

Ҳамзанинг Расулев фамилияли кишига юборган мактуби.

[АБДУЛЛА ХАТАМОВ ВА БОШҚА ТАЛАБАЛАРГА]

(126-бет)

Ҳамзанинг Шоҳимардонда тузилган қишлоқ хўжалик артели аъзолари ва фиолларидан Абдулла Хатамов ва бошқа талабаларга юборган мактуби.

[НОМАЪЛУМ ШАХСГА]

(126-бет)

Ҳамзанинг номаълум шахсга ёзган мактуби.

ТОЖИК ТИЛИДА ЕЗИЛГАН ХАТЛАР

[ИБН ЯМИН НИЁЗ УҒЛИГА]

(128-бет)

Ҳамзанинг 1908 йилда Намангандан отасига ёзган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Ассалому алайкум.

Оллоҳ мангу.

Бу хизматдан узоқ мажжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳий ва каъбаи таҳқиқий хизматидадур, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига етиши учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандлиги асосий матрабимиздир. Умид қиламанки дуо, ва илтижоларимиз ижобат ҳадафига етади. Сониян (иккинчидан), яширин қолмасунким, нури чашмингиз тоқат даражасида Наманган балдасида истиқомат қилиб, илм талабида жанобларининг дуоси билан машғул бўлиб юрибман. Умид қиламанки, жаноблари ҳам беш вақт намоз вақтида дуо билан эсласинлар. Зора жанобларининг дуолари шарофати билан яратувчи ўзининг лутфу карами била бу бечораларни ҳам ўз мақсадларига етказса, ажаб эмас, омин. Иккинчидан (сониян), бир хат Турсунбой аробакаш қўлидан, тагин уч сўм пул келиб тегди. Заҳиран фи қалби алиф моата масруран. Илоҳи, бу ноқобилларнинг иқболига жанобларини худои таборак ва тақаддас ҳамиша ўз паноҳида сақласун. Табаррук мактубингизни мутолаа қилиб шуни билдимки, бундан олдинги ёзган хатим етиб бормапти, қайтиб келиб тегди. Сабаби шуки, Обидилло махсум муҳаррам ойининг тўртинчисида акамулло эшонқорига бир хат юборган эканлар ҳамда 3 сўм пул, китобхонадан 3—4 та китоб юборсин, деган эканлар акамиз бир «Шифоҳия» ном китоб, аввалги жузъи, кейинги жузъи, яна 3 та «Қавонайн» олиб, харитани ичига солиб юборган эдилар, келиб тегди. Харитани ичидан омонатни олиб бердим, очиб кўриб, «Ичида хати ҳам борми?» деб сўрадилар. Ҳарчанд қидирдик — хат йўқ экан. Сониян, пулини ҳисоблаб айтдиларки, пули 3 танга, бир мири кўп бўлипти. Исроил қорининг хат ёзмаганининг сабаби нимада экан, деб чиқиб кетдилар. Уч кундан кейин яна келиб айтдиларки, Исроил қоридан хат келди, деб қўлимга бир хат бердилар, очдим, кўрсамки, акамнинг хати. Мазмуни буки, «Обидилло Махсум маълумингиз ўлсунки, мазкур китоблардан 3 танга, бир мири қолган, бир дона хат билан мул-

ла Ҳамзахонни харитаси (посилка)ни ичига солиб юбориб эрдим, йўқлаб олинг, иккинчи шулки, ман савдогарчилик кўчасидан бе-хабарроқдурман, соҳиб ихтиёр ўзингиз. Хуллас, Исроил қори Обидилло юборган пул ила хат қани, деб сўрадилар, ҳайрон бўлдим. Шунчалик ўсал бўлдимки, Махсумнинг олдида бундай ҳаётдан ўлим афзал бўлиб қолди. Бу нима гап?! Хаританинг ичида на пул ва на хат бор. Юбормаган нарсаларини Махсум юбордим, деб хат ёзиб, мусофирликда дилимни қоп-қора қилдилар. Мен Эшонқори ҳаққига нима ёмонлик қилиб келган эдимки, бу бемазаликларни меннинг ҳаққимга раво кўрдилар. Шу сабабдан ҳайрон бўлиб эшон Махсумга айтдим менга на хат ва на пул келди, деб. Бу ҳафта хат ёзиб, қиблагоҳдан сўрайман, деб зўрға узр сўрадим. Менга ҳеч нарса келган эмас. Ҳақиқатини сўранг, бир хат ёзиб, ҳақиқатини ёзсинлар, токи мен хижолатликдан чиқайин. Жон қиблагоҳим.

Дуоғўйингиз мулла Ҳамза.

Ва яна шуки, бу сафар Обидилло Махсум менга бир хат ҳамда йигирма бир танга пул юбордилар. Китобатда бўлган китобларни юбориш учун. Бу нури чашмингизни хижолатликдан чиқарар эди. Уй ичидагиларга дуои салом. Хатнинг жавобини интизорлик билан кутаман, омин.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(130-бет)

Ҳамзанинг 1908 йилда Намангандан отасига юборган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Оллоҳ мангу.

Оллоҳ таоло сиз қиблагоҳни уйларига доимо тинчлик ато қилсин. Умрингизни зиёда, иқболингизни то қиёмат қойимгача улуг қилсин, омин.

Бу хизматдан узоқ маҳжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ шафқат дастгоҳ, ҳақиқий қиблагоҳ ва каъбаи таҳқиқ хизматидадир, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига етиш учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандлиги асосий матлабимиздир. Умид қиламанки, дуо ва илтижоларимиз ижобат ҳадафига етади. Сониян, яширин қолмасунким, эшонимнинг нури чашмлари (яъне фарзандлари) Наманган балдасида соғ-саломатликда барқарор ва устувордурман, алҳамдулиллоҳ. Илоҳи, бу бебахтларнинг иқболига ҳар доим саломат бўлсинлар. Ва бошқа яна шуки, аробакаш қўлидан рамазони шарифнинг 22-сида бир харита тегди. Шўкрғўйлик ва хурсандлик адосидан сўнг хатни кўрсам, 3 сўм пул марҳамат қилиб юборган экан-

лар, у ҳам тегди, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Харита (посилка)ни очсам, бир атлас тўн ва кўйлак-дозимлик ҳаммаси тегди. Илоҳи, бу бандаларнинг ҳаёти жанобларининг сояи давлатларида муяссар бўлсин, омин. Ва бошқа яна шуки, хатда марҳамат қилиб таҳсилни Хўқандда қилсинлар, дебсиз. Арзим шулки, бораман, лекин икки нарса монёлик қилаяпти. Бири шуки, токи қарздан қутулмасам, боришга тоқатим йўқ. Менинг мақсадим хотин эмас. Агар хотин бўлганда, ҳозиргача бирор кишига айтар эдим. Таъинлик тўрт пулим йўқ бўлса, ёки бирор ҳунарим бўлмаса, ёки қирқ, эллик ёшга бормаган бўлсам, хотинни нима қиламан? Хусусан, жаноблари шу даражада камбағаллашиб қолиптилар. Дарвоқеъ, фарз ҳам эмас. Лекин пулдан, хотиндан, қарздан халос қилсангиз, бу ҳам айни илтифот бўлар эди. Ва бошқа шуки, ман бораё, дейман, лекин ҳаммага малол келмасин, дейман. Чунки, ноқобил фарзанддан ҳамма ҳам безордир. Ҳар кун мени кўриб турсалар, хотирларига малол келмасин, дейман. Ман ҳам нима қилайки, рўзи азалда худои таоло бу ноқобилнинг юлдузини муборак назарларига ёмонроқ қилиб яратган экан. Шу жиҳатдан ҳамма ишим ноқобилликда саранжом топади. Маъзур тутадилар. Шу сабабдан кўзларидан узоқроқ яшайман. Шояд гоҳ-гоҳ хотири шарифларига келтириб, дуо қилсалар ва жанобларининг дуолари шарофатила у яратувчи бандапарвар халлоқ бидъат йўлидан қайтариб ва тўғри йўлга солғай. Агар ижозат бериб гоҳ-гоҳ лутфу марҳамат қилиб турсалар, шу ерда яшаб турсам, деган ниятим бср. Бошқа мақсадим йўқ. Ва бошқа аҳволотни хат олиб борувчидан сўрарсиз. Яна нима ҳам айтар эдим.

Ассалому алайкум.

Нури чашмингиз Мир Ҳамза.

Ва бошқа шуки, юборган атлас тўнингизни уч кун ҳайитда кийдим, эндиликда юборай ёки йўқ. Алоча чопонни пахталик қилиб юборингларким, пахталик чопоним йўқ. Албатта.

[ИБН ЯМИН НИЁЗ УҒЛИГА]

{132-бет}

Ҳамзанинг 1908 йилда Намангандан отасига юборган мактуби.

Т а р ж и м а с и :

То маҳшаргача падарнинг хоки пойи ўғил учун сурмаи тўтиёдир.

Оллоҳ мангу.

Бу хизматдан узоқ маҳжурданким, ҳамаги марҳамат паноҳий шафқат дастгоҳий қиблаи ҳақиқий ва каъбаи таҳқиқий хизматидадир, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига етиши учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандлиги асосий талабимиздир. Умид қиламанки, дуо ва илтижо-

ларимиз ижобат ҳадафига етади. Сониян, яширин қолмасунким, бир мактуб домланинг қўлларидан етиб, бу каминага шунчалик хурсандчилик пайдо бўлдики, гўё ҳар кун бир бор зиёрат қилгандай яратганнинг даргоҳига минглаб-минглаб шукрлар қиламанки, илоҳи, бу каминанинг толенга саломат бўлсинлар. Боқий каминанинг арзи шулким, жаноби домла хизматларида муқиму мустақимдурман. Бир дарс «Шамсия»дан ва бир дарс «Шарҳи мулло»дан ўқиб турибман. Умид қиламанки, жаноби мавлоиймининг дуолари шарофатила ажаб эмаски, худон таборак ва тақаддас бу каминага ҳам андак фаҳм ато қилғай. Иншоолло, умид қиламанки, бир хат менга равона қилсалар, токи хотиржам бўлиб ҳаракат қилсам, албатта. Сўнгра акам баъзи бир китобларни «Қаломулло», «Муҳаррам афанди», «Шарҳи Мулло», «Мухтасари виқоя», «Шарҳи Абдулло», «Қофия», «Шарҳи ҳаракот», дафтарча ва бир карта лозим. Шуларни юборсалар, деб илтимос қилдим. Боқий нима айтай? Ассалому алайкум.

Нури чашмингиз мулло Ҳамза.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(133-бет)

Ҳамзанинг 1908 йилда Намангандан отасига юборган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Ассалому алайкум.

Оллоҳ мангу.

Оллоҳ таоло сиз қиблагоҳнинг уйларига доимо тинчлик ато қилсин. Умрингизни зиёда, иқболингизни то қиёмат-қойимгача улуғ қилсин, омин.

Қам-қўст хизматларини олло таолонинг марҳамати ва шафқатила адо қилиб юрган ушбу ҳижратдаги каминадан арз шулким, ҳақиқий қиблагоҳим ва табаррукимнинг хоҳири раъйларига улуғ эҳтиромларим ва муборат дастлари шарофати бирла сиҳат-саломатликда кечаю-кундуз иқболмандликда пушту паноҳимнинг йўл-йўриқларига итоат қилиб, мақсад ўқини умид нишонига етказаетган фарзандингиздан, деб билгайсиз. Иккинчидан, яширин қолмасунким, бу узоқдаги фарзандингиз Наманган балдасида истиқомат қилиб, жанобларининг дуолари билан яхши умр ўтказиб, қўлдан келганча илм билан машғул бўлиб, сояи давлатларида барқорордурман. Илоҳи, бу ноқобилларнинг толенга ҳамма вақт соғ-саломат бўлсинлар, омин. Сўнгра махфий қолмасунким, жуда интизорлик маҳалида Нуриддин Афзийнинг қўлидан бир табаррук мактуб ва беш сўм пул келиб тегди. Мактубни ўпгандан кейин бу мусофирингизнинг кўнгли фараҳланиб очилиб кетди. Сўнгра 2 сўм баққолга бердик, яна бир сўмини Абдулло маҳдумга моҳо-

на бердик, 2 сўмини Амир Шарифга нафақа учун бердик ва, иккинчидан, шуки, Қори домла бугун-эрта Почча отага борадилар, яна камина «Шифоҳия» номли китобнинг аввалги жузъини тугатдим. Қолганларини ҳам яқинда тугатиш арафасидаман. Умид қиламанки, рабиул аввал ойининг бошларида имтиҳон берсак керак. Агар ижозат берсалар, рабиул аввалнинг ўнбешларида бир бориб зиёрат қилиб, бирор ҳафта табаррук хизматларида ҳозир бўлиб, кейин яна ижозат олиб, яна юқоридаги китоблар билан машғул бўлсам. Жуда соғиндим, ҳатто тоқат қолмади. Агар бошланса, то рамазони шарифларгача борар. Боқий ҳаммага: ҳамшираларга, волидамизга, хусусан Оминахонга, Ғуломжон ва Мулла Райимжонларга кўпдан-кўп дуои салом. Кейинги ҳафта хатнинг жавобига камоли шавқ билан интизор бўламан.

Боқий байдун мин хизматикум ва ибникум

мулла Ҳамза.

Жаноб ҳазрат домла амир Қори домла, барча болалар ва Абдулла махсумга кўпдан-кўп дуо айтдилар ва яна ёр-дўстлардан дуои салом.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(134-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига ёзган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Оллоҳ мангу.

Оллоҳ таоло сиз қиблагоҳни уйларига доимо тинчлик ато қилсин. Умрингизни зиёда, иқболингизни то қиёмат-қойимгача улуг қилсин, омин. Кам-кўст хизматларини оллоҳ таолонинг марҳамати ва шафқатила адо қилиб юрган ушбу ҳижратдаги каминадан арз шулким, ҳақиқий қиблагоҳим ва табаррукимнинг хотири раъйларига улуг эҳтиромларим ва муборак дастлари шарофати бирла сиҳат-саломатликда кечаю кундуз иқболмандликда пушту паноҳимнинг йўл-йўриқларига итоат қилиб, мақсад ўқини умид нишонига етказаетган фарзандингиздан, деб билгайсиз.

Иккинчидан, яширин қолмасунким, оллоҳга минг қатла шукурким, нури дийдангиз Наманган водийсида истиқомат қилиб бақадри ҳол муқим мустақимдурман, эртаю кеч жанобларининг дуоларига машғулман. Умид қиламанки, жаноблари ҳам салават вақтида каминани дуода ёд қилурлар, шояд ҳазрат яратувчи жанобларининг дуолари шарофатила илм самарасидан баҳраманд қилгай, омин. Кейин шуни билдираманки, жуда интизорлик вақтида бир табаррук мактубингиз бир харита ва уч сўм пул келиб тегди. Жуда-жуда хурсанд бўлдим. Илоҳи, бу ноқобилларнинг иқболига ҳамма вақт саломат бўлсинлар. Мен мактуб мазмунидан

огоҳ бўлган заҳоти маъжунни Қорий домлага олиб кириб бердим ва жанобларига дуо олдим ва жуда-жуда хурсанд бўлдилар ва жанобларига кўпдан-кўп дуои салом айтдилар. Бошқаларга дуои салом. Ҳарна бўлса ҳам каминадан дуоларини дариг тутмагайлар. Поччамиз тўғрисида хотиржамъ бўлдик, жиянлар муборак бўлсин.

Дуогўйингиз *мулла Ҳамза*.

Ассалому алайкум. Хатнинг жавобига мунтазирман.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(135-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига юборган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Ассалому алайкум.

Оллоҳ мангу.

Бу хизматдан узоқ маъжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ, шафқатдастгоҳ, қиблан ҳақиқий ва каъбаи таҳқиқий хизматидадир, арзи егсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига етиш учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандлиги асосий матлабимиздир. Умид қиламанки, дуо ва илтижоларимиз ижобат ҳадафига етади. Сониян, яширин қолмасунким, бу жигаргўшалари бу ерда соғ-саломат юрибман. Кечаю кундуз жанобларининг дуолари билан машғулман. Умид қиламанки, гоҳ-гоҳ шариф хотирларига келтириб, бу узоқдаги афтоданинг ҳаққи-га дуо қилсалар. Шояд жанобларининг дуолари шарофатила яратувчи оллоҳ ўзининг лутфу карамидан ато қилиб ўз мақсадимга етсам, омин.

Иккинчидан, шуки, бу ҳафта аравакаш қўлидан бир табаррук хатингиз, уч сўм пул билан келиб тегди, ҳаддан зиёд хурсанд бўлдим. Хат ёзган эдим, лекин ўтган хатимга жавоб бўлмади. Мазкур хатни Тароқчи масжидидаги Салимбой номли одам орқали бериб юборган эдим. Эҳтимол, етиб боргандир. Сониян, ўша жойда арз қилган эдим ўз аҳволотимдан, яъни озгина ўтин ва кўмир оладиган эдим. Алҳамдулиллоҳ, муддао ҳосил бўлди. Ун икки тангага ўтин олдим. Энди озгина кўмир олсам, иншооллоҳ, хотиржам бўлар эдим. Ва бошқа шуки, Қори домла баъзан-баъзан дарс ўрталарида маъжундан мисол келтирадилар. Билмайманки, киноя қиладиларми ё бошқа нарсами. Қўйлак, лозимлик ва салани юбордим ва бир дўппи эшонимнинг фарзанди аржумандларидан эсдалик деб қабул қиласиз. Умид қиламанки, ўзлари киядилар. Чунки гоҳ-гоҳ кўрсалар хотирларига келишимнинг сабабчиси бўлар эди. Айбга буюрмайдилар. Яна хатнинг жавобига мунтазирман.

Яна нима ҳам деяр эдим. Ассалому алайкум.

Дуогўйингиз мулла Ҳамза эшонимнинг ноқобил фарзандлари.

Яна ёру дўстлардан дуои салом. Мулла Зоҳидилла махсумдан дуо. Поччам келиб, домла Махсумга кўпдан-кўп дуои салом айтдилар, албатта.

Дўппи харитани (посилка) ичидадир. Олти кўйлак, лозимлик, учта дастор, албатта, ҳозиргача соатдан умидимиз бор, омин.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(136-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига юборган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Оллоҳ мангу.

Жаноби қиблагоҳимни оллоҳу таолло икки дунёда саломат қилиб, умрингизни ва иқболингизни қиёмат кунига қадар зиёда қилсин.

Бу хизматдан узоқ маҳжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ ва шафқатдастгоҳ, қиблаи ҳақиқий ва каъбаи таҳқиқ хизматидадур, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафи учун фармонбар ва ризо густардир. Илоҳи, бу бечораларнинг иқболига субҳу шом, балки узоқ муддатга соғ ва саломатлик мартабасида бўлсинлар.

Сониян, шуки, ҳар ҳолда сиҳат ва саломатликда истиқомат қилиб юрибман ва жанобларининг дуоларидан умидвор бўлиб, худон таоло паноҳида муқим ва мустақимдурман (яшаб юрибман). Жаноблари ҳам ўзларининг табаррук дуоларини дариг тутмай, гоҳ-гоҳ беш вақт намоз пайтида каминани эслаб қўйсалар. Зора жанобларининг дуолари баракатидан йўқотган йўлимни топсам, омин.

Кейин гап шуки, ҳомили руқъа (хат ташувчи) Мулла Усмон Али Махсум каминанинг афдойишидан хабардор бўлиб, бир оз қўрқиб бу хатни ёздириб олдилар. Илоҳи, саломат бўлсинлар. Бошқаларга дуои салом. Бошқа аҳволотни хатни олиб борувчидан марҳамат қилиб сўрасинлар.

Яна нима ҳам дейман? Ассалому алайкум.

Дуогўйингиз, эшонимнинг нури чашмлари мулла Мир Ҳамза.

Хатни айб қилмайсиз. Диққатлик пайтимда ёзилди. Авф қилсинлар.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(137-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига йўлаган мактуби.

Т а р ж и м а с и :

Оллоҳ мангу.

Жаноби қиблагоҳимга оллоҳу таоло икки дунёда тинчлик ва омонлик берсун. У кишининг умри, иқболи ва давлатларини қиёмат кунларигача етказсин, омин.

Беҳад ва саноқсиз дуо жаноби қиблагоҳим, қиблаи ҳақиқим ва каъбаи таҳқиқимга етиб борсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига етиш учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандлигини тилаш асосий мақсадимиздир. Умид қиламанки, дуо ва илтижоларимиз ижобат ҳадафига етиб, жанобларининг хизматларига восил бўлсам, омин.

Сўнгра махфий қолмасунки, акомиз Қори домла билан биргаликда Почча отага кетдилар. Душанба куни каминани манъ қилдилар, боролмай қолдим, шу маҳалгача бирон жойга бормаган эдим. Агар акам келсалар, биргаликда саёҳат қиламиз, деб ўйлаган эдим. Домла ва мулла Маъруф афанди махсум айтган эдиларки, бирга олиб кетинглар, деб қабул қилмадилар. Энди муддао бу эрдик, агар биргаликда уч-тўрт кун саёҳат қилиб келсак, яна яшайверар эдик, то рамазон ойигача ёки таҳсилнинг ўрталаригача, энди бўлмади. Энди умид қиламанки, агар ижозатлари бўлса, бу ҳафта жанобларининг хизматларига бориб, бир-икки ҳафта хизматларини бажо келтириб, ҳамшираларни кўриб, маслаҳатлашиб яна қайтиб келиб истиқомат қилар эдим. Чунки жуда сиқилиб кетдим. Ёки бир саломатлик хати ёзиб ижозат берсангиз, Корсонга бориб, 3—4 кун саёҳат қилиб, яна истиқомат қилар эдим. Нима қилайки, худон таоло мен бечорани бу қадар бахтсиз ва иқболсиз қилиб яратган экан. Ҳеч кимга ёқмайман ва ҳеч ким яхши ҳам кўрмайди. Хусусан жанобларига истарам асло иссиқ товланмайди. Шундан гумон қиламанки, ман нима ёмон иш қилган эканманки, доимо мен бечоранинг бўлишимни хоҳлашмайди. Худон таоло ихтиёрни менга берганда ёки бандани дуосини тез ижобат қилганда, бундай ҳаётдан ўлимни афзал кўрар эдим. Нима илож қилайки, қудрат қалами билан жанг қилиб бўлмас экан. Ҳарна бўлса ҳам бир жигаргўшаларингизман, хоҳ илтифот қилсангизлар, хоҳ йўқ, чунки ҳалигача мен нотавон бирон орзумга эришганим йўқ, мени деб Мадинаи шарифдан келдингиз. Бу ишларга сабаб нима экан? Юз йилги умрим бир марта дилимнинг маънос бўлишига арзимамайди, нима қилайки, ўлимга илож тополмай турибман. Ҳар бор бирон ҳамроҳларимни кўрсам, баданим титраб кетади. Илоҳи, бу бахтсиз гумроҳларнинг толенга ҳаминша саломат бўлинг. Хатнинг жавобига мунтазирман.

Яна нима ҳам дейман?

Ассалому алайкум.
Қариндош уруғларга дуои салом айтинг.

Мулла Ҳамза.

[ИБН ЯМИН НИЁЗ УҒЛИГА]

(138-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда отасига Намангандан йўллаган мак-
туби.

Т а р ж и м а с и :

Ассалому алайкум.

Қиблагўҳимга оллоҳу таоло икки дунёда тинчлик ва омон-
лик берсунким, у кишининг умри иқболи ва давлатларини қиёмат
қуиларигача етказсин, омин.

Бу хизматдан узоқ мажжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ
шафқатдастгоҳ, қиблаи ҳақиқий ва каъбаи таҳқиқ хизматидадир,
арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига
етиш учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан
ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандли-
гини тилаш асосий маглабимиздир. Умид қиламанки, дуо ва ил-
тижоларимиз ижобат ҳадафига етади, омин. Иккинчидан, яширин
қолмасунким, зулқаъда ойининг йигирма учинчиси эдики, Ҳожининг
муборак қўлларидан жуда интизорлик вақтида бир мактуби
мубораклари ҳамда бир кўрпа, бир қадоқ чой ва уч сўм пул ва
бўқоқ дори келиб тегди. Зиёда хурсанд бўлдим. Нури Афзий қў-
лидан икки сўм ва тўн ва мулла Абдулмўмин қори келтирган бир
сўм, яна кўйлак, лозимликни ҳамда Турсунбой аробақашдан 2 сўм
пул — ҳаммаси хатда хитоб қилган эдим, эҳтимол етиб борма-
гандир, авф этсинлар ва мазкур бўқоқ доруни мулла Абдумўмин
домлага киргизиб бердим, кўпдан-кўп хурсанд бўлиб, дуо қилди-
лар ва яна дуо айтдилар. Эшонимнинг жигаргўшалари кириб,
«Шарҳи мулло», «Баҳси исм» ва «Мухтасари виқоя»дан ва ўша
мулла наманганлик Абдумўмин қори, қайсики пул келтирган эди,
ўқиб турибмиз ва Қори домлада «Ҳошия» ўқиб турибмиз. Умид
қиламанки, бу узоқдагиларни ҳам шариф хотирларидан ўчирмас-
дан, гоҳ-гоҳида беш вақт намоз вақтида дуода ёд қилсалар. Шо-
яд жанобларининг дуолари шарофати билан бу бечорага худои
таборак карамидан ато қилиб ўз орзусига етказса ва илм сама-
расидан насибу рўзи қилса, ота-онанинг ҳурматидан озор етмаса.
Ва бошқа шуки, саккиз газ читим бор ва озгина пахтаси ҳам бор.
Машиначида шуларни йиртиб жўнатсам, ҳайитгача волидамни
қўллари ёки Ачахон синглимининг қўллари тегиб, мумкин бўлса,
бир камар ва лозимлик ич кийим тикиб олсалар.

Жавобини мактубда ёзганимда жўнатар эдим.

Яна нима ҳам деяр эдим? Ассалому алайкум ва али мин ядикум.

Дуоғўйингиз мулла Ҳамза.

Бошқаларга дуон салом ва хатингизнинг келишига мунтазирман. Жой ҳам қолмади.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(140-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига ёзган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Оллоҳ мангу.

Жаноби қиблағоҳимга оллоҳу таоло икки дунёда тинчлик ва омонлик берсун. У кишининг умри, иқболи ва давлатларини қиёмат кунларигача етказсин, омин.

Бу хизматдан узоқ маҳжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ, шафқатдастгоҳ, қиблаи ҳақиқий, каъбаи таҳқиқ хизматидадир, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига етиш учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандлигини тилаш асосий матлабимиздир. Умид қиламанки, дуо ва илтижоларимиз ижобат ҳадафига етади, омин.

Иккинчидан, яширин қолмасунким, бир мактуб домла қўлидан келиб тегди. Мутолаа қилиб билдим. Шариф амрларини бандангиз минглаб хурсандлик билан қабул қиламан.

Лекин Аҳмадали номли бир бола ҳақида Эшон қори акамдан сўраб кўринг, нима дер эканлар. Агар айб каминада бўлса, юз тавба билан ҳайитдан кейин Сардобага бораман. Ва бошқа шуки, волидамиз Хожархон, Ачахон ва Эшонқорини мақсадларига етказдилар. Фақирга келганда, бирданига ҳаммалари бечора ва фақир бўлиб қолдилар. Бу ҳам менинг иқболим экан. Ҳамма ишимдан айб топилади. Ҳарна бўлса ҳам камина ўз фарзандингизман, хоҳ ёмон бўлсам, хоҳ яхши. Яна арз қиламанки, кўйлак, лозим ва бир беқасам чопон жўнатдим. Тўйга пахта соладиган эди. Ҳайитда киймоқчи эдим ва кўйлак, лозимни ювдириб юборсинлар. Ва бошқа шуки, уйда менинг бир калошим бор, юборсалар, махсини бўятиб кияр эдим. Қафшим кўп нобуд бўлаяпти. Бир бедона кафш сотиб олган эдим, рамазон келиб қолди, яна сотиб юбордим. Ифторлик ва саҳарликка харжладим. Бу ҳам қарийб тамом бўлиб қолди.

Бошқа нима ҳам дейман? Ассалому алайкум.

Дуоғўйингиз мулла Ҳамза.

Умид қиламанки, бирор эскироқ дасторингизни юборсангиз, табаррук қилиб, ҳайитда кияр эдим. Рамазони шарифнинг 18-си.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(141-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига ёзган мактуби.

Т а р ж и м а с и :

Ассалому алайкум.

Оллоҳ мангу.

Ул қиблагоҳимга оллоҳу таоло икки дунёда тинчлик ва омонлик берсун, у кишининг умри иқболи ва давлатларини қиёмат кунларигача етказсин ва бу дунёдан охиратгача саодатли бўлайлик, омин ва раббул оламин.

Бу хизматдан узоқ маҳжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ, шафқатдастгоҳ, қиблаи ҳақиқий ва каъбаи таҳқиқий хизматидадир, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафи учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандлигини тилаш асосий матрабимиздир. Умид қиламизки, дуо ва илтижоларимиз ижобат ҳадафига етади.

Сониян, яширин қолмасунким, алҳамдулиллоҳ бу фарзанди ноқобилингиз Тошканд шаҳрида Қадувот маҳалласида Ҳожи Қалимуллоҳ ибн шоҳ Азим ҳожи марҳум хонадониди хизмат ва истиқоматда устувордурман. Баъзан бир калима дарс ва озгина табобат била кундалик турмуш харажатлари учун шуғулланиб турибман. Илоҳи, жанобларининг дуолари ҳурмати учун оллоҳ таоло ўз қараму фазлидан бу пургуноҳ бандани мақсадига етказсин, омин. Албатта, сониян, шуки, бандани қандай ихтиёри бўлсинки, волиданинг ижозатларисиз бирон жойга борсам. Лекин шарм ва одоб кучлилик қилиб, бу қадар сарсонлик бошга тушди. Ушал кунки, Намангандан қайтдим. Ҳарчанд ҳаракат қилдим яна жаноблари ҳам бир неча бор каминадан мақсадни сўрадилар, ҳарчанд тилимга келтирдим, лекин норози бўлишларингизни андишасини қилиб тилимни тийдим. Ва лекин, неча марта сизни ёлғон айтдим, арз қилсам ҳам мақсад ҳосил бўлмади. Аммо ўғул ва ота-она ўртасида яқинлик ҳам керак эмас эди. Илло, ўша вақтларда банда ёшлик қилган эканман. Умид қиламанки, албатта, бандани афв этгайсиз. Худои таборак бандаларига қандай кулфат ва қандай роҳат бермоқчи бўлса, аввало ўша пургуноҳ банданинг дилига ўша нарсанинг ишқу муҳаббатини солар экан ва ҳеч нарса уни йўлдан тўхтата олмас экан. Бас, шундай экан, банданинг қандай ихтиёри бўладнки, худои азаважалла ўзининг фазлу қарамии билан унинг кўнглига ўзининг муборак каъбасини ва мутабаррик пайғамбарининг равзасини (қабрини) кўришни бу юзи қо-

ра ва пургуноҳ бандасининг дилига солган бўлса. Билмайман, бу айбми ё йўқ. Лекин кечаю кундуз умид қиламанки, бу қадар ишқу муҳаббат ва беқарорлик, иншооллоҳ, мақсадга ва матлабга етишиш учун керак, омин. Лекин бу ақли қосирим билан фаҳм қиляяпманки, бу қадар кечикиш ва кетишга моневъликнинг ва мақсадга эришиш жанобларининг дуо ва ризоликлари бўлса керак, зероки, ҳадиси шарифда «оллоҳ таолога ризо бўлади ул ибодатданким, ота-она рози бўлса». Бу ҳадиси шарифда айтганидай, йўлимнинг берк бўлиши жанобларининг рози бўлмаганликлари саргардон бўлишимнинг сабаби бўлса керак. Иншооллоҳ, бу аризининг етиб бориши билан худон таборак ва таоло ўз лутфи билан бу ҳар икки мақсадимга ўз лутфи билан муяссар қилади, деб дуоларидан умидвор ва интизордурман, омин. Сониян (иккинчидан), шуки, Бухорои шарифдан чиқиб, Қобул томон бораман, деб йўлга чиқиб, Қогонга келган эдимки, Ҳожи Калимуллоҳ мбн Диловор Шоҳ Азим Ҳожи марҳум мазкур бандани кўриб ҳол-аҳвол сўрадилар. У киши Бухорои шариф зиёратидан ўзларининг томонга кетаётган эканлар. Мақсадни акамга арз қилган эдим, дилдорлик қилиб кўп насихатлар қилиб, манъ қилдилар ва айтдиларки, банда бу йўлда етти йил бориб-келиб юрдим ва икки йил Маккаи шарифда ва Мадинаи шарифда турдим ва бу йўлнинг кўп машаққатлари ва азиматлари бор. Менга ҳамроҳ бўлинг, Тошкентга бораёй. Мен сизга бир ҳужра топиб бераман, уч-тўрт кун истиқомат қилиб, дуода бўлсангиз, зора сизнинг иқболингизга бирор босаховат одам топилса, қўшиб юбораман ва ҳам қиблагоҳингиздан жавоб олиб бераман, деб кўп-кўп дилхоҳликлар қилиб бирга олиб кетдилар. Икки-уч кун эшоннинг ҳовлиларида истиқомат қилиб турдим. Кейин яқинда бир масжиднинг ҳовлиси бор экан, эшоннинг ўзлари имом эканлар, бир ҳужрасини бўшатиб, фалос солдириб бердилар, хизматларини бажо қилиб юрган эдимки, бир кун бир одам кириб келди. Ейиш-ичишдан кейин айтдиларки, бу киши Ҳожи Абдулло Тошкандий экан. Қарийб етти йилдан бери Мадинаи мунавварада истиқомат қилар эканлар. Бу йил саёҳат тариқасида келибдилар ва барот ойларида қайтиб кетар эканлар. Хизматларида сизга ўхшаган муллабачча керак экан. Агар қабул қилсангиз, бориш-келиш сарфларини дариг тутмайдилар. Қиблагоҳингизга хат ёзинг ёки бориб келинг, жавоб ва билет олиб келасиз. Билетнинг харажатларини ҳам берадилар, деб марҳаматлар қилдилар. Банда камоли хурсандликдан сабр-тоқат ва оромим йўқ. Шу ўртада домла Қалом бир иш буюрдиларки, бориб келаётган эдимки, йўлда қўшнимиз мулла Назир қори рўпара бўлдилар, ҳол-аҳвол сўрадилар. Бақадри ҳол жавоб бердим. Бирга олиб кетаман, дедилар. Йўқ, деб жавоб бердим. Лекин бу мақсадни изҳор қилмадим, бошқа гапларни айтган эдим, билмадим, айтдиларми, йўқми. Умид қиламанки, айтгандир. Бир табаррук хатингиз саломатликларини ҳақида келадим, деб шу кунгача мунтазирман. Энди мазкур Абдулла Ҳожи ҳар кун келиб, хабар олиб турибдилар. Илоҳи, саломат бўлсинлар.

[Мулла Ҳамза.]

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(143-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига ёзган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Оллоҳ мангу.

Жаноби қиблагоҳимга оллоҳу таоло икки дунёда тинчлик ва омонлик берсун. У кишининг умри иқболи ва давлатларини қиёмат кунларигача етказсин, омин.

Бу хизматдан узоқ мажжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ, шафқатдастгоҳ, қиблаи ҳақиқий ва каъбаи таҳқиқ хизматидадир, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига етиш учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандлигини тилаш асосий маглабимиздир. Умид қиламанки, дуо ва илтижоларимиз ижобат ҳадафига етади.

Иккичидан, яширин қолмасунким, интизорлик вақтида бир муборак мактублари Мулла Нури Афзий қўлидан бир пахталик тўн ҳамда 2 сўм пул билан бирга келиб тегди. Бу жигаргўшалари минглаб хурсандчиликка эришиб, ўта сарафроз бўлдим ва хатни ўқиб билдимки, менинг томон муддаоимга сизқидидан фикр билдирилган ва бу мактуб мусофирингизни минглаб хурсандлик ва фараҳмандликка мушарраф қилди. Илоҳи, бу бечораларнинг иқболига эртаю кеч, балки ҳар доим сиҳат ва саломатлик мартабасида ва давлатмандлик бисотида барқарор ва устувор бўлсинлар, омин. Ва бошқа шуки ўша беқасам тўн ҳам келиб тегди. Мадраса вақфидан жуда қийинчилик билан теккан эди, унга 2 сўмга ёғ олиб қўйдик, иншооллоҳ, умид қиламиз беш вақт намоз вақтида дуоларида каминани фаромуш қилмайдилар. Ва бошқа шуки, хат келтирувчи мулла Хидирали номли мусофир ва «Усули жадид»да муаллим ва Авлиё ота тобеи ва қадрдон Қори домла саёҳат учун Тошкентга борар эканлар. Жанобларининг хизматига тайинладим, бир-икки кун меҳмон бўладилар, гуноҳимни авф этгайлар.

Яна нима ҳам дейман? Ассалому алайкум. Бошқа хатингизга мунгазирман. Бошқаларга дуои салом. Ҳамда меҳмон акамизга ҳам дуои салом. Илоҳи, худон таоло ўз карами билан сизга давлат ва узоқ умр берсин.

Дуогўй жигаргўшангиз мулла Ҳамза.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(145-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига юборган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Оллоҳ мангу.

Жаноби қиблагоҳимизга оллоҳу таоло икки дунёда тинчлик ва омонлик берсун.

Бу хизматдан узоқ маҳжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ, шафқатдастгоҳ қиблаи ҳақиқий ва каъбаи таҳқиқий хизматидадур, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига етиш учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандлигини тилаш асосий матрабимиздир. Умид қиламанки, дуо ва илтижоларимиз ижобат ҳадафига етади.

Сониян (иккинчидан), яширин қолмасунким, камина бир навъи яшаб юрибман ва илм талабида ҳаракат қилмоқдаман. Лекин умид қиламанки, жаноби қиблагоҳим ўзларининг шариф хотираларидан фаромуш қилмай, дуо вақтида эслаб юрадилар. Умидим борки, шояд жанобларининг дуолари шарофати билан бу каминага худон таоло ва таборак илм хазинасини ўзининг карам билан ато қилгай. Ажаб эмас, иншооллоҳ. Иккинчидан, умид қиламанки, бир анбар исли мактубингизни жанобларининг шахсан ўз қўлларидан олишга умидвордурман. Шояд бу мусофирликда банданинг хурсандчилигига сабаб бўлиб хотиржам бўлар эдим. Илоҳи, бу бандаларнинг толеига яратувчи оллоҳ ўзининг лутфу карами билан жанобларининг умрларини зиёда, саломатлик ва тандурустлик ато қилса, деб эртаю кеч дуода қўл кўтараман, омин.

Яна нима ҳам дейман? Ассалому алайкум.

Дуоғўйингиз мулла Ҳамза.

[ИВН ЯМИН НИЕЗ ЎҒЛИГА]

(145-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига юборган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Оллоҳ мангу.

Жаноби қиблагоҳимга оллоҳу таоло икки дунёда тинчлик ва омонлик берсунким, у кишининг умри иқболи ва давлатларини қиёмат кунларигача етказсин, омин.

Бу хизматдан узоқ маҳжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ, шафқатдастгоҳ, қиблаи ҳақиқий ва каъбаи таҳқиқий хизматидадир, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига етиш учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқ-

болмандлиги асосий матлабимиздир. Умид қиламанки, дуо ва илтижоларимиз ижобат ҳадафига етади.

Иккинчидан, яширин қолмасунким, ҳайитга яқин Турсунбой аробакаш қўлидан бир табаррук хатингиз харита (посилка) билан бирликда ва уч сўм пул келиб тегди. Қўпдан-қўп хурсандчилик ҳосил бўлди. Посилка ичида бир беқасам чопон ва бир дўппи бор экан. Илоҳи, бу бечораларнинг иқболига ҳар доим саломат бўлсинлар, омин. Ва бошқа шуки, дўппини Қори домлага киргизиб бердим ва жанобларига дуо олдим. Улар маъжун (дори)га киноя қилдилар ва сўрадилар. Ва бошқа шуки, ҳужрага озгина кўмир ва ўтин олмоқчи эдим. Илоҳи, саломат бўлсинлар.

Яна нима ҳам дер эдим? Ассалому алайкум. Хатнинг жавобига мунтазирман. Ҳаммага дуон салом.

Дуогўйингиз мулла Ҳамза.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(146-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига йўллаган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Ассалому алайкум.

Оллоҳ мангу.

Оллоҳ таоло Сиз қиблагоҳни уйларига доимо тинчлик ато қилсун. Умрингизни зиёда, иқболингизни то қиёмат-қойимгача улуг қилсин, омин.

Бу хизматдан узоқ маҳжурданким, ҳамаги марҳаматпаноҳий ва шафқатдастгоҳий қиблаи ҳақиқий ва каъбаи таҳқиқий хизматидадур, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафига етиши учун фармонбар ва ризо густардир. Бошқа таманнолардан ташқари, кеча-кундуз мақсадимиз пушту паноҳнинг иқболмандлиги асосий матлабимиздир. Умид қиламанки, дуо ва илтижоларимиз ижобат ҳадафига етади.

Сониян, яширин қолмасунким, бу ноқобил фарзандингиз Наманган балдасида турмуш ташвишлари билан истиқомат қилиб ва қадри ҳол жанобларининг дуолари билан муқим мустақимдурман. Илоҳи, бу узоқдагиларнинг иқболига эрта-ю кеч, балки ҳар доим давлатмандликда, сиҳат-саломатликда ва узоқ умрбоқийликда кунлари ўтсин, деб ҳамма вақт дуодадурман. Умид қиламанки, бу жигаргўшаларини ҳам шариф хотирларидан чиқармасдан, гоҳ-гоҳ беш вақт намоз вақтларида эслаб, дуода бўлсалар. Зора жанобларининг дуолари шарофати ила худон таборақ ва муқаддас ўзининг карами билан бу бечора ва бебахтни ҳам небахтлар қаторида ёмон йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солса ва

илм самарасидан насиб қилса, омин. Ушбуларни баёнидин сўнг шунин билдираманки, мулла Абдулмўмин қори наманганлик шафқат юзидин бир сўм пул ва кўйлак-лозимликни юборган эдилар. Интизорлик соатида келиб тегди, минг-минг хурсандчиликка сарафроз бўлдим, лекин мактуб йўқ. Сабаби нимада экан? Ва бошқа яна шунин айтмоқчиманки, агар илож бўлса, бирор кўрпа ёки кўрпача бўлса, юборсалар, айни илтифот бўлар эди, чунки ҳужрада икки киши истиқомат қиламиз. Зоҳидилло маҳдумнинг икита кўрпалари бор эди, биттасини ҳужрага, биттасини танчанинг устига солдик, хобгоҳга қолмади. Арзим шуки, авф этгайсиз ва қабул этгайсиз.

Яна нима ҳам айтар эдим? Ассалому алайкум. Бошқаларга кўлдан-кўп дуои салом. Хатни олишингиз билан жавобига умидвор ва интизор бўламан.

Нури чашмингиз ва дуоғўйингиз мулла *Ҳамза*.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(147-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига ёзган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Ушбуларнинг баёнидан сўнг шунин айтмоқчиманки, Абдулмўмин домлага кириб дарс ўқидим. Озгина бўқоқ дору керак, дедилар, умид қиламанки, шу ҳафта хат олиб борувчидан бериб юборасиз.

Албатта, ёлғончи қилмагайсиз.

Фаромуш қилган эканман, яна бу мактуб орқали арз қилдим, авф этгайсиз, албатта. Икки танга берган эдилар, олиб қўйдим, албатта.

Дуоғўйингиз мулла *Ҳамза*.

Ушбу хатнинг сўнгида қуйидаги ёзув бор:

«Ушбу хат Хўқандда мадрасаи Ҳоким оймда турғувчи наманганлик мулла Абдулҳаким охунга тегиб, баъда мулла Ҳамза қиблагоҳларига тегсун».

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(148-бет)

Ҳамзанинг 1909 йилда Намангандан отасига ёзган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Саломдан сўнг ва дуо талаби жаноби қиблагоҳим ва падари бузрукворим ва қори акамга бўлсинки, камина билетни ариза билан Хўқанд приставига юборган эдим, хабари бўлмади. Каминанинг ўзи қишлоққа борган эдим. Агар қадамингизни дариг тутмасангиз, бир сари қадам учинчи приставга бориб, каминанинг номини айтиб, Юнусхондан сўрасангиз, беради. Агар берса, камина бир хат юбориб олдирарман, агар бермаса, зарари йўқ. Лекин Марғилонга юбориш эҳтимоли бордир. Биз бу ерда бўлмасак, албатта, бизга тегмайди. Бу ҳақда Юнусжонга ёки элликбошига айтсангиз, албатта, тадорикини (чорасини) уларнинг ўзлари кўради. Агар сўраса, шуни изҳор қиласиз. Назариддин мингбошининг ўзи маҳкамага юборади.

Боқий яна нима ҳам айтар эдим? Ассалому алайкум. Ҳаммага дуои салом етказгайсиз.

Нури чашмингиз мулла Ҳамза.

Маскур хатга қуйидаги сўзлар илова этилган: «Ушбу хат Хўқандаги Бўронбой Миртожибой ўғлига тегсун. Сўнгра қиблагоҳимизга берурсиз. Марғилондан Ҳамза Ҳакимзодадан».

[ИБН ЯМИН НИЁЗ ЎҒЛИГА]

(148-бет)

Ҳамзанинг 1915 йил 3 сентябрда Марғилондан отасига юборган мактуби. Почта карточкасига ёзилган ушбу мактуб 4 сентябрда Қўқонга бориб етган.

Т а р ж и м а с и:

Ассалому алайкум.

Шукргўйлик маросимидан ва писандида орзудан сўнг дуо ва ризоғўйлигимиздан кейин маълум бўлсинки, бу ноқобил жигаргўшангиз ҳарчанд ватандан узоқда бўлса ҳам Сизнинг насимдек руҳ хосиятингиздан таважжуҳ гўшасида баҳраманд бўлиб, сиҳат ва саломатлик вартасидадурман. Вагарна бу назар ва дуоларким, ватан бизга ато қилади ҳар кун такрор бўлуб, ундан самара ва баҳравар бўлиб бир кун ҳам ундан маҳрум ва узоққа тушмаганмиз. Балки минглаб-минг бу руҳ пушаймонликка алоқадор бўлган. Шояд Сиз ҳам, бу оятда айтгандай, илтифот қилиб, [бизни] дуо ва ёд қилгайлар. Умид бор ва шубҳа йўқки, илтижомиз мақсад ҳадафига етса. Маълум бўлсинки, бу ҳафта бир оз касал бўлиб хизматингизга етиб боролмадим. Маъзур тутгайсиз. Кейинги ҳафта дийдорингизга мушарраф бўлиш умидим бор.

Сизнинг нури чашмингиз марғилонлик

Ҳамза.

1915 йил 3 сентябрь.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ УҒЛИГА]

(149-бет)

Ҳамзанинг 1916 йил 27 мартда Марғилондан ёзган мактуби. Почта карточкасига ёзилган ушбу хат 28 мартда Қўқонга бориб етган.

Т а р ж и м а с и:

Падари бузрукворимизга етиб маълум бўлсинки, қулингиз жанобларининг раҳнамолигида ҳаёт кечирмоқдаман. Яна шуки, у кишининг раҳбарликларида ишимиз анжомга етмоқда. Гарчи умид қиламизки, ишимиз осон кўчмоқда, лекин ишчиларнинг орасида машаққатли, асоссиз нарсалар ниҳоятда кўп. Дуруст, инқилоб ҳар бир оилага кириб келди, ҳар бир жойда мавжуд. Лекин кундалик важҳ (сабаб) тарафларнинг беғубор шартидир. Биз амакининг уйига бир нома юборган эдик. Унинг талаби ва таҳриридан маълум бўлдики, унинг ихтиёри жудоликка тушибди. Биз ҳам замон тақозоси билан унга фармон юбордик. Кўнгил кўнгилга қандай йўл топади. Жанобларининг олдиларига мулоқот учун борган эдим, учрашиш муяссар бўлмади. Умид қиламанки, менинг номаъқул руқъамнинг таърифидан кейин қадам ранжида қилсангиз, ишнинг яхши амалга ошиши учун нима қилиш мумкин, Сизнинг фикрингизга мунтазирман. Шёър:

Гуноҳимнинг натижасидан иқболим эгилди,
Гардун елга соғуриб, ниҳолимни эгди.
Нима бўлса бўлсин, эй гул, мени сақла,
Кўнгил дунё афсонасинин (фисқ фасодларидин) безди.
Минг-минг рўзгор фасонасидан қулоқдаги бир зирак
афзал.

Ҳақимзода.

[АФҒОНИСТОН ЭЛЧИХОНАСИГА]

(150-бет)

Ҳамзанинг Афғонистоннинг Тошкентдаги элчихонаси ходимларини «Шарқ» театри биносида уюштирилган кечага таклиф қилиб ёзган хати. Хат тахминан 1919—1920 йилларнинг февраль ойида ёзилган.

Т а р ж и м а с и:

Афғонистон элчихонасига ҳурмат билан таклифлар!

Туркистон ёшларининг истиқболни ҳимоя қилиш ва ёшларга таълим-тарбия бериш мақсадида театрнинг роли катта эканлиги ҳақида қарор қабул қилинди. Эртага ана шу муносабат билан, яъни 29 февраль соат 10 да Эски шаҳардаги «Шарқ» биносида талабалар томонидан Шодлик кечаси ўтказилади. Жаноблари ана шу кечага ташриф буюрсалар, айни муддао бўлур эди.

Кеча мудири.

АРАБ ТИЛИДА ЕЗИЛГАН ХАТЛАР

[ИБН ЯМИН НИЁЗ УҒЛИГА]

(151-бет)

Ҳамзанинг 1908—1909 йилларда Намангандан отасига юборган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Ҳувал ҳайй.

Ассалому алайкум.

Дуо ва салом хизматингиздаги ўғлингиздан.

Эй ота, мен Наманган шаҳрида масжид хонақоҳида истиқомат қилиб турибман. Шу кунларда аҳволимиз яхши. Кеча-кундуз Сизнинг дуои жонингиз билан машғулман. Оллоҳ таолодан доимо Сизни икки дунёда улуғлашни ва қиёмат кунигача умрингизни, иқболингизни зиёда қилишни сўраб турибман. Омин. Мен Сиздан ҳар доим, менинг ҳақимга дуо қилишингизни истардим. Мени Сизнинг дуоларингиз туфайли оллоҳ таоло илм самараларидан баҳраманд қилғай. Омин. Бу ёзишмаларни билишингиз учун шу хатимдан олдин ҳам Турсундан бир хат ва харита бериб юборгандим. Хабар келмади. Нима ҳодиса бўлганини билмадим. Омин. Шу кунларда унинг жавобини кутаман. Мен аҳволим ҳақида ёздим, бу саломимнинг давоми. Дуо ва салом.

Ўғлингиз мулла Ҳамза.

[ИБН ЯМИН НИЁЗ УҒЛИГА]

(151-бет)

Ҳамзанинг 1908—1909 йилларда Намангандан отасига йўлланган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Ҳувал ҳайй.

Ассалому алайкум.

Сизнинг ўглингиздан Сизга дуо ва салом.

Ота, мен Наманган шаҳрида илм олиш ҳаракатида юрибман. Мен оллоҳ таолодан ҳар кеча ва кундуз илмга ташна қалбимни қондиришни сўрайман. Худо хоҳласа, менинг истагим мени ҳайратлантирувчи ўтган ва ҳозирги замон олимларининг илм самараларидан кўпроқ баҳраманд бўлишдир. Оллоҳ таолодан Сизнинг умрингизни, давлатингизни, иқболингизни икки дунё кам қилмаслигини сўрайман. Бу мактубимдан аввал ҳам сизларга бир мактуб ёзгандим. Мактубим сизларга етдими ёки йўқми? Бу ҳақда мен ҳеч хабар билганим йўқ. Ота, мен бу мактубимда ҳол-аҳволим ҳақида ва рухсатингиз билан ҳузурингизга бориб, хизматингизда 5—10 кун бўлиб, кейин ижозатингиз билан қайтишим ҳақида ёзгандим. Агар Сиз менга мамнунлик билан жавоб йўлласангиз, у шаҳарда 1000 йиллар, умримни охиригача яшардим.

Оллодан Сизнинг дуои жонингизни сўровчи нури дийдангиз

Мулла Ҳамза.

Яна менинг дўстларим, Сизларга салом. Мендан Сизга, онамларга, акамга, синглимга, Ғуломжон, Анорхон, Аъзамжон, Раҳимжон укаси Олимжон, Сафийахон опасига каттадан-катта дуои салом. Ушбу мактубим етиб боргандан сўнг, унинг жавоби йўлида кўзим нигорондур.

19-сафар ойи. Дуои салом.

Мулла Ҳамза.

[ИБН ЯМИН НИЕЗ ЎҒЛИГА]

(152-бет)

Ҳамзанинг 1908—1909 йилларда Намангандан отасига юборган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Ҳувал ҳайй.

Ассалому алайкум.

Ота, устозим, икки дунёда олло Сизга тинчлик ато қилсин. Қиёматгача оллоҳ, умрингизни, давлатингизни, иқболингизни улур қилсин!

Аби каломи хизматидаги кўз нурунгиздан. Мен Наманган шаҳрида масжид хонақоҳида истиқомат қилиб турибман. Куну тун оллоҳга шукур қилиб яшаяпман. Аҳволим яхши, ҳар кечакундуз Сизнинг дуои жонингизни қилиш билан машғулман. Дуодан сўнг ўқишларим ва ҳол-аҳволим ҳақида. Бу ерда ўтаётган кунларим мулло Абдулмўмин хизматида ўтаяпти. Дарс ун-наҳв,

масъала дарси, Қори домладан ҳошия дарсини ва бошқа илмларни ўрганаяпман. Шу вақтгача мен илм олишдан узоқроқ эдим. Сиздан ҳамма вақт, айниқса намоз вақтида чин дилингиздан мени кўп дуо қилишингизни сўрайман. Сизнинг муттасил қилган дуоларингиз натижасида мен илм самараларига кўпроқ эришаман. Мен Сизга душанба кўни мактуб ёзгандим, унгача Сиз жанобларидан мактуб олдим, ўқиб, беҳад шод бўлдим. Кейин ёзган мактубимни жўнатиб юбордим. Сиздан мактубимга жавоб кутаман. Қолганларга менинг саломим ва каломимни етказинглар.

Кўз нурингиз мулла Ҳамза.

Мендан онамга, опамга ва укаларимга кўпдан-кўп дуои салом. Арабчада бир хат ёздим, хатоси бўлса, авф этинг, албатта.

[ИБН ЯМИН НИЁЗ УҒЛИГА]

(153-бет)

Ҳамзанинг 1908—1909 йилларда Намангандан отасига юборган мактуби.

Т а р ж и м а с и:

Хувал ҳайй.

Ассалому алайкум.

Уғлингиздан Сизга маъруз, дуо ва салом. Мен Наманган шаҳрида ўз хонамда истиқомат қилиб турибман. Аҳволим яхши, илм ўрганиб турибман. Оллоҳ таолодин кеча-кундуз Сизнинг умрингизни, давлатингизни ва иқболингизни қиёмат кунигача зиёда қилишини тилайман. Оллоҳ Сизни икки дунёда улуғ қилсин. Мен Сиздан намоз вақтида ҳар доим мени ҳаққимга дуо қилишингизни сўрайман. Сизнинг дуоларингиз ҳурмати оллоҳ таоло мени илм самараларидан баҳраманд қилади, омин. Мени каломим етиб борганидан сўнг Сиздан бир мактуб келди.

Мулла Ҳамза.

РУС ТИЛИДА ЕЗИЛГАН ХАТЛАР

[ҚУҚОН ШАҲАР МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(154-бет)

Ҳамзанинг «Дор уш-шафақа» мудири сифатида Қўқон шаҳар маориф шўъбасига юборган хати.

Ушбу хатнинг чап бурчагига: «Разрешается отделом продать хакю и срочно приобрести дрова» деган резолюция қўйилган.

[ҚЎҚОН ШАҲАР МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(154-бет)

Ҳамзанинг Қўқон шаҳар маориф шуъбасига «Дор уш-шафақа» қошида болалар драматик труппаси оркестрини тузиш ниятида юборган хати.

Хатнинг орқа томонига қуйидаги резолюция қўйилган: «Тов. Ниязову. Постановление коллеги от 20. XII. 20 г. протокол № 38 разрешено 13-го поставить спектакль для организации детской труппы и оркестра». Ушбу резолюция тағига шуъба мудир ва котиби имзо қўйганлар ҳамда муҳр босганлар.

[ОБКОН ТАШВИҚОТ ВА ТАРҒИБОТ ШУЪБАСИГА]

(154-бет)

Ҳамзанинг мусулмон труппасининг масъул раҳбари сифатида Хоразм обкоми ташвиқот ва тарғибот шуъбасига ёзган хати.

Хатнинг четига қуйидаги резолюция қўйилган: «Зав. клубом имени Ленина. Отпустить под личную ответственность. Зав. агитпрос обкома К. П. Т. (имзо). 5. VI. 22».

АРИЗАЛАР

[УЛКА МАОРИФ НАЗОРАТИГА АРИЗА]

(155-бет)

Ҳамзанинг бувосил касаллиги билан оғриган кезларида Улка маориф назоратига ёзган аризаси.

18 *Сарафроз* — хурсанд, шод, қувноқ.

28—29 *Истифсор этингиз* — суриштириб билинг.

[МАОРИФ ШҮРОСИНИНГ БОШЛИҒИГА АРИЗА]

(158-бет)

Ҳамзанинг «Дор уш-шафақа» мудир сифатида Қўқон маориф шўроси бошлиғига юборган аризаси.

7 *Исҷёт* (сҷёт) — ҳисоб-китоб.

7—8 *Заведуйуши* (заведующий) — мудир.

[МАОРИФ ШҮРОСИГА АРИЗА]

(158-бет)

Ҳамзанинг Қўқон шаҳар Маориф шўросининг бошлиғи Усмон Ҳайдаровга ёзган аризаси.

[ХОРАЗМ ХАЛҚ МАОРИФ НАЗОРАТИГА АРИЗА]

(159-бет)

Ҳамзанинг Хоразм жумҳуриятининг халқ маориф назоратига ёзган аризаси.

Гарчанд ариза тагида «1. IX. 1922» санаси қўйилган бўлса-да, унинг шу йил август ойида ёзилганини тасдиқловчи ёзувлар мавжуд. Чунончи, ариза устига қўйилган резолюцияда қуйидаги сўзлар бор: «Молияга макотиб била англашуб верулсун. 31. VIII. 1922 й. Султон қори». Ушбу ёзув остига бошқа бир кишининг дастхати билан: «Молия мудирига, мазкур биродар 1 сентябрдан муаллим таъйин қилингандир, ҳозирда ўн миллийўн ованса верилувин ўтинаман. (Имзо). 1. VIII. 1922» сўзлари ва санаси ёзилган.

Яна шу аризанинг орқа томонига Ҳамзанинг 10 миллион сўмни олганлигини тасдиқловчи қайди, имзоси ва «1. VIII. 1922» санаси ёзилган.

[ХУЖАЙЛИ ХАЛҚ ШҮРОСИ БОШЛИГИНА АРИЗА]

(159-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли халқ шўроси бошлиғига ёзган аризаси.

Ариза тагига қуйидаги сўзлар ёзилган: «Ушбуни билан бир миллийўн оқчаларга расписка ёзуб берурсизлар. Бир соатдан сўнг товуб берурмиз, деб Хўжайли ижроня қўмита раиси Исмоил ўғли».

[МАРКАЗИЙ МАОРИФ НАЗОРАТИНА]

(159-бет)

Ҳамзанинг Хоразм жумҳуриятининг Марказий маориф назоратига ёзган аризаси.

Аризанинг орқа томонига «Таъминотга сўралгон оқча июнь ойида маҳсубан ованса тариқа верилсун! Маориф [нозири]. (Имзо). 923. VI. 11» деган сўзлар ёзилган.

Ушбу резолюциядан ташқари, яна қуйидаги ёзувлар мавжуд: «Ҳазиначиға. Ушбу сўролгон оқча ийун ойлиғидан ҳисоблануб қолмоқ шарти илан верулсун, деб таъминот мудирини (имзо). М. Раҳиммўф. 923. VI. 12»; «Шул қоғазда кўрсатилган оқчадан бир миллийўн олдим. (Имзо) Ҳамза Ниёзий»; «Яна бир миллийўн беш юз минг олдим, деб (имзо) Ҳамза Ниёзий».

[МАРКАЗ МАОРИФ НАЗОРАТИГА]

(160-бет)

Ҳамзанинг Хоразм Марказий маориф назоратига ёзган аризаси.

Аризанинг орқа томонига қуйидаги резолюция қўйилган:
«Хўжайли иштирокиюн мактаби мудирига!

Болаларни тарқатмоқ мумкин эмас. Ййул ойн исчётини вақтида марказга юборсангиз, теюшли харажат фули верилур.

Макотиб мудир (имзо).

1923. VI. 21».

[ХУЖАЙЛИ ВИЛОЯТ МАОРИФ ШУЪБАСИГА]

(160-бет)

Ҳамзанинг Хўжайли вилоят маориф шуъбасига иштирокиюн мактабидан озод бўлиш ҳақидаги аризаси.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИНИНГ
V ҲАЙЪАТ АНЖУМАН ШҮРОСИГА АРИЗА

(161-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон жумҳурияти V анжуман шуро ҳайъатига юборган аризаси.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗ ИЖРОҚҶМ РАИСИ
ЎРТОҚ ОХУНБОБОЕВ ЎФИЛЛАРИГА АРИЗА

(162-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Йўллош Охунбобоевга юборган аризаси.

Аризада Й. Охунбобоевнинг «Ўртоқ Раҳимийга. Ўртоқ Ҳамза Ҳакимзодани аризасини Сизнинг ихтиёрингизга ҳавола қилинди, ўқиб кўруб, фикрингизни айтмоғингиз учун. (Имзо) 13. XII. 26» деган резолюцияси ва Ваис Раҳимийнинг: «Ўртоқ Қорабековга. Ҳ. Ҳакимзодага давлат наشريётига мурожаат қилуб, китоб ёзиш тўғрисида сўзлашишни тавсия қилуб қороз ёзиш. (Имзо) 20. XII. 26», деган қайди бор.

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИГА АРИЗА

(162-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасига юборган аризаси.

ФАРҒОНА ОКРУГ ИЖРОИЯ ҚҰМИТАСИГА АРИЗА

(163-бет)

Ҳамзанинг Фарғона округ Ижроия Қўмитасига уй-жой масаласида ёзган аризаси.

ФАРҒОНА ОКРУГ ФИРҚА ҚҰМИТАСИГА АРИЗА

(164-бет)

Ҳамзанинг Фарғона округ Коммунистик партиясига юборган аризаси.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ ҚҰМИТАСИГА АРИЗА

(166-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитасига юборган аризаси.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН МАРҚАЗ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҚҰМИСАРИЯТИГА АРИЗА

(166-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон жумҳурияти Ижтимоий таъминот комиссариатига юборган аризаси.

МУРОЖААТНОМАЛАР**ҲУРМАТЛУ ВА ҒАЙРАТЛУ ХУҚАНД ТАРАҚҚИЙ
ВА ХАЛҚПАРВАРЛАРИГА ИЛТИМОСНОМАМИЗ**

(167-бет)

Ҳамзанинг 1914 йилда Қўқоннинг илғор ва халқпарвар кн-шиларига қилган мурожаати.

**ХАЛҚ МАОРИФИ ИЛА АРТИСТЛАР ОРАСИДА
БУЛҒОН ШАРТДАН ОЛИЙ МУФТИШ ТАСДИҚИ УЧУН
БАЕННОМА**

(167-бет)

Ҳамзанинг Хоразм жумҳуриятида театр труппасини тузиш режалари билан боғлиқ баённомаси.

**ФАРҒОНА ОКРУГ УЧҚАПРОФСОЗ КЛУБИ ҚОШИДАГИ
ҲАВАСҚОР ЎЗБЕК ТРУППАСИ ТОМОНИДАН ТАЛАБНОМА**

(171-бет)

Ҳамзанинг ҳаваскор ўзбек театр труппаси номидан ёзган талабномаси.

Учкапрофсоюз (Учредительный кооперативный союз) — Таъсис кооператив союзи.

НОМАЪЛУМ ТАШКИЛОТГА ЙЎЛЛАНГАН ТАЛАБНОМА

(173-бет)

Ҳамзанинг Ўзбекистон жумҳурияти марказий органларидан бирига йўллаган талабномаси

АДАБИЙ ЛАВҲАЛАР ВА ҚАЙДЛАР

(177-бет)

Ҳамзанинг 1908—1928 йилларга оид адабий лавҳалари ва қайдлари шоир ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг турли соҳалари ҳақида маълумотлар берувчи қимматли манба бўлиб, Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг Ҳамза фондида сақланади.

**ҲАМЗАНИНГ ИЖОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ
ФАОЛИЯТИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР**

(225-бет)

Ҳамзанинг ижодий ва ижтимоий фаолиятига тааллуқли турли рўйхатлар, театр афишалари ва тилхатлар Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг Ҳамза фондидан олинди. Фақат Ҳамза қаламига мансуб «1908 йилдан 1926 йилгача ёзилгон асарларимнинг рўйхати»гина давлат архивидан олинган бўлиб, у Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги шахсий пенсиялар тайин этувчи комиссия архивида 1123-рақамли папкада сақланади.

ҲАМЗА ҲАЕТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АССОСИЙ САНАЛАРИ

1889 йил, 6 март

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий Қўқонда табиб Ибн Ямин Ниёз ўғли (1836—1920) ва Жаҳонбиби Раббидой қизи (тахм. 1858—1910) оиласида туғилди. Бўлажак шоирнинг отаси эл-юрт ичида «Ҳақимча» лақаби билан машҳур бўлгани сабабли у Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий тахаллусини олган.

1899—1906 йиллар

Ҳамза Қўқон мадрасасида эски усулдаги мактаб таълимини олади.

1905 йил

Ҳамза Ниҳон тахаллуси билан лирик шеърлар ёза бошлайди.

1907 йил, 30 март

Ҳамза Ҳайдарбек маҳаллалик Обиджон Маҳмуд ўғлига олти ой муддатга мирзоликка ишга киради.

1907 йил

Ҳамза отасининг хаж қилиш учун чет эл сафарига кетиши муносабати билан уни Қашқаргача кузатиб боради.

1908 йил

Ҳамза Қўқонда қоракўл заводидида ишлайди. «1908 йилларда Хўқонда Ҳожибек гузаридида Абдулвоҳид Муҳаммад Зоҳиджон ўғлига мирза бўлиб, қоракўл заводидида турдим»,— деб хотирлайди у ўз қайдларининг бирида.

Ҳамза Наманганда таҳсил олади. Шу ерда қўл матбааси билан майда рисолача, эълонлар чиқариб турувчи бир татар йигити билан танишади. «...мен ҳар ҳафтада бир-икки унинг билан суҳбат қиладир эдим. У мени хийли дардлаган бўлса керак, шу кундан бошлаб эски подшолар турмушидан бир «Ҳақиқат кимда?» исмли роман ёзган эдим... Бундан буёғи шеърларим миллий ва инқилобий тусларни ола бошлади»,— деб хотирлайди у таржиман ҳолида.

1909 йил

Шоир араб тилини ўрганиш учун Бухорога Икромча домла ҳузурига боради. Лекин шналар билан суннийлар ўртасида бошланган жанжал туфайли унинг режалари барбод бўлди. У Қонгонга қайтиб, матбаада ишлайди.

1910 йил, май

Шоирнинг онаси Жаҳонбиби Раббийбой қизи вафот этди.

1910 йил

Ҳамза Тошкентга келиб, Қашқар дарвоза маҳалласида усули савтия мактабини очади.

1911 йил

Ҳамза Қўқон шаҳрида Ҳожибек гузарида янгича усулдаги мактаб очиб, бир йилча вақт давомида ўқитувчилик қилади. Қамбағал оилаларнинг болаларини пулсиз ўқитмоқ учун «Ердам жамияти» ташкил этади. Катта ёшдаги кишиларни ўқитмоқ учун 2—4 ойлик кечки мактаб очади.

1912 йил, октябрь

Ҳамза Аксинья Платоновна Уваровага уйланади.

1913 йил

Истамбулда ўқиш ниятида йил бошларида чет эл сафарига чиқади. Шу йилнинг охирида Қўқонга қайтиб келади. У ўз таржимаи ҳолида таҳсилни тугатмай қайтиш сабабларини «отам ва бир рус қизидан уйланган оиланинг юборган ачулик хатларидан кўрқиб қайтдим»,— деб изоҳлайди.

1914 йил

Ҳамза Қўқонда янги усулдаги мактаб очиб, ўқитувчилик ишини давом эттиради. Бу мактаб учун «Енгил адабиёт» (1-синф учун), «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» (2-синф учун) дарсликларини ёзади. Қамбағал оила болалари учун «Дор ул-айтом» («Етимлар мактаби»)ни очади. Лекин бу мактаблар фаолияти кўп давом этмайди, подшо чиновниклари томонидан хавфли саналиб, ёпилади.

1914 йил, декабрь

Ҳамза «Садон Фарғона» газетасининг муҳаррири Охундийнинг

ёрдами билан Марғилонда мактаб очади. Лекин саккиз ойдан сўнг мактаб Скобелев (Фаргона) маориф раҳбари томонидан ёпилади.

1915 йил, 1 февраль

Ҳамзанинг Савдохон исмли тўнғич фарзанди туғилади (шу йилнинг 13 июнида вафот этган).

1915 йил, август

Ҳамза Марғилондаги Аҳмадали қори Муҳаммадали ўғли му- дирлик қилган «Мактаби Аҳмадалия»да дарс бера бошлайди.

1915 йил

Ҳамза Марғилонда янги мактаб очиб, ўқитувчилик қилади ва муаллимлар тайёрлайдиган курсда дарс беради.

Ҳамза ташаббуси билан Қўқонда «Ғайрат» китобхонаси таш- кил этилади.

Ҳамзанинг «Янги саодат ёхуд Миллий роман» асари ва «Мил- лий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»нинг биринчи бў- лимини тошбосмада нашр этилади.

1916 йил

«Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»нинг иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи бўлимлари — «Оқ- гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул» ва «Яшил гул» тўп- ламлари ҳамда «Заҳарли ҳаёт» пьесаси тошбосмада чоп эти- лади.

Ҳамза бойлар, руҳонийлар, чор амалдорлари таъқибига уч- раб, Қўқондан кетишга мажбур бўлади ва Мирзачўл станциясида пахта тозалаш заводида ишлайди.

1917 йил, январь

Ҳамза «Кенгаш» номли журнални нашр эта бошлайди. Жур- налнинг 2-сонида босилган мақолалар бой ва уламоларга маъқул тушмагани сабабли журналдан четлаштирилади.

1917 йил, 28 февраль

Қўқондаги 3-сон рус-тузем мактабига ўқитувчи этиб тайин- ланади.

1917 йил, 28 март

Ҳамза Қўқонда «Авом тарафдори» жамиятини очади.

1917 йил, 25 май

Ҳамза «Шўрои ислом» ташкилотининг озуқа шўбасида мирза бўлиб ишлай бошлайди.

1917 йил, 28 май

Ҳамза ташаббуси билан Қаландархона (Қўқон)да 400 га яқин ишчиларнинг намоёниси бўлиб ўтади ва «Меҳнаткашлар жамияти» ташкил этилади.

1917 йил

Ҳамза «Хуррият» журнални чиқара бошлайди. Журналнинг 5-сони чиққач, бой ва уламолар уни журнал муҳаррирлигидан четлатишади.

1917 йил, 15 август

Ҳамза билан «Шўрои ислом»нинг раҳбарлари ўртасида бошланган тўқнашув туфайли шоир Саидносир Миржалилов кўмагида Туркистонга қочиб, у ерда 1918 йил апрелига қадар яшириб юришга мажбур бўлади.

1918 йил, апрель

Ҳамза Туркистондан қайтиб, Қўқонда муаллимлик ишларини давом эттиради.

1918 йил

Фарғонадаги «наҳори мактаб»да муаллимлик қилади. Ҳамза Фарғона маданий-маориф ташкилотига кириб, музыка тўдаси қошида театр тўдасини тузади. Шу кундан бошлаб Сайёрий труппа Қизил Арвог фронтига бориб, 1920 йилгача ҳарбий ташвиқот-тарғибот бўлимлари қарамоғида маданий хизмат кўрсади.

Ҳамза «Ишчилар ҳаётидан», «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жазоси» ва бошқа пьесаларини ёзиб, саҳнага қўяди.

1919 йил, 1 май

Тошкентда «Турон» саҳнасида «Очлик қурбонлари» пьесаси саҳнага қўйилади.

Ҳамза бошлиқ театр труппаси Туркистон фронтининг сиёсий бошқармаси ихтиёрига ўтиб, Ўлка мусулмон сиёсий труппасига айлантирилади.

1920 йил, 29 февраль

«Турк кучи» труппаси Тошкентда Ҳамзанинг «Емон одат ёхуд Еш хотин касофати» асарини саҳнага қўяди.

1920 йил, 25 март

«Турк кучи» труппаси Тошкентда «Лошмон фожиаси»нинг учинчи бўлими ёхуд «Истибод қурбонлари» асарини саҳнага қўяди.

1920 йил, июль

Ҳамза Андижонга театр труппасини ташкил этиш учун боради.

1920 йил, 4 декабрь

Ҳамза «Дор уш-шафақа» мактабида мудир бўлиб ишлай бошлайди.

1920 йил, 9 декабрь

Ҳамзанинг отаси Ибн Ямин Ниёз ўғли (1836—1920) вафот этади.

1920 йил

Ҳамза Коммунистлар партиясига аъзо бўлиб киради.

1921 йил, март

Бухорода маориф ва ҳарбий тарғибот-ташвиқот шўъбалари қошида театр труппасини ташкил қилиб, 1921 йил охиригача Бухоро вилоятида маданий хизмат кўрсатади.

1921 йил, ноябрь

Ҳамза Хоразмга бориб, касаба союзларининг маданий-маориф шўъбасида, 1922 йилдан бошлаб эса маориф, театр ва тарғибот-ташвиқот муассасаларида ишлайди.

1921 йил

«Хоразм инқилоби» пьесасини ёзади.

1922 йил, май

Амударё вилояти партия қўмитаси топширувига биноан Ўзбек-туркман сийсий-оқартув труппасини ташкил этади.

1923 йил, 10 февраль

Хўжайлидаги қозоқ мактаб-интернатига мудир этиб тайинланади.

1923 йил, 18 март

Ҳамза Хўжайлида Зайнаб Аҳмаджоновага уйланади.

1923 йил, 4 июнь

Хоразм Халқ Шўролар жумҳурияти маориф ходимларининг I қурултойида иштирок этади.

1924 йил, июль

Ҳамза Фарғона вилоятига қайтиб келади.

1924 йил, сентябрь

Ҳамза Фарғона маориф қўмитаси қарамоғидаги онг-билим шўъбасига мудир ўринбосари этиб тайинланади ва вилоят театр труппасининг бадний раҳбари бўлиб хизмат қилади.

1925 йил, февраль

Ҳамзанинг ўғли Аббос таваллуд топди (1943 йили Улуғ Ваган урушида ҳалок бўлган).

1925 йил, 10 август

Ҳамза Аввал қишлоғида яшай бошлайди. «Қишлоқда туришдан мақсадим,— деб ёзади Ҳамза таржимаи ҳолида,— қишлоқ рўзғори, табиат бойлиги билан танишув билан бирликда, қишлоқ турмушидан саҳналарга пьеса ҳозирламоқдир».

«Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши», «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки Яллачилар иши» пьесаларини ёзади.

1926 йил, январь

Ҳамза Ўзбекистон маданий-оқартув ходимларининг I қурултойида иштирок этади.

1926 йил, 27 февраль

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Ҳамза Ҳакимзодага улкан адабий фаолиятини эътиборга олиб, «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвонини беради.

1926 йил, июнь

Аввал қишлоғи меҳнаткашлари Ҳамзани меҳнаткашлар депутатлари советининг Фарғона туман II қурултойига вакил қилиб сайлайдилар. Қурултойда у туман ижроия қўмитаси аъзолигига сайланади.

1926 йил, октябрь-ноябрь

Ҳамза Самарқанд марказий сайлов комиссияси ихтиёрида хизмат қилади.

«Сайлов олдида», «Бурунги сайловлар» пьесалари ва «Қора соч» номли операни ёзиб тамомлайди.

1927 йил

Қўқон темир йўл депоси ишчилари орасида музика тўғрисида тузиб, унга раҳбарлик қилади.

«Янги Фарғона» газетасида актив қатнашади.

1928 йил, август

Ҳамза Шоҳимардон қишлоғига бориб, маданий оромгоҳ очиб, ишлаб чиқариш артели тузиш, болалар учун мактаб, катталар учун саводсизликни тугатиш курсини ташкил этиш билан шуғулланади, диний урф-одатларга қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боради.

1929 йил, 21 январь

Ҳамза ташаббуси билан Шоҳимардонда В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилади.

1929 йил, 8 март

Шоҳимардонда хотин-қизлар байрамига бағишланган йиғилишда доклад қилади. Йиғилишдан сўнг 23 та хотин-қиз паранжларини ташлайдилар.

1929 йил, 18 март

Ҳамза Шоҳимардонда бир тўда реакцион кучлар томонидан тошбўрон қилиб ўлдирилади.

ҲАМЗА АСАРЛАРИ ҚУРСАТҚИЧИ

- Авлоди Туркистон, бу дам доғи ватанлардан гапур... 2, 96
 Адабий лавҳалар ва қайдлар 5, 175
 Аё дилбар, бу кулбамга қадам ранжида қилсанг-чи... 1, 192
 Аё, кўнгулни қоронғу жаҳонига қуёш... 1, 94
 Аё, эй маҳваши золим, тасаддуқ жоним айлансун... 1, 138
 Азалдан инқилобингни бино қилғувчиман... 2, 272
 Айғил, нигор, ўзни расво қилайму қилмай... 1, 211
 Айтдим: Пари, ман хастага мунча жафо даркор эмас... 1, 91
 Аламдин ишқ ила сан маъшуқи дилдор, деб келдим... 1, 121
 Араб тилида ёзилган хатлар 5, 151
 Арз ила яна санга саломим... 1, 218
 Арзимни айтай боди сабога... 1, 181
 Арзимни еткур, эй сабо, маҳваш мани ёд айласун... 1, 137
 Аризалар 5, 156
 Аҳволимиз 2, 94

- Бан ул қурбонилардинким, тирикман, танда жоним йўх... 1, 60
 Банимтек оси умматни паямбар йўхлагайларму?... 1, 162
 Бар танат заррин қабоҳу бар сарат тожи сараст... 2, 295
 Бахтат ба бади афтаду саҳлат бигаронат... 2, 292
 Бевафо дилдорим суймоқ абас... 1, 56
 Бердим кўнгул, эй маҳвашо, донолигинга қул бўлуб... 1, 323
 Берма эркингни қўлдан... 2, 167
 Бидеҳ, соқи, паёнай журъа бар ин масти шайдоро... 2, 291
 Бидъатми? Мажусиятми? 4, 233
 Биё соқи, бидеҳ аз май бар ин Мажнуни шайдоро... 1, 32
 Биё-биё ки ситамгар, номанд тоқату тоб... 1, 44
